

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Қ.Ж.Мирзаев, Ғ.С.Мустафоев,
Б.К.Жанзаков**

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ
ИҚТИСОДИЁТИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Самарқанд 2023

УЎК: 338.46(075.8)

М 54

КБК: 65.6я73

*Қ.Ж.Мирзаев, Ғ.С.Мустафоев, Б.К.Жанзаков. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти** [Матн]: Дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ. Нашириёти, 2023 – 418 бет.*

Ўшбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлирининг бакалаврият таълим йўналишларида ўқиётган талабалар учун хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолияти бўйича чуқур иқтисодий билимлар беришга қаратилган. Ушбу мақсадни амалга оширишда бугунги кунда иқтисодиёт учун долзарб ҳисобланган хизмат кўрсатиш корхоналари бўйича иқтисодий кўрсаткичларни чуқур ўрганиш, хизматлар бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларни баҳолай билиш, соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш, ижтимоий-иқтисодий, хизмат кўрсатишдаги ҳуқуқий ислохотларни хизматлар соҳасидаги амалга оширилиши юзасидан стратегик ва жорий қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётда ижросини таъминлаш, шунингдек, хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ҳамда алоҳида олинган тармоқлар ва соҳаларда (таълим, соғлиқни сақлаш(тиббий хизмат), туризм, агрохизмат, транспорт хизмати, давлат хизмати ва бошқа шу кабилар) назарий ва методологик билимларга, амалий кўникмаларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Ўқув қўлланма 60310100- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мустақил-изланувчилар, доктарантлар ҳамда малака ошириш курслари тингловчилари, соҳа раҳбарлари ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қ.Ж. Мирзаев умумий таҳрири остида.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор **Н.У.Арабов**

и.ф.д., доцент **Ш.О. Кувандиков**

СамИСИ илмий кенгашининг 2023 йил 30 майдаги (10-сонли мажлис баёни) мажлисида қараб чиқилди ва ўқув қўлланма сифатида нашр қилишга тавсия этилди.

ISBN: 978-9910-9795-1-4

© Қ.Ж.Мирзаев, Ғ.С.Мустафоев, Б.К.Жанзаков. СамИСИ. 2023 й.

© “STEP-SEL” МЧЖ. Нашириёти. 2023 й.

КИРИШ

Мамлакатимизни рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш хизматлар соҳаси иқтисодиётини тизимли тараққий эттиришни тақозо этади.

Республикамиз миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳондаги ривожланган давлатларда ЯИМ даги хизматлар соҳасининг салмоғи 65%-80% ташкил этаётган бир пайтда, Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ да хизматлар соҳасининг улуши 37,6% (2021-йил) ни ташкил этади. Буларнинг барчаси келгусида Республика Тараққиёт стратегиясини самарали амалга оширишда хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни зарур қилиб қўяди.

Шундай экан, алоҳида таъкидлаш зарурки жаҳонда, шу жумладан Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёти тараққий топган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўсиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, хизматлар соҳаси тараққиётига асосланган иқтисодий ўсишни таъминлаш, шунингдек аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда кейинги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2022 йил 28 январда ПФ-60 фармонида асосан 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси қабул қилинган. Мазкур Тараққиёт стратегиясининг 34-мақсадида “Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш” вазифа қилиб белгиланган.

Республикамиз иқтисодиётини энг муҳим тармоқларни модернизациялаш ва диверсификациялашда хизмат кўрсатиш соҳасини доимий равишда рақамли иқтисодиёт шароитига мос барқарор иқтисодий ривожлантириш учун уларнинг хўжалик фаолияти

самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тизимли такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур жараён қўйидагиларни ўз ичига олади, жумладан хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва хизматлар сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш каби долзарб муоммоларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

Шундай экан мазкур “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” ўқув қўлланмаси асосида талабаларга билим беришдаги заруриятдан келиб чиқиб, энг аввало мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳасининг улушини тизимли ошириб бориш, айниқса ЯИМдаги салмоғини ривожланган давлатлар даражасига етказиш ва бунинг учун соҳага эҳтиёж асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини беради.

Республикамизда хизматлар соҳаси учун юқори малакали ва сифатли соҳа мутахассисларини тайёрлаш натижасида хизмат кўрсатиш корхоналарида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, хўжалик фаолиятини ривожлантириш энг муҳими соҳада ўта долзарб бўлган бир қатор муаммоли масалаларни ҳал этиш асосида янги имкониятларни очиб беради.

Мазкур ҳолатлар хизматлар соҳаси корхоналари ва шохобчаларининг моҳияти ва табиатини ўзгартирди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва аҳамиятини тубдан янгилаштиришга олиб келди. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, Республикамизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида хизматлар соҳасида мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилди, соҳада хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш амалга оширилди.

Иккинчидан, ушбу соҳада шу пайтгача давлат ва кооператив хизматига асосланган режали иқтисодиёт ҳукм суриб келаётган монопол фаолиятга ва у билан боғлиқ иқтисодий механизмларга барҳам берилди.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари ва шохобчаларининг мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янги тус олиб, тақсимот тизимига хизмат қилиш барҳам топиб, бозор муносабатларига асосланган ҳақиқий хизматлар соҳаси тизими шакллантирилди.

Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароитига мос хизмат кўрсатиш корхоналари ва шохобчалари фаолиятини юритишнинг янги тартиби шакллантирилди ва соҳада эркин тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилди.

Бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий тузилмалар, вертикал бошқариш тизими каби бошқарув тизими барҳам топди ва улар ўрнига замонавий бошқарув хизматига асосланган янги ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Олтинчидан, соҳа фаолиятида хизмат кўрсатиш жараёнида ташқи муҳит ўзгарди, шунга мувофиқ уларнинг микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор муносабатлари шароитига мослаштирилди.

Еттинчидан, соҳада янги иқтисодий механизмлар вужудга келтирилди. Олдин фақат товар айланмаси режасининг бажарилиши учун курашилган бўлса, энди манфаатлар кўлами кенгайди. Бундан мулкдор ҳам, савдо ходими ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлишлиги ва уларнинг манфаатларига зид бўлмаслигини тақозо қилмоқда.

Саккизинчидан, хизматлар соҳасида, хусусан: иқтисодий эркинлик, мустақил ўз-ўзини бошқариш, мулкни тасарруф этиш ва унга эгалик қилиш, ўз ресурсларини мустақил ишлатиш, ўзини-ўзи маблағлар ва товарлар билан таъминлаш, иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик маъсулияти оширилишига олиб келди.

Тўққизинчидан, хизмат кўрсатишни рақамлаштириш асосида ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу эса бир томондан, ортиқча сарф-харажатлар тежалишига олиб келса, иккинчи томондан турли ноқонуний ҳолатлар, коррупциянинг олдини олиш имкониятини яратади.

Бундай шароитда хизмат кўрсатувчи корхоналар ва шохобчаларининг иқтисодий-молиявий барқарорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб қолди. Жумладан, соҳани тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш, янги шароитда хизмат кўрсатиш корхоналарининг эркин фаолиятини таъминлаш, юзага келган муоммоларни бартараф этиш масаласи ўта долзарб масалалар сирасига киради. Шу жиҳатдан, мазкур ўқув қўлланма соҳа ходимлари учун нафақат, назарий ва балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Юқорида келтирилган объектив заруратдан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни, уларга хизматлар соҳасини бошқариш ва соҳа иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида чуқур билимлар ва кўникмалар беришни ҳам тақозо қилмоқда.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, мазкур ўқув қўлланмадаги барча боблар рақамли иқтисодиёт шароитида, бозор муносабатлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳатларнинг хизматлар соҳасига жорий қилиниш жараёнини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш,

хизматларнинг муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги масалаларни қамраб олган.

Ўқув қўлланманинг тузилиши ва шаклланиши иқтисодий фанлар олдига қўйилган ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан бўлиб, хизматлар соҳаси учун малакали етук мутахассислар учун чуқур билим ва кўникмалар беришга қаратилган.

Ўқув қўлланма 60310100- Иқтисодиёт(тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Шунингдек, ушбу ўқув қўлланмадан олий таълим тизимидаги барча соҳа мутахассислари мустақил изланувчилар, доктарантлар, соҳага қизиқувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланмада ёритилган мавзулар қуйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди:

Кириш, 1, 2, 4, 12, 13 мавзулар – Мирзаев Қ. Ж.

3, 5, 6, 8, 10, 12 мавзулар – Мустафоев Ғ. С.

7, 9, 11, 14, 15 мавзулар – Жанзаков Б. К.

I БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ, ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Хизматлар соҳасининг иқтисодий моҳияти.

1.2. Хизматлар соҳасининг табиати ва тавсифи.

1.3. Хизматлар соҳасининг миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни.

1.4. Хизматлар кўрсатиш институтининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.

1.1. Хизматлар соҳасининг иқтисодий моҳияти.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш турли соҳа ва тармоқлар тараққиётига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ушбуни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланган хизматлар соҳасини муҳим жиҳатларини чуқур таҳлил этиш давр талабидир.

Хизматлар соҳаси халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимида қатнашади ва мавжуд жамиятда ҳаракат қиладиган умумий иқтисодий қонунларга бўйсинади.

Иқтисодий адабиётлардан маълумки, иқтисодиётнинг барча тармоқларини халқаро таснифга кўра уч секторини ажратиш қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати), ва учламчи (хизмат кўрсатиш соҳаси ёки ижтимоий соҳа).

Шундай экан, хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намаён бўлади:

- биринчидан, маҳсулотлар белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан хизмат соҳаси маҳсулоти - ўта мураккаб ва ўзига ҳос товар сифатидаги хусусиятларга эга. Бунда истеъмол фондини кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти сифатида кўрилиши мумкин.

- иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар хилма хиллиги нуқтаи назаридан улар «номоддий маҳсулотлар», яъни истеъмол қилинадиган ресурслардаги ўхшашлик харажатлари структураси бўйича намаён бўладиган, ҳамда моддий - ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган товар белгиларига кўра фарқланади. Номоддий соҳада айрим субъектлар

бўйича ўтказилган тадқиқот манбаларига кўра, хизмат кўрсатишда амортизацияни қўшган ҳолдаги моддий харажатлар театрларда 13,3%, циркларда 17,0%, концерт ташкилотларида 3,5%, паркларда 20,3%, шунингдек, моддий соҳада эса саноатда 82,8%, қурилишда 64,8% ни ташкил этади.

- учинчидан, кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра хизмат кўрсатиш соҳасида биринчи навбатда шунда намоён бўладики, унга кўра хизматлар соҳасида асосий ишловчилар ўз соҳасини чуқур биладиган юқори малакали олий ёки ўрта махсус маълумотли малакали мутахассислар ҳисобланади.

Хизматлар соҳаси иқтисодий актив фаолиятнинг бир тури бўлиб, бозор муносабатлари шароитида турли хил истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш билан шуғулланади. Ушбу фаолият алоҳида олинган хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган структуралар орқали амалга оширилади, улар ўз навбатида ушбу тизимнинг субъектлари ҳисобланади. Мавжуд субъектлар ижтимоий эҳтиёжларнинг миқёси ва мазмунини баҳолаш орқали барча истеъмолчиларга ўз хизматларини таклиф этади ва уларни қондиришга ҳаракат қилади.

Хизматлар соҳаси тизимига қарашли бўлган субъектлар жумласига тадбиркорлар ёки хизматлар ташкилотларининг жамоалари ҳам киради. Юқорида қайд қилинган ташкилотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо, транспорт, таъмирлаш, агросервис ва бошқалар;

- ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш фирмалар - масалан сайёҳлик, меҳмонхона, даволаш;

- махсус хизмат кўрсатувчи бюро, идоралар - юридик, ахборот, реклама, турар жойлар.

- ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш муассасалари - қонунни қўриқлаш ва маданият муассасалари бўлиб ҳисобланадиган милиция бўлимлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар;

- махсус ихтисослаштирилган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар - банк, суғурта, қўриқлаш ва ҳокозолар.

Хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат, саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдагидан фарқ қилади. Яъни моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишчи физик материаллар шаклини ўзгартиради ёки биологик ресурслар билан иш олиб боради. Саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш борасида инсон, катта энергия сарфлайди. Ушбу сарфни ҳисоблаш ва иш ҳақи тарзида қоплаш мумкин. Ушбу жараёнда ишловчи қандайдир дастлабки материални қайта шакллантиради ва охириги натижада товар мақомига эга бўлган янги хом-ашё ёки маҳсулот олади.

Олинган махсулотлар шакл, оғирлик, хажм ва бошқаларга эга бўлади, шунингдек маълум қиймат ифодасига ҳам.

Иқтисодиётда хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, соҳада меҳнат бошқачароқ тавсифга эга. Бу ерда ишловчи авваламбор инсон, унинг эҳтиёжлари ва хохишлари билан дуч келади. Хизматлар ўраб турган атроф муҳитда, инсон қиёфаси ёки унинг онгида конструктив ўзгаришларни амалга оширади, ушбу ўзгаришлар предмет - буюмли тавсифда аниқ ифодаланмайди. Масалан сартарош меҳнати, почталион хизматлари, ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий - ижобий самара беришини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин хизматлар ишлаб чиқувчилари ва истеъмолчилари ҳаракат қиладиган ҳолат, уларнинг ўзаро ҳаракатларисиз амалга ошмайди. Бу хизматлар фаолиятида у ёки бу томоннинг ўзаро қатнашишининг муҳимлигидан далолат беради.

Хизматлар соҳаси фаолиятининг ўзига хос тавсифдаги иқтисодий ҳолатлигини белгиловчи хизматлар аломатлари қуйидагилардан иборат:

- хизматлар кўрсатиш жараёни ўзига хос фаолиятдан ташкил топади унда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига хос бўлади. Ушбу фаолиятнинг натижаси бўлиб, истеъмолчи учун аҳамиятли бўлган фойда, неъматлар, манфаат беради ва у хизматлар ишлаб чиқарувчиси меҳнатига бозор баҳосида ҳақ тўлайди.

- кўрсатилаётган хизматлар ҳис қилиб бўлмайдиган, буюм тавсифида бўлмайди, лекин уларни ишлаб чиқиш учун одатда моддий ресурслар, техника ва маҳсус асбоб - ускуна зарур.

- уларни тақдим этиш бошланишига қадар хизматлар мавжуд бўлмайди, уларни сақлаш, тахлаш мумкин эмас. Хизматларни ишлаб чиқиш жараёни уларни истеъмол қилиш жараёни билан бир вақтда бошланади.

- истеъмолчи кўпчилик ҳолатларда хизматлар кўрсатиш жараёнида бевосита қатнашади. Қатор хизматларда истеъмолчининг қатнашиши шарт эмас; истеъмолчи хизмат кўрсатишнинг маълум босқичида пайдо бўлиши мумкин, лекин у албатта пайдо бўлиши лозим, чунки усиз хизматлар ўзининг яқунловчи тавсифига эга бўлмайди.

- хизматлар истеъмолчиси уларнинг мулк эгасига айланиши мумкин эмас. Лекин бу хизмат кўрсатиладиган буюмларга таалукли эмас. Масалан тикилган костюм, таъмирланган телевизор ва ҳокозолар.

- хизмат кўрсатиш - бу фаолият, шунинг учун харидор унга пул тўлагунга қадар олдиндан баҳоланиши мумкин эмас.

- конкрет хизмат конкрет истеъмол баҳосини, фақат ушбу йўналишдаги маълум вақтдагина олиши мумкин. Бу ўз навбатида унинг

бозорда алмаштирилиш имкониятларини кескин чегаралайди. Шу сабабли хизматларга бўлган талаб кескин ўзгариш тавсифига эга.

Хизматлар соҳаси фаолияти субъектлари бир бирлари билан ўзаро муносабатда бўлиб, ўз ўзларининг активлигини ошириш эвазига хизматлар маҳсулотларини яратишадилар. Хизматлар маҳсулоти аниқ хизматга қараганда қийин ва кенг ҳажмли ҳолатдир. Ушбу маҳсулот қуйидаги жуда муҳим таркиблардан ташкил топади:

мавжуд хизматлар хилма хиллиги (конкрет хизматлар корхонаси ва аралаш корхоналар ишловчилари) алоқадор хизматлар фаолияти барча субъектларининг меҳнати;

маҳсулотни яратишга жалб қилинган ёрдамчи механизмлар, техник асбоб - ускуналарнинг ҳаракат қилиши;

хизматларда фойдаланиладиган моддий буюмлар, предметлар, товарлар.

Умумий ҳолда хизматлар маҳсулоти хизматлар фаолиятининг комплекс табиатини акс эттиради, шунингдек унинг турли йўналиш ва турларининг ўзаро бир бирларини тўлдирувчи тавсифини ҳам.

Турли хил хизматлар маҳсулотлари нафақат ташкилотлар ва фирмалар даражасида, балки тармоқ, ҳудуд ва миллий халқ хўжалиги даражасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан миллий сайёҳлик маҳсулоти. Ушбу маҳсулотни яратишда бир қанча тармоқлар бевосита иштирок этишадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг воситаларини аграр жамиятда, индустриал жамиятда ва постиндустриал жамиятда ҳам турлича кўринишда акс этган муҳим хусусият ҳисобланади.

Ҳар қандай хизматлар фаолияти мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Шу сабабли хизмат кўрсатишдаги эҳтиёжнинг иқтисодий моҳиятини чуқур таҳлил қилиш соҳани илмий тадқиқ этишда муҳим ҳисобланади.

Эҳтиёжлардаги объективлик - бу инсоннинг ташқи табиат ва ижтимоий муҳит ва ўз организми хусусиятларидан реал боғлиқлигидир. Бундай талаблар уйқуга, овқатга, нафас олишга ва бошқа биологик талабларга бўлинади. Уларсиз ҳаёт мумкин бўлмайди, шунингдек, айрим қийин ижтимоий талаблар ҳам шулар жумласидандир.

Эҳтиёжлардаги субъективлик - бу субъект томонидан тақдим этилади, у томонидан белгиланади, унга боғлиқ бўлади. Эҳтиёжларнинг субъектив компоненти- бу инсон томонидан ўзининг объектив муҳтожлигини англашидир (тўғри ёки иллюзияли).

Объектив муҳтожлик ва ушбу муҳтожликни субъектив тушиниш ўртасидаги қийин муносабатлар, хизматлар фаолияти учун жуда кенг

имкониятлар яратади. Оддий ва идиал ҳолатларда инсонлар ўзларининг объектив эҳтиёжларини яхши тушинадилар, уларни қондириш йўлини кўрадилар ва уларга эришиш учун барча керакли нарсаларга эгалик қиладилар. Кўпинча тескариси бўлади ва у қуйидагилар билан шартланади.

Биринчидан инсон дам олиш, даволаниш, таълим олиш, қандайдир предметлар ва хизматларларга объектив шартланган эҳтиёжга эга бўлиши мумкин, лекин уни англамаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда хизматлар фаолияти эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Яъни инсон томонидан эҳтиёжларни англаш ва у учун таклиф этилаётган хизматларлардан фойдаланишга интилишга ҳаракатни ташкил этишдир. Янги эҳтиёжларни шакллантириш кўпинча янги техник воситаларни яратиш билан боғлиқ. Улар жумласига автомобиллар, телефон, телеграф, телевизор, лазерлипринтерлар, компьютерлар ва бошқалар киради.

Иккинчидан эҳтиёж ноаниқ ва нотўғри англаниши мумкин. Бундай ҳолатларда хизматлар фаолияти вужудга келган эҳтиёжни аниқлаштириш ва конкретлаштиришга ёрдам беради, уни шакллантиришга ёрдам беради ва таалуқли хизматлар мажмуини таклиф этиши мумкин. Жумладан хизматлар кўрсатиш соҳаси янги дам олиш шакллари, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва маиший хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари, маълумот беришнинг янги шакллари тақдим қилади.

Учинчидан қийин ҳолатларда инсоннинг объектив интилиши унинг объектив манфаатлари ва эҳтиёжлари билан мос келмайди ёки улар билан қарама қарши бўлади. Натижада ўзига хос сохта талаб, нотўғри талаб ва онгсиз талаб вужудга келади.

Хизматлар, эҳтиёжлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳолатлари билан ўзаро алоқаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин

Хизматлар фаолиятининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар:

1. Инсоннинг табиат ва жамият томонидан шакллантирилган қирралари;

2. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва ҳўжалик тизими;

3. Мавжуд жамиятда шаклланган маънавий ва маданий ананалар;

4. Ижтимоий структуралар: давлат, сиёсий партиялар.

Инсон учун у ёки бу турдаги хизматлар фаолиятининг аҳамияти шунга боғлиқки, у қайси эҳтиёжларни муҳим деб ҳисоблайди ва уни биринчи навбатда қондиришга ҳаракат қилади.

Биологик эҳтиёжлардан ташқари ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлиб, улар таълим ва маъданиятнинг ривожланиши, меҳнат жараёнлари, техник мосламалардан фойдаланиш, саънат ва бошқа

турдаги барча инсон фаолиятига боғлиқ бўлади. Хар қандай ижтимоий эҳтиёжларда уларга қўшилган биологик компонентлар акс эттирилади.

1.1-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳасининг воситалари1

Аграр жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасининг воситалари

Ҳисоблаш счёти қўл меҳнатида фойдаланадиган шу каби бошқа воситалар	Ерга ишлов берадиган ёлланма ишчилар, уста дурадгорлар, чилангар, кулоллар шу каби бошқаларга хизмат кўрсатувчилар.	Хат ташувчи кабуларлар, ер хайдовчи ва юк ташувчи хайвонлар хизмати.	Бугдой янчувчи сув ва шамол паррагида ишловчи тегирмонлар	Сувни хайдовчи ва ер суғориш чархпалаклари, сунъий ариқ ва каналлар шу каби бошқалар	Йўловчиларни ташишга мўлжалланган аравалар, кема ва қайиқлар шу каби бошқалар.
---	---	--	---	--	--

Индустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасининг воситалари

Ҳисоблаш счёти каби воситаларнинг ўрнини босувчи меҳаник ускуналар	Ерга ишлов берадиган машиналар (трактор, булдозер, эксковатор, комбайн).	Товар ва хизматлар яратишда фойдаланадиган аппарат ва ускуналар	Юк ташиш ва юк кўтаришга мослашган машиналар (кема, параход, самалиёт, поезд, кранлар).	Теле Радио, телефон алоқа приборлари	Таълим, соғлигини сақлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга мўлжалланган машина ва апаратлар
--	--	---	---	--------------------------------------	---

Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасининг воситалари

Таълим соҳасидаги онлайн дарслар, электрон дарсликлар, электрон журналлар, махсус педагогик воситалар ва бошқалар;	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги касалликни аниқлашда фойдаланиладиган барча махсус апаратлар, онлайн маслаҳатлар, мослаштирилган web-дастурулар ва шу кабилар	Сайёҳлик, дам олиш, сафар килиш учун маълумотларни тақдим этадиган дастурий таъминотлар;	Мобил қурилмалар, банкомат, электрон дастурий воситалар ва электрон пуллар шу кабилар орқали кўрсатилаётган хизматлар;	Интернет, алоқа линиялари, роутер, кабеллар, тўлқин тарқатувчи қурилмалар;	Броузер, web-сайт, махсус порталлар, электрон ҳуқумат, мўлжалланган дастурлар;
--	--	--	--	--	--

Уларни ушбу эҳтиёжларни қондириш бўйича хизматларлар кўрсатишда инобатга олиш зарур. Жумладан, таълим, маъданият, транспорт, компьютер технологиялари соҳаси бўйича хизматлар хизматларларини амалга оширишда умумий қоидага риоя қилиш лозим: ушбу хизматларлардан фойдаланиш инсон организмига тушадиган жисмоний ва психологик оғирликнинг мумкин бўлган даражасидан ортмаслиги лозим. Ушбу даража организмнинг биологик табиатига боғлиқ ва ёш билан ўзгаради.

Биологик эҳтиёжлардан ташқари ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлиб, улар таълим ва маъданиятнинг ривожланиши, меҳнат жараёнлари, техник мосламалардан фойдаланиш, саънат ва бошқа турдаги барча инсон фаолиятига боғлиқ бўлади. Хар қандай ижтимоий эҳтиёжларда уларга кўшилган биологик компонентлар акс эттирилади. Уларни ушбу эҳтиёжларни қондириш бўйича хизматларлар кўрсатишда инобатга олиш зарур. Жумладан, таълим, маъданият, транспорт, компьютер технологиялари соҳаси бўйича хизматлар хизматларларини амалга оширишда умумий қоидага риоя қилиш лозим: ушбу хизматларлардан фойдаланиш инсон организмига тушадиган жисмоний ва психологик оғирликнинг мумкин бўлган даражасидан ортмаслиги лозим. Ушбу даража организмнинг биологик табиатига боғлиқ ва ёш билан ўзгаради.

1.1-жадвалдан билиш мумкинки хизмат кўрсатиш соҳасининг воситалари аграр, индустриал ва постиндустриал жамиятларида бири-биридан фарқланган. Аграр ва индустриал жамиятлардан фарқли равишда постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий кўринишини юқоридаги гуруҳ талқин этади. Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатишнинг замонавий воситаси инсонларнинг оғирини енгил, мушкулени осон, талаб ва эҳтиёжини юқори сифат билан тез қондиради.

1.2. Хизматлар соҳасининг табиати ва тавсифи.

Хизматлар фаолияти деганда инсонлар талабини қондиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган хизматлар кўрсатиш корхоналари шунингдек, хусусий, давлат ва жамоа мулкига эга бўлган корхоналар киради. Улар меҳнатининг натижаси бўлиб сифатли хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Шундай экан, хизматлар деганда аввало инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган меҳнат маҳсулотини тушуниш лозим. Ушбу фаолият туридан олинган маҳсулот(хизмат кўрсатиш)нинг асосий мақсади, инсонларнинг аниқ талабларини қондириш ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда хизматлар-бу инсонларнинг турли эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

Ушбу фаолият турининг маҳсулотларда шаклланиши (моддий хизматлар), ҳамда меҳнат жараёнининг ўзида истеъмол қилинадиган фойдали меҳнат самараси сифатида (номоддий хизматлар) намоён бўлади. Масалан тикувчининг хизматлари шундан иборатки, у костюм, шим ва бошқа буюмлар тикади. Унинг фаолияти ушбу буюмларда шаклланади (моддий хизматлар).

Хизматлардан фойдали самара - бу инсоннинг у ёки бу талабини қондиришга бевосита йўналтирилган хизматларнинг ялпи фойдали хусусиятидир.

Хизматлар истеъмолчиси-бу шахсий эҳтиёж учун хизматларни олувчи, буюртма берувчи ёки уни олиш ва буюртма бериш ниятида бўлган фуқородир.

Хизматларни бажарувчи-истеъмолчига хизматлар кўрсатувчи корхона, ташкилот ёки тадбиркор.

Хизматларнинг натижаси бўлиб, товарнинг истеъмол хусусиятларини қайта тиклаш (ўзгартириш, сақлаш), буюртмага биноан янги маҳсулот яратиш, истеъмол шароитларини яратиш, соғлиқни, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар ҳисобланади.

Хизматлар фаолиятида идеал ва реал хизматлар тушунчалари мавжуд.

Идеал хизматлар - бу хизматлар фаолиятининг у ёки бу туридаги абстракт, назарий кўринишдаги модели(абстракт шакли)дир. У ўз ичига аҳолига хизматлар кўрсатиш қоидалари, сифат стандартлари ва хизматлар кўрсатиш технологияларини қамраб олади.

Реал хизматлар - бу истеъмолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган аниқ моддий ҳаракатлардир. Ушбу хизматларни бажарувчилар, истеъмолчилар, уларни кўрсатишнинг аниқ шароитларига қараб яқка ҳолатда тартиблаштирилади.

Ҳозирги кунда хизматлар ташкилотлари моддий ва ижтимоий-маданий хизматларни амалга оширадилар.

Моддий хизматларлар деганда, инсонларнинг моддий талабларини қондирувчи хизматлар тушинилади. Ушбу хизматлар маҳсулотларнинг истеъмол қийматини қайта тиклайди (ўзгартиради, сақлайди) ёки истеъмолчилар буюртмаларига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради, истеъмол учун шарт-шароитларни яратиб беради. Жумладан моддий хизматларларга маиший хизматларлар (маҳсулотлар, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва техник хизматлар кўрсатиш бўйича хизматлар, сартарошхона хизматлари, фото хизматлари ва бошқалар), турар жой-коммунал хизматлари, оммавий овқатланиш хизматлари,

транспорт хизматлари, кишлок хўжалик хизматлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида қайт қилинганидек моддий хизматларнинг натижаси бўлиб, бажарилган иш ёки маҳсулот ҳисобланади. Ижтимоий-маданий хизматлар натижаси моддий шаклга эга бўлмайди. Масалан туристик ва экскурсия хизматлари натижалари маҳсулот яратиш жараёнидан тубдан фарқ қилади.

Моддий ва ижтимоий-маданий хизматлар бир-бирини доимий равишда тўлдирувчи ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда товарларни харид қилишга хизматларни истеъмол қилиш ҳамроҳ бўлади. Масалан оммавий овқатланиш хизматларини истеъмол қилишда, истеъмолчи товар олади. Ушбу товарга озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қиладиган жой, таомлар ва ичимликларни бериш бўйича хизматлар, психологик дам олиш хизматлари ва ҳокозолар киради.

Истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар уларга хизматлар қилиш жараёнида амалга оширилади.

Хизматларни тақдим этиш деганда, хизматларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар бажарувчисининг фаолияти тушинилади. Хизматларни тақдим этиш алоҳида босқичларга бўлинади. Улар жумласига зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, бажаришнинг технологик жараёни, назорат ва баҳолаш, хизмат кўрсатиш жараёни киради. Шундай қилиб, хизматлар истеъмолчилар ва уни амалга оширувчилар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Хизмат қилиш жараёнида хизматларнинг хаёт даври бир неча босқичларга бўлинади:

- истеъмолчиларга таклиф этилаётган хизматларлар бўйича маълумот бериш;
- хизматларга буюртмани қабул қилиш;
- хизматларни бажариш;
- хизматларни бажариш сифатини назорат қилиш;
- истеъмолчиларнинг буюртмасини бериш ва бошқалар.

Хизматлар кўрсатиш - бу хизматларни бажарувчисининг унинг истеъмолчиси билан бевосита алоқасига тўғри келадиган фаолиятидир. Ушбу хизматлар кўрсатиш жараёни хизмат кўрсатиш корхонасининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчи буюртмасини таҳлил қилиш, хизматлар кўрсатиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (техник вазифалар ва хизматлар кўрсатиш жараёни), хизматларнинг зарурий сифатини белгилашни ва таъминлашни, истеъмолчига етказиб беришларни ўз ичига камраб олади.

Хизмат кўрсатишда маиший хизматлар алоҳида ўринга эга. Чунки бундай хизматларга бўлган эҳтиёжлар инсон талабини қондиришда муҳим ҳисобланиб, у орқали одамларнинг энг муҳим бўлган биринчи талабларини қондириш имкониятига эга бўлади. Маиший хизматлар аҳолининг даромадлилигига қараб ўсиш ва камакйиб бориш тенденциясига эга.

Маиший хизматларларга талабнинг камайиш сабабларидан бири бўлиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархларининг баландлиги ҳисобланади. Шу сабабли аҳолининг кўпчилик қисми кийимларни кимиёвий тозалаш корхоналарига топширишдан кўра уйда ювишни афзал кўришадилар. Кейинги сабабларга истеъмол қилиниши осон бўлган чет элларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозоримизда кўпайиши ҳисобланади. Ундан ташқари товар тақчиллигининг йўқолиши кийим-кечакларни якка тартибда тикиш ва таъмирлаш бўйича хизматларни камайтирди.

Хизматлар соҳасини иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ баён этишда хизмат кўрсатишнинг табиатини чуқурроқ баён этиш лозим. Хизмат кўрсатиш табиати дейилганда ушбу кўрсатиладиган хизматнинг кимнинг манфаати нуқтаи назаридан қаралиши тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат жараёни нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатиш бевосита меҳнат сарфлашда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатда хизмат билан меҳнат бир-бири билан узвий боғлиқдир. Меҳнат ўз табиати жиҳатидан кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, табиатда яратилган неъматларни инсонлар истеъмолига мослаштирадиган онгли жараён ҳисобланади. Меҳнатнинг қаерда ва нимага сарфланишига қараб унинг характери ўзгариб туради ва шунга мос равишда уни баҳолаш мумкин. Масалан, нонни тайёрлашга ҳам, кўйлак ишлаб чиқаришга ҳам, уйни қуришга ҳам, сочи олишга ҳам меҳнат сарфланади. Меҳнат сарфланган барча жойда ялпи ички маҳсулот яратилади. Аммо қайсидир жараёнда моддий неъматлар яратилиб предмет бир турдан иккинчи турга айланиши мумкин. Бунга мисол қилиб ундан хамир, хамирдан нон тайёрланишини эслаш кифоя. Аммо иккинчи бир жойда меҳнат сарфланиши жараёнида меҳнатнинг ўзи хизмат тариқасида содир бўлган жойда истеъмол қилинади. Бунга мисол қилиб соч олдиришни келтириш мумкин. Бунда ҳам меҳнат сарфланади. Лекин унда ҳеч қандай моддий неъмат яратилмайди. Бироқ иккаласида ҳам сарфланган меҳнатга ҳақ тўланади ва булар ялпи ички маҳсулотда ўз аксини топади. Хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, яратилган хизмат маҳсулот ҳам товар маҳсулоти сингари меҳнат талаб қиладиган жараёнлар эканлигига амин бўламиз.

Хизмат кўрсатишга хизмат кўрсатаётган меҳнат эгаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳамма сарфланган меҳнат унга бирорта наф келтириш мумкин. Шу жиҳатдан ушбу сарфланган меҳнатлар, унинг эгаси учун унумли меҳнат бўлиб ҳисобланади. Чунки у эгасига наф келтиради. Ходим учун қаерда ва кимга меҳнат қилишидан кўра қилинган меҳнатига қандай ҳақ олиши муҳим. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат сарф қилдими ёки ишлаб чиқариш соҳасигами, иш кучи эгаси учун фарқи йўқ, уни қизиқтирадиган нарсаси сарф қилинган меҳнатига қанча ҳақ олиши билан ўлчанади. Агарда мамлакатимизда қайси соҳани ривожлантириши керак бўлса, ушбу соҳада фаолият кўрсатадиганларнинг меҳнати кўпроқ рағбатлантиришни талаб қилади. Бу ушбу соҳага меҳнатни жалб қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Хизмат кўрсатишга мулкдор нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, вазият бутунлай ўзгаради. Агар ҳодим ўз фаолияти давомида ишлаб чиқаришда иштирок этсада, кўплаб моддий неъмат яратся, аммо у мулкдор сарфлаган харажатни қопламаса, бундай меҳнат мулкдор учун унумсиз меҳнат бўлиб ҳисобланади. Масалан, ходим оёқ кийимини ишлаб чиқаришда ёки уни таъмирлашда иштирок этди, деб фараз қилайлик. Агар унга моддий неъматни ишлаб чиқариш, табиатдаги предметларни бир турдан иккинчи турга айлантириш, яъни истеъмол ҳолатига келтириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мазкур меҳнат унумли меҳнатга киради. У кўплаб оёқ кийими яратди, жамият аъзоларининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондирди. Аммо уларни сотишдан тушган маблағ унга кетган харажатни қоплай олмаса, мулкдор фойда кўрмаса, бундай хизмат кўрсатишга сарфланган меҳнат мулкдор учун унумсиз, наф келтирмайдиган меҳнат бўлиб ҳисобланади. Мулкдор бу ишдан, меҳнатдан воз кечиши ёки уни тубдан ўзгартириб, унумдорлигини ошириш тайин, акс ҳолда, у инқирозга учрайди.

1.3. Хизматлар соҳасининг миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда хизматлар фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти давлат иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда хизматлар соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади. Хизматлар фаолиятини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳамда аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш мумкин бўлади. Масалан 2020 йилда АҚШда хизматлар

соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 72,0% , Италия ва Швецарияда 60,5% , Россияда 50,0% банд бўлган.

Миллий иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида хизматлар соҳаси бугунги кунда замонавий бозор муносабатлари таъсирида барқарор ривожланиш жараёнини ўтмоқда ва шунга мос равишда республикада ташкил этилган “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” олдига мазкур соҳани ривожлантириш бўйича қуйидаги муҳим вазифалар қўйилган, жумладан:

- таълим тизимида инновациялар, жумладан, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб этишга кўмаклашиш, рақамли технологияларга асосланган инновацион ўқув дастур ва қўлланмаларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш тизимини инновацион ривожлантириш, жумладан, касалликларнинг барча турларини аниқлаш мақсадида мониторинг юритиш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” концепцияларини жорий этиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва одамларнинг узок умр кўриши учун қўшимча шароитлар яратишга кўмаклашиш;

- “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, аҳолининг ҳар бир қатлами учун қулай шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилиш ва бу жараёнда илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозликни фақат бош режалар ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган 475,2 минг ташкилот ва корхоналарнинг 309,4 мингтаси ёки 65,1% и бевосита хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари бўлиб, 244,7 мингдан ортиғи ёки 51,5%и хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Республикада 2020 йилда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 218,9 трлн. сўмдан кўпроқга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 102,3%ни ташкил этди. Кўрсатилган хизматлар таркибида савдо хизматлари 25,8%, транспорт хизматлари 24,6%, молиявий хизматлар 20,9%, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улуши 5,9% ни ташкил этган .

Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда хизмат турлари бўйича ўсиш суръати, трлн. сўм²

Хизматлар тури	Йиллар						
	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Хизматлар – жами	27,1	78,5	97,1	118,8	150,9	193,7	218,9
Ўсиш суръати, %	100,0	289,7	358,3	438,4	556,8	714,8	807,7
ш.ж.: асосий турлари							
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2,1	5,2	6,3	8,2	10,3	10,9	12,9
Ўсиш суръати, %	100,0	247,6	300,0	390,5	490,5	519,0	614,3
Молиявий хизматлари	2,6	8,2	9,9	15,0	21,3	34,0	45,8
Ўсиш суръати, %	100,0	315,4	380,8	576,9	819,2	1 307,7	1 761,5
Транспорт хизматлари	10,5	26,8	30,6	36,2	44,2	54,5	53,8
Ўсиш суръати, %	100,0	255,2	291,4	344,8	421,0	519,0	512,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,3	0,9	3,0	3,6	4,7	5,9	5,9
Ўсиш суръати, %	100,0	300,0	1 000,0	1 200,0	1 566,7	1 966,7	1 966,7
Савдо хизматлари	6,6	21,4	27,4	32,0	39,7	48,7	56,5
Ўсиш суръати, %	100,0	324,2	415,2	484,8	601,5	737,9	856,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0,8	2,8	3,4	4,0	5,0	5,9	6,1
Ўсиш суръати, %	100,0	350,0	425,0	500,0	625,0	737,5	762,5
Таълим соҳасидаги хизматлар	0,8	2,7	3,3	4,4	5,4	7,2	9,1
Ўсиш суръати, %	100,0	337,5	412,5	550,0	675,0	900,0	1 137,5
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0,3	1,1	1,4	1,7	2,2	3,1	3,2
Ўсиш суръати, %	100,0	366,7	466,7	566,7	733,3	1 033,3	1 066,7
Ижара ва прокат хизматлари	0,5	1,8	2,3	2,6	3,3	3,7	4,2
Ўсиш суръати, %	100,0	360,0	460,0	520,0	660,0	740,0	840,0
Компьютер ва маиший товарларни таъмирлашга оид	0,6	1,7	2,2	2,3	2,6	3,2	3,4

2 Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

хизматлар							
Ўсиш суръати, %	100,0	283,3	366,7	383,3	433,3	533,3	566,7
Шахсий хизматлар	0,8	2,4	2,9	3,1	3,7	4,6	5,0
Ўсиш суръати, %	100,0	300,0	362,5	387,5	462,5	575,0	625,0
Архитектура, инженерлик изланишлари, техник тадқиқотлар ва таҳлил бўйича хизматлар	0,3	0,8	1,1	1,6	3,0	4,5	4,9
Ўсиш суръати, %	100,0	266,7	366,7	533,3	1 000,0	1 500,0	1 633,3
Бошқа хизматлар	0,9	2,8	3,2	3,9	5,5	7,3	8,1
Ўсиш суръати, %	100,0	311,1	355,6	433,3	611,1	811,1	900,0

2020 йил 1-апрел ҳолатига республика хизмат кўрастиш соҳасида фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар айланма маблағлари 2019 йилга нисбатан 18,1%га ўсди. Шу билан бирга, 2020 йилда ушбу соҳада 309,4 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган. Ушбу йилда эса хизматлар ҳажми 218,8 трлн. сўмдан ошди ва аҳоли жон бошига 6393,2 минг сўмга тўғри келди. Жаҳон хизматлар бозорида хизматлар экспорти ва импорти бўйича АҚШ, Британия, Германия, Франция, Италия, Нидерландия давлатлари етакчилик қилишади. Ушбу давлатлар ҳиссасига жаҳонда жами хизматлар экспорти ва импортнинг 75%и тўғри келади.

Бугунги коронавирус пандемияси ва жаҳон инқирози хавф солаётган бир даврда хизматлар соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июнда қабул қилинган ПҚ-4752-сонли “Хизматлар соҳасини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида соҳани инқироздан минимал талофатлар билан чиқариш мақсадида 100 млн. АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси ва, шунингдек, 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарори билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 67 та фаолият (ишлар ва хизматлар) турлари учун кредитлар ажратиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2023 йилга бориб тегишли чора-тадбирлар, инвестицион лойиҳалар ва хорижий инвестициялар киритиш асосида хизматларнинг ЯИМдаги улушини 50%га етказиш назарда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич, масалан,

2019 йилга мўлжалланган даражага нисбатан 4,5 пунктга, хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати эса 6,1 пунктга кўп демакдир.

1.4. Хизматлар институтининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни рақамли иқтисодиёт талаблари даражасида инновацион ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш субъектларида тежамкорликка эришиш асосида соҳанинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябр ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимла-рини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бунга яққол далилдир.

Жамият тарққиётида ижтимоий- иқтисодий самарадорлик муаммолари муайян даражада ўзаро боғлиқ ва тўлдирувчанлик хусусиятларига эгадир. Зотан, ижтимоий самарадорликка эришиш асосида инсонларнинг ижтимоий яшаш шароитлари, меҳнат қилиш ва дам олиш жараёнларида яратилган қўлайликлар нафақат хизмат кўрсатиш соҳасида, балки моддий бойликлар яратувчи реал тармоқларда ҳам меҳнат унумдорлигини, демак, иқтисодий самарадорликни оширишга замин яратади. Иқтисодий самарадорлик ва меҳнат унумдорлигини барқарор ошириш ҳисобига моддий бойликлар ҳажми ва сифатини ўстириш ўз навбатида аҳоли учун зарур бўлган барча шароит ва қўлайликларни яратишда моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, реал тармоқлар, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси, хўжалик субъектлари ва муайян меҳнат жамоаси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни эътиборга олишни тақозо этади. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, унинг туризм, таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги тармоқлари нафақат аҳолининг ҳаёт

даражаси ва сифатини шакллантиради, балки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг асосий истеъмолчиси сифатида ҳам реал тармоқлар иқтисодийига муҳим таъсир кўрсатади. Ҳатто ҳозирги пандемия шароитида ҳам аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлашда қайд этилган хизматларнинг ижтимоий аҳамияти янада ортади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори айнан шу муаммолар ечимига бағишланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Унда жумладан:

- сервис соҳасида муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- турли хил инновацион хизматларни, янги алоқа объектларини кенгайтириш;

- аҳолининг телекоммуникация тармоқларига уланиш имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидениетизимларига ўтишни таъминлаш;

- замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш;

- юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш борасида ишларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Юқоридаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш ўз навбатида рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестиция сиёсати ва механизмларини такомиллаштириш, ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, таркибий бошқарув ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида фаолият юритаётган ва қайта ташкил этилаётган бозор субъектларининг мустақиллигини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, самарадорлигини, шунингдек, маҳаллий ва минтақавий фаоллигини оширишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яна бир аҳамияти унинг иқтисодиётнинг индустриал-инновацион рақамли технологиялар асосида ривожланиш стратегияси белгилаб бериши билан изоҳланади. Зеро, соҳага ажратилаётган кредит ресурслари хизмат кўрсатиш бўйича янги ташкил этилаётган корхона-ларни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтириш белгилаб қўйилганлиги билан бирга аҳолининг

талабларидан келиб чиқиб, уларни диверсификация қилиш учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар очиб беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам жадал ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини тез суръатларда тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда республикада кўпгина қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга тўлиқ жавоб бермаяпти. Шу туфайли, кредит ресурсларини олишда қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига устувор ҳуқуқ берилиши ҳам белгилаб қўйилганлиги янги имкониятларни очиб беради. Хизмат кўрсатиш соҳасини бундай ривожлантириш учун қишлоқ жойларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ваахборотлаштириш тизимининг коммуникация соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар олиш учун давлат божларини қисқартириш, мутлақо янги йўналишдаги хизмат кўрсатиш турларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг яна бир муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти уни моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминлашда аниқ йўналишлар белгиланганлиги билан изоҳланади. Жумладан, биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қулайлик ва имкониятлар берилаётганлиги, имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги; иккинчидан, хизмат кўрсатишнинг қай даражада ривожланганлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ифода этишини характерлаши билан; учинчидан, хизмат кўрсатишга ажратилаётган турли йўналишдаги кредитларнинг соҳада аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, иш билан таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таянч иборалар:

Хизматлар моҳияти, реал хизматлар, идеал хизматлар, хизматлар фаолияти амалиётидаги ривожланиши, хизматлар соҳасининг амалиётдаги ўзгариши, Абрахам Маслоунинг ирархик принципи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хизматлар соҳасининг моҳиятини ёритинг?
2. Хизматларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Хизматлар соҳасида эҳтиёжларни ёритинг?
4. Хизматлар фаолиятининг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни санаб беринг?

5. Биологик эҳтиёжлар деганда нималар назарда тутилганлигини асосланг?
6. Ижтимоий хизматлар ва эҳтиёжларни тушунтириб беринг?
7. Хизматларни ривожлантиришнинг қандай фикр мулоҳазалар баён этилганлигини ёритинг?
8. Хизматлар сифатига талаб қандай таъсир этишини тушунтиринг?
9. Эҳтиёжлар жумласини асосланг?
10. Америкалик рухшунос Абрахам Маслоунинг машхур эҳтиёжлар иерархик назарияси тушунтиринг?

II БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА СТРАТЕГИЯСИ

2.1. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасининг иқтисодий жараёнларини амалга ошириш зарурияти ва аҳамияти.

2.2. Иқтисодиётни интенсив ва экстенсив ривожлантириш ва рақамли иқтисодиёт шароитида бозор инфратузилмасининг ўрни.

2.3. Стратегия тушунчаси ва хизматлар соҳаси корхоналарининг стратегик моделлари.

2.1. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасининг иқтисодий жараёнларини амалга ошириш зарурияти ва аҳамияти

Рақамли иқтисодиёт бу шундай иқтисодий фаолият бўлиб бунда барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнини ифодаловчи ахборотларни рақамлаштирилган тизим асосида баён этишдан иборатдир.

Рақамли иқтисодиёт-бу интернет тармоқларида фойдаланган ҳолда бизнес операцияларини рақамлаштиришни уз ичига олувчи рақамли технологияларга асосланиб, ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш, бошқарув ва бошқа шу каби жараёндаги иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

Биринчидан, бундай иқтисодиёт бизнес учун тезкор янги ғоялар излаб топиш ҳамда мижозлар учун тезкор натижага қайтадиган алоқаларни амалга ошириш имконини берадиган иқтисодий муносабатлардан иборат;

Иккинчидан, инновацияларни рақамли шаклга келтириб иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига тезкор жорий этиш ва зарур ҳолларда тез-тез алмаштириш, янгилаб бериш имконини беради;

Учинчидан, бундай иқтисодиёт асосида янгича жадал тараққиёт учун янги истиқболларни очиб берадиган ўта мураккаб, қутилмаган натижалар берадиган бозор муҳитини намаён қилади;

Тўртинчидан, мазкур иқтисодиёт суний интеллектдан фойдаланиш имконини берадиган янги ғояларни яратиш имкониятини очиб беради;

Бешинчидан, янги замонавий технологиялар яъни, “блокчейн”, “бюмлар интернетини”, “5Г алоқа тизими” ва бошқалардан фойдаланиш имкониятини берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиради;

Олтинчидан, ушбу иқтисодиёт интернетдан фойдаланишнинг мутлоқо янги даврини очиб беради шунингдек, истеъмолчилардан интернет асосида бизнес яратиш даромат олишни кўпайтириш ва бошқа капиталлашувнинг тезкор ўсиш тенденциясини шакллантиради.

Таъкидлаш жоиски рақамли иқтисодиётни келгуси тараққиёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”да таъкидлаганидек “Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантирилиб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” вазифа қилиб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштириш қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

Биринчидан, иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларига янги, рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан максимал даражада самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади;

Иккинчидан, иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларида “рақамли иқтисодий тизимлар” жумладан “электрон платформалар”, “электрон иловалар”, “электрон қурилмалар” ва шу кабилардан интернет бозорида истеъмолчиларнинг фойдаланиш имконияти кенгаяди;

Учинчидан, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамли иқтисодиётни ўз ичига олган таркибий ўзгаришлар вужудга келади;

Тўртинчидан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий этиш натижасида ялпи ички маҳсулотни жадал ўсиш имконияти яратилади ҳамда 2030 йилга келиб республикаимизда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш” бўйича барча шарт-шароитлар яратилади;

Бешинчидан, республика иқтисодиётини рақамлаштириш талабига мос мутлоқо янгича билимга, малака ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш зарурати асосида жаҳон андозосига мос кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Бундай кадрларни республикаимизда тайёрлаш кредит-модул тизими асосида амалга ошириш жорий этилади;

Олтинчидан, рақамли иқтисодиёт мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ҳамда турли кўринишдаги “яширин иқтисодиёт”ни пасайтириш имконини берадиган муҳим воситаси сифатида фойдаланиш йўлга қўйилади.

Иқтисодиётда рақамли иқтисодиёт фанининг зарурлиги қуйидагилардан намаён бўлади:

1. Иқтисодиёт ва унинг таркибий тузилмасини самарали ташкил этиш ҳамда бошқарув ва назорат усулларида фойдаланишда. Бу янги корпоратив маданият барпо бўлишида

2. Иқтисодиётда катта маълумотлар базалари бўйича (Биг дата)

аниқликга эришишда.

3. Замонавий кадрлар тайёрлаш ва янги иш жойларини ташкил этишда.

4. Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида суъний интелект ҳамда интеллектуал бошқарув тизимларидан фойдаланишда.

5. Таълим, фан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини виртуал (он-лине) амалга оширишда.

6. Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида буюмлар интернет кенг миқёсда қўлланилишида.

7. Иқтисодиётнинг тармоқларида “локчейн” технологияларини қўллаш ва у орқали юритиладиган турли жараёнларни ҳаётга тадбиқ этишда.

8. Иқтисодиётда рақамли майнинг жараёни вас шу асосида мустақил бизнес юритиш асосларини кенгайтиришда.

9. Иқтисодиётда пул-кредит тизимидан самарали фойдаланиб, банклар фаолиятини рақамлаштиришда.

10. Иқтисодиётда катта инвестициялар жалб қилиш имконини берадиган ИСО (Инициал Соин Офферинг) жараёнинг амалга оширилишида

11. Иқтисодиётда электрон тижорат ва электрон бизнеснинг ривожлантирилиши ва бошқа шу каби жараёнларда.

Рақамли иқтисодиётнинг муҳим тамолиллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, воситачиларсиз глобал ресурслардан фойдалана олиш имконияти;

Иккинчидан, турли хилдаги ресурсларни ижарага бериш имконияти;

Учинчидан, кўнгиллилик (волонтерлик) моделини ишлата олиш (опен соурсе модел);

Тўртинчидан, глобал экосистема орқали савдо қила олиш имконияти.

Фаннинг аҳамияти иқтисодиёт тараққиётида муҳим ҳаракатлантирувчи механизм сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, «Рақамли»

(Электрон) иқтисодиёт бу – гибрид дунё шароитларида мавжуд бўлган иқтисодиётдир. Шу сабабли реал ва вертуал дунёни бирлашуви натижасида янги гибрид дунёни ҳосил қилиб, бунда ҳозирги кунда биз учун одатий бўлган

қонун-қоидалардан фарқ қиладиган мутлоқо янгича меъёрлар амал қилади.

Рақамли бизнес бу – жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир. Счоолоф

Манагемент эса рақамли ўзгаришни «корхоналар қиймати ва унумдорлигини тубдан ошириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш» сифатида таърифлайди.

Фаннинг муҳим аҳамияти сифатида ташкилотларни рақамли ўзгартириш жараёни – янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва бутун дунё бўйлаб фаол тарқалишига жавоб ҳисобланади. Рақамли ўзгартириш турли даражаларга эришиб, улар ўртасидаги фарқ иккита атама - «рақамли кўринишга келтириш» ва «рақамлаштириш» ўртасидаги фарқ билан бир хил маънога эга бўлади. Рақамли кўринишга келтириш бу – ахборотни жисмоний воситалардан рақамли воситаларга ўтказишдир. Рақамли кўринишга келтиришга мисоллар – электрон китоблар, видеокурслар, суратнинг рақамли нусхасини яратиш ва бошқалар. Бунда ахборот структурасининг ўзгариши рўй бермайди: у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос. Рақамли кўринишга келтиришкўпинча мавжуд бизнес – моделни такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Рақамлаштириш эса – рақамли шаклда бўлган бутунлай янги маҳсулотлар яратишдир.

Айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг ривожланиши учта асосий сегментда кўриб чиқилади:

– реал товарлар ва хизматлар таъминотчилари ҳамда харидорлари сектори;

– дастурий таъминот ва технологиялар ишлаб чиқувчилар сектори;

– қонунчилик базаси, кадрлар тайёрлаш тизими, барча турдаги маълумотлар узатиш ва сақлаш каналлари кўринишидаги инфратузилма.

Бунда у қуйидаги йўналишларни ва технологик сегментларни ўз ичига қамраб олади:

1. Бигдата;
2. сунъий интеллект;
3. блокчейн;
4. квант технологиялари;
5. ишлаб чиқариш технологиялари;
6. саноат интернет;
7. робототехника;
8. симсиз алоқа;
9. виртуал
10. реаллик.

Эндиликда технологиялар синергияси ҳақида гапириб ўтамиз. Инновацион рақамли технологияларни бошқа воситалар билан биргаликда қўллаш нафақат у ёки бу бизнес-жараённи ўзгартиришга, балки бунгача ҳали мавжуд бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда

тармоқни тўлиқ қайта ташкил қилишга ҳам имкон беради. Рақамли ўзгартиришда энг қизиқарлиси, рўй бераётган ўзгаришлар ва ушбу барча технологияларни биргаликда қўллаш мумкинлигидадир. Синергетика назарияси атамаларида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий тизимдоимий ўзгаришда бўлади, институционал шакллар тасодифий ўзгаришлари (флуктуация) – тизим микродаражасида тартибсизлик кўрсаткичи ва ҳамда унинг ривожланиш имкониятидир.

Рақамли технология синэнергетик назарияга асосланиб барча технологияларда биргаликда қўллаш имкониятини яратади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тармоқлар, корхоналар ва фирмаларни самарали бошқариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши лозим.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонтэ “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритган.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиб боргани сари хизматлар ҳам рақамли хизматларга айланиб боради. Бунда хизматлар корхоналар томонидан амалга оширилиши натижасида хизматларнинг сифати ортади ва истеъмолчи ўзининг товар ва хизматлар сифатига қўяётган баҳоси орқали тез муносабат билдиради. Жаҳон ҳўжалигида бундай глобал воқелик янги талаб ва истеъмол шаклининг пайдо бўлишига ва кескин ўзгаришига олиб келади.

Рақамли хизматлар – бу инсонларнинг турли талаб, хоҳиш ва истакларини қондириш мақсадида, яшаш шароитини яхшилашга қўмаклашадиган, кундалик воситалар ёрдамида техника ва технологияларга асосланган хизмат кўрсатишнинг юқори замонавий шаклидир

Ўзбекистон Республикасида рақамли хизматлар ривожланишига асосий қадам бўлиб 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги ЎРҚ-395-сон қонуни[12] қабул қилинганлигини айтишимиз мумкин. Унғача “Электрон рақамли имзо”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, қонунлари рақамли хизматларнинг ривожланишига асосий пойдевор вазифасини бажарди. Бу эса мамлакатда иқтисодий муҳитни яхшилаш, динамик фаолиятни ошириш учун хизмат қилди.

Рақамли хизматларнинг асосий қулайликларидан бири мамлакатнинг чекка ҳудудларигача хизмат имкониятининг мавжудлиги бўлиб, бундай рақамли хизматлар қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

маҳсус техника ва ускуналар, алоқа тармоқлари, маҳсус дастурлар ва электрон тўлов воситалари.

XXI асрда инсонлар ўз ҳошиш истақларини турли мобил қурилмалар ёрдамида қондириш мақсадида турли веб-сайт хусусан тижорат сайтларига муружаати, кундан кунга ортмоқда бу эса рақамли хизматларнинг ўрни муҳим эканлигини кўрсатади. Рақамли хизматлар глобал минтақалар бўйича ишлаб чиқарувчиларнинг бир вақтнинг ўзида тез ва осон уларнинг платформаларига боғланиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт шароитида амалга оширилаётган рақамли хизматлар бугунги инсоният тараққиётининг ажралмас қисмига айланган ва айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва унинг тармоқ ва соҳалар бўйича таркибий тузилмасини замонавийлаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сонли Фармонида кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгилаб берилган “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси 5 йилда аҳоли жон бошига ЯИМни 1.6 баробар ва 2030-йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4000 АҚШ долларида ошириш “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” каторига кириш учун замин яратиш”³ вазифаси белгиланган. Шу билан бирга “Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинг 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробарга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш”⁴. Ушбу вазифани бажариш учун, яъни республика иқтисодиётини тизимли тезкор ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатишнинг барча соҳа ва тармоқларда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш фақатгина иқтисодиётни рақамлаштириш асосида эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамлаштириш ҳуматимизнинг бош вазифаси бўлиб, ушбу жараёни амалга ошириш “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам белгилаб олинган. Мазкур стратегия асосида республикада хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш устувор вазифа ҳисобланади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонида кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь

⁴ Ўша жойда

Биринчидан, хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида рақамлаштиришнинг асоси бўлган рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

Иккинчидан, рақамли иқтисодиётнинг “Блокчейн”, “Бурутли ҳисоблаш” технологиялари асосида хизмат кўрсатиш бўйича маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш;

Учинчидан, аҳолининг хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёжини ошиб боришида давлат хизматлари фаолиятини рақамлаштириш ва айниқса давлат хизмат кўрсатиш доирасида “хизмат сифатида платформа”, “хизмат сифатида дастурий таъминот”, “хизмат сифатида инфратузилма” технологиялардан фойдаланиш.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳалари бўйича бизнес юритиш ва бозорни эркин ривожлантириш учун янги бизнес моделлар яратиш талабини шакллантириш.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш бўйича истемолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни ривожлантиришда аҳоли ҳаётини қўллаб-қувватлаш имкониятини берадиган “мультисервис” тармоқларини ривожлантириш ва бошқалардан иборат.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамлаштиришни амалга оширишда биринчи навбатда қуйидаги хизматлар соҳасида ушбу жараённи амалга оширишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Савдо хизматларини рақамлаштириш ва бунда электрон тижорат бизнес моделларидан фойдаланишга устуворлик бериш.

2. Транспорт-логистика хизматларини рақамлаштириш бўйича дастурий моделлаштириш тизимларидан кенг фойдаланиш.

3. Таълим хизматларини янги замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш, жумладан онлайн платформаси асосида замонавий рақамли тизимидан фойдаланиш.

4. Коммунал хизматларни рақамлаштириш бўйича смарт технологияларидан фойдаланган ҳолда “Ақлли уй” тажрибасини барча истемолчиларга тизимли жорий этиш.

5. Суғурта хизматларини рақамлаштириш бўйича “Ақлли суғурта хизматлари” тизимидан фойдаланиш. Бунда давлат хусусий шерикчилик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

6. Иқтисодиётнинг бошқа хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш асосида “рақамли сервис”ни тизимли йўлга қўйиш ва бошқалардан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини рақамлаштириш кўйидаги иқтисодий натижаларни беради. Жумладан:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш бўйича қулай давлат хизматларини рақамлаштиришни ифодаловчи ахборотлардан рақамли кўринишда фойдаланиш имконини беради.

Иккинчидан, фуқоролар арзон сифатли ва ҳавфсиз интернет ва мобил алоқа тармоқларидан фойдаланиб, самарали бизнес қилиш имкониятига эга бўладилар.

Учинчидан, таълим хизматларини рақамли трансформация қилиш ҳисобига янги таълим технологиялар асосида ёшларга юқори билим ва кўникмалар бериш имкониятига эга бўлинади.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида “блокчейн” “Булутли хизматлар” ҳисобига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Бешинчидан, Республикадаги хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида турли коррупсион ҳолатлар олди олинади ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилади.

Олтинчидан, мамлакатдаги турли аҳоли қатламлари учун ҳамда узок ҳудудда яшовчиларга бир хил хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилади. Бу эса узок туманларда яшовчи фуқороларга хизматлардан фойдаланишда ортиқча харажатларнинг сарфланишига йўл қўймайди.

Еттинчидан, хизмат кўрсатишни рақамлаштириш натижасида республикамиз аҳоли жон бошига олинadиган аҳоли даромадлари миқдори кўпайиб, ҳалқнинг турмуш фарвонлиги ошади.

2.2. Иқтисодиётни интенсив ва экстенсив ривожлантириш ва рақамли иқтисодиёт шароитида бозор инфратузилмасининг ўрни

Хизмат кўрсатиш соҳаси ва хизматлар бозорининг юқоридаги ўзига хос хусусиятлари асосида ҳулоса қилиб айтганда, хизматлар соҳаси бугунги бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг фаолиятини янада ривожлантириш зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ушбу соҳасиз маҳсулот (товар, хизмат)лар ишлаб чиқаришни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларига мос ташкил қилиш имкониятларининг йўқлиги билан изоҳланади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори айнан шу муаммолар ечимига бағишланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Унда жумладан:

-сервис соҳасида муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- турли хил инновацион хизматларни, янги алоқа объектларини кенгайтириш;

- аҳолининг телекоммуникация тармоқларига уланиш имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидениетизимларига ўтишни таъминлаш;

- замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш;

- юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш борасида ишларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Юқоридаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш ўз навбатида рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестиция сиёсати ва механизмларини такомиллаштириш, ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, таркибий бошқарув ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида фаолият юритаётган ва қайта ташкил этилаётган бозор субъектларининг мустақиллигини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, самарадорлигини, шунингдек, маҳаллий ва минтақавий фаоллигини оширишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яна бир аҳамияти унинг иқтисодиётнинг индустриал-инновацион рақамли технологиялар асосида ривожланиш стратегияси белгилаб бериши билан изоҳланади. Зеро, соҳага ажратилаётган кредит ресурслари хизмат кўрсатиш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтириш белгилаб қўйилганлиги билан бирга аҳолининг талабларидан келиб чиқиб, уларни диверсификация қилиш учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар очиб беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикаимизда хизмат кўрсатиш соҳасини нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам жадал ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини тез суръатларда тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда республикаимизда кўпгина қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга тўлиқ жавоб бермаяпти. Шу туфайли, кредит ресурсларини олишда қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига устувор ҳуқуқ берилиши ҳам белгилаб қўйилганлиги янги имкониятларни очиб беради. Хизмат кўрсатиш соҳасини бундай ривожлантириш учун қишлоқ жойларда

кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ваахборотлаштириш тизимининг коммуникация соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар олиш учун давлат божларини қисқартириш, мутлақо янги йўналишдаги хизмат кўрсатиш турларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Бозор инфратузилмаси - бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир. Унга омбор хўжалиги, транспорт, алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотик идоралари ва агентликлари кабилар), молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк туридаги муассасалар, кредитлаш идоралари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари) ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари) киради. Ахборот хизмати идоралари ҳам бозор инфратузилмасининг алоҳида бўғинини ташкил қилиб, уларга маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи компания ва фирмалар киради.

2022 йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та

2.2.1-жадвал

Иқтисодийёт тармоқлари кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони5

№	Шаҳар ва туманлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
	Самарқанд вилояти	11 117	12 648	12 860	13 840	13 981	16 005	19 629	25 643	33 114	40 724	47 943
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	938	1 029	1 034	1 094	1 113	1 394	1 881	2 235	3 161	3 719	4 287
2	саноат	2 203	2 528	2 753	2 905	3 032	3 679	4 621	5 941	6 910	7 991	8 792
3	қурилиш	1 194	1 301	1 312	1 426	1 533	1 650	2 196	2 716	3 065	3 266	3 534
4	савдо	3 693	3 870	3 921	4 271	4 445	4 704	5 517	7 740	11 265	15 212	18 972
5	ташиш ва сақлаш	391	415	432	470	548	678	802	939	1 085	1 159	1 239
	яшаш ва овқатланиш бўйича	672	737	766	865	984	1 191	1 611	2 383	3 104	3 866	4 600
	хизматлар											
7	ахборот ва алоқа	278	324	332	342	307	378	398	473	644	744	857
	соғлиқни сақлаш ва ижтимоий	222	561	517	522	269	362	458	554	661	802	940
	хизматлар кўрсатиш											
9	бошқа турлари	1 526	1 883	1 793	1 945	1 750	1 969	2 145	2 662	3 219	3 965	4 722

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар куриш лойиҳасини амалга оширишга эришилди.

2.3. Стратегия тушунчаси ва хизматлар соҳаси корхоналарининг стратегик моделлари

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳасини республикамиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган ва улар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Республикада хизмат кўрсатишни жадал ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулот таркибида уларнинг улуши ва ўрнини ошириш.

2. Мамлакатда кўрсатилаётган хизматлар таркиби ва бунда энг аввало, бундай хизматларни замонавий юқори технологияларга асосланган турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш.

3. Туризм субъектлари фаолияти ва туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

4. Аграр соҳада хизматларнинг янги турлари, ресурсларни тежайдиган замонавий инновацион агротехнологияларни кенг жорий қилиш, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотишда агросервис хизматлар кўламини кенгайтириш ва молиявий бозор хизматларини ривожлантириш.

5. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантиришнинг имтиёзли механизмларини татбиқ этиш ва бу жараёнда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш.

6. Соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига сифатли тиббий хизматларни ривожлантириш, хорижий инновацион диагностика технологиялари ва асбоб-ускуналар импортини ҳамда улардан фойдаланиш билим ва малакаларига эга кадрлар синфини кенгайтириш.

7. Республикамизда аҳолининг ахборот-коммуникация, транспорт, коммунал-маиший каби хизматлар ва қишлоқларни ободонлаштириш билан боғлиқ бошқа хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминланиш даражасини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

6 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони.

8. Республикада таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўйича сифатли таълим хизматларини амалга ошириш, шу асосда меҳнат бозорида замонавий эҳтиёжларга мос келадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш кўламини ошириш.

9. Республикада давлат хизматлари кўрсатиш тизими ва идораларини ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида улардан ҳуқуқий фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”да ҳам Республикани кейинги ривожланишини асосий стратегиялари белгилаб берилган. Жумладан:

1. Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.

2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш.

3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.

4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш.

5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш.

6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муоммоларга ёндашиш.

7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Умуман, бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд муаммолар, уларнинг таҳлили ва услубий-амалий ечимлари бўйича тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва тавсия этилган чора-тадбирларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос жорий қилиш, шунингдек, хизмат кўрсатишда ресурс тежамкорлигига эришиш ва самарадорликни ошириш, ҳудудлар ва субъектлар ўртасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим стратегияси ҳисобланиб уни амалга ошириш бугунги тадқиқотчилар ва олимлар олдида турган муҳим вазифалардан эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Олимлар стратегия тўғрисида ўз фикрларини куйидагича билдиришган:

🕒 **Шерон М.Остер:** стратегия бу қандайдир бошқа тарзда эмас, айнан белгиланган тарзда ҳаракат қилиш мажбуриятидир.

⌚ **Питер Лоренжу: стратегик режалаштиришнинг вазифаси** ишни ташкил этишда янгиликларни қўллаш.

Стратегия вариантлари турли хил бўлишига қарамасдан муқобил стратегияларни ажратиш, рақобатдош стратегиялар фойдалироқ бўлиши мумкин.

Ушбу муқобил вариант 4 га бўлиниб уларга қуйидагилар киради:

Концентрациялашган (чегараланган) ўсиш стратегияси. Бунга шундай стратегиялар кирадики, улар иккита элемент – маҳсулот ва бозор элементларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Интеграциялашган ўсиш стратегияси. Ҳар йили олдинги йилга қараганда маълум даражада ўсиш билан тавсифланади ва амалга оширилади.

Диверсификацияланган ўсиш стратегияси. Агар фирмалар фаолият юритаётган тармоқда, бозорда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот билан ривожлана олмаса, бу стратегияни амалга ошириши мумкин.

Қисқартириш стратегияси. Ушбу стратегияга фирмалар пасайиш даврида, маълум ўсиш давридан кейин қайта таркибий тузиш ёки самарадорликни ошириш зарурати билан боғлиқ ҳолда, мурожат этади.

Хизматлар соҳаси корхоналарининг стратегик режалаштириш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- вазифаларни аниқлаб олиш;
- янги маҳсулотни яратиш ва ўзлаштириш технологияси жорий этиш режасини тузиш;
- SWOT таҳлилни амалга ошириш;
- қабул қилинган ечимларни баҳолаш;
- асосий стратегик ечимни танлаб олиш.

Корхона режасининг SWOT таҳлили

Кучли томонлари (S)

1. аниқ миссия;
2. юқори сифат;
3. тартибга тушган сотув тармоғи;
4. кенг ассортимент;
5. ишчи кучи малакасининг юқорилиги;

Заиф томонлари (W)

1. реклама тармоғидаги етишмовчилик;
2. маҳсулот нархининг қимматлиги;
3. асосий тармоқда ишчиларни етишмаслиги;
4. хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги;
5. бюртма бажаришдаги кечикишлар

Имкониятлари (O)

1. аҳоли турмуш даражасини ўсиши;
2. маҳсулотга бўлган талаб;
3. солиқ ва тўлов шкаласини тушиши;
4. сиёсий барқарорлик;
5. чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари

Хавф - хатарлар (T)

1. Истеъмол ўзгаришининг таъсири;
2. ишсизликни ўсиш эҳтимоли;
3. кучли рақобатчиларни пайдо бўлиши;
4. солиқ ва тўлов шкаласини ўсиш эҳтимоли;
5. давлат сиёсатини ўзгариши

Таянч иборалар:

Рақамли иқтисодиёт, рақамли хизматлар, стратегия, фирманинг узоқ муддатли режалари, концентрациялашган (чегараланган) ўсиш стратегияси, интеграциялашган ўсиш стратегияси, диверсификацияланган ўсиш стратегияси, қисқартириш стратегияси, рақобат матричаси, корхонанинг мақсадлар шажараси, корхона режасини SWOT таҳлили, бозор, рақобат.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Рақамли иқтисодиётни тушунтириб беринг!
2. Стратегиянинг моҳиятини тушунтиринг?
3. Концентрациялашган (чегараланган) ўсиш стратегияси тушунтиринг?
4. Интеграциялашган ўсиш стратегиясини асосланг?
5. Диверсификацияланган ўсиш стратегияси нима?
6. Қисқартириш стратегиясини тушунтиринг?
7. Потернинг рақобат матричаси тушунтиринг?
8. Потер стратегиясининг афзалликларини қандай асослаган?
9. SWOT таҳлил қандай маънони билдиради?
9. Корхона режасини SWOT таҳлили қандай амалга оширилишини тушунтиринг?
10. Корхонанинг муаммолар сабабини аниқлаш усули кўрсатинг?

III БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

3.1. Хизматлар соҳасида корхона ва ташкилот моҳияти ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

3.2. Хизматлар соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, яқка тартибдаги тадбиркорлик ва уларнинг келгусидаги ривожланиш стратегияси.

3.3. Корхона рақобатбардошлиги тушунчаси. Рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар ва хизмат кўрсатиш корхоналар рақобатбардошлигини бошқариш.

3.1. Хизматлар соҳасида корхона ва ташкилот моҳияти ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Ташкилий-ҳуқуқий шакл (ТҲШ) - бу маълум бир мамлакат қонунчилигида тан олинган хўжалик юритувчи субъектнинг шакли бўлиб, у хўжалик юритувчи субъект томонидан мулкни таъминлаш ва ундан фойдаланиш усули (усули) ва унинг ҳуқуқий мақоми ва ундан келиб чиқадиган бизнес мақсадларини белгилайди. Яъни, ташкилий-ҳуқуқий шакл хўжалик юритувчи субъект томонидан мулкни бошқариш усулини ва натижада тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ва мақсадларини белгилайди.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мисоллар-аксиядорлик жамияти (ОАЖ), масъулияти чекланган жамият (МЧЖ), муассаса.

Ташкилий-ҳуқуқий шакл ёки баъзида "бизнес юритиш шакли" ТҲШ деб қисқартирилади.

Шундай қилиб, ташкилий-ҳуқуқий шакл-бу маълум бир мамлакат қонунчилигида белгиланган мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш усули (баъзи компаниялар учун ва тасарруф этиш усули) ва шу асосда бизнесни яратиш ва олиб бориш мақсадлари.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклни нима белгилайди

Ташкилий-ҳуқуқий шакл-бу ҳуқуқий ҳужжат шаклида белгиланадиган тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш усули.

Ташкилий-ҳуқуқий шакл компаниянинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлигини, корхона номидан битимлар тузиш ҳуқуқини, бошқарув тузилишини ва корхоналарнинг иқтисодий фаолиятининг бошқа хусусиятларини белгилайди.

Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари-бу тўғридан-тўғри мамлакат қонунчилиги билан белгиланадиган ва юридик шахс активларини тасарруф этиш ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва тартибини белгилайдиган фаолият шакллари.

Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар тизими Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексида, шунингдек ундан келиб чиқадиган қоидаларда акс эттирилган. Ташкилотларнинг ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакли мажбуриятларнинг аниқ рўйхатини ўз ичига олади, ташкилот номидан битимлар тузиш ҳуқуқини белгилайди, бошқарув тузилмасини ва корхоналар фаолиятининг бошқа элементларини белгилайди.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг таснифи

Бу компаниянинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга эканлигига боғлиқ ва унинг таснифи амалга оширилади. ТҲШнинг мутлақо барча турлари Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик базасида белгиланади. Улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Бу ерда сиз ташкилот шаклларининг таърифини топишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига кўра, ҳозирда тижорат ва нотижорат компаниялар ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг рўйхати ва тавсифи Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг нормаларида ва тегишли қоидаларда белгиланган.

Ташкилий-ҳуқуқий шакллар классификатори

Ўзбекистон Республикасида ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг Бутун Ўзбекистон Республикаси классификатори ишлайди. Таркибидаги тадбиркорлик субъектларига ҳар қандай юридик шахслар, шунингдек ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширадиган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар киради.

Ташкилий-ҳуқуқий шакл нимани ўз ичига олиши керак?

Компания қандай фаолият билан шуғулланаётганига қараб, унинг ТҲШ таркибида бўлиши шарт.

Юридик шахслар таснифланадиган асосий мезонлар:

1. Фаолиятнинг мақсадлари.
2. Мулкчилик шакллари.
3. Иштирокчилар ҳуқуқлари.
4. Эгаларининг таркиби.
5. жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар-юридик шахс ташкил этмасдан);

6. юридик шахслар (тижорат ва нотижорат ташкилотлар).

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси бизнесни юритишнинг иккита асосий шаклини ўз ичига олади: тижорат

компаниялари ва нотижорат ташкилотлари. Юридик шахсларни тижорат компаниялари ва нотижорат ташкилотларига бўлиш мумкинлиги сабабли, бу ерда мақсадлар фарқ қилиши мумкин. Яъни, мақсадлар бўлиши мумкин:

1. Фойда олиш-тижорат фирмалари учун;
2. Жамоат манфаатлари, таълим, маърифат - нотижорат ташкилотлар учун ва бошқалар.

Ташкилий – иқтисодий шакллар⁷

Ташкилий-иқтисодий шакллари (корхона уюшмалари)		Корхона шакллари
Хўжалик фаолияти тури ва амалга ошириладиган операцияларининг характери бўйича		Саноат, савдо, транспорт, суғурта, банк, молияинвестицион, илмий-тадқиқот, инновацион ва бошқа турли хизматлар кўрсатувчи корхоналар
Ишлаб чиқаришнинг тўпланув даражаси бўйича		-майда корхоналар; -ўрта корхоналар; -йирик корхоналар.
Мулкчилик шакллари бўйича		-хусусий корхоналар; -давлат корхоналари (ишлаб чиқариш ва бюджет корхоналари ҳамда аралаш компаниялар); -жамоа корхоналари (кооперативлар, мулк пайчилигидаги ширкатлар ва х.к.). -мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар.
Иқтисодий фаолиятнинг натижаси бўйича		-ишлаб чиқариш корхоналари; -хизмат кўрсатувчи корхоналар;

Тижорат ташкилотлари учун асосий мақсад уни кейинчалик иштирокчилар ўртасида тақсимлаш билан фойда олишдир.

Тижорат ташкилотларининг асосий турлари:

⁷ Муаллиф ишланмаси

1. бизнес ҳамкорлик,
2. бизнес компаниялари,
3. ишлаб чиқариш кооперативлари,
4. унитар корхоналар.
5. нотижорат ташкилотлар.

Нотижорат ташкилотлар бошқа мақсадлар учун тузилади ва ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олишга интилмайди. Ва агар фойда пайдо бўлса, у таъсисчилар ўртасида тақсимланмайди, балки қонуний мақсадларга сарфланади. Бундай мақсадларга, қоида тариқасида, қуйидагилар киради: ижтимоий, маданий, маърифий, маънавий, хайрия ва бошқа турдаги мақсадлар.

Нотижорат ташкилотлар, агар ушбу фаолият ташкилот мақсадларига эришишга қаратилган бўлса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари асосий турлари Қонуний белгиланган ташкилий-ҳуқуқий шакллари 2 турга ажратилади:

1. Жисмоний шахс
2. Юридик шахс

Юридик шахсларни бизнес мақсадлари бўйича таснифлаш

Корхоналарнинг асосий мезонларидан бири бу фаолият мақсадларига мувофиқ таснифлашдир. Фаолият субъектлари бўлиши мумкинлигини унутманг:

амалда тижорат субъектларининг бундай ТҲШ турлари қўлланилади: жамиятлар, ширкатлар, унитар корхоналар, кооперативлар.

Нотижорат ташкилотларда қуйидаги турлар ажратилади: кооператив, жамоат ташкилоти, турли фондлар, ширкатлар, уюшмалар.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашда нималарга эътибор бериш керак.

Фаолиятнинг фойдали ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шакли ва турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар эгаллик қилиши керак.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашдан олдин қуйидаги масалаларни аниқлаш керак:

1. Компания қандай молиялаштирилади? Инвесторларни жалб қилиш керакми ёки фақат эгаси компанияга сармоя киритадими?
2. Эгаси бизнесни мустақил равишда юритишни ёки директор, бухгалтер ва бошқа ходимларни ёллашни хоҳлайдими?
3. Бизнес қанчалик катта бўлади, кутилаётган ойлик ва йиллик айланма қанча?

4. Контрагентлар билан қайси ҳисоб-китоб афзалроқ: нақд ёки нақд пулсизми?

5. Келажақда бизнесни сотиш мумкинми?

Бизнесни юритиш шакли ушбу масалаларни ҳал қилишга, шунингдек ҳисобот шаклларининг сонига ва уларни етказиб бериш частотасига боғлиқ.

1. Тижорат ташкилотлари (юридик шахслар)

Ушбу меморандумда биз тижорат юридик шахсларининг турлари (ташкилий-ҳуқуқий шакллари) ва уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ баъзи тартибларни (акцияларни чиқариш, акцияларни баҳолаш ва бошқалар), ташкил этиш ва тугатиш хусусиятларини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон қонунчилигида тижорат юридик шахслари “тижорат ташкилотлари” деб юритилади ва шунинг учун биз охириги атамани тижорат корпорацияларига (юридик шахсларга) нисбатан қўллаймиз.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилоти асосий мақсади фойда олиш бўлган юридик шахс бўлиши мумкин. Асосан, ушбу ташкилотлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин, лекин лицензия талаб қилинадиган фаолиятнинг айрим турлари, тижорат ташкилотлари фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин. Иштирокчилар сонига ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, бундай ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари устав (ва таъсис шартномаси) бўлиши мумкин.

1.1. Корпоратив муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар

Тижорат юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолати ва уларни ташкил этиш, бошқариш, тадбиркорлик фаолияти, фойдани тақсимлаш (дивидендлар тўлаш) ва тугатиш билан боғлиқ тартиблар қуйидаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари ва аксиядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-І-сон Қонуни (янги таҳрири);
- Ўзбекистон Республикасининг 14.06.1991й. «Кооперация тўғрисида»ги 295-ХП-сон Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 йилдаги 308-ІІ-сон “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги 06.12.2001 йил 310-ІІ-сон Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий тадбиркорлик тўғрисида”ги 11.12.2003 йил 558-ІІ-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 602-І-сонли Қонуни (янги таҳрири);

- Ўзбекистон Республикасининг 2000-йил 25-майдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-ІІ-сон Қонуни (янги таҳрири);

- Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 26-апрелдаги “Оилавий корхона тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарни самарали бошқаришни ва давлат мулкани тўғри ҳисобга олишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш”;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 21-августдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахсларни давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 704-сон қарори. молия-хўжалик фаолиятида”;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 12-10-сонли «Холдинглар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 398-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2019 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5739-сон Фармони;

- Қимматли қоғозларни чиқариш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августдаги 2000-сон билан рўйхатга олинган.

1.2. Тижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Тижорат ташкилотлари хўжалик ширкатлари (тўлиқ, масъулияти чекланган) ва ширкат (аксиядорлик ва масъулияти чекланган), ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона шаклида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда (оилавий корхона, хусусий корхона каби) ташкил этилиши мумкин. корхона, фермерлик ва бошқалар). Иқтисодиёт тармоқларида (қишлоқ хўжалигидан ташқари) юридик шахс ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакллари қуйидагилардир:

- Акциядорлик жамиятлари;

- Масъулияти чекланган жамиятлар;
- Хусусий Корхона;
- Давлат унитар корхонаси.

Қолган ташкилий-ҳуқуқий шакллар саноат, корпоратив ва мақсадли хусусиятларга эга ва шунинг учун камроқ тарқалган.

1.2.1. Акциядорлик жамиятлари (ОАЖ)

Акциядорлик жамияти - устав капитали маълум миқдордаги акцияларга бўлинган жамият. Акция - бу ўз эгасининг (1) фойданинг бир қисмини дивидендлар шаклида олиш, (2) бошқарувда иштирок этиш ва (3) бир қисмини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати бўлмаган, рўйхатдан ўтган эмиссиявий қимматли қоғоз. АЖ тугатилгандан кейин қолган мол-мулк.

Фақат акциядорлик жамияти акциялар (акциядорлик акцияларидан ташқари) ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга. Устав капиталини улушлардан ташқари мулкдан шакллантириш мумкин эмас. Акция ва облигациялар ҳужжациз шаклда чиқарилади.

Акциядорлар (юридик ёки жисмоний шахслар) икки турдаги акцияларга эга бўлишлари мумкин: оддий ва имтиёзли. АЖ ўз Уставида чиқарилган акцияларнинг турларини, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартибини белгилайди. Акцияларнинг номинал қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланиши ва 5000 сўмдан (тахминан 0,50 АҚШ доллари) ошмаслиги керак.

АЖ бошқарув органлари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистонда юридик шахс ташкил этиш бўлимига қаранг (2.2.4-2.2.6-бандлар).

1.2.1.1. ОАЖ шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари

Давлат юридик шахсларнинг иштирокчиси (таъсисчиси) бўлиши мумкин. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида давлат аксарияти собиқ вазирликлар ёки давлат корхоналари негизида ташкил етилган акциядорлик жамиятларида акциядорлик иштироки орқали ўз мавжудлигини сақлаб қолади. Бундай стратегик аҳамиятга эга акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида “хўжалик бошқаруви органлари” мақомига эга. Қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик бошқаруви органлари қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилган хўжалик бирлашмалари ҳисобланади:

- акциядорлик жамиятлари (шу жумладан давлат улуши) шаклида ўз шўба корхоналарини ушбу корхоналардаги акциялар пакетлари орқали бошқаради;
- ўз аъзолари томонидан берилган муайян ваколатларга эга бўлган юридик шахсларнинг бирлашмаси шаклида, бирлашманинг ушбу аъзоларининг акциялари пакетларига эгалик қилмасдан.

Акциядорлик жамиятлари шаклидаги бундай хўжалик бошқаруви органлари олдига қуйидаги асосий вазифалар юкланган:

- иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, янги турдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга кўмаклашиш, уларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш;
- корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;
- уларнинг таркибига кирувчи шўба корхоналарга ахборот хизматлари кўрсатиш;
- кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.

ОАЖ шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1997-йил 24-апрелдаги 398-I-сонли “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ табиий монополиялар субъектлари сифатида давлат назорати остида бўлиши;
- уларга берилган маъмурий ваколатларни амалга оширади;
- 2012-йил 20-декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензиялаш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ПФ-341-сон ва 2013-йил 15-августдаги 225-сон ПФга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш;
- “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 03.12.2014 йилдаги 378-сон Қонунига биноан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ваколатли шахслар ҳисобланади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаси таркибига кириши мумкин;
- иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида давлат дастурларини амалга ошириш бўйича ижро этувчи ва масъул орган бўлиши мумкин;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини олиши мумкин.

Бундай давлат секторининг мавжудлиги ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функцияларини бирлаштириши иқтисодиёт тармоқларини ортиқча тартибга солишга олиб келади. Шу боис иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни янада камайтириш ва бозор бошқаруви

механизмларини кенгайтириш мақсадида Ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ислохотлар концепсияси қабул қилиниб, унда бундай органларни янада қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди (07.08.2017 йилдаги УП-5185).

1.2.1.2. Холдинг корхона

Холдинг - бу активлари бошқа корхоналарнинг назорат пакетларини ўз ичига олган акциядорлик жамияти. Назорат пакети (улушлар, акциялар) корхоналарнинг бошқарув органларига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ега бўлишни англатади. Акцияларининг 20% дан ортиғи холдингга тегишли бўлган корхоналар холдингнинг шўба корхоналари ҳисобланади.

1.2.2. Масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ)

Масъулияти чекланган жамият - бу бир ёки бир нечта шахс томонидан таъсис этилган, устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳажмдаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти.

МЧЖ иштирокчисининг устав капиталидаги улуши фоиз ёки каср сифатида белгиланади. Жамият иштирокчисининг улушининг миқдори унинг улушининг номинал қиймати ва жамият устав капиталининг нисбатига мос келиши керак. Жамият аъзоси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдорига мутаносиб қисмига тўғри келади. Устав капиталидаги улушлар рўйхатга олинган қимматли қоғозлар ҳисобланмайди ва уюшган қимматли қоғозлар бозорларида сотилиши мумкин эмас.

2007 йилда МЧЖ тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилгунга қадар МЧЖ компаниянинг устав капитали ҳажмидан ошмайдиган миқдорда облигациялар чиқариши мумкин эди. Ҳозирги вақтда бундай қимматли қоғозларни фақат АЖлар чиқариши мумкин.

МЧЖнинг бошқарув органлари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун **Ўзбекистонда юридик шахс ташкил этиш (2.1.3-банд)** бўлимига қаранг.

Корхоналар демографияси бўйича таҳлилий бюллетенга мувофиқ (2018 йил январ-октябр учун) 260,8 минг бирликдан фаолият кўрсатаётган тижорат корхона ва ташкилотлари 2018-йил 1-ноябр ҳолатига масъулияти чекланган жамиятлар 166 мингтани ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, МЧЖ Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Ушбу машҳурлик қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- МЧЖ кредиторлар ва контрагентлар олдидаги қарзлар ва мажбуриятлар бўйича компанияга тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради;

- Жамият аъзолари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслар;
- Компания ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас;
- Жамият аъзолари жамият фаолияти билан боғлиқ йўқотишлар хавфини ўз ҳиссалари қиймати доирасида ўз зиммаларига оладилар;
- Унинг иштирокчиларидан бирининг жамиятдан чиқиши жамиятнинг ўзи фаолиятини тугатишга олиб келмайди;
- Фақат иштирокчининг айби билан жамият банкрот бўлган тақдирда, бундай шахсга, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик белгиланиши мумкин;
- Жамиятнинг устав капиталига ҳисса пул, қимматли қоғозлар, бошқа нарсалар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёки пул қийматига эга бўлган бошқа мулкӣ ҳуқуқлар бўлиши мумкин;
- Жамият аъзолари жамият рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида устав фондига ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин;
- Иштирокчилар томонидан устав капиталига қўйилган пул бўлмаган бадалларнинг пул қиймати жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарори билан тасдиқланади. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида номулкӣ депозитларни баҳолаш учун мустақил баҳоловчиларни жалб қилиш ҳолатлари белгиланмаган;

1.2.3. Хусусий корхоналар

Хусусий корхона - бир жисмоний шахс томонидан ташкил этилган ва бошқариладиган тижорат ташкилотидир. Хусусий корхона алоҳида мулкка эгалик қилади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, мажбуриятларни юклаши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулки билан жавоб беради. Хусусий корхонанинг мулкдори, агар корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан субсидиар жавобгар бўлади.

Корхоналар демографияси бўйича таҳлилий бюллетенга мувофиқ (2018 йил январ-октябр учун) 260,8 минг бирликдан. 2018-йил 1-ноябр ҳолатига кўра, тижорат корхоналари ва ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса, хусусий корхоналар МЧЖдан кейин бизнес юритишнинг энг кенг тарқалган шакли бўлди. Ушбу шаклнинг машхурлиги қонунда устав капиталининг минимал миқдори белгиланмаганлиги билан боғлиқ. Бўлинмас устав фонднинг ҳажмини мулкдорнинг ўзи белгилайди ва хусусий корхонани шахсан бошқаради.

1.2.4. (давлат) унитар корхоналар

Унитар корхона - бу мулкдор томонидан унга берилган мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўлмаган тижорат ташкилоти. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмайди ва бадаллар (улушлар) ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхонанинг бундай мулки унга хўжалик юритиш, тезкор бошқариш мулк ҳуқуқида тегишлидир. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулки билан жавоб беради ва мулк эгасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Асосан, бундай корхоналар давлат мулки негизида давлат томонидан ташкил этилади. Давлат корхонаси давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилоти бўлиб, унга оператив бошқарувга берилган давлат мулки негизида ташкил этилади. Давлат корхонаси ўзига бириктирилган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг вазифаларига ва мулкнинг мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. ундан. Давлат корхонасининг таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган давлат органлари ҳисобланади.

бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли хизмат кўрсатишда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал хизмат кўрсатиш жараёнини танлаш;

- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган хизматларни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал хизмат кўрсатиш заҳираларини яратиш.

- Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, хизмат кўрсатиш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

- Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, *ишчи кучидан* фойдаланиш

самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:
Бу ерда: ПТ - меҳнат унумдорлиги;

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

Меҳнат қуроллари(асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими (f_0) ва фонд сиғимини (f_e)

$$ПТ = \frac{Q}{Ч} \text{ аниқлаш формуласи қуйидагича:}$$

Бу ерда:

Q-маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Ф–асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

Бу ерда:

m- хизмат кўрсатишда материал сиғими;

M- хизмат кўрсатиш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

Q- кўрсатилган хизмат ҳажми, қиймат кўринишида.

Хизматнинг материал сиғими қанчалик паст бўлса, хизмат кўрсатиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ хизмат кўрсатиш материал сиғимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология норма ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сиғимининг бу тарзда камайтирилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Бу ерда:

R-рентабеллик, хизмат кўрсатиш корхона фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

П-корxonанинг баланс фойдаси;

A-авансланган капитал (асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашини меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни аниқлатади. Чунки айнан улар хизмат кўрсатиш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир ўтказиши. Хизмат кўрсатиш корхона фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки хизматлар таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корxonани хизмат кўрсатиш натижадорлигини ошириш, мавжуд қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса хизмат кўрсатишга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди. Юқорида келтирилган корхона самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корxonаларнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{пл}$) корxonанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади.

$$K_{пл} = \frac{A_2 - П_{дз}}{П_2 - Д_{зк}}$$

Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти (K_{cc}) уларнинг

шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$K_{cc} = \frac{\Pi_1}{\Pi_2 - D_{эк}}$$

Бу ерда:

Π_1 –хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, кўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

Молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{фн}$) корхона молиявий мустақиллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий қийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) ҳақида маълумот беради ҳамда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{фн} = \frac{\Pi_1}{ИБ}$$

Бу ерда:

ИБ-корхона баланси активи ёки пассивининг якуни.

Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти (K_{oc}) корхонанинг барқарор хизмат кўрсатиш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{oc} = \frac{\Pi_1 - A_1}{A_2}$$

Бу ерда:

A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал кўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Кўрсаткичлар тизими асосида корхонанинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб бериледи. Масалан, тўлов қобилияти коэффиценти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти 2 дан кичик бўлса ($K_{пл} < 2$; $K_{cc} < 2$), молиявий мустақиллик коэффиценти 0,5 дан кичик бўлса ($K_{фн} < 0,5$), хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти 0,1 дан кичик бўлса ($K_{oc} < 0,1$) корхоналар ночор деб топилади. Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси 4,6 дан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хизмат кўрсатиш Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам

самарадорликнинг асосида **фойдани максималлаштириш** ёки **харажатларни минималлаштириш** ётади.

Шартли мисол келтириб ўтамиз. Айтайлик, корхонанинг 10 млн сўм миқдорида маблағи бўлиб, бу маблағларни хизмат кўрсатиш жараёнини кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн сўм сарф қилганда қўшимча 11 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни фойда 1 млн сўмни ёки қўшилган капиталнинг 10 % қисмини ташкил қилади.

Агарда корхона ушбу маблағни банкка йилига 12 %ли депозит ҳисобига қўйганида, фоизлар учун 1,2 млн сўм фойда олган бўлар эди. Демак, муқобил харажатларни ҳисоблаганда корхона 0,2 млн сўм миқдоридаги қўлдан чиқариб юборилган фойдани ҳам ҳисобга олиши лозим. Бироқ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тарқалган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чиқарсада, хизмат кўрсатишни кенгайтиришга эриша олмайди. Хизмат кўрсатиш ни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хизматлар ташкилотининг доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитларида барқарор иқтисодий ривожланиши хизматлар фаолиятининг самарадорлиги таҳлилига асосланади.

Хизматлар фаолияти кўрсаткичларини системали таҳлил қилиш қуйидагиларга имкон беради:

- ташкилотнинг хизматлар фаолияти натижавийлигини тезда баҳолаш;
- конкрет турдаги тақдим этилаётган хизматлар бўйича олинadиган фойдага таъсир этивчи омилларни ўз вақтида аниқлаш;
- харажатларни (муомила харажатларини) ва уларнинг тенденцияларини аниқлаш. У ўз навбатида хизматлар баҳосини аниқлаш ва рентабелликни ҳисоблаш учун зарур;
- хизматлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва фойда олишнинг оптимал йўллари топиш.

• Хизматлар ташкилоти иши самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб фойда ҳисобланади. У хизматлар ташкилоти фаолият натижалари бўлган тақдим этилаётган хизматлар ҳажми структураси, меҳнат унумдорлиги, харажатлар даражаси, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларнинг мавжудлиги ва ҳоқозоларни акс эттиради. Олинган фойданинг миқдоридан асосий фондлар ва айланма маблағларнинг кўпайиши, ишловчиларни моддий рағбатлантириш, солиқлар тўлаш ва бошқалар боғлиқ бўлади. Фойданинг мавжудлиги шундан далолат берадики, хизматлар ташкилотлари харажатлари истеъмолчиларга

хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобига тўлиқ қопланади. Хизматлар ташкилотининг фойдаси унинг барча даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ тарзида ҳисобланади. Хизматлар кўрсатишдан олинган фойда (операцион ёки ялпи фойда) солиқ тўлашгача ва солиқ тўлангандан кейин (соф фойда) фарқланади. Солиқ тўлашдан кейинги фойда (соф фойда) бошқа режалаштирилмаган фойда ва харажатларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Режалаштирилган харажатларга солиқ тўловлари, режалаштирилмаган харажатларга шартларнинг бузилганлиги учун тўланадиган жарималар, пеня ва неустойкалар, ҳамда оператив фойда суммасини камайтирадиган умидсиз қарзлардан кечиш бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар киради. Режалаштирилмаган даромадларга турли ташкилотлардан олинган жарималар, пенялар ва неустойкалар, товар-

Хизмат кўрсатишдан олинган фойда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишдан олинган тушум ва ушбу хизматлар таннари ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади.

$$Фх = X_{T1} - X_{T2}$$

бу ерда $Фх$ - хизмат кўрсатишдан олинган фойда;

X_{T1} - хизмат кўрсатишдан тушум суммаси;

X_{T2} - хизматлар таннари.

Хизматлар кўрсатишдан олинган фойда турли омиллар таъсирида бўлади. Улар жумласига: кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўзгариши, кўрсатилаётган хизматлар структурасининг (турларининг) ўзгариши, хизматлар баҳоларининг ўзгариши, материаллар, тарифлар, ишчи кучи баҳоларининг ўзгариши ва хоказолар киради.

Фойданинг умумий ўзгариши:

$$Фх = Фх_1 - Фх_0 ,$$

бу ерда $Фх_1$ - ҳисобот йилида хизматлар кўрсатишдан олинган фойда;

$Фх_0$ - ўтган даврда хизматлар кўрсатишдан олинган фойда.

Кўрсатилаётган хизматлар баҳолари ўзгаришининг фойдага таъсири ҳисоб-китоблари:

$$\Delta Фхб = \sum (B_1 \times Kx_1) - \sum (B_0 \times Kx_1)$$

моддий қийматлар қолдиқлари, даво муддати ўтганлиги сабабли кредитор қарзлардан кечиш ва бошқалар киради.

бу ерда $\Delta Фхб$ - кўрсатилаётган хизматлар баҳолари ўзгариши ҳисобига фойда ҳажмининг ўзгариши;

B_1 - ҳисобот йилидаги хизматлар баҳоси;

B_0 - ўтган йилдаги хизматлар баҳоси;

Kx_1 - ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлар сони.

$\sum (B_1 \times Kx_1)$ - ҳисобот йилида ҳисобот баҳолари бўйича

хизматлар кўрсатиш;

$\Sigma(\text{Б}_0 \times \text{К}_{\text{х}_1})$ -ҳисобот йилида ўтган давр (базис) бахолари бўйича хизмат кўрсатиш.

Кўрсатилаётган хизматлар ҳажмидаги ўзгаришнинг фойдага таъсири ҳисоб- китоблари:

$$\Delta\text{Фх к} = \text{Фх}_0 \times \text{К}_1 - \text{Фх}_0 = \text{Фх}_0 (\text{К}_1 - 1),$$

бу ерда $\Delta\text{Фхк}$ - фойда миқдорининг кўрсатилаётган хизматлар сони (ҳажми) ҳисобига ўзгариши;

К_1 - кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ошиш

Коэффициенти;

$$\text{Тх}_1$$

$$\text{К}_1 = \frac{\text{Тх}_1}{\text{Тх}_0},$$

$$\text{Тх}_0$$

бу ерда Тх_1 - жорий даврда кўрсатилган хизматлар таннархи ўтган (базис) даври бахолари бўйича;

Тх_0 - ўтган даврда кўрсатилган хизматлар таннархи

ўтган (базис) даври бахолари бўйича.

Кўрсатилаётган хизматлар структурасидаги ўзгаришларнинг фойдага таъсири ҳисоб- китоблари :

$$\Delta\text{Фх.с.} = \text{Фх.о.} * (\text{К}_2 - \text{К}_1)$$

бу ерда

$\Delta\text{Фх.с.}$ - фойда миқдорининг кўрсатилаётган хизматлар структурасининг ўзгариши ҳисобига ўзгариши;

К_2 - сотиш нархларида баҳолаш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ошиш коэффициенти.

$$\text{Тх}_1$$

$$\text{К}_2 = \frac{\text{Тх}_1}{\text{Тх}_0},$$

$$\text{Тх}_0$$

бу ерда Тх_1 - ўтган (базис) нархларидаги ҳақиқий тушум;

Тх_0 - ўтган (базис) давридаги тушум.

Кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш ҳисобига тежамнинг фойдага таъсири ҳисоб-китоблари:

$$\Delta\text{Фх.т.} = \text{Тх}_1 - \text{Тх}_0$$

бу ерда $\Delta\text{Фх.т.}$ - фойда ҳажмининг кўрсатилаётган хизмат лар таннархини камайтириш ҳисобига ўзгариши.

Хизматлар кўрсатиш учун харажатларнинг қопланишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Сотиш фойдалилигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Капитал даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги (харажатларнинг қопланиши) - ялпи (хизматларни сотишдан олинган фойда), соф фойда ёки тушумнинг, кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар суммасига нисбати:

$$R_x = \frac{\Phi_x}{T_x} \quad \text{ёки} \quad R_x = \frac{СФ}{T_x}$$

бу ерда

R_x - харажатлар рентабеллиги

СФ - соф фойда.

У хизматлар кўрсатишга сарфланган ҳар бир сўмдан ташкилот қанча фойда олишини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткич хизматлар ташкилоти бўйича умумий ҳолда, шунингдек унинг алоҳида структурали бўлимлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Сотиш (оборот) рентабеллиги - хизматни сотишдан олинган фойда ёки соф фойданинг олинган тушум суммасига нисбати

$$R_c = \frac{\Phi_x}{\text{Туш.х}} \quad \text{ёки} \quad R_c = \frac{СФ}{\text{Туш.х}}$$

бу ерда R_c - сотиш рентабеллиги.

Ушбу кўрсаткич тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини тавсифлайди, яъни хизматлар ташкилоти ҳар бир сўмлик сотишдан қанча фойда олади. У жами ташкилот бўйича ва алоҳида хизмат турлари бўйича ҳисобланиши мумкин.

Капитал рентабеллиги (даромадлилиги) - солиқ тўлашга қадар фойданинг (ялпи, соф) капиталнинг ўрта йиллик қийматига ёки унинг таркибий қисимларига (хусусий, қарзга олинган, асосий оборот капитали) нисбати.

$$R_k = \frac{\Phi_x}{K} \quad \text{ёки} \quad R_k = \frac{СФ}{K} \quad \text{ёки} \quad R_k = \frac{Фс.т.}{K}$$

Бу ерда - R_k - капитал рентабеллиги

Фс.т. - солиқ тўлагунча фойда

К - капиталнинг (асосий, айланма, унинг алоҳида элементлари) ўрта йиллик қиймати.

Ушбу кўрсаткичлар ҳар бир сўмлик капитал қийматидан олинадиган фойда миқдорини тавсифлайди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари ҳар қандай самарани ҳам ўзига сингдира олмайди. Самара қачон қулай, қачонки унга қилинган харажатлар юқори самарадорлик эвазига амалга ошса. Шу туфайли

синергетик самара билан бирга синергетик самарадорлик тушунчасига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Аммо иқтисодий адабиётларда, юқорида таъкидланганидек, синергетик самарадорлик тушунчасига берилган таърифни учратмадик. Шу туфайли синергетика ва самарадорлик тушунчаларининг мумтоз таърифидан ва уларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ушбу тушунчанинг таърифни ишлаб чиқдик. Тадқиқотда ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Синергетик самарадорлик дейилганда, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани қўлга киритиш учун ҳамкорликда, барча дахлдор кучларни бирлаштирган ҳолда қилинган ҳаракатларга кетган ҳаражатлар, алоҳида ҳаракат қилинган пайтдаги ҳаражатларга нисбатан юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги тушунилади. Масалан, 8 та бир соҳада хўжалик юритувчи субъектлар алоҳида ҳаракат қилиб, ўрта ҳисобда ҳар бир минг сўм қилинган ҳаражатга 300 сўмдан соф фойда олишга эришди. Улар кучни бирлаштириб, биргаликда ҳаракат қилганда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 400 сўмни ташкил қилди, деб фараз қиламиз. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолатда синергетик самарадорлик туфайли биринчи ҳолатга нисбатан ҳар бир минг сўм қилинган ҳаражатга юз сўмдан қўшимча соф фойда (400-300) олишга эришилган. Бунинг математик шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta C_c = K_{cb} - \left(\sum_{k=1}^n K_i \right);$$

Бунда: ΔC_c - синергетик самара фарқининг миқдори;

K_{cb} - кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик самара; $\left(\sum_{k=1}^n K_i \right)$; - алоҳида кучлар ҳаракати пайтидаги самаранинг жамланган миқдори.

Ушбу формулалардан фойдаланиб, синергетик самарадорлик миқдорини ҳаражатларга нисбатан аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$C_{cd} = \frac{K_{bxa} - \left(\sum_{k=1}^n X_{ai} \right)}{C_{xa}} = \frac{\Delta C_c}{C_{xa}};$$

Бунда: S_{sd} - синергетик самарадорлик;

K_{bxa} - кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик ҳаражатлар;

$\left(\sum_{i=0}^n X_{ai} \right)$ - алоҳида кучлар ҳаракати пайтидаги ҳаражатларнинг жамланган миқдори;

ΔC_c - синергетик самара фарқининг миқдори;

Сха - кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик ҳаражатлар фарқининг миқдори.

Амалиётда ана шу самарадорликка эришиш учун барча кучларни бирлаштирган ҳолда ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш тақозо қилинади. Бу жараён ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Буни ташкил қилишни биринчи босқичда давлат ҳокимияти бош ислохотчилик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимликлар ўз зиммаларига олишлари ва унинг бажарилишини назорат қилиб боришлари лозим. Бу жараён йўлга тушиб, ўзини оқлагандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар ўз ихтиёрлари билан бирлашиб ҳаракат қилишлари табиий. Чунки самара берадиган иқтисодий тадбир ерда қолмайди.

4.3. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида самарадорликни оширишнинг асосий йўллари.

Хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корxonанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. ҳар қандай ишда, жумладан, корxonалар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корxonаларнинг хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- хизмат кўрсатишда меҳнатни автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- Сервис билан боғлиқ хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- хизмат кўрсатишда меҳнатни илмий ташкил қилиш.
- Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корxonани топиш амри маҳол. Бироқ ушбу омилни амалга

ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Хизмат кўрсатиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, хизмат кўрсатишни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти хизмат кўрсатиш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона хизмат кўрсатиш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - хизмат кўрсатиш кооперация кластерини киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида хизмат кўрсатишда *интенсивлаштириш*, кўратилаётган хизматларнинг *тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корxonанинг* хизмат кўрсатиш *тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Таянч иборалар:

Самара, самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, фонд қайтими, тўлов қобиляти коэффициенти, тўлов қобиляти коэффициенти, хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти, капитал

рентабеллиги, сотиш (оборот) рентабеллиги, фан-техника тараққиёти, харажатлар рентабеллиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Самара ва самарадорликка умумий тушунча беринг?
2. Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар* қандай ўринга эга эканлигини ёритинг?
3. Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг самарадорлигини оширишда қанчалик аҳамият касб этади?
4. Солиқ тўлашга қадар фойданинг (ялпи, соф) капиталнинг ўрта йиллик қийматига ёки унинг таркибий қисимларига (хусусий, қарзга олинган, асосий оборот капитали) нисбати аниқланг?
5. Рентабеллик кўрсаткичлари қандай гуруҳлар бўйича ҳисобланишини асосланг?
6. Хизматлар корхона ва ташкилотлари бўйича умумий ҳолда, шунингдек унинг алоҳида структурали бўлимлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин бўлган кўрсаткични келтиринг?
7. Хизмат кўрсатишдан олинган фойда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишдан олинган тушум ва ушбу хизматлар таннарихи ўртасидаги фарқ тарзида аниқланишини кўрсатинг?
8. Фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш қандай амалга оширилади?

V БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚУВВАТЛАРИ, АЙЛАНМА ФОНДЛАР АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР

5.1. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларидаги асосий фондлар турлари ва уларнинг таснифи, асосий фондлар амортизацияси ва уни ҳисоблаш усули.

5.2. Хизмат кўрсатиш қуввати тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.

5.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида айланма фондлар ва айланма маблағлар тушунчаси. Айланма маблағларни баҳолаш кўрсаткичлари.

5.4. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида айланма фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

5.1. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларидаги асосий фондлар турлари ва уларнинг таснифи, асосий фондлар амортизацияси ва уни ҳисоблаш усули.

Замонавий иқтисодиёт фани **асосий фондларни** маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, хизмат кўрсатишнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Ҳозирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий фондлар хизмат кўрсатиш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

Асосий фондлар корхона хизмат кўрсатиши воситаларининг бир қисми бўлиб, хизмат кўрсатиши жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.

Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар хизмат кўрсатиш ва нохизмат кўрсатиш фондларига тақсимланади. Хизмат кўрсатиш асосий фондлари ўз моҳиятига кўра, корxonанинг хизмат кўрсатиш потенциалини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

* хизмат кўрсатиш бинолари ва иншоатлари;

- * узатиш қурилмалари;
- * қувват машиналари ва ускуналари;
- * ишчи машиналар ва ускуналар;
- * транспорт воситалари;
- * ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари;
- * фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва хизмат кўрсатиш инвентари.

Асосий хизмат кўрсатиш фондлари хизмат кўрсатишда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, **корхонанинг хизмат кўрсатиш аппарати** деб аталади.

Нохизмат кўрсатиш асосий фондлари *корхона асосий фондларининг хизмат кўрсатишда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди.* Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги нохизмат кўрсатиш асосий фондлари хизмат кўрсатиш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Меҳнат предметига ўтказувчи таъсирга кўра, асосий хизмат кўрсатиш фондлари **актив** ва **пассив** турларга бўлинади. Асосий хизмат кўрсатиш фондларининг пассив турига бино ва иншоотлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат қуроллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий хизмат кўрсатиш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив хизмат кўрсатиш фондларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашилиш суръати тезлашади.

Хизмат кўрсатиш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, хизмат кўрсатиш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

Асосий фондларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларининг қиймат бўйича ўзаро нисбати *асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини* акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий хизмат кўрсатиш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив қисмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий фондларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали, жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказди. Йирик корхоналар, хизмат кўрсатишни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга. Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада хизмат кўрсатишни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.

«Хизматлар соҳаси иқтисодиёти»га **эксплуатация қилинаётган асосий фондларнинг ёши**, биринчи ўринда машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. ҳозирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва ҳоказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг хизмат кўрсатиш қувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талофатлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади.

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал баҳолаш*-хизмат кўрсатишни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий фондларни қайта хизмат кўрсатишни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва хизмат

кўрсатиш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: **бошланғич қиймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

Тикланиш қиймати бўйича - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, хизмат кўрсатиш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта хизмат кўрсатиш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

Қолдиқ қиймати бўйича - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукамаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати **баланс қиймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс

қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий хизмат кўрсатиш фондларининг ўртача йиллик қиймати (F_x)** белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$F_x = A_{xq} + \frac{A_{ft}A_{yo} - A_{yt}A_{yb}}{12}$$

Бу ерда:

A_{xq} – асосий хизмат кўрсатиш фондларининг йил бошидаги қиймати;

A_{ft} – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий хизмат кўрсатиш фондлари қиймати;

A_{yt} – йил давомида хизмат кўрсатишдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

A_{yo} – фойдаланишга топширилувчи асосий хизмат кўрсатиш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

A_{yb} – хизмат кўрсатишдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий хизмат кўрсатиш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш асосий фондларнинг бирламчи хислатларини хизмат кўрсатишда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (J_e) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$J_e = \frac{A_{fxx}}{A_{fxn}} * 100;$$

ёки

$$J_e = \frac{X_a}{X_b} * 100;$$

Бу ерда:

A_{fxx} – асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

A_{fxn} – асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

X_a - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

X_b – асосий фондларнинг бошланғич (қайта ташкил қилиш) қиймати.

Маънавий эскириш - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг хизмат кўрсатиш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шакллари куйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$M_e = \frac{A_{fb} - A_{ft}}{A_{fb}} * 100;$$

$$M_e = \frac{T_u - T_s}{T_u} * 100;$$

Бу ерда:

A_{fb} - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

A_{ft} - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

T_u - янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта хизмат кўрсатиш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида хизмат таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари куйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари (A_n) асосида амалга оширилади:

$$A_n = \frac{A_a}{A_{aft}} * 100;$$

Бу ерда:

A_a - амортизация ажратмалари;

A_{aft} - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (A_{yaj}) миқдори куйидаги формула асосида аниқланади:

$$A_{yaj} = \frac{A_{aft} + A_{xm} + AQ_{xd} + A_{fq}}{Q_{xq}} * 100;$$

Бу ерда:

A_{xm} – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

AQ_{xd} - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

A_{fq} - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

Q_{xq} - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш (f_{re}) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш (M_q) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси куйидаги формула:

$$f_{re} = \frac{A_{aft} - A_{fq}}{Q_{xq} A_{aft}} * 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$M_q = \frac{A_{xm} + A_{Qxd}}{Q_{xq} A_{aft}} * 100;$$

асосида аниқланади

Хизмат кўрсатиш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

Ўртача таъмирлаш техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмирлашда асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Такрор хизмат кўрсатиш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни

яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор хизмат кўрсатишнинг қолган босқичлари корхона худудида амалга оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор хизмат кўрсатиш туфайли корхоналар хизмат кўрсатишни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

5.2. Хизмат кўрсатиш қуввати тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.

Асосий хизмат кўрсатиш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корxonанинг хизмат кўрсатиш қуввати катталигини белгилайди. У хизмат кўрсатиш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корxonанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот хизмат кўрсатиш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, **хизмат кўрсатиш қуввати** – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида хизмат кўрсатиш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корxonанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корxonанинг хизмат кўрсатиш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона хизмат кўрсатиш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- * ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- * ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- * ишчилар сони;
- * ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона хизмат кўрсатиш қувватининг **бошланғич** (йил бошида), **яқуний** (йил охирида), **ўртача** йиллик ҳамда **лойиҳа қуввати** турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корxonанинг амалдаги қуввати билан

солиштирилади. Корхонанинг амалдаги қуввати корхона хизмат кўрсатиш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона хизмат кўрсатиш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) хизмат кўрсатиш қуввати хизмат кўрсатиш майдонларига асосан ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корхона бош бўғинининг (асосий цехининг) хизмат кўрсатиш қуввати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$S_q = \frac{I_u * F_{max}}{Uf_p};$$

Бу ерда:

S_q - цех ёки учасканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги хизмат кўрсатиш қуввати;

I_u - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

F_{max} – бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

Uf_p – бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, соат.

Амалиётда хизмат кўрсатиш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий хизмат кўрсатиш фондлари, янги техника ва аниқланган заҳиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот хизмат кўрсатиш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона хизмат кўрсатиши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Хизмат кўрсатиш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, *ўртача йиллик хизмат кўрсатиш қуввати* ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{uy} = K_{yb} + \frac{MK_q * N_1}{12} - \frac{MCH_q * N_2}{12};$$

Бу ерда:

K_{uy} – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

K_{yb} – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

MK_q – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

MCH_q – йил давомида хизмат кўрсатишдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

N_1 , N_2 – хизмат кўрсатиш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган хизмат кўрсатиш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча хизмат кўрсатиш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг хизмат кўрсатиш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ - *умумлаштирувчи* ва *қиймат* кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий фондларнинг турли гуруҳларини динамика ва статикада баҳолаш, таҳлил қилиш, заҳираларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини яратади. Бундай кўрсаткичларга фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

иккинчи гуруҳ - *хусусий* ва *натурал* кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ асосий хизмат кўрсатиш фондларининг фаол қисми - ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг бу гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

* асосий хизмат кўрсатиш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффиценти, улардан вақт бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;

* асосий хизмат кўрсатиш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффиценти, улардан қувват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;

* асосий хизмат кўрсатиш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффиценти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни ҳисобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳар бири амалиётда мустақил маънога эга бўлиб, турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий хизмат кўрсатиш фондларидан вақт бўйича қандай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) баҳолаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффиценти, ускуналарни коэффиценти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффиценти каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти мазкур ускуналардан амалда ҳақиқий фойдаланилган вақтнинг улардан режа бўйича фойдаланиш муддатига нисбати орқали аниқланади.

$$K_{\text{экс}} = \frac{t_{\text{хак}}}{t_{\text{реж}}}$$

Бу ерда:

$t_{\text{хак}}$ – ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соатлар;

$t_{\text{реж}}$ – ускуналарнинг нормага асосан фойдаланиш муддати, соатлар.

Мисол. Агар 8 соатлик смена мобайнида таъмирлаш учун 1 соат режалаштирилиб, амалда 5 соат сарфланган бўлса, у ҳолда экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,71 ($5/(8-1)$) ни ташкил қилади. Бу эса асбоб-ускуналардан смена давомида фақат 71 % фойдаланилганлигини англатади.

Корхоналарда бундай ускуналарнинг бир эмас, бир нечта – ўнта ёки юзтасидан фойдаланилади. Шу муносабат билан ускуналарнинг сменалик коэффициенти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналарнинг умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу ҳолда сменалик коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$K_{sm} = \frac{MS}{KO}$$

Бу ерда:

MS - сутка давомида ҳақиқий ишланган машина-сменалар йиғиндиси;

KO - ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Мисол. Корхонада 200 дона металл қирқувчи станок сутка мобайнида 360 машина-смена, 60 та темир прессловчи станок 50 машина-смена, 40 та қуёв станоклари эса 30 машина-смена ишлаган. Ушбу ҳолда барча станоклардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти қуйидагича топилади:

$$K_{sm} = \frac{360 + 50 + 30}{200 + 60 + 40} = 1,47$$

Ускуналарнинг сменалик коэффициентини аниқлашнинг яна бир йўли бўлиб, унга кўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг барчасидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан, цехда 270 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада улардан 200 таси, иккинчи сменада эса 190 таси ишлаган. Бу ҳолда ускуналарнинг сменалик коэффициенти 1,44 $(200+190)/270$) ни ташкил қилади.

Ускуналарни юкланиш коэффиценти ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни тавсифлайди. Сменалилик коэффицентидан фарқли равишда, у маҳсулотнинг меҳнат сиғимини ҳисобга олади. У мазкур ускунада тайёрланган барча маҳсулотлар меҳнат сиғимининг унинг ишлаш вақти фондига нисбати орқали аниқланади. Мазкур мисолда ушбу коэффицент қуйидагича бўлади:

$$K_{yuk} = \frac{1,44}{2} = 0,72$$

Корхонада асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланишни тўлиқ баҳолаш учун экстенсив кўрсаткичлардан ташқари, уларнинг қувват бўйича юкланиш табиатини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда юқорида айтиб ўтилганидек, технологик ускуналар амалдаги унумдорлигининг, яъни техник асосланган прогрессив унумдорликнинг норматив унумдорликка нисбати асосида, яъни **ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффицентидан** фойдаланиш, уни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$K_{in} = \frac{Vx}{Vp}$$

Бу ерда:

Vx – вақт бирлигида ускунада ишлаб чиқарилган ҳаққий маҳсулот миқдори;

Vp – вақт бирлигида ускунада техник жиҳатдан асосланган маҳсулот хизмат кўрсатиш нормаси.

Мисол. Паспорт маълумотлари бўйича дастгоҳда бир соатда 100 та деталь яшаш мумкин, амалда эса шу вақт ичида фақат 80 та деталь тайёрланди. У ҳолда K_{in} қ 0,8 (80:100), яъни дастгоҳдан қувват бўйича фойдаланиш 80 фоизни ташкил қилди.

Ускунадан интеграл фойдаланиш коэффиценти ускунадан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффицентларининг кўпайтмаси орқали аниқланиб, унинг вақт ва қувват бўйича банд бўлишини (фойдаланилишини) комплекс характерлайди.

Бизнинг мисолимизда $K_{экс}$ қ 0,71 ва K_{in} қ 0,8 бўлганлиги туфайли, ускунадан интеграл фойдаланиш коэффиценти қуйидагига тенг бўлади:

$$K_{integr} = K_{экс} * K_{in} = 0,71 * 0,8 = 0,57$$

Корхонанинг асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланишнинг умумий ва қиймат кўрсаткичлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, аввало **фонд қайтими** ҳақида тўхталиб ўтиш керак. У асосий фондлар бирлигига (қиймати бўйича) тўғри келган маҳсулот хизмат кўрсатишни характерлайди.

У маҳсулот сотишдан тушган бир йиллик тушумнинг (A_{xkf}) асосий хизмат кўрсатиш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$F_q = A_{xkf} / X_{kfs}$$

Хизмат кўрсатишнинг фонд сиғими - фонд қайтимига тескари қиймат бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$F_s = F_q / A_{xkf}$$

Фонд сиғими капитал қўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки кўпайтириш билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Масалан, хизмат кўрсатишнинг маҳсулоти фонд сиғими пасайиб, унинг хизмат кўрсатиш ҳажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал қўйилмаларини тежаш учун имконият туғилади. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{qt} = H_{xkfs} * A_{xkf}$$

Бу ерда:

K_{qt} – капитал қўйилмаларни тежаш, сўм;

H_{xkfs} – ҳисобот йилида хизмат кўрсатиш фонд сиғимининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

Ҳар бир корхона ўз тасарруфидаги асосий хизмат кўрсатиш фондларидан иложи борича унумли фойдаланишга интилиши лозим. Бунга фондларни иш билан таъминлашни яхшилаш туфайли хизмат кўрсатиш ва маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш, нисбий харажатларни камайтириш, фойдани оширишдан ташқари асосий фондларда жамиятнинг ўтмишда нарса ҳолига айланган меҳнати мужассамланганлиги ҳам зарурият туғдиради.

Корхона асосий хизмат кўрсатиш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- смена давомида ускуналар бекор туриб қолишини қисқартириш ва унинг олдини олиш;
- ускуналарнинг сменалик коэффицентини ошириш;
- бекор турувчи ускуналарни қисқартириш ва тугатиш;
- таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш;
- ускуналарни эксплуатация қилувчи ходимларнинг малакасини ошириш;
- хизмат кўрсатишни ташкил этишни ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.

5.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида айланма фондлар ва айланма маблағлар тушунчаси. Айланма маблағларни баҳолаш кўрсаткичлари.

Корхоналар хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат қуролилари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан ташқари, **айланма маблағларга** ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар хизмат кўрсатишнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қоидага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот хизмат кўрсатиш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар хизмат кўрсатиш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

“Айланма маблағлар” атамасидан ташқари “айланма капитал” ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва хўжалик юритишнинг хорижий тажрибасидан олинади. Моҳиятига кўра, **айланма капитал** корхона хизмат кўрсатиш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати хизмат кўрсатишнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки хизмат кўрсатиш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги ўрнига кўра, “айланма маблағлар” ва “айланма капитал” ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хом ашё, ёқилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган қўшимча талаб банклардан олинadиган кредитлар ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, хизмат кўрсатиш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда ҳамда корхонанинг хизмат кўрсатиш ва нохизмат кўрсатиш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Айланма хизмат кўрсатиш фондлари–корхона хизмат кўрсатиш фондларининг бир қисми бўлиб, битта хизмат кўрсатиш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади. Шу сабабли айланма хизмат кўрсатиш фондлари хизмат кўрсатиш жараёнининг мажбурий элементи ва хизмат кўрсатиш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма хизмат кўрсатиш фондлари қаторига хом ашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоқлаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган хизмат кўрсатиш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма хизмат кўрсатиш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- * хизмат кўрсатиш захиралари;
- * тугалланмаган хизмат кўрсатиш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- * келгуси давр харажатлари.

Муомала фондлари корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма хизмат кўрсатиш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари(капитали)ни ташкил қилади.

Хизмат кўрсатишда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, маҳсулот тайёрлашнинг хизмат кўрсатиш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва қуролларидан фойдаланиш нормаларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда хизмат кўрсатишни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда **заҳира** деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу заҳиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра халқ хўжалигига ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, хизмат кўрсатиш ичидаги (завод, цех ва хоказо) турларига бўлинади. «Хизматлар соҳаси иқтисодиёти»да **ички хизмат кўрсатиш заҳиралари** - хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Заҳиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-хизмат кўрсатиш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни хизмат кўрсатишда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот хизмат кўрсатиш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва хизмат кўрсатиш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У хизмат кўрсатишни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар захираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

Шаклланиш манбаига кўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

Хусусий айланма маблағлар доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пассивлари деб аталади.

Қарзга олинган айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, маҳсулот хизмат кўрсатиш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пассивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот хизмат кўрсатиш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борича камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар захиралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айланма маблағларни нормалаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни

аниқлаш, хизмат кўрсатиш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги хизмат кўрсатиш захиралари (хом ашё, материаллар, ёкилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган хизмат кўрсатиш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутаяди. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимида риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг нормативи айланма маблағлар нормасини, нормаси аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қоидага кўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$N_{aym} + N_{xkzn} + N_{txkn} + N_{tm}$$

Бу ерда:

N_{xkzn} - ишлаб чиқарилган захиралар нормаси;

N_{txkn} – тугалланмаган хизмат кўрсатиш нормаси;

N_{tm} - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни нормалаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

* нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;

* нормаларнинг иқтисодий ва хизмат кўрсатиш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;

* хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;

* чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;

* эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни нормалаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланилувчи -лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган хизмат кўрсатиш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни нормалаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари хизмат кўрсатиш захираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган хизмат кўрсатишнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш захираларини нормалаштириш, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар хизмат кўрсатиш захиралари нормативлардан паст бўлса, хизмат кўрсатиш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг хизмат кўрсатиш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, хизмат кўрсатиш захираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш захиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

Жорий захира – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида хизмат кўрсатишни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Мисол. Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун қабул қилади. Яъни етказиб бериш оралиғи 30 кунни ташкил қилади. Демак, уннинг максимал даражадаги жорий захираси 300 (10x30) тоннани, ўртача жорий захираси 150 (10x30:2) тоннани, ун ҳар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий захираси эса 50 (10x10:2) тоннани ташкил қилади.

Шу тариқа жорий захиралар ҳажми кўп жиҳатдан етказиб бериш оралиғига боғлиқ бўлади: оралиқ қанчалик кичик бўлса, захира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда жорий захира миқдорини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$Z_m + U_{msf} * Y_{bo}$$

Бу ерда:

U_{msf} – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш миқдори (Т., дона);

Y_{bo} – етказиб бериш оралиғи ёки таъминот цикли, кунлар.

Суғурта (кафолат) захирасидан таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта захирасининг миқдори жорий захира нормасининг 50% миқдорида белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{smr} + U_{msf} * (T_1 + T_2 + T_3 + T_4)$$

Бу ерда:

T_1 – материални юклаш учун кетадиган вақт;

T_2 – материаллар йўлда бўладиган вақт;

T_3 – материалларни омборга қабул қилиш вақти;

T_4 – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта захираси омборда жорий захира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасида, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг рухсати билангина сарфланади.

Тайёрлов (технологик) захирасидан хом ашё ва материалларни хизмат кўрсатишга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай захиралар хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов захираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда нормага солинади.

Мавсумий захиралар асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб

беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий захиралар ҳажми худди жорий захиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий захиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Хизмат кўрсатиш захираларини нормалаштириш, хизмат кўрсатишда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш захираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тугалланмаган хизмат кўрсатишни нормалаштириш. Тугалланмаган хизмат кўрсатиш бўйича айланма маблағлар нормативини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Тугалланмаган хизмат кўрсатиш сифатида хизмат кўрсатишнинг турли босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

Тугалланмаган хизмат кўрсатиш бўйича айланма маблағлар нормативи миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. Маҳсулот хизмат кўрсатиш ҳажми.
2. Маҳсулот хизмат кўрсатиш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3. Хом ашё ва материалларни хизмат кўрсатишга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган хизмат кўрсатиш циклининг давомийлиги. Хизмат кўрсатиш циклининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$X_{sd} = X_{bos} + O_{ov} + T_{tv} + X_{myq}$$

Бу ерда:

X_{bos} - маҳсулот хизмат кўрсатишдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

O_{ov} - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

T_{tv} - транспортда ташиш вақти;

X_{myq} - хизмат маҳсулотини йиғиш, қабул қилиш ва топшириш вақти.

Тугалланмаган хизмат кўрсатишга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни хизмат кўрсатишга киритиш билан бошланади ҳамда хизмат кўрсатиш цикли якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган хизмат кўрсатиш нормативини ҳисоблашда хизмат кўрсатиш цикли кунларда белгиланади ҳамда бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$N_{txkn} + X_{ukx} * X_{ksd} * X_{o'k}$$

Бу ерда:

X_{ukx} - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;

X_{ksd} - хизмат кўрсатиш цикли давомийлиги, кунларда;

$X_{o'k}$ - харажатларнинг ўсиш коэффиценти.

Харажатларнинг ўсиш коэффиценти асосий материаллар ($X_{o'k}$) тўлиқ қийматда олинувчи катталиқ сифатида ҳисобланади (Q_k). Хизмат кўрсатиш харажатлари (X_{kx}) бутун хизмат кўрсатиш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради ҳамда 50% қийматда ҳисобга олинади:

$$Q_k(X_{o'k} Q_{0,5} X_{kx})/S$$

Бу ерда:

S - маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар (X_{kx}) бир хил сурат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\frac{K_{xorr} Q (X_{o'k} Q_{0,5} X_{kx})}{S}$$

Бу ерда:

Q, K – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффицентлари;

YT_{mp} - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

B_{qq} - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффицентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг хизмат кўрсатиш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар хизмат кўрсатиш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида хизмат кўрсатишда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффицент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

Тайёр маҳсулот қолдиқларини нормалаштириш. Хизмат кўрсатиш жараёни тугаллангандан сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш нормативи миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот нормасига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$T_{mn} Q \frac{R_{dt}}{Rk_{dk}} * N_{tmz}$$

Бу ерда:

T_{mn} – тайёр маҳсулот нормативи;

R_{dt} - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;

N_{tmz} – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар заҳиралари нормаси, кунларда;

Rk_{dk} - режадаги даврда календар кунлар миқдори.

Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу нормасидаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

Келгуси давр харажатларни нормалаштириш. Ўсиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатларни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари (A_{mkdx}) нормасини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$A_{mkdx} Q S_m Q R_{yx} Q S_{mx}$$

Бу ерда:

S_m - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

R_{yx} – режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган хизмат кўрсатиш харажатлари;

S_{mx} - ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари нормалари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (норматив) миқдори ҳисобланади. Корхона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, хизмат кўрсатиш заҳиралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинувчи маҳсулотлар, қадоклаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва ҳоказолар), тугалланмаган хизмат кўрсатиш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

5.4. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилларида айланма фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

- 1) айланиш коэффиценти;
- 2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффиценти;
- 3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффиценти корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$\frac{K_a Q S_{mxhp}}{A_{mqx}}$$

Бу ерда:

S_{mxhp} – сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

A_{mqx} – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар нормативи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган маҳсулотлари ҳажми 800 млн сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда айланма маблағлар нормаси 200 млн сўмни ташкил қилади. Демак $K_a Q$ 4,4 (880:200).

Айланма маблағларни юкланиш коэффиценти айланиш коэффицентиغا тесқари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$\frac{A_{myu} Q A_{mqx}}{S_{mxhp}}$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффицентиغا нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\frac{Rk_{ak} Q D_{ks}}{K_a}$$

Бу ерда:

D_{ks} - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдида қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- * фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- * хизмат кўрсатишнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- * корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- * маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- * бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Мисол. Корхона айланма маблағларининг ўртача миқдори 2022 йилда 100 млн сўмни ташкил қилади. 2023 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда 90 млн сўм миқдорида эҳтиёж режалаштирилмоқда. Бу ҳолда асосий воситаларнинг мутлақ озод қилиниши 10 млн сўмни ташкил қилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Мисол. Корхонада 2022 йилда сотилган маҳсулот қиймати 360 млн сўмни, 2023 йилда эса 400 млн сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 2022 йилда 100 млн сўм, 2023 йилда эса 95 млн сўмни ташкил қилган. Айланиш муддати 2022 йилда 100 кун ($100 \times 360 : 360$). 2023 йилда айланма маблағларга эҳтиёж 111 млн сўм ($400 \times 100 : 360$). 2022 йилда айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 95

млн сўмни ташкил қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, воситаларнинг нисбий озод қилиниши 16 млн сўмни (111 - 95) ташкил этади.

Таянч иборалар:

Асосий фондлар, меҳнат, актив ва пассив, маҳсулотнинг фонд сифими, амортизация ажратмаси, капитал қуйилмалар, хизмат кўрсатиш қуввати, захиралар, маблағлар, капитал таъмирлаш, ўртача таъмирлаш, жорий таъмирлаш, қолдиқ қиймати, тикланиш қиймати, бошланғич қиймат, баланс қиймати. Айланма маблағлар, айланма фондлар, айланма капитал, айланма активлар, айланма хизмат кўрсатиш фондлари, муомала фондлари, хусусий айланма маблағлар, қарзга олинган айланма маблағлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
2. Асосий фондлар таркибини тушунтиринг?
3. Асосий фондлар таснифини айтинг?
4. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати қандай аниқланади?
5. Ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни тавсифлайдиган кўрсаткичларни келтиринг?
6. Амортизация нима ва у қандай усуллар орқали аниқланади?
7. Асосий фондлар кўрсаткичлари қандай гуруҳларга бўлинади?
8. Асосий фондлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни айтинг?
9. Асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?
10. Айланма маблағларнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб беринг?
11. Асосий фондлардан айланма маблағлар қандай фарқ қилади?
12. Айланма маблағлар шаклланиш манбаларини айтиб беринг?
13. Айланма маблағларнинг қандай қисмини режалштириб бўлмайди?
14. Айланма маблағлар таркибидан қайси бири нормаллаштирилади?
15. Хизмат кўрсатиш захирасини нормаллаштириш деганда нимани тушунасиз?
16. Айланма маблағлар ҳолатини қандай кўрсаткичлар ифода этади?
17. Айланма маблағлар таркиби қандай кўрсаткичлар орқали ҳисобланади?
18. Айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?

VI БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КАДРЛАР ҚУНИМСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

6.1. Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарида кадрлар тушунчаси, уларнинг таркиби ва кадрлар қўнимсизлиги моҳияти.

6.2. Корхоналарда кадрларга бўлган талабни аниқлаш. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

6.3. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

6.1. Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарида кадрлар тушунчаси, уларнинг таркиби ва кадрлар қўнимсизлиги моҳияти.

Иқтисодий фаолиятда ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда меҳнатнинг иштироқи зарур бўлади. Улар ҳамма даромадлар манбаидир. Даромадлар ишлаб чиқариш воситалари эгалари ва меҳнат соҳиблари ўртасида тақсимланади.

Иқтисодиётга оид адабиётларнинг аксариятида корхоналар фаолиятига боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилганда албатта “меҳнат” атамаси билан бир қаторда “ишчи кучи”, “меҳнат ресурслари”, “кадрлар”, “кадрлар салоҳияти”, “меҳнат салоҳияти”, деб номланувчи бир қатор тушунчалар ишлатилади ва улардан бир хилда фойдаланилади. Бу тушунчалар қанчалик яқин бўлсада, уларни фарқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Корхоналар, ўз фаолиятларини юритишларида, ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига ва маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш жараёнларида улардан қандай фойдаланишига бефарқ бўлмайди. Уларнинг хўжалик юритиш иқтисодиёти, жумладан, асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиши даражаси, кўп жиҳатдан ишчи кучига боғлиқ.

Корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси меҳнат бозорида рўй бераётган муносабатларга (хусусан, таклифга) боғлиқ.

Кадрлар – корхоналар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги режалаштиришни амалга оширадилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишига киритадилар. Уларнинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса,

корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади.

Корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолияти режалаштирилаётган пайтда, унда ишловчи ходимлар сони, таркиби ва сифати ҳисобга олинади.

Ходимлар сони ва улар таркиби корхона фаолиятининг йўналиши ҳамда унинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ.

Корхона ходимларининг асосий ва кўп сонли қисмини **ишчилар** ташкил қилиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш), таъмирлаш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда қатнашадилар, меҳнат предметларини ташиш ва маҳсулот тайёрлашни амалга оширадилар, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарадилар.

Корхона ходимларининг миқдорий, сифат ва тузилмавий ҳолатлари ҳақидаги кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни бошқариш, мавжуд меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Кадрлар кўнимсизлиги (ихтиёрий равишда, ишдан бўшатиш, хавфсизлик қоидаларини бузиш ёки бошқа сабаблар туфайли юзага келган ҳаракат) маълум муддатга кетган корхонанинг ишдан бўшатишган ишчилари сонининг шу даврдаги ўртача сонига нисбати.

Кадрлар кўнимсизлигини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K^q \frac{T^s}{X^s} * 100$$

K^q – Кадрлар айланмасини ифодаловчи кўрсаткич;

T^s – Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларини маълум бир вақтда тарқ этган ходимлар сони;

X^s – Шу даврдаги ўртача ходимлар сони.

Шунингдек кадрлар кўнимсизлигини маълум вақтда ишдан бўшаганлар сонини, шу вақт оралиғида банд бўлганлар сонининг нисбати орқали аниқлаш мумкин.

6.2. Корхоналарда кадрларга бўлган талабни аниқлаш. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ишлаб чиқариш корхоналарининг стратегик вазифаларини бажаришда кадрлар салоҳияти асосий омил ҳисобланади. Бу эса корхоналар ходимларининг меҳнат фаолиятини кучайтириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш, мутахассис ва ўрта қатлам раҳбарлари ваколатлари ва жавобгарликларини кенгайтириш пухта ўйланган кадрлар сиёсатини амалга оширишни тақозо этади.

Кадрлар сиёсати – корxonанинг стратегик вазифаларини ҳал қилишга қодир бўлган профессионал кадрлар жамоасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Кадрлар сиёсати корxonалар фаолиятинининг юксак натижалари билан пухта билим ва тажрибага эга бўлган ҳамда манфаатли ходимларнинг самарали жамоасини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида қурилади. Бу эса корxonаларнинг муҳим жорий ва келгуси вазифаларини ҳал этишда муваффақиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Рақобат шароитида кадрлар сиёсати шундай ташкил этилиши керак-ки, у корxonанинг ички ва ташқи иқтисодий омилларнинг ўзгаришларига тез ва самарали равишда мослашишини, зарур ўзгаришлар ва инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга самарали татбиқ этишни таъминлашга қодир бўлиши лозим.

Кадрлар сиёсатини амалга оширишда корxonалар – мотивациянинг янги турлари ва манбааларини таклиф этган ҳолда, ходимларнинг профессионал, ишбилармонлик ҳамда шахсий хусусиятлари (корпоратив маданияти)ни ҳар томонлама ривожлантиришга, уларнинг ишга бўлган новаторлик ёндашувларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиши керак.

Корxonаларда кадрлар сиёсати ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига ҳамда жамиятда меҳнат бозори (ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб)нинг қай даражада ташкил этилганлигига қараб шакллантирилади.

Корxона кадрлар сиёсатига баҳо бериш мезони — ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши ҳисобланади.

Кадрлар сиёсатини рўёбга чиқариш (жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштириш)да корxона раҳбари, бўлим ва хизмат бошлиқлари, кадрлар бўлими, иқтисодий ва ишлаб чиқариш бўлими, меҳнат ва ҳақ тўлаш бўлими, техник бўлим ва бошқалар иштирок этади.

Рақобат шароитида кадрлар сиёсати – корxonаларнинг муваффақиятли фаолият юритишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳар бир корxона, миллий иқтисодиётимизнинг ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор корxonалари тажрибалари ва ютуқларини ўзлаштириш асосида ўз кадрлар сиёсатини такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш корxonалари меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Улар корxonалар меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида аниқланади. Буни ҳисоблаш учун меҳнат салоҳиятининг давр бошидаги (M^{sd}) ва охиридаги (M^{do}) сони қўшилиб, иккига бўлинади:

$$M^s \frac{M^{sd} + M^{do}}{2}$$

Агар ҳисобат даврида меҳнат салоҳияти тўғрисидаги маълумот бир қанча вақтларда ифодаланган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар қўшилиб унинг сонига бўлинади.

Меҳнат салоҳияти таркибини таҳлил қилганда ходимларни алоҳида категориялари бўйича аниқлаш лозим. Масалан, умумий меҳнат салоҳиятида олий маълумотли ходимлар (O^{mx}) улушини ёки ўрта махсус маълумотли ходимлар (U^{mx}) улуши каби кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

$$M^{st} \frac{U^{mx}}{M^s} * 100$$

$$M^{st} \frac{O^{mx}}{M^s} * 100$$

Булардан ташқари, умумий меҳнат салоҳиятида бошқарув ходимлари улуши, муҳандис-техник ходимлар улуши каби кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

$$M^{st} \frac{M^{si}}{M^s}$$

бунда:

M^{si} - меҳнат салоҳиятининг алоҳида гуруҳлари.

Меҳнат салоҳияти оборотини таҳлил қилиш ҳам ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга. ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча ишга қабул қилинган ходимларга (M^{sk}) ишдан бўшатишган ходимларни (M^{sb}) қўшиб, умумий меҳнат салоҳияти сонига бўламыз.

$$M^{so} \frac{M^{sk} + M^{sb}}{M^s}$$

Ушбу кўрсаткични алоҳида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатишган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$M^{sobk} \frac{M^{sk}}{M^s}$$

$$M^{sobb} \frac{M^{sb}}{M^s}$$

Меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги умумий меҳнат салоҳиятида салбий оқибатлар натижасида ишдан бўшатишган ходимларнинг улушини ифодалайди. Салбий сабаблар билан ишдан бўшаганлар таркибига ўз аризаси билан бўшаганлар ҳам киради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M^{s.kun} \frac{M^{s.salb}}{M^s}$$

Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни шу корхонада (фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сонини (M^{s3}) меҳнат салоҳиятининг умумий миқдориға бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$M^{s.tur} \frac{M^{s3}}{M^s}$$

Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлигини ($M^{s.sh.J.t}$) аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китоблар қилиш мумкин. Энг аввало бу бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш лозим. Бунинг учун меҳнат салоҳиятининг ҳақиқий миқдори (M^{sx}) унинг штат жадвалидаги миқдориға ($M^{s.sh.J.t}$) бўлинади:

$$M^{s.sh.J.t} \frac{M^{sx}}{M^{sshj}}$$

Меҳнат салоҳиятининг сизими ($M^{s.sg'}$) ҳам ушбу гуруҳға кирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Унинг аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини (M^s) яратилган (сотилган) маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг (Q) миқдориға бўлинади:

$$M^{s.sg'} \frac{M^s}{Q}$$

Меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги ёки асосий воситалар фаол қисмининг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жаҳонда илмий-техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳам орқада қолмаслиги, шу ютуқ томон интилиб яшаши лозим. Бу эса меҳнатнинг энг илғор техника ва технология билан қуролланишини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳар бир корхонада аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Буни аниқлаш учун асосий воситаларнинг фаол қисми (A^V) меҳнат салоҳияти миқдориға (M^s) бўлинади ёки тескараси:

$$M^{sQ} \frac{A^V}{M^s}$$

Айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги (A^{yMs}) ҳам меҳнат салоҳиятини таҳлил қилишда ва бошқа кўрсаткичларни ўзганишида шу билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлашда қўлланилади. Буни аниқлаш учун меҳнат

салоҳияти миқдорини (M^S) айланма маблағлар ҳажмига (Айм) бўлиш лозим:

$$A^{yM^S} \frac{M^S}{A^{ym}}$$

6.3. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Барча ижтимоий-иқтисодий тузумлар (маъмурий-буйруқбозликка асосланган, аралаш мулкчиликка асосланган ва бошқалар)да корхоналар меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. У ҳеч эскирмайдиган масаладир.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхона меҳнат салоҳияти самарадорлиги мезони унинг кўрсаткичларидан фарқ қилади. Самарадорлик мезони — бу моҳият жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи ва объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидир.

Мулкдор нуқтаи назаридан қаралганда меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги мезони – мулкдорга қанча моддий манфаат (фойда) келтирилиши билан ифодаланади. Агарда ишчи (ишчилар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, меҳнат салоҳияти самарадорлиги мезони – шу ишчи (ишчилар)га бир иш вақти бирлигида қандай манфаат келтирилиши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам меҳнат салоҳияти самарадорлигини оширишда мулкдор ва ходимлар ўртасида манфаатдорликнинг мос келишини таъминлаш лозим бўлади.

Корхоналарда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарали бўлган тақдирда, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлади.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ($M^{S.N}$) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

Агар натижани « Q^1 » деб белгиласак, унинг меҳнат салоҳиятига (M^S) нисбати, яъни меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги қуйидагича аниқланади:

$$M^{S.N} \frac{Q^1}{M^S}$$

Бу кўрсаткич 1 сўм меҳнат салоҳиятига қанча сўм миқдорида натижа (махсулот, товар обороти, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ($M^{S.R}$) ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига тўғри келадиган фойда (F) миқдорини ифодалайди.

Уни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (M^S) нисбати олинади:

$$M^{S.R} \frac{F}{M^S}$$

Бу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги ($M^{S.D}$) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (D) меҳнат салоҳияти миқдорига (M^S) бўлинади:

$$M^{S.D} \frac{D}{M^S}$$

Бу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса самарадорлик шунча юқори деган хулосага келиш мумкин. Чунки ҳар бир меҳнат салоҳиятига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

Таянч иборалар:

Меҳнат, меҳнат салоҳияти сиғими, кадрлар сиёсати, меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги, меҳнат салоҳиятининг ўртача сони, корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси, меҳнат салоҳиятининг турғунлиги, меҳнат предметлари, меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги, ходимлар, ишчилар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Меҳнат салоҳияти деганда нимани тушунганимизни айтиб беринг?
2. Кадрлар сиёсати деганда нимани тушунасиз?
3. Корхонада кадрлар сиёсати қандай амалга оширилади?
4. Корхона кадрлар сиёсатига баҳо бериш мезони қандай амалга оширилади?
5. Меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги нимани ифодалайди?
6. Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги қандай кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади?
7. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги нима?
8. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги қандай аниқланади?
9. Самарадорлик мезони нима?

VII БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИННОВАЦИОН АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7.1. Инновациялар тушунчаси ва инновациялар иқтисодий категория сифатида.

7.2. Корхонанинг инновацион фаолияти. Инновацияларнинг функциялари, хусусиятлари ва асосий тамойиллари.

7.3. Хизматлар соҳаси корхоналарида инновацион асосда ривожлантиришти-ришнинг асосий йўналишлари

7.1. Инновациялар тушунчаси ва инновациялар иқтисодий категория сифатида

Инновация (инглиз тилида-“Янгилик”, “Новаторлик”) деганда янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шакллари ва туридаги янгиликлардан фойдаланиш тушунилади. “Янгилик”, “Инновация” тушунчалари ўхшаш бўлсада, улар ўртасида фарқ мавжуд.

Янгилик бу янги тартиб, янги усул, ихтиро, янги ҳолат тушунилади, тегишли равишда соҳа ва тармоқларга киритилган янгиликдан фойдаланиш жараёнини англатади. Янгиликнинг тарқалиш чоғидан у янги сифатга эга бўлади ва янгилик сифатида киритилади.

Инновация тушунчасини фанга биринчи мартаба иқтисодий категория сифатида Австриялик иқтисодчи Й. Шумпетер киритди. У илк марта ўзгариш ва ривожланишнинг беш шаклидаги ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари масалаларини кўриб чиқади. Бундай тушунчалар жумласига қуйидагиларни киради:

- * Янги техника, техналогик жараён ёки янги бозор таъминланишида фойдаланиш;
- * Маҳсулотларнинг янги хусусиятларини жорий этиш;
- * Янги хом ашёдан фойдаланиш;
- * Хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва унинг моддий техника базасидаги янги ўзгаришлар;
- * Янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши.

Халқаро стандартларга мос равишда инновация бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланадиган янги ёки такомиллаштирилган техналогик жараён шаклидаги инновацион фаолиятнинг охириги натижалари сифатида аниқланади ёки ижтимоий хизматларга янги ёндошув тарзида.

Хизматлар соҳасида инновация - бу хизматнинг ўзидаги янгилик ёки унинг ишлаб чиқаришида, таклиф этишда ва истеъмолида, ишловчиларнинг ўзларини тутишларларидаги янгиликлардир. Янгилик киритиш фақат кашфиёт ва янгиликларга таянмайди. Шундай янгилик киритишлар борки, улар ғояларга асосланади.

Шундай қилиб, инновацияларнинг зарурий хусусиятлари бўлиб, улар-нинг янгилиги, ишлаб чиқариш қўлланиши (иқтисодий асосланганлиги) ва улар мажбурий тарзда истеъмолчилар талабларига жавоб бериши шарт.

Инновацияларнинг барча хилма-хиллигини қатор белгилар бўйича таснифлаштириш мумкин:

Янгилик даражаси бўйича:

радикал (базисли) инновациялар, уларни янгиликлари, йирик кашфиётларни амалга оширади ва техника ва технологияларнинг янги авлоди ва ривожланиш йўналишларининг асоси бўлиб ҳисобланади.

ўрта кашфиётларни амалга оширувчи яхшиловчи инновациялар.

мадификатсион, техника ва технологияларнинг эскирган авлодини қисман яхшилашга, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга йўналтиради.

Қўлланиш объекти бўйича:

озик -овқат инновациялари, янги маҳсулот (хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ёки янги материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчиларга йўналтирилган.

Янги техника ва технологияларни яратиш ва қўллашга йўналтирилган техналогик инновациялар.

Фирма ичида ва ташқари даражадаги янги ташкилий структураларни яратиш ва уларнинг фаолият юритишларига мўлжалланган жараёнли инновациялар.

Турли инновацияларнинг боғлиқлигидаги комплекс инновациялар.

Қўлланилиш миқёсига кура:

тармоқли;

тармоқлараро;

худудий;

корхона (фирма) доирасида.

Вужудга келиш сабабларига кўра:

реактив (адабтив) инновациялар, улар рақобатчилар тамонидан амалга ошириладиган янгилик киритишларга реакция тариқасида фирманинг жон сақлашини таъминлайди;

стратегик инновациялар – келгусида рақобат афзалликларини олиш мақсадида ҳаракат қилиш тавсифида бўлади.

Самарадорлик бўйича:

иқтисодий;

ижтимоий;
экологик;
интеграл.

Янгиликни жорий этиш ишлаб чиқаришни ривожлантиришда доимо катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Замоनावий иқтисодиётда инновацияларнинг роли кескин ошади. Улар иқтисодий ўсишнинг асосланган омиллари бўлиб боришмоқдалар.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, ФТТ даврида ишлаб чиқариш кучларини кескин қайта шакллантириш, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларининг тез ўзгариши, янгиликларни тез жорий қилиш, замоनावий иқтисодий ҳаётнинг нормасига айланиб бормоқда. Агарда инновацион ёндашиш ривожланган давлатларда ўсиб боровчи ролга эга бўлса, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўта муҳим ҳисоблананади.

Гап шундаки, инновацияларнинг ўсиб боровчи роли биринчидан бозор муносабатларининг табиатидан, иккинчидан Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур сифат қайта қуриш заруриятидан келиб чиқади.

Рақобатнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, инновацияларга рағбат ҳисобланади ва у ўз навбатида тадбиркорлик билан ажралмасдир. Айнан янгилик киритиш асосида янги замоनावий техника ва технологиялардан ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдан фойдаланиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, корхона фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятлари вужудга келади.

Ушбу вазифаларнинг ечилиши новаторликни, тадбиркорлик ёндашишни талаб қилади. Унинг моҳияти бўлиб, инновацияларни қидириш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш учун алоҳида аҳамиятни қайта ва қайта шакллантириш функцияларига эга бўлган инновациялар эгаллайди.

Бундай инновациялар моддий ва маънавий эскиришнинг юқори даражасига эга бўлган ишлаб чиқариш аппаратини, унинг ташкил этилишини ва натижада унинг самарадорлигини ошишини кескин даражада ўзгартиради. Бундай инновацияларга аввало янги техника ва технологияларни мисол қилиш мумкин. Ишлаб чиқаришни ўзгартира туриб, уни янги фан-техник даражага ўтказиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни янги сифат ҳолатига ўтказиш учун асосий шарт шароитларни яратиш мумкин. Янги ишлаб чиқариш аппарати одатда янги ташкил этишни, бошқарувни, маркетингни, янги мотивацияни талаб қилади, яъни инновацион менежментнинг янги типини. У янги маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришни кўзда тутаяди.

Сервис соҳасида инновациялар корхоналарга нафақат рақобат шароитида жон сақлашга, балки муваффақиятли ривожланишига имкон беради.

Мамлакатимиз сервисининг инновацияларга бўлган юқори эҳтиёжи сервис корхоналари олдида хизматларни ташкил этишда ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда замонавий инвестицияларни ўзлаштириш муаммоларини кўяди.

7.2. Корхонанинг инновацион фаолияти. Инновацияларнинг функциялари, хусусиятлари ва асосий тамойиллари.

Корхонанинг инновацион фаолияти – бу корхонада маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш (янгилаш) ва уларнинг сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш технологиялари янги замонавий асосда ташкил этишни такомиллаштириш мақсадларида инновацияларни қидириш ва уни амалиётга жорий этиш мақсадларига йўналтирилган фаолиятдир.

Инновацион фаолият ўз ичига қуйидагиларни олади:

корхона муаммоларини аниқлаш;

инновацион жараённи амалга ошириш;

инновацион фаолиятни амалиётга жорий этиш.

Корхона инновацион фаолиятининг асосий шарт шароити шундан иборатки, барча мавжуд нарсалар қарайди. Шу сабабли фойдаланилаётган ва эскирган ва тараққиёт учун тормоз бўлган барча нарсаларни улоқтириш, шунингдек тараққиёт йўлидаги барча мувофақиятсизликлар ва хатоларни инobatга олиш зарур. Шу сабабли корхонада маҳсулотлар, хизматлар, технологиялар ва иш жойларини тизимли равишда аттестация қилиш, бозор ва тақсимлаш каналларини таҳлил қилиш лозим.

Бошқача қилиб айтганда корхона фаолиятининг барча томонларининг ўз вақтидаги ренгенограммасини ўтказмасини ўтказилиши лозим. Бу нафақат корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти, унинг маҳсулоти, хизматлари, бозорларининг оддий диагностикаси, балки корхона раҳбарлари томонидан рақобатчилар аниқлашларига қараганда ўз маҳсулотлари (хизматлари)нинг маънавий эскирган белгиларини аниқлаш услубидир. Бу ўз навбатида корхонани инновацияларга ундайди.

Бозорга йўналтирилган ҳар қандай хизмат аста секинлик билан ўз рақобат хусусиятларини йўқотади ва бошқа такомиллашгани томонидан сиқиб чиқарилади. Бу ўз навбатида корхонани инновацияларга ундайди. Амалиёт кўрсатадики, корхона раҳбари ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматнинг яқин келажакда эскиришини англаш орқали инновацион гоёга фикрни жамлашга ҳеч қандай бошқа нарса мажбур қила олмайди.

Бозорга таклиф этилган ҳар қандай хизмат аста-секинлик билан ўз рақобатбардошлигини йўқотади ва такомиллашгани билан алмаштирилади.

Ушбу жараён ишлаб чиқариш ва хизматларни тақдим этиш жараёнидаги фан-техника жараёнининг ривожланиши, истеъмолчилар эҳтиёжларининг ўзгариши, бозор иқтисодиётига хос бўлган рақобат бошланишининг вужудга келишига асосланади.

Корхоналарда янги хизматлар (ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жараёнини амалга ошириш) бир қатор босқичларни кўзда тутади:

- Биринчи босқич корхонада янги хизматлар ғоясини қидириб топиш;

- Иккинчи босқич-ғояни ишлаб чиқиш, янги хизматларни яратиш ва лойиҳалаштириш;

- Учинчи босқич корхоналар учун ишлаб чиқилган янги ғояни ва янги хизматларни тақдим этиш;

- Тўртинчи босқич корхоналарда яратилган янги хизматнинг бозордаги ўзини тутишини кузатиш, зарурият туғилганда тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Инновацион ғоялар қаердан олинади? Бундай ғояларнинг етти манбаасини айтиш мумкин. Дастлабки тўрт манба корхона ёки тармоқ доирасида вужудга келади ва уларга қуйидагилар киради:

кутилмаган воқеа натижасида (корхона ёки тармоқ учун)

- мувоффақият, омадсизлик, ташқи воқеалар асосида;

- жараён эҳтиёжига асосланган янгилик киритилганда;

- тармоқ ёки бозор структурасидаги ўзгартиришлар содир бўлади.

Инновация киритишнинг кейинги уч манбаси ташқиларга (корхона ёки тармоқдан ташқарида ташқи омиллар асосида содир бўладиган) Уларга:

демографик ўзгаришлар натижаси;

таъсуротлардаги, кайфиятлардаги ўзгаришлар асосида;

янги билимлар (илмий билимдан ташқари бўлганлар) кўникмалар шаклланади.

У ёки бу типдаги ўзгаришларни кўриб чиқишдаги таъкидланган ҳолатларнинг таҳлили, инновацион қарорлар тавсифини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим: биз мавжуд ўзгаришлардан фойдалансак нима бўлади; бу корхонани қаерга олиб бориши мумкин; ўзгаришлар ривожланиш манбасига айланиши учун нима қилиш лозим?

Шу билан бирга ўзгаришларнинг етти типидан муҳимроқ бўлиб, учинчи ва еттинчиси ҳисобланади, чунки улар радикал тавсифга эгадир.

Жараён эҳтиёжларидан келиб чиққан ўзгаришларнинг аҳамияти биринчиси иккинчисига қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Эски халқ мақолида айтилганидек: “Зарурият кашфиёт онасидир”. Ушбу ҳолатда ўзгариш амалиётдаги ўзгаришларга асосланади.

Янги билимларга асосланган янгилик киритиш “пишиб етилиши” ва жамият томонидан қабул қилиниши лозим. Фақат шу тақдирдагина у мувофақиятга эришади.

Хизматлар соҳасида янги ғоялар одатда истеъмолчилар фикрлари асосида шаклланади. Ушбу фикрлар билан танишгач, ушбу соҳага тавсифли бўлган истеъмолчилар билан кенг алоқаларни ўрнатиш имконини беради. Бу ғояларнинг катта портфелини шакллантириш имконини беради,

янги қарорларни қидириш вақтини камайтиради, рақобат муҳитининг ўзгаришини эгилувчан ҳис қилиш имконини беради. Хизмат соҳаси корхонаси ўз ассортименти янгилашда мурожат қилиниши мумкин бўлган янги ғоялар сонининг ошиши масаласи, хизматларга талабнинг юқори динамизмидан келиб чиқади. Ижтимоий эҳтиёжлар жуда қисқа муддат ичида кескин ўзгариши мумкин. Натижада ушбу ўзгаришларга мослашиш учун корхона ғояларнинг маълум захираларига эга бўлиши лозим.

Янги хизматларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш соҳасида хизмат соҳаси корхоналари товар бозори шароитларига қараганда катта имкониятларга эга. Янги хизматларни ишлаб чиқариш кўпинча йирик инвестициялар, катта моддий техника базаси, қийин ресурс таъминотини талаб қилмайди ва қисқа муддатда амалга ошириш мумкин. Ушбу соҳадаги инновацион мобиллик жуда юқори ва ўз навбатида тадбиркорлик ва маркетинг фаолиятининг самарадорлигини шубҳасиз оширади.

Инновация - бу билим, кашфиётчилик, талантни талаб қилувчи иш. Кўпинча новаторлар бир соҳада ишлашади. Масалан Эдисон кучининг барчасини электр энергиясига жамлади. Мувоффақиятли инновация тиришувчан, мужассамлашган ишни тақозо этади. Агарда сиз тайёр бўлмасангиз на билим на талант ёрдам бермайди. Бунда натижага эришиш учун кучли томонлардан фойдаланиш лозим.

Яқунда инновация иқтисодиётдаги, саноатдаги, жамиятдаги, харидорларнинг ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришларнинг, ишловчиларнинг ўзларини тутишларидаги ўзгаришларни англатади, шу сабабли у доимий бозорга мўлжални қаратиши, унинг талабларига риоя қилиши лозим.

Инновациялар учун асосий ташкилий тамойилнинг моҳияти яхши ишловчилардан тузилган командани тузишдан иборат бўлади ва улар жорий ишдан озод бўлишлари лозим.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, мавжуд бўлинмаларни инновацион лойиҳа аъзолари сифатида қаралиши мувоффақиятсизлик билан тугаган. Ушбу фикр йирик ва кичик бизнес вакилларига таълуқли. Гап шундаки, ишлаб чиқаришни иш ҳолатида сақлаш - бу билан банд бўлганлар учун

катта ишдир. Шу сабабли янгини, яратиш учун уларда вақт қолмайди. Қайси соҳа бўлишидан қатъий назар мавжуд бўлинмалар асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга қодирлар холос.

Тадбиркорлик ва инновацион фаолият доимий асосда ўтказилиши шарт эмас, жумладан кичик сервис корхоналарида, яъни уларда ишнинг бундай қўйилишига кўпинча имкон бўлмайди. Аммо инновациялар мувоффақияти учун жавоб берадиган шахсни тайинлаш лозим. У эскирган маҳсулот (хизматнинг), техника, технологияларни ўз вақтида аниқлаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ҳар томонлама таҳлили, инновацион чора-тадбирларни ўтказиш учун жавоб бериши лозим. Инновацион фаолият учун масъул ходим корхонада керакли даражада обрўга эга бўлиши лозим.

Инновацион лойиҳани амалга оширишдан олинадиган фойда йўлга қўйилган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олинадиган фойдадан кескин фарқ қилади. Узок вақт мобайнида новаторлик ишлар на фойда на ўсишни таъминламайди, фақат ресурсларни истеъмол қилиши мумкин. Кейинчалик инновация узок вақт мобайнида тез ўсиши ва уни ишлаб чиқаришга қўйилмаларни қоплаши ва камида 5-10 баробар ҳажмда кўпайтириш лозим. Акс ҳолда бу мувоффақиятсизлик деб қаралади. Янгилик киритиш кичикдан бошланади, аммо натижалар миқёсли бўлиши лозим.

Инновацион фаолият корхона миқёсида бунинг учун махсус ташкил этилган бўлинмалар (ички венчурлар) томонидан, ҳамда мустақил венчур (хавф-хатарли) фирмалар томонидан амалга ошириш мумкин.

Ички венчурлар янги фан талаб маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқариш учун ташкил этган кичик бўлинмалардан иборат бўлади ва корхона доирасида кенг автономияга эга бўлишади. Корхона ходимлари ва мустақил нашриётчилардан келиб тушадиган таклифларни танлаш ва молиялаштириш махсус хизматлар томонидан амалга оширилади. Маъқулланган тақдирда лойиҳа муаллифи ички венчурга бошчилик қилади.

Венчур фирма - бу катта хавф-хатар билан боғлиқ инновацион ғояларни тадқиқот қилиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган кичик корхонадир.

Истикболли ғояни ишлаб чиқариш учун инновациялардан манфаатдор бўлган йирик фирмаларнинг венчур капитали жалб қилинади.

Кичик фирмалар учун бошқарувнинг оддийлиги, кенг шахсий ташаббус, эгилувчан илмий-техник сиёсатни олиб бориш имконияти, ўз фаолиятига ихтирочиларни кенг жалб қилиш тавсифлидир. Бу венчур фирмалари фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлайди

Афсуски, мамлакатимиз ишбилармонлари фан-техника тараққиётига инвестициялаштиришга шошилишмаяптилар. Замонавий тадбиркорнинг психологияси барқарор бўлмаган ҳолат таъсирида шаклланган, яъни максимал қисқа муддатда капитални максимал фойдали қайтариш мақсад қилинган. Бунда бизнес сифати ва тури инобатга олинмаган. Инновацион лойиҳалар эса синчков илмий изланишлар, уларнинг тижорат истиқболларини жиддий тадқиқот қилишни талаб қилади.

Хизматлар соҳасида инновацияларни амалга ошириш истиқболлари мавжуд. Бунинг учун бу борадаги жаҳон тажрибаси ютуқларидан фойдаланиш ва уларни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.


7.3. Хизматлар соҳаси корхоналарида инновацион асосда ривожлантириштиришнинг асосий йўналишлари

Инновацияларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу белгиларнинг 7 та эканлиги аниқланди. Чунки, инновацияни яратувчиларининг манфаати, ундан фойдаланувчилар манфаати билан фарқ қилади. Ёки инновацияларни жорий қилишда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олишни тақозо қилади. Инновация вақт нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Шу туфайли инновацияни қуйидаги белгилар бўйича ушбу таснифи келтириш мумкин:

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи.
2. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
3. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаш бўйича таснифи.
4. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
5. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
6. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
7. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

Ушбу белгиларнинг инновация билан боғлиқлигини расм шаклида ҳам қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин.

Инновациянинг турларини ушбу белгилар бўйича алоҳида ҳар бирини қисқача қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, биринчидан, ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада қаралмаган бўлса, иккинчидан, ушбу тушунчанинг ҳозирги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уни кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қараш лозимдир. Учинчидан, иқтисодиётимиз ҳам инновацион иқтисодиётга ва шу омил эвазига ривожланиш босқичига тўлиқ ўтмоқда. Ушбу ҳолатлар, таъкидланганидек, ҳар бир гуруҳни қараб чиқишни тақозо қилади.



7.1-расм. **Инновацияни таснифлаш белгилари ва концептуал йўналишлари**

Республикамизда хизматлар соҳасини инновацион асосда ривожланишида фан-таълим ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш бир хатор ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Шу жихатдан республикамизда юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги "Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тугрисида"ги ПК,-3682- сонли Қарорига асосан ҳам бу йўналишда янгича ёндашув асосида ривожлантириш вазифаси қуйилган. Бундай янгича ёндашув қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. "Ташаббускор бизнес" блоки асосида. Бунда тайёр илмий ва инновацион ишланмалар натижаларини ва технологияларини махсус

кургазма майдонида ташкил этилади ва тижоратлаштириш фаолияти ёригилиши ташкил этилади.

2. Инновацион ечимлар блоки асосида. Бунда макет ва прототип куринишида энг зур махаллий илмий ва инновацион ишланмаларни намоёиш этиш шаклида ташкил этилади.

3. Кооперацион алоқдлар блоки асосида. Узаро фойдали хамкорликни йулга куйиш, шерикчилик хамда иктисодиётнинг айрим тармоклари соҳасидаги долзарб масалаларни куриб чиқиш учун махсус платформадан фойдаланиш. Бундай инновацион ярмаркаларни республикамизда ташкил этилиши халқаро талаб даражаларига мое келади хамда инновацион гоё, ихтиро, технология яратувчиларни рағбатлантиришга йуналтирилган булади.

Республикамиздаги миллий инновацион тизимни келгуси тараккиёти кадрлар захирасига ва уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан кандай даражада шугулланишига боғлиқ булади. Халқаро тажрибага кура инновацион фаолиятга кадрларни жалб қилиш куйидаги курсатқичлар билан ифода қилинади:

1. Илмий тадқиқот ва ишланмалар яратадиган ходимлар сони.
2. Илмий тадқиқот бажарувчи ташкилотлар сони.
3. Илгор ишлаб чиқдриш технологияларидан фойдаланувчилар сони.
4. Технологии инновацияларни амалга оширувчи ташкилот ва корхоналар сони.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, Узбекистонда миллий инновацион тизимни ривожлантиришга имкон берувчи кадрлар олдидаги куйидаги асосий йўналишлар белгиланган:

1. Жаҳон таълим бозорида Узбекистон Олий укув юрларининг рақобатбардош лигини.
2. Замонавий технология ва услублардан фойдаланиш ни ургатиш даражасини оширилиши.
3. Миллий ва глобал иктисодиёт учун самарали инновацион инфратузилмани яратувчи кадрлар салоҳиятининг мавжудлиги.
4. Инновацион технологиялар асосида миллий иктисодиётни модернизация ва диверсификация қиладиган кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва бошқа шу каби вазифалар билан белгиланган, Республикамгода миялий инновацион туюмининг энг муҳим харакатлантирувчи жихати давлат илмий-техник дастури ва унинг бажарилишини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Давлат илмий-техник дастурлари уз ичига фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳдмда илмий-техникавий лойихалар асосидаги фаолиятларни уз ичига олади. Республикамгода давлат илмий-техник дастурлари доирасида 1700 дан ортик фундаментал, илмий-амалий

тадқиқот лойиҳалари, инновацион ишланмалар, ёш олимларнинг фундаментал ва илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари бажарилган. Бугунги кунда янги ташкил этилган инновацион вазирлигига илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш вазифаси топширилган. Бугунги жаҳон бозорндаги фан, таълим соҳасидаги тезкор узгаришлардан келиб чикиб давлат илмий-техник дастурлари бажарилиши буйича куйидаги вазифалар белгиланган:

1. Жаҳон бозори ва республикаимиз бозор талабидан келиб чикиб илгор илмий тадқиқотлар ва изланишларни олиб бориш.

2. Илмий тадқиқот ишланмаларини яратишда замонавий юкори технологик асбоб-ускуналар билан жихозланган илмий лабораториялардан фойдаланиш асосида натижаларга эришиш.

3. Давлат илмий дастурларига юкори малакага эга булган олимларни ҳамда юкори илмий салоҳиятга эга булган илмий тадқиқотчиларни жалб этиш ҳамда уларни етакчи хорижий илмий марказларда илмий стажировкалар утишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш.

4. Давлат илмий-техник дастурлари лойиҳалари буйича олинган муҳим илмий натижаларни икгисодиёт тармоқларида жорий этилишини, шунингдек монографиялар, дарсликлар, УКУ» кулланмалар, илмий маколалар чоп этилишини амалга ошириш ва бошқдлардан иборат, Республикаимизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йуналишлари куйидагилардан иборат:

1. Республика икгисодиётини ресурслар ва хомашёларни тежовчи кайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган республика инновацион гоьлар технологиялар ва лойиҳаларни яратиш йуналишлари.

2. Инновациянинг нанотехнологиялар ҳамда кимё технологиялардан фойдаланишга йуналтирилган миллий инновацион ишланмалар тизимини яратишга йуналтирилган йуналиш.

3. Замошвий биотехнологиялар ва кишлок хужалиги буйича миллий инновацион ишланмалар тизимини яратиш.

4. Ахборот коммуникацион технологиялар, ахборотларни янги инновацион тизимини яратиш буйича ишланмалар йуналиши.

5. Тиббиёт ва фармакология соҳасида миллий инновацион тизимни яратиш.

6. Геология, минералогия, сеймсология ва минерал маъданлар соҳаси буйича илмий инновацион ишланмалар яратиш йуналиши.

7. Физика атом энергетикаси буйича илмий ишланмалар яратиш.

8. Хизмат курсатиш, сервис соҳаси буйича илмий ишланмалар яратиш.

9. Аниқ фанлар соҳаси бўйича илмий ишланмалар яратиш. Миллий инновацион муҳитни ривожлантириш бўйича респуб-ликада амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

- илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш;
- раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокини ошириш;
- инновацион фаолиятда катнашувчиларни эркин даражасини ошириш;
- яратилган миллий инновацион лойиҳаларни истеъмолчилар эҳтиёжлари бўйича сотиш;
- инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш.

Таянч иборалар:

Инновация, фан техника тараққиёти, инновацион лойиҳалар, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги хизматларни ишлаб чиқариш, истиқболли ғоялар, ишбиланмонлик қобилияти.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инновация тушунчасини асосланг!
2. Ишбилармонлик муҳитини тушунтириб беринг!
3. Хизмат кўрсатиш корхоналар инновацион фаолияти деб нимага айтилади?
4. Венчур фирма бу?
5. Инновацион ғоялар қаердан олинади?
6. Корхонанинг инновацион фаолияти – бу?
7. Рақобатнинг ҳаракатлантирувчи куч?
8. Хизмат техникаси ва хизмат технологияси бу?

VIII БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ, МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР ТАННАРХИ.

- 8.1. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг мазмун ва моҳияти.**
- 8.2. Хизматларни бажариш учун харажатларнинг таснифи.**
- 8.3. Хизматлар (иш, маҳсулот) таннархини калькуляциялаш. Ишлаб чиқариш учун харажатлар сметаси.**
- 8.4. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар таннархини камайтиришни режалаштириш.**

8.1. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг мазмун ва моҳияти.

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Корхоналар, шунингдек, маҳсулотни сотиш бўйича харажатларни, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари ёки тижорат (ташиш, қадоқлаш, сақлаш, реклама қилиш ва ҳоказо) харажатларини ҳам амалга оширадилар.

Харажатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш фойдани ошириш усулларининг муҳим қисмидир. Шу муносабат билан харажатларни батафсил ўрганиш, "харажатлар", "сарфлар" каби тушунчаларни ажратиш керак. Гарчи бу тушунчалар умумий қабул қилинган маънода ўхшаш бўлса-да, уларнинг маънолари қўлланилиш доирасига қараб ўзгаради.

Шундай қилиб, "харажатлар" тушунчаси бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида кўпроқ қўлланилади ва "сарфлар" атамаси молиявий соҳада, корхонанинг самарадорлигини режалаштириш ва баҳолашда қўлланилади, яъни бошқарув ҳисоби учун кўпроқ қўлланилади.

"Харажатлар", "сарфлар" тушунчалари ҳар доим маҳаллий назария ва амалиётнинг диққат марказида бўлган. Уларнинг мазмунига кўра, бу тушунчалар бир хил маънога эга - бу умумий харажатларни билдиради.

Ишлаб чиқариш харажатлари-бу табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, асосий воситалар, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш

жараёнида ишлатиладиган бошқа ишлаб чиқариш харажатлари, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш харажатлари сметаси.

Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таннархнинг бир қисми бўлиб, улар айланиш жараёнида маълум вақтдан кейин корхонага қайтиб, ишлаб чиқаришнинг айланиши ва узлуксизлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, харажат тушунчаси ва ишлаб чиқариш таннархини фарқлаш керак. Ушбу тушунчалар ўртасидаги миқдорий фарқ шундаки, ишлаб чиқариш таннархидан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш фаолияти давомида корхона томонидан олинган фойда ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди, сифат фарқи шундаки, истеъмол қилинган маблағлар харажатлари ва уларнинг пул ифодаси ўртасида нархларга қараб фарқ мавжуд. бу маблағлар учун белгиланган.

Ишлаб чиқариш харажатлари даражаси меҳнат унумдорлигининг ўсиши, асосий воситалар ва моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа омилларга боғлиқ. Компания (firma) қанчалик яхши ишласа, ишлаб чиқариш таннархи шунчалик паст бўлади. Маҳсулот таннархини пасайтириш маҳсулот нархини пасайтириш имконини беради, шунинг учун бозорда муваффақиятли рақобатлашади.

Тегишли саноатнинг ускуналари, технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил етишнинг ўзига хос хусусиятларини ва харажатларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш таннархидаги солиштирма оғирликни ҳисобга олган ҳолда кўшимча харажатларни ташкил этадиган харажатлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Масалан, "ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ривожлантириш харажатлари".

Булар фойдаланишга топширилаётган янги ишлаб чиқариш объектлари, устахоналар ва агрегатларни тайёрлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ харажатлардир. Ушбу харажатлар миқдори белгиланган режим, муддат ва бошқа шартлар, синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топширилаётган объектларни ривожлантириш асосида тузилган зарур ҳисоб-китоблар билан смета билан белгиланади. Ҳисоб-китобларни амалга оширишда шуни ёдда тутиш керакки, кенг қамровли синов даврида олинган ва белгиланган стандартлар ёки спецификацияларга мос келадиган маҳсулот таннархи бошланғич харажатларнинг умумий миқдоридан чиқариб ташланади. Бошланғич харажатлар сметасини тасдиқлашда ушбу харажатларни ишлаб чиқариш таннархига ҳисобдан чиқаришнинг аниқ тартиби ва муддатлари фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришнинг меъёрий муддатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш тизимини

такомиллаштириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди, шу муносабат билан илгари Ғарб мамлакатларида қабул қилинган маҳсулот таннархини шакллантирадиган харажатлар таркибини шакллантиришнинг янги стандарти қўлланилмоқда.

Ушбу бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти унинг молиявий ва бошқарув (ишлаб чиқариш) га бўлиниши бўлиб, бу уларнинг мақсад ва вазифаларидаги фарқ билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш харажатларини тизимли равишда камайтириш компания фаолиятининг рентабеллигини оширишнинг асосий воситасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида, зарар кўрмайдиган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш маъмурий буйруқбозлик тизимида бўлгани каби қоида эмас, балки истисно бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ушбу соҳада тавсиялар ишлаб чиқиш асосий нуқталардан биридир. Харажатларни камайтириш ресурсларни иқтисодий истеъмол қилишни назарда тутаяди, бу нафақат миқдорий, балки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва унинг узоқ муддатли ўзгаришларига сифатли таъсир ҳақида ҳам гапираяди.

8.2. Хизматларни бажариш учун харажатларнинг таснифи.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ташкил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементларга асосан гуруҳларга тақсимланади:

- * моддий харажатлар;
- * асосий фондлар амортизацияси;
- * меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- * ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар;
- * бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг энг катта қисми бўлиб, умумий харажатларнинг 60-80 фоизини ташкил қилиши мумкин.

Моддий харажатлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- * хом ашё ва материаллар харажатлари;
- * технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланувчи ёқилғи ва энергия;
 - харид қилинувчи бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
 - сотиб олинган қадоқлаш ва ўров материаллари харажатлари;
- * машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
 - бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш хизматлари;

• хизмат даври бир йилгача бўлган кичик қийматли ва тез эскирувчи предметларнинг эскириши ёки ҳар бир инструмент, инвентарь, лаборатория ускуналари ва махсус кийим-бош учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравар миқдоригача қиймати;

* табиий хом ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар;

* ишлаб чиқаришда бекор туриб қолиш ва сифатсизлик (брак) туфайли юзага келадиган йўқотишлар;

* табиий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган ҳолда юзага келадиган йўқотишлар.

Амортизация ажратмалари миқдорига тенг бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши харажатларнинг йирик элементларидан бири ҳисобланади. Булар қаторига асосий фондларнинг тезлашган амортизацияси ва унинг индексациясини киритиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар–корxonанинг асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатлар бўлиб, ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун мукофотлар, рағбатлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, қонунчиликда белгиланган нормативлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар, шунингдек, корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи ҳақни ўз ичига олади.

Мазкур харажатлар элементлари қаторига қуйидагилар киритилган:

* амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш ҳақи;

* ходимларга натурал тўлов шаклида берилувчи маҳсулотлар қиймати;

* ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун берилувчи мукофот ва бошқа тўловлар;

* қонунчиликка асосан баъзи тармоқлардаги ходимларга бепул берилувчи кийим - кечак, озиқ-овқат, уй-жой, коммунал хизмат ва ҳоказолар қиймати;

* ҳар йиллик меҳнат ва ўқув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;

* корxonани қайта ташкил қилиш, штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатишган ходимларга тўланувчи маблағлар.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар нобюджет ижтимоий фондларига (нафақа фонди, ижтимоий суғурта фонди, бандлик фонди ва ҳоказо) ажратилувчи маблағларни англатади.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги бошқа харажатлар таркиби:

- бу, қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нобюджет фондларига ўтказилувчи тўловлар ва солиқлар;

- йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордаги чиқиндилар учун тўловлар;
- корхона мулкани мажбурий суғурталаш;
- рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар;
- қонунчиликда белгиланган ставкаларда кредитлар бўйича тўловлар;
- маҳсулотни сертификатлаш учун бажарилган ишларга ҳақ тўлаш;
- қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича хизмат сафарларига ҳақ тўлаш;
- ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш муассасаларига ҳақ тўлаш;
- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар танлашни ташкил қилиш, алоқа хизмати, ҳисоблаш марказлари, банклар хизматига ҳақ тўлаш;
- асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш;
- номоддий активларнинг эскириши ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш - капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб-ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда тақсимланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) маҳсулот таннархи ҳисобига асосий фондларни таъмирлаш учун заҳира(резерв) фондлари ташкил қилиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган харажатларни ўсишига, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши, транспорт хизмати тарифларининг юқорилиги, реклама ва вакиллик харажатларининг ўсиши кабилар таъсир қилади. Амортизация ажратмалари миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Нархлар эркинлиги ва ижтимоий зиддиятлар кучайган шароитларда харажатлар тузилмасида иш ҳақининг салмоғини ошириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва тиббий суғурталаш, нафақа таъминоти, аҳоли бандлик фондлари, турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблағлар миқдори ҳам ортиб бормоқда.

8.3. Хизматлар (иш, маҳсулот) таннархини калькуляциялаш. Ишлаб чиқариш учун харажатлар сметаси.

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал баҳолаш*-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроолантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни

таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларни баҳолашнинг куйидаги усуллари мавжуд: **бошланғич қиймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

Тикланиш қиймати бўйича - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

Қолдиқ қиймати бўйича - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукаммаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати **баланс қиймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати** ($\Phi_{\text{ср}}$) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{\text{ўр}} = \Phi_{\text{н}} + \frac{\Phi_{\text{п}}T_1 - \Phi_{\text{в}}T_2}{12} ;$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{н}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\Phi_{\text{п}}$ – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{\text{в}}$ – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

T_1 – фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

T_2 – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_{\text{ф}}}{T_{\text{н}}} \times 100; \quad \text{ёки} \quad ИФ = \frac{И}{П_{\text{с}}} \times 100.$$

Бу ерда:

$T_{\text{ф}}$ - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$T_{\text{н}}$ - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

И - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

P_c – асосий фондларнинг бошланғич(қайта ташкил қилиш) қиймати.

Маънавий эскириш - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шаклларини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{П - В}{П} \times 100;$$

$$ИМ_2 = \frac{П_n - П_c}{П_n} \times 100.$$

Бу ерда:

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

В - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

$П_n$ - янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари (H_a) асосида амалга оширилади:

$$H_a = \frac{A}{П} * 100$$

Бу ерда:

А - амортизация ажратмалари;

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (АО) миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$A = \frac{П + P_k + M - O}{T}$$

Бу ерда:

P_k – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

М - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

О - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

Т - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш (H_B) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш (H_P) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси қуйидаги формула:

$$H_B = \frac{П - О}{ТП} \times 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$H_P = \frac{P_k + M}{ТП}$$

асосида аниқланади

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

Ўртача таъмирлаш техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмирлашда асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга

оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, **ишлаб чиқариш қуввати** – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- * ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- * ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- * ишчилар сони;
- * ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг **бошланғич** (йил бошида), **якуний** (йил охирида), **ўртача** йиллик ҳамда **лойиҳа қуввати** турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корхонанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корхонанинг амалдаги қуввати корхона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик

нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корхона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M = \frac{n \times \Phi_{\text{макс}}}{M_t}$$

Бу ерда:

M - цех ёки участканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

n - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$\Phi_{\text{макс}}$ – бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

M_t – бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сифими, соат.

Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган заҳиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, *ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати* ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{\text{ўр.йил}} = M_H + \frac{M_B \times n_1}{12} - \frac{M_L \times n_2}{12}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ўр.йил}}$ – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

M_H – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

M_B – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

M_L – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

n_1 , n_2 – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

8.4. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар таннархини камайтиришни режалаштириш

Харажатларни ҳисоблаш фаолият соҳасига қараб турли усуллар бўйича амалга оширилади. Компания харажатлар нархидан кам хизматларни тақдим эта олмайди ва харажатларни камайтиришнинг турли усуллари ўз зиммасига олади.

Хизматлар нархи нимани англатади.

Харажат нархи-бу компаниянинг хизматларни тақдим этишдаги харажатларининг пул ифодаси. Ушбу параметр ишлаб чиқарувчи буюртмаларни бажаришда қанча пул сарфлашини кўрсатади. Фойда ва рентабелликнинг ўсиши бевосита таннархнинг пасайишига боғлиқ. Бунинг учун:

1. режалаштирилган кўрсаткичларни баҳолаш;
2. шахсий хизматлар ва якуний натижалар учун ташкилотнинг рентабеллигини аниқлаш, харажатларни камайтириш учун захираларни аниқлаш;
3. рақобатчилар янги технологияларни жорий этаётганини аниқлаш.

Бозорда рақобатчилар билан рақобатлашиб, хизматлар нархини тўғри ҳисоблашингиз керак. Нархлар муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади:

1. Истеъмолчилар, бу ерда талаб-бу харидор хизмат учун тўлашга тайёр бўлган нарх.
2. Истеъмолчиларни қондирадиган нархларда ва компанияга зарар етказмасдан иш олиб борадиган ташкилот. Бунинг учун улар ишлаб чиқариш ҳажмини ишлаб чиқариш бирлигига моддий харажатлар ва фойда билан режалаштирадилар.
3. Рақобатчилар, фаол бозор иштирокчилари. Шунга ўхшаш сегментда ишлайдиган корхоналар нарх коридорида минимал ва максимал даражада жой яратадилар. Ишлаб чиқариш ишчилари бу чегаралардан ташқарига чиқмасликка ҳаракат қилишади.

Кўшимча ёки нормаллаштирилмаган харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас. Бу транспорт, банк харажатлари, ижара тўловлари. Масалан, эшикларни ўрнатиш учун харажатлар миқдори технологик жараёнларга боғлиқ бўлади. Ўлчовлар, конструктив элементларни йиғиш, бетонланган майдонга ўрнатиш ва қисмлар ва устунларни

пайвандлаш. Ҳаракатлар бўлиниши билан смета керак, натижада деворни ўрнатишнинг аниқ қиймати кўрсатилади.

Ҳар бир харажат бўйича корхонанинг ҳисоби қанчалик фойдали эканлигини, маълум бир фаолият билан шуғулланиш фойдалими ёки йўқлигини аниқлаш ва фойда олиш учун нима кераклигини аниқлаш учун ўтказилиши керак. Бунинг учун сиз ишлаб чиқариш таннархини, меҳнат фаолияти харажатларини таҳлил қилишингиз ва ходимларнинг ҳаракатларини кузатишингиз керак.

Харажатларни таҳлил қилиш вазифалари:

1. ўтган ҳисобот даврларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда харажатлар таркибини баҳолаш;
2. режа қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш;
3. режалардан четга чиқиш сабабларини аниқлаш;
4. хизматлар нархини ўз вақтида ҳисоблаш учун маълумот бериш;
5. режалаштирилган харажатларни аниқлаш ва алоҳида ишлар, маҳсулотлар, товарлар турларининг нархини ҳисоблаш;
6. ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш.

Рақобат муҳитида даромад қилиш учун харажатларни камайтириш ва хизмат сифати бузилмаслиги керак. Бунинг учун қуйидагилар керак:

Меҳнат унумдорлигини ошириш. Агар улар тугалланган ҳажмлар бўйича тўлашса (масалан, қурилишда бўлгани каби), унда ишлаб чиқариш тезлиги билан боғлиқ муаммолар бўлмайди. Тўловнинг бошқа шакли билан сиз меъёрдан ошганингиз учун имтиёزلардан фойдаланишингиз мумкин.

Фаолиятни автоматлаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш. Масалан, Оптималлаштириш натижасида иш ҳажмининг ошиши кадрлар бўлинмаларини камайтиради, меҳнат харажатларини камайтиради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида пулни тежанг. Арзон, аммо юқори сифатли материалларни сотиб олинг, электр ва сув сарфини кузатиб бориш.

Тўғри шерикларни танлаш. Транспорт харажатларини камайтириш учун яқин атрофда жойлашган пудратчилар билан шартномалар тузиш.

Тўғри ходимларни танлаш. Фаолияти самарасиз бўлган ходимлар сонини камайтириш. Агар корхонага бир нечта бухгалтерлар ёки иқтисодчилар керак бўлмаса, баъзи лавозимларни бирлаштириш мумкин. Жамоада норозиликни келтириб чиқармасдан иш ҳақи фондини тўғри тақсимлаш.

Ходимларнинг малакасини ошириш. Бунинг учун курслар ва семинарлар мавжуд.

Ресурсларни тежаш.

Хизматлар доирасини кенгайтириш.

Ортиқча сарфлар сабабларини таҳлил қилиш ва уларни камайтириш.

Бозордаги ўзгаришларни кузатиб бориш.

Таянч иборалар:

Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи, моддий харажатлар, асосий фондлар амортизацияси, амортизация ажратмаси, меҳнат ҳақи, ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар, капитал таъмирлаш, ўртача таъмирлаш, жорий таъмирлаш, асосий фондлар, асосий воситалар, техник-иқтисодий норма, қайта тиклаш, таъмирлаш, ишлаб чиқариш қуввати.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқариш учун корхона қандай харажатлар сарфлайди?
2. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ташкил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра, қандай элементларга асосан гуруҳларга тақсимланади?
3. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги бошқа харажатлар таркибини тушунтириб беринг?
4. Ишлаб чиқариш харажатларининг энг катта қисмини қандай харажатлар ташкил этади?
5. Асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатларни тушунтиринг?
6. Моддий харажатларни тушунтириб беринг?
7. Асосий фондларни баҳолашнинг қандай усуллари мавжуд?
8. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан амортизация ажратмаларни нима учун айириб ташлайди?
9. Жисмоний (моддий) ва маънавий эскиришни тушунтиринг?

IX БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФОЙДА ВА РЕНТАБЕЛЛИК.

9.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. Даромадлар таснифи.

9.2. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида фойда тушунчаси, тақсимланиши ва унинг ишлатилиши.

9.3. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар рентабеллиги кўрсаткичлари ва уларни оширишнинг асосий йўналишлари.

9.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. Даромадлар таснифи.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқаришдан фарқли равишда, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат) ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади.

Даромад – бу корхона фаолият юритиши, товар ва хизматларини сотиш орқали ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликлар олиш, иқтисодий фаолияти натижасида оладиган пул, товар ва моддий тушумлардир.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир. Фойда ва рентабеллик хизматлар соҳасини ташкил этишнинг якуний молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Хизматлар айланмаси хизмат кўрсатиш секторини ташкил этиш фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Унинг иқтисодий мазмунига кўра, **хизматлар айланмаси** - бу ташкилот фаолиятининг якуний натижасини, шартнома мажбуриятларини бажарилишини, бозор эҳтиёжларини қондиришдаги иштирок даражасини таърифлайди. Бозор шароитида хизматлар айланиши бевосита ушбу маҳсулотлар учун бозор талабларига боғлиқ. Берилган ҳажмда хизмат кўрсатиш имконияти фақатгина потенциал харидорларга рақобатбардош нархларда сотиш имкониятларини ўрганганидан кейин аниқланади.

Хизматлар айланмасининг катталиги, молия-хўжалик фойда ва рентабеллик фаолияти натижаларига боғлиқ. Ижобий молиявий натижалар ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадини акс эттиради. Натижада, бошқарув ҳаракати

фойдани ва даромадни ошириш учун оптимал ечимлар топишга, шунингдек харажатларни камайтиришга (оптималлаштиришга) йўналтирилган бўлиши керак. Охирги молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштириш ташкилотнинг режалаштириш ва иқтисодий хизматининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини бошқариш хусусиятининг ўзгаришига олиб келади. Мулкчилик шакли ва бўйсунуш шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ўз-ўзини молиялаш ва ўзини ўзи таъминлаш тамойиллари асосида иш юритадилар.

Ўз-ўзини молиялаштириш принципи ташкилотнинг вазифаси қарз олиш ва ўз-ўзини молиялаштириш манбаларини мустақил равишда қидиришни англатади. Маълумки фойда, ташкилотнинг ўз маблағлари манбаларининг бир қисми сифатида, асосий ролни кўришади. Фойда ҳисобига ташкилотнинг маблағлари шакллантирилади, янги ускуналар харид қилинади, моддий-техника базаси кенгайтирилади, замонавий илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ бошқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштиришни жорий этиш мумкин бўлади.

Ҳисобот давридаги даромаднинг асосий қисми унинг асосий компоненти - асосий фаолиятдан олинадиган даромад ҳисобидан шаклланиши кераклигини унутмаслигимиз керак. Шу муносабат билан, хизматларни сотишдан тушадиган даромад манбаларига - фаолиятдан олинган даромадларга, яъни товарлар ва хизматлар сотишдан ялпи даромадга эътибор қаратиш лозим.

Агар корхона харажатларни қоплаш ва даромад олиш учун етарли бўлган товарлар, хизмат ва маҳсулотлар, ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни сотишдан тушадиган даромад олса, демак, бу фаолиятнинг асосий мақсадига эришган бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг фаолияти фойдали бўлса, ривожланиш истиқболлари чекланмайди. Бугунги кунда ташкилотларнинг рентабеллигини ошириш муаммоси муайян аҳамиятга эга, бу пулларни оқимини аниқ тартибга солиб, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва харажатларни оптималлаштириш йўллари топиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомда (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан хизмат кўрсатиш корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Хизмат кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинадиган даромадлари ҳисоботга қуйидаги асосий бўлимлар бўйича киритилади:

— **Сотишдан олинган соф тушум.**

— **Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).**

— **Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.**

— **Фавқулодда даромадлар.**

1. Сотишдан олинадиган соф тушум

1.1. Сотишдан олинган соф тушум товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган, унга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли солиқлари суммаси киритилмаган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар, даромад (фойда)ни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқарадилар.

1.3. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушум бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

2.1. Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда.

2.3. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

2.4. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинган даромадлар.

2.5. Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

2.6. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш суммаси уларнинг сотилишига қараб фойда сифатида эътироф этилади.

2.7. Давлат субсидияларидан даромадлар.

2.8. Холисона молиявий ёрдам.

2.9. Бошқа операцион даромадлар.

— солиқ солишда ялпи даромадга киритилмайди.

3. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

3.1. Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

3.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

3.3. Мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

3.4. Валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари.

3.5. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

3.6. Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

4. Фавқулодда фойда

Фавқулодда фойда моддалари — бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинishi кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

9.2. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида фойда тушунчаси, тақсимланиши ва унинг ишлатилиши.

Фойда муҳим иқтисодий категория (тоифа) бўлиб, ҳар бир хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатида фойда–моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради. Хизмат кўрсатишда фойда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Ф=Д-Х$$

Бу ерда :

Ф- Хизмат кўрсатувчи корхоналарда олинган фойда.

Д- Хизмат кўрсатувчи корхоналар умумий даромади.

Х- Хизмат кўрсатувчи корхоналар умумий харажатлари.

Фойданинг асосий қисмига корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш орқали эга бўладилар. Замонавий хўжалик юритиш шароитларида фойданинг асосий вазифаси корхона фаолияти

самарадорлигини акс эттиришда деб белгиланади. Бунга фойда миқдори, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган маҳсулот таннархи шаклидаги индивидуал харажатлар, маҳсулот баҳоси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларни ўз ичига олиши лозимлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида корхоналар фаолияти фойданинг рағбатлантирувчи аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ. Фойдадан баҳоланишнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, сифатнинг яхшиланиши, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши билан асосланади. Шу билан бирга фойданинг аҳамияти ортишига амалдаги фойдани тақсимлаш тизими ҳам сабаб бўлади ва унга кўра эса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун ҳамда ходимларни бажарган меҳнати сифати ва миқдorigа асосан моддий рағбатлантиришга сарфланувчи фойдани оширишга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилади.

Шу тариқа фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган юқори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва маҳсулот сотишдан олинган фойда;

асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулки сотишдан олинган фойда;

корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Корхона даромади икки кўрсаткич, яъни маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланувчи харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг бозордаги баҳоси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чиқади.

Эркин рақобат шароитларида баҳони шакллантириш қонунлари асосида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳишига кўра эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги; даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Фойда олишнинг асосий манбалари қуйидагилар:

биринчи манба корхона маҳсулот (хизмат) нинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монополия ҳолати ёки маҳсулот (хизмат) нинг нодирлиги ҳисобига шаклланади. Бу манбанинг сақланиши маҳсулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутди;

иккинчи манба ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Фойда миқдори корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш (доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлаш); маҳсулотларини сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш (баҳо, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо); ишлаб чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади); ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тузилмаси билан боғлиқ бўлади;

учинчи манба корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни аниқлатади.

Корхонанинг баланс фойдаси фойдани тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибга солинади. Корхона ихтиёрида қолувчи даромад қисми, ундан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;

фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;

солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

Маҳсулотни сотишдан олинadиган фойда миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар, бу - корхонада замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менеджментнинг масъулияти, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасидир. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар қаторига эса, бозор конъюнктураси, истеъмол қилинувчи моддий-техник ресурсларнинг баҳоси, амортизация нормаси, солиқ тизими кабилар киради.

Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари. ҳар бир корхонада фойдани ошириш бўйича режали чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак. Умуман олганда, бундай чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш;

ортиқча асбоб-ускуналар ёки бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;

моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;

ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

маҳсулот бозорини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Фойда корхона фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун натижаларни (фойдани) харажатлар ёки бу натижаларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан солиштириш лозим.

9.3. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар рентабеллиги кўрсаткичлари ва уларни оширишнинг асосий йўналишлари.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормоқда.

хар қандай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона фаолиятини режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, таълим олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат қилади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ҳамда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб бўлади.

Ташқи омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Таҳлил жараёнида ички ва ташқи омилларни аниқлаш самарадорлик кўрсаткичларини ташқи таъсирлардан “тозалаш” имконини беради ҳамда корхона ютуқларини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эса фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат предметлари ва

воситалари ҳамда меҳнатнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини аниқлайди.

Хусусий ёки қарзга олинувчи капиталнинг рентабеллиги корхонага маблағлар киритишнинг рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичларнинг иқтисодий турланиши (интерпретацияси) яққол кўзга ташланади: сарфланган ҳар бир сўм қарзга олинган (хусусий) капиталга неча сўм фойда тўғри келади (ҳисоб-китобларда корхонанинг баланс ёки соф фойдасидан фойдаланиш мумкин).

Рентабелликни замон ва макон қоидаларига кўра таҳлил қилишда асосли хулосаларга келиш учун зарур бўладиган учта хусусиятни инобатга олиш зарур.

Биринчи хусусият корхона фаолиятининг вақт жиҳати билан боғлиқ. Масалан, маҳсулотни сотиш рентабеллиги коэффициенти ҳисобот давридаги фаолият натижалари орқали аниқланади; узоқ муддатли инвестицияларнинг юзага келиши мумкин бўлган ва режалаштирилаётган самараси инкор қилинмайди.

Агар корхона катта миқдордаги инвестициялар талаб қилувчи янги технологиялар ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ўтадиган бўлса, у ҳолда рентабеллик кўрсаткичлари вақтинчалик пасайиши мумкин.

Иккинчи хусусият таваккалчилик муаммоси билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражаси юқори бўлган лойиҳалар баъзида катта фойда келтириши ҳам мумкин.

Учинчи хусусият баҳолаш муаммоси билан боғлиқ. Масалан, хусусий капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи суръати ва маҳражи турли хил харид қобилиятига эга бўлган пул бирлигида келтирилади.

Кўрсаткичнинг суръати, яъни фойда ўзгарувчан (динамик) бўлиб, фаолият натижаларини ҳамда товар ва хизматларнинг асосан ўтган йилда юзага келган баҳосини акс эттиради. Кўрсаткичнинг маҳражи,

яъни хусусий капитал бир қатор йиллар давомида шаклланади. У жорий баҳодан анча фарқ қилиши мумкин бўлган, ҳисобга олиш баҳосида акс эттирилади. Демак, хусусий капитал рентабеллик коэффицентининг катта бўлиши, доим ҳам корхонага киритилаётган капитал қайтимига мос келадими; молиявий қарорларни қабул қилишда бу кўрсаткични эътиборга олишдан ташқари, корхонанинг бозордаги баҳосини (бозор капитализацияси) ҳам инобатга олиш зарур.

Қуйида корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

$$R_a = C\Phi / A * 100$$

Бу ерда:

Активлар рентабеллиги (R_a)

Соф фойда ($C\Phi$)

Активларнинг ўртача йиллик қиймати (A)

$$R_c = C\Phi / CT * 100$$

Бу ерда:

Сотиш рентабеллиги (R_c)

Соф фойда ($C\Phi$)

Маҳсулотни сотишдан тушган тушум (CT)

$$R_{xk} = C\Phi / XK * 100$$

Бу ерда:

Хусусий капитал рентабеллиги (R_{xk})

Соф фойда ($C\Phi$)

Хусусий капитал ўртача йиллик қиймат (XK)

$$R_{ad} = C\Phi / Na * 100$$

Бу ерда:

Битта акция даромади рентабеллиги (R_{ad})

Соф фойда ($C\Phi$)

Муомаладаги акциялар сони (Na)

Активлар рентабеллиги корхонада 1 сўм фойда олиш учун қанча маблағ жалб қилиш талаб этилишини (бу маблағлар манбайдан қатъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Сотиш рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан таққослаш имконини беради.

Ғарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Шу тариқа, тавсия қилинувчи кўрсаткичлар таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга имконият яратади.

Таянч иборалар:

Даромад, фойда, маҳсулот ва хизматлар, ишлаб чиқариш, хизматлар айланмаси, нарх, соф тушум, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, бензин, дизель ёқилғиси, товар ва хизматлар, асосий капитал, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар, экспорт, бозор, акция, облигация, субсидия, самарадорлик, рентабеллик, молиявий натижа.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Даромад моҳиятини ёритиб беринг?
2. Корхона даромадларига таъсир этувчи омилларни тушунтириб беринг?
3. Хизматлар айланмаси деб нимага айтилади?
4. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинадиган даромадлари ҳисоботга қандай асосий бўлимлар бўйича киритилади?
5. Молиявий даромадлар таркибини тушунтиринг?
6. Даромад билан фойданинг фарқи нимада эканлигини ёритинг?
7. Маҳсулотни сотишдан олинадиган фойда миқдори қандай омилларга боғлиқ бўлади?
8. Нима учун фойда корхона фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди?
9. Рентабеллик моҳиятини ёритинг?
10. Маҳсулотни сотиш рентабеллиги коэффициенти қандай фаолият натижалари орқали аниқланади?

Х БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ КОРХОНАСИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ.

10.1. Инвестициялар тушунчаси. Инвестицияларнинг асосий белгиланиши ва босқичлари. Хизматлар соҳасига инвестицион ресурсларни жалб қилиш.

10.2. Инвестицион лойиҳа ва инвестицион ғояни амалга ошириш ва унинг техник иқтисодий асосланиши, лойиҳа самарадорлиги.

10.3. Молиянинг моҳияти ва функциялари. Хизмат кўрсатиш корхонанинг молиявий ресурслари.

10.4. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги молиявий ресурсларнинг асосий манбалари(молиявий ва операцион лизинг, факторинг, франчайзинг, венчур (хавф-хатар) капитали масалалари).

10.1. Инвестициялар тушунчаси. Инвестицияларнинг асосий белгиланиши ва босқичлари. Хизматлар соҳасига инвестицион ресурсларни жалб қилиш.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиб бориши, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланишига боғлиқ, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади. Бу эса инвестицион фаолият ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда микродаражадаги иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инвестицион фаолиятни амалга ошириш бирламчи аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

Инвестицион фаолиятнинг энг муҳим элементи «инвестиция» нинг моҳияти ва мазмунини аниқлашдир. «Инвестиция фаолияти» тушунчаси негизида, «инвестиция» атамаси ётади.

Хозирги давирда «инвестиция» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади.

Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар

йўналиши, сохалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва ахамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан уларнинг мазмун ва мохиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, мохиятан ҳозирги ҳаражатларни билдиради.

Умуман олганда, ўзини ҳозирги қийматини сақлайдиган ёки уни кўпайтирадиган неъматларгина инвестициялар деб ҳисоблаш мумкин, акс ҳолда улар ҳаракатсиз “ўлик капиталга” айланади. Молиявий ресурслар, уларни қўйиш ва бу жараён натижасида фойда олиш бири-бири билан узвий боғланган.

Инвестиция қилишдан олдин ресурслар жамғарилади, сўнгра улар фойда ёки ижтимоий самара олиш мақсадида қўйилади. Ресурслар қандай бўлишидан қатъий назар улардан фойдаланиш натижасини баҳоловчи мезон иқтисодий самарадир. Юқорида айтиб ўтилгандек, молиявий ресурслар инвестицияларнинг биринчи элементиدير.

Инвестицияларнинг мохиятини янада тўлароқ очиб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига кўра уларнинг таснифини, шунингдек, бу масала бўйича иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар, нуқтаи назарларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестицияларни киритишнинг асосий мақсади фақат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаб қолишдангина иборат бўлмай, қўйилмаларнинг хавфсизлиги, сердаромадлиги ва уларни кўпайтиришни (капиталлаштиришни) ҳам қамраб олади.

Демак, инвестицияларнинг асосий мақсади пул оқимларининг замонавий қийматини сақлаб қолиш ҳамда улар натижаларидан кутиладиган бўлажак қийматларни капиталлаштиришдир.

Улар муайян мақсадларни кучли ва жамғариш функцияларини таъминлайди. Инвестицияларга хос бўлган муҳим белгиси бу уларнинг муаян вақт давомида замонавий қийматини сақлаш мақсадда танланган активларда банд қилиниши, уларнинг капиталлашуви ва жамғарилишини кўпайтириш ҳисобланади.

Инвестицияларининг иқтисодий мазмуни ва мохиятини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда “инвестициялар” атамасини “капитал қўйилмалар”, “капитал” тушунчалари билан айнан маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талқин қилинади. Айни пайтда шуни ҳам назарда тутиш керакки, инвестициялар номоддий активларга ҳам, интеллектуал мулкка

ҳам, айланма активларга, шу жумладан, молиявий воситаларга ҳам тааллуқли.

Инвестиция моҳияти қандайдир самара ёки даромад олиш учун турли шаклларда капитал қуйиш жараёнини ифодалайди. Бундай тушунча бир мунча умумий характерга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ, инвестицияларнинг моҳияти иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди.

Инвестиция - бу фойда олиш мақсади билан мамлакатда ёки хорижда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига давлат ёки хусусий капиталнинг узок муддатли қўйилмаларидир.

Инвестиция тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига қўйилган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал қимматликлар бўлиб, натижада фойда (даромад) юзага келади ёки ижтимоий самарага эришилади.

“Иқтисодиёт назарияси” фанидан Ўқув қўлланма муаллифлари Ш.Ш. Шодмонов ва У.В. Ғафуровлар инвестицияларга шундай таъриф беришган: “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир”²¹. Бизнинг фикримизча бу таъриф инвестицияларнинг моҳиятини тўлиқ қамраб олмайди. Чунки, инвестиция нафақат корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситаларни шакллантиришга, айти пайтда, қўшимча даромад (диведент) олиш мақсадида бошқа субъектларнинг қиммат баҳо қоғозлар хариди учун капитал сарфлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, “Инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборат”.

Ушбу қонунда инвестиция ва инвестицион фаолиятга оид бир қатор тушунчалар ҳам келтирилган:

- инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

- инвестор - ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти

²¹ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”//Дарслик. – Т.: 2010, 347-бет.

объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

- инвестиция фаолияти иштирокчиси - инвесторнинг буюртмаларни
- бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;
- реинвестициялар - инвесторнинг фаолияти натижасида олинган
- фойдани (даромадни) муомалага киритиш²².

Профессор Д.Ғ.Ғозибеков “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” номли китобида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти хусусида келтирилган фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. У инвестицияларга таъриф беришда, уларнинг турли хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини таъкидлаган. Инвестиция ана шу хусусиятлари билан бошқа маблағ сарфлаш жараёнларидан фарқланиб туради. Шунингдек, инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириб ўтади²³.

Аксарият манбаларда инвестиция – иқтисодий ва бошқа фаолият соҳаларига киритиладиган моддий ва номоддий активлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестициялар капитал қўйилмалар тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда асосий воситаларни шакллантириш ёки уларни кенгайтириш ва янгилашга йўналтирилган капитал сарфлар назарда тутилади.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар асосида инвестицияга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: “Инвестиция – давлат ва жамият манфаатларига зид бўлмаган, тадбиркорлик ва шу каби фаолият шаклида жисмоний, юридик шахслар ҳамда давлат томонидан муайян иқтисодий ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида ҳамда муайян йўналишга ва муддатга жойлаштириладиган барча турдаги моддий, номоддий ва молиявий сарфлардир”.

Маълумки, инвестицияларни жалб этиш, жойлаштириш ва улардан фойдаланиш – мураккаб жараёндир.

Инвестиция жараёни – бу пул таклиф қилувчилар (вақтинча бўш маблағларга эга бўлганлар)ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизми. У турли шакл ва поғонадаги инвестицияларнинг ҳаракат мажмуидан иборатдир.

²² Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь.

²³ Ғозибеков Д.Ғ. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” Т.: -Молия., 2003 й., 18-б.

Иқтисодиётда инвестиция жараёнининг амалга ошиши бир қатор шароитларнинг бўлишини тақозо этади, улардан энг муҳимлари қаторида инвестиция муҳитини таъминлай оладиган ресурслар салоҳияти, муайян миқёсда инвестицион жараёнларнинг амалга ошишига хизмат қилувчи иқтисодий субъектларнинг мавжудлиги, инвестиция ресурсларини инвестицион фаолиятга жалб қиладиган механизмларнинг шаклланганини алоҳида келтириб ўтиш мумкин.

Мазмун-моҳиятига кўра инвестиция жараёни— тадбиркорлик фойдасига эришиш учун асосий ва айланма ишлаб чиқариш капиталини шакллантириш йўли билан муайян вақт оралиғида асосида аҳоли, корхоналар, давлат ва бошқа субъектларнинг жамғармаларини жалб қилиш мақсадида амалга ошириладиган молиявий-иқтисодий ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади.

Мазкур жараёнда ҳар доим иккита томон иштирок этади: бирламчи инвестор ва корхона. Иқтисодий категория сифатида инвестиция жараёни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида инвестицион ресурсларни шакллантириш ва фойдаланиш доирасида иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди.

Макродаражада инвестиция жараёни – жамият миқёсида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга аҳоли, корхоналар жамғармаларини ва давлат даромадларининг бир қисмини йўналтиришдаги кенг кўламли жараёндир. Инвестицион жараён ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсишини ҳамда потенциал инвестицияларнинг асоси бўлган жамғармалар имкониятини кенгайтиради. Жамғармалар инвестицияларга туртки бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ривожланишига олиб келади.

Қайд этилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, инвестиция жараёни – капиталнинг шаклан ўзгариб боришида кечадиган динамик жараёндир.

Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш (нореал) секторида соҳага инвестициялар жойлаштиришда инвестициялар ҳаракати капиталнинг доиравий айланиши тарзида амалга оширилади ва мос равишда қиймат шакли ўзгариб боради. Ушбу жараён давомида капитал қийматини ўзида мужассамлаштирган маҳсулот ва хизматлар яратилади, натижада унинг реализация қилиниши эвазига даромад олинади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инвестицион жараённинг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин:

- инвестиция фаолияти мотивацияси;
- корхонани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;
- инвестицияларни режалаштириш;

- инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш;
- реал инвестицияларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;
- инвестицияларни суғурталаш;
- инвестицион жараённи мониторинг қилиш ва тартибга солиш;
- инвестициялаш натижаларини баҳолаш.

Инвестицион жараён асосан инвестицион бозор орқали амалга оширилади. Шунга кўра, инвестицион бозорни инвестицион талаб ва инвестициялар таклифини ўзида гавдалантирадиган инвестиция фаолияти субъектларининг ўзаро ҳаракати тарзида инвестицияларнинг бозор муомаласи билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими сифатида ифодалаш мумкин.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрнига кўра инвестицияларни хизмат кўрсатиш корхоналари даражасида ўрганиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари даражасида уларнинг аҳамиятли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланиш асосини белгилаб беради;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- асосий ишлаб чиқариш қувватларини тизимли равишда янгилаш;
- илмий-техник тараққиётни қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларини мувозанатли ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш;
- экспорт тузилмасини яхшилаш ва кенгайтириш;
- ижтимоий масалаларни, жумладан, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш;
- иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини мақсадли жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларни шакллантиришга имкон яратиш;
- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали хизмат кўрсатиш корхоналарининг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш корхоналари даражасида инвестицияларнинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

- корхоналарнинг фаолият соҳасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- асосий воситаларнинг маънавий-моддий эскиришининг олдини олиш;
- маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- янги техника ва технологиялар татбиқ қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг техник таъминот даражасини ошириш;
- рақобатдошликни мустаҳкамлаш ва маҳсулот сифатини ошириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва тараққий этиши – инвестициялар ва уларнинг ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Юқори даражада ривожланган мамлакатлар амалиётининг гувоҳлик беришича, иқтисодиётда хўжалик субъектлари ўртасида капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган инвестицион жараён самарали фаолият кўрсатиши зарур.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг тадрижий ўсиши ва иқтисодиётнинг барқарор бўлишлиги ҳар жиҳатдан хўжалик фаолияти субъектларининг эҳтиёжларини молиялаштиришга пул маблағларини жалб қилиш имкониятининг қанчалик қулайлигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг ривожланганлигини ва инвестицион муҳитнинг такомиллашиб боришини тақозо қилади.

Турли шакллардаги инвестициялар табиий ишлаб чиқариш ва ишчи кучи ресурслари билан биргаликда илғор технологияларни татбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари жорий қилиниши учун имконият яратади. Инвесторлар ўз маблағларини корхонани ривожлантириш билан бирга уни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга йўналтиради. Инвестициялар оқимига талабнинг ортиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши хўжалик механизмларини доимий такомиллаштириб бориш ва инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитни шакллантиришни тақозо этади.

Хусусан, иқтисодиётда туб таркибий ислоҳотларни амалга ошириш билан иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари барқарорлигини таъминлаш, инвестиция фаоллигини жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия ишини такомиллаштиришда сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ва тутган ўрни сўнгги йилларда мунтазам ошиб бормоқда. Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлининг оқилона ишлаб чиқилганлиги, туб ислохотларнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишларнинг теран асослаб берилганлиги стратегик мақсад йўлида салмоқли муваффақиятларимиз учун замин яратди.

10.2. Инвестицион лойиҳа ва инвестицион ғояни амалга ошириш ва унинг техник иқтисодий асосланиши, лойиҳа самарадорлиги

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиёти тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. Шу сабабдан ҳам ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир.

Жаҳон бозорига кириб бориш – кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади.

Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожлантириш учун реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган маблағлар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра худудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисига улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади.

Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг худудлар аро ва тармоқлар аро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан худудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини шахсий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторига реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар, дастлабки бозор инфратаркибини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифномалаш уларнинг ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯММга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди. Инфляция юқори ва чуқурлашган даврда эса айtilган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯММ қанчалик капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилишини билдиради. Жамғариш самараси капитал сиғимкорлиги ўсиши коэффицентлари асосида аниқланади.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфель инвестициялар деб

аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади.

Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, банк депозитлари, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратаркиби ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида асосий ўринни шахсий инвестициялар ташкил қилади.

Биринчидан шахсий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Етук қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфель инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади.

Иккинчидан, инвестицияда қатнашиш характериға кўра бевосита ва портфель инвестициялар фарқланади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағларини жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар, фондлар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий воситачилар тўпланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадilar. Портфель инвестициялар бошқа эмитентларнинг андерраттинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Учинчидан, инвестициялаш давриға қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга берилади) бўлади.

Тўртинчидан, мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини

англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳудудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Олтинчидан, инвестициялар таваккаллик даражаси бўйича юқори таваккалли ва паст таваккалли инвестицияларга ажратилади. Молия соҳасида таваккаллик деганда инвестицияларга мутлақ ёхуд нисбий миқдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда “таваккаллик” атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади. Қўйилма маблағларига фойдани мутлақ ёхуд нисбий миқдорларини ёйилиши қанчалик кенг бўлса таваккаллик шунчалик катта бўлади ва аксинча. Якка инвестор энг кам таваккалчиликка эга бўлган давлат қимматли қоғозларидан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган қуролларни кенг танлаш имкониятига эга. Капитал жойлаштиришнинг ҳар бир типи таваккал таърифидир, аммо ҳар бир муайян ҳолатда таваккаллик ўша воситанинг аниқ хусусиятлари билан белгиланади.

Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада уларнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, шу билан бирга уларни молиялаштириш манбалари, сарфланиш йўналишлари алоҳида ўрин тутаяди.

Инвестициялар миқёсининг кенгайиши ва самарадорлигининг ошиши ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш ва жамиятда ижтимоий ислохотларни жадаллаштириш учун хизмат қилади.

Инвестициялар – объектига, мақсадига, ресурсларнинг қайси мулкка оидлигига, муддатига, хаф-хатарлилик даражасига кўра таснифланади (10.1-чизмага қаранг).

Реал инвестициялар - бу корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга кўшиладиган инвестициялардир. Бухгалтерия ҳисобида бу турдаги инвестициялар капитал қўйилмалар сифатида эътироф этилади.

Реал инвестициялар – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради.

Номоддий инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулот (хизмат)ларни яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

10.1-чизма



Фан-техника тараққиёти тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XXI аср – инновациялар асри ҳисобланади. Бу асрда фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар

таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Амалиётда реал инвестициялар – номолиявий активларга киритилган инвестициялар, деб ҳам номланади.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Молиявий инвестициялар асосан қимматли қоғозлар билан боғлиқ муносабатларда ўз ифодасини топади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланаётган иқтисодий тизимларда инвестициялар асосан реал инвестициялар ҳиссасига тўғри келса, ривожланган замонавий иқтисодиётда инвестициялар аксарият ҳолларда қимматли қоғозлар муомаласига йўналтирилади ва бунда улар ўзаро бир-бирини тўлдириб туриш учун имкон яратади.

Замонавий иқтисодий муносабатлари шароитида инвестицияларнинг асосий турлари орасида интеллектуал инвестициялар ҳам муҳим ўрин тутади.

Иқтисодий адабиётларда инвестициялар қуйидаги кўринишда ҳам таснифланади: бизнесга инвестициялар (иқтисодий инвестициялар), қимматли қоғозларга инвестициялар (молиявий инвестициялар) ва узоқ муддатли истеъмол товарларини харид қилишга инвестициялар (истеъмол инвестициялари) каби турлари алоҳида ажратилади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун бизнесга инвестициялар бирмунча муҳим аҳамият касб этиб, улар ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан жадал қайта қуроллантиришга хизмат қилади²⁴.

Тўғридан-тўғри инвестицияда инвестор – маблағ киритган объектда бевосита мулк ҳуқуқи ва бошқарув ҳуқуқига эга бўлади.

Портфелли инвестициялар – даромад олиш мақсадида молиявий воситалар, хусусан, қимматли қоғозларга инвестициялар жойлаштирилишини билдиради. Аммо бу мулкка мутлақ эгаллик ҳуқуқини акс эттирмайди.

Хавф-хатарлилик (таваккалчилик) даражасига кўра инвестициялар –хавф-хатарли ва ишончли инвестицияларга бўлинади. Бунда хавф-хатар билан боғлиқ инвестицияларга венчур ва бошқа фаолияти кўп омилларга боғлиқ соҳаларга қўйиладиган инвестициялар мисол бўлса, ишончли инвестицияларга яққол мисол тариқасида давлат ёки бошқа субъектлар томонидан кафолатланган инвестициялар мисол бўлади.

²⁴ Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 24 стр.

Давлат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари – марказлаштирилган, яъни давлат инвестиция фаолияти доирасида амалга ошириладиган инвестицияларнинг жалб этилиши. Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзини шакллантирувчи чет эл валютасидаги кредитларга, марказлаштирилган валюта маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар тушунилади. Ушбу кредитларга хорижий давлатлар, банклар, халқаро молиявий ташкилотлар, давлатлараро уюшмалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган кредитлар киради²⁵.

Ўзбекистонда инвестициялар жойлаштирилиш муддатларига кўра, қисқа (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга) инвестицияларга таснифланади. Қисқа муддатли инвестициялар асосан оператив масалалар ҳал қилинса, ўрта ва узоқ муддатли инвестицияларнинг мақсади ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, илмий-техник ютуқларни татбиқ этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар – асосий фондларни вужудга келтириш ва маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир.

Инновация инвестициялар– техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялардир.

Социал (ижтимоий) инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш учун давлат томонидан тартибга солиши ўз ичига қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш характеридаги чора- тадбирлар тизимини олиши керак ва улар давлат бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган, белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши зарур.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Жалб этилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари умумий ҳажмларини шакллантириш бўйича услубий низом”.

Хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган инвестицион жараёнларни тартибга солишда ушбу таркибий тузилмада юқори даражадаги рақобатдошликни таъминлаш мақсадида давлатнинг вазифалари куйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ҳуқуқий асосларни яратиш ва ҳуқуқий нормаларга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш давлат ва инвестицион фаолиятнинг турли иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнида хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бозорнинг иқтисодий субъектлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак;

- хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг эркин фаолият юритиши ва рақобатлашиши учун бозор механизми ва шарт-шароитларини такомиллаштириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, айниқса, мавжуд шарт-шароитларда мустақил равишда самарали фаолият кўрсата олмайдиганлари учун;

- аҳолига хизматлар тақдим этувчи ташкилотларни инновацион ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, бу эса уларга зарурий рақобатбардошлик муҳитини вужудга келтириш имконини беради ва тармоқ ичида ҳамда тармоқпараро рақобатни шакллантиришга кўмаклашади;

- хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини рақобатли ривожлантириш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини ривожлантиришда турли даражалардаги вертикал ва горизонтал ўзаро алоқаларни кенгайтириш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида содир бўлаётган инвестицион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмнинг таркиби давлат бошқаруви тамойиллари, вазифалари ва усуллари билан аниқданиши керак. Улар аниқ мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши ва давлат ҳокимияти органлари томонидан турли босқичларда хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари фаолият юритиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши турли шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга ҳуқуқий тартибга солиш бевосита таъсир ўтказиб, ҳуқуқий тизим орқали амалга оширилади: конституцион, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, жиноий ва бошқалар.

Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятларини давлат томонидан тартибга солишда ушбу таркибий тузилманинг ташкилотлари самарали ривожланиши учун комплекс ёндашув амалга оширилганда бозор механизмлари билан чекланган миқдорда уйғунлашиши лозим. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши шарт-шароитларида ушбу ҳолат алоҳида долзарблик касб этади.

Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш инвестицион фаолиятни давлат томонидан самарали тартибга солиш ҳамда амалий инвестициялаш сиёсати орқали аниқланиши лозим, у эса иқтисодий, илмий-техник, жаҳон ҳамжамияти билан маданий алоқалар, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларига инвестицион капитал, шу жумладан хорижий капитал, жалб қилинишига кўмаклашувчи имкониятлардан рационал фойдаланиш ва мустаҳкамлашга асосланиши керак.

Мавжуд имкониятларни комплекс таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъекти томонидан ривожланиш стратегиясини танлаш орқали бозорнинг янги сегментларини ўзлаштириш, инвестицион стратегияларни амалга ошириш, хорижий бозорларга чиқиш бўйича энг истиқболли чора-тадбирларни аниқлаш имкони туғилади. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш жараёнида режалаштирилган тадбирларни амалга оширилишини секинлаштирувчи мавжуд таваккалчиликни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Хўжалик субъектини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш жараёнида у ёки бу ташкилотнинг потенциал имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги стратегик мақсад йўналишда қабул қилинаётган тактик чора-тадбирларни аниқлаб беради, бу эса кучайиб бораётган рақобат шароитида нисбатан самарали ва хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини бозор конъюнктурасига ўз вақтида мослашиш имконини берувчи бошқарув воситаларини ўзлаштириш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш жараёнида ушбу таркибий тузилма ташкилотлари фаолият юритиш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб концессия шартномаларини тузиш ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки, турли инвестицион лойиҳаларни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширишда давлат ва хусусий капитал ўзаро ҳамкорлигининг турли шаклларида қуйидагиларни

киритиш мумкин: хусусийлаштириш; концессион лойиҳалар; фрэнчайз тизими; шартномали тизим (шартнома тизими); лизинг.

Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши уларни субсидиялаш билан боғлиқ (шу жумладан инвестициялаш мақсадларида) давлат молиялаштиришини сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бунда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, хусусийлаштириш аҳолига турли йўналишлардаги хизматлар тақдим этувчи алоҳида ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий табақаланиш даражасининг кучайишига олиб келди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши ушбу таркибий тузилмада конкрет инвестицион лойиҳаларга бюджет маблағларини тўғридан-тўғри киритилишидан инвестицион жараёнларни билвосита қўллаб-қувватлаш усулларини қўллаш бўйича қайта ихтисослашишга олиб келди. Лекин, аҳолига ижтимоий йўналишдаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор ташкилотлари иқтисодий самарадорлиги пастлиги сабабли, уларнинг бир қисми қайтадан давлат тасарруфига ўтказилди. Зарурий ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигининг пастлиги шароитида бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши уларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражаси кўрсаткичларининг пасайишини кучайишига олиб келади.

Фрэнчайз муносабатлари тизимида хусусий тадбиркор давлатдан тайёр объектни муайян келишилган муддатга эксплуатация қилиш учун ва ўзига даромад олиш ҳамда жалб қилиш эҳтимоли бўлган қўшимча инвестициялар таваккалчилигини олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий тадбиркорларнинг бундай муносабатларини шакли асосан аввалдан фаолият юритиб келаётган хўжалик субъектларининг ҳудудларда (минтақа) бўлимларини (вакилликларини, ваколатхоналари) очиш ёки уларнинг алоҳида компанияларга ажралиб чиқишида қўлланилиши мумкин.

Шартномали тизимга кўра, келишувга асосан хусусий корхона қурилишни амалга ошириши, баъзида эса муайян муддат давомида тасдиқланган молиявий шартларда объектни бошқариши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий капитал ўзаро муносабатларининг ушбу шаклини стратегик истиқболда қўллаш мумкин бўлади, чунки, ҳозирда давлат ҳокимияти органлари, молиявий институтлар, хусусий шахслар томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш бўйича давлат томонидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида шартномали тизимни ривожлантиришнинг зарурий меъёрий-ҳуқуқий таъминоти мавжуд эмас.

Концессион лойиҳалар механизми давлат томонидан инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун концессиянинг хусусий инвесторга берилишини ифодалайди. Бунда инвестор қурилиш, молиялаштириш, яратилаётган объектни концессия муддати тугагунга қадар бошқариш ва сўнгра фаолият юритаётган объектни давлатга қайтариб бериш бўйича жавобгарликни олади. Шу билан бирга, инвестор концессия муддати давомида инвестицион харажатларни қоплаш (компенсациялаш) ва муайян миқдордаги фойда олиш учун объектнинг даромадларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Фикримизча, давлат ва хусусий капитал ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ушбу шакли хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини ташкил этиш босқичида самарали фаолият юритишнинг йўлларида бири ҳисобланади.

Йирик ташкилотлар асбоб-ускуналарининг лизинги юз фоизлик кредитлашда акс этади, тўловларни бирданига амалга оширилишини талаб этмайди, банк кредити олишга нисбатан соддалаштирилган лизинг шартномасини имзоланиши ҳамда молиявий маблағларининг бир қисмини корхонанинг ўз асбоб-ускуналарини янгилаш ва модернизациялаш мақсадларига йўналтириш имкони, асбоб-ускунани харид қилишга муайян миқдордаги капитални сарфламасдан туриб ижарага олиш имконининг мавжудлигини ифодалайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари фаолият юритиши ва ривожланиши шароитида давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги ҳамкорликнинг ушбу шакли кенг қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги шарт-шароитларда хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий капитал ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришнинг объектив белгилари мавжуд. Лекин ушбу йўналишнинг ривожланиши бутун бир иқтисодий тизимда, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида тартибга солишнинг паст даражада эканлиги учун секинлашмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш жараёнида давлат ва инвестицион фаолият иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари қўлланилиши ривожланишнинг стратегик мақсадларига эришиш имконини беради ва ушбу таркибий тузилма хўжалик субъектларининг амалий инвестицион сиёсатини шакллантиришга кўмаклашади. Нисбатан энг яхши натижага эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларига хусусий инвестицияларни жалб этишнинг турли шакллари самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларига жалб қилинаётган турли шакллардаги хусусий инвестициялар иштирокининг самарадорлигини баҳолашда субъектив нуқтаи назардан уларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди. Лекин, олинган натижалар хизмат

кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини ривожлантириш жараёнида давлат ва хусусий инвесторларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқ деб хулоса чиқариш имконини беради.

Мавжуд бозор конъюнктураси, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ушбу таркибий тузилма хўжалик субъектлари фаолият юритишидаги ўзига хос хусусиятлар, мавжуд ресурслар ва вертикал-горизонтал алоқалардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларига хусусий капитални жалб қилишнинг у ёки бу шакллари кўллаш мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, хусусий капитал ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлик шакли сифатида концессион лойиҳаларнинг қўлланилиши хизмат кўрсатиш соҳасида нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Ривожланиш босқичи ҳам муайян миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш зарурати ҳамда ҳар хил турдаги хатарларнинг (таваккалчилик) пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бундай шарт-шароитларда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарали ривожланмайди ва ўзларининг рақобат салоҳиятини ошира олмайдилар. Шу сабабли замонавий (аҳолига ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар бозори, одатда ушбу хизматлар ижтимоий характер касб этиб, алоҳида ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлади) бозор талабларга жавоб берувчи ривожланишнинг зарурий босқичида инвестицион оқимларни жадаллаштириш борасидаги амалий чора-тадбирларни қидириш муҳим ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ўсиш босқичи муайян хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин, ушбу корхоналарнинг фаолияти стратегик истикболда фойдани чиқариб олишга қаратилган бўлиши мумкин.

Улғайиш босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан аҳолига зарурий хизматлар тақдим этилиши жараёнида ташқи муҳит омилларининг таъсир этиш даражаси пасайиши кузатилади, фойда миқдори кўпайиб боради. Шу сабабли ушбу босқичда иқтисодий самара мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасида бундай шаклнинг қўлланилиши қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- хизматлар ҳаётининг турли босқичларида молиявий ресурсларни бюджет ва хусусий инвесторлар ўртасида тақсимланишини оптималлаштириш;
- инвестицион фаолиятни рағбатлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инновацион фаоллигини ошириш;

- аҳолига хизматлар тақдим этувчи ташкилотларни ривожлантириш ва бошқаришнинг самарадорлигини ошириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари томонидан зарурий рақобат муҳитига эга бўлиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида янги техника ва технологияларни қўллаш ва ўзлаштириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган инвестицион жараёнларни рационал ташкил этиш.

Давлатнинг кўмагида хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг мавжуд шакллари тартиблаштириш ривожланишнинг белгиланган марраларига эришиш имконини беради. Лекин, бу жараёнда давлат, хусусий инвесторлар, суғурта компаниялари, аҳоли ва хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини ишлаб чиқиш асосий вазифа ҳисобланиши керак ва бу кўриб чиқиладиган таркибий тузилмада ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари амалий қўллаш жараёнини тезлаштиради ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш имконини беради.

Қўшимча молиялаштириш манбаси сифатида хусусий инвесторлар маблағларини жалб қилиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки натижада хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнлар ривожланиши тезлашади ва ички инвестицион молиялаштириш жараёнлари жадаллашади. Хизмат кўрсатиш соҳасига киритилаётган инвестиция манбаларини кенгайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши бўлиб, нобюджет маблағларни жалб қилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик субъектлари амалий инвестицион сиёсатини шакллантириш учун давлат ва хусусий секторнинг самарали ўзаро ҳамкорлиги муҳим ҳисобланади ва бу мамлакатимизда содир бўладиган инвестицион жараёнларни жадаллаштиришга имкон беради. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларини хусусий секторга ўтказишда молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишдан олинган даромаднинг бир қисмини олишдан давлат манфаатдор ҳисобланади. Ўз навбатида, хусусий инвестор узок муддатли лойиҳалар, дастурларни амалга оширишнинг қулай шарт-шароитларини қўлга киритади, яъни унинг фаолияти пасайтирилган инвестицион таваккалчилик шароитида амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасида таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, фуқароларнинг даромади ва ҳаётининг сифатини оширишда

муҳим омил ва йўналишлардан бири – фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш ҳисобланади.

Бундай долзарб масалани ҳал этиш, табиийки, ички ҳамда ташқи инвестицион манбаларни ишга солишни талаб қилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган манбалар, жалб қилинган кредитлар ҳамда конунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киради:

- пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан, кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;
- интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан, техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техникага, технологияга, тижоратга оид ва бошқа билимлар мажмуи, у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хау;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

Умуман олганда инвестицион ресурсларни шакллантириш манбалари турли-туман бўлиб, уларни ўрганишда даставвал ички ва ташқи манбалар ажратилган ҳолда алоҳида олиб кўриб чиқилади. Бунда шуни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқки, ушбу манбаларни миллий иқтисодиёт (макроиқтисодий даражада) нуқтаи назаридан ҳамда алоҳида корхона (микроиқтисодий даражада) нуқтаи назаридан ажратиб ўрганиш инвестициялаш манбаларини ўрганишда тизимлиликни таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ва ташқи манбалардан фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ички манабалари қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида

олинувчи маблағлар;

- юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;

- хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг ташқи манбалари қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджет маблағлари;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;

- давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар;

- корхоналар Устав капиталига молиявий, моддий ва номоддий шаклларда киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

- халқаро молия институтлари ҳамда хорижий давлатлар банклари тақдим этган кредитлар ва бошқалар.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг ишончли манба – корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Корхоналарнинг инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилиши доимо ижобий, деб баҳоланади. Чунки, бундай ҳолатда корхоналар молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак, деган муаммога рўпара келмайди ва уларнинг банкрот бўлиш хавф-хатари камаяди.

Корхоналар томонидан инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришнинг бошқа ижобий томонлари ҳам бор. Хусусан, ўз-ўзини молиялаштириш корхонанинг ривожланганлигидан ва унинг яхши молиявий ҳолатда эканлигидан далолат беради. Бундай корхоналар ракобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади. Ҳаётда барча корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инвестицион дойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадиган ўз маблағлари манбаи – бу, асосан, соф фойда ва амартизация ажратмаси ҳисобланади.

Соф фойдадан самарали фойдаланишда корхоналарнинг айни пайтдаги ва истикболдаги ривожланиш ҳолатини ҳамда меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳолатини яхши билмоқ муҳимдир. Фойдани корхона олдида турган иқтисодий ва социал муаммолар даражасига асосланган ҳолда ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Мабода корхона замонавий моддий-техник базага эга бўлмаса ва бундай ҳолат унинг ракобатбардошлигига тўсқинлик қилиб, оқибатда корхона банкротликка олиб келиши мумкин бўлса фойдани – моддий-техник базани ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, корхонадаги социал масалалар (уй-жой, дам олиш уйи, боғча қуриш ва ҳоказолар) ҳал қилинган бўлса, бундай ҳолатда ҳам фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш керак бўлади.

Фойда – корхонанинг истикболда ривожланишини таъминлашда асосий манба бўлмоғи лозим. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, охир оқибатда корхона фойдаси ҳажмининг ўсишига, корхона жамоасининг социал муаммоларини хал этишга ва корхона инвестиция имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда амортизация ажратмалари муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мулжалланган бўлади.

Ривожланган мамлакатларида амортизация – корхона инвестиция эҳтиёжининг 70-80 фоизини кондиреди. Ўзбекистонда ҳам амортизация ажратмаларига, инвестицияларни молиялаштиришда муҳим манбаи сифатида қаралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, амортизация ажратмалари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бошқа манбаларга нисбатан устунликка эга. Чунки, у манба сифатида корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида ҳам ўз ўрнига эга ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Инвестицион фаолиятини молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда, корхона маблағларни – қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири – қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасининг пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар ва кредит бозори пул маблағларига эҳтиёжи бўлган корхоналарга пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Корхоналар инвестицион фаолиятга акциядан ташқари облигацияларни чиқариш йўли билан ҳам маблағларни жалб этишади. Облигацияларни чиқариш ва уларни жойлаштириш бир мунча қисқа вақт ичида корхоналарга зарур маблағларни тўплаш имконини беради.

Облигациялар бўйича операциялар акцияларникига нисбатан камроқ хавф-хатарга эга. Шу сабабдан облигацияларга тўланадиган фоиз акциялар бўйича тўланадиган дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхоналар учун облигация чиқаришга нисбатан, акция чиқариш кўлайроқ ҳисобланади. Чунки, олинандиган соф фойда миқдорига қараб, акциялар бўйича тўланадиган дивиденд миқдорини ўзгартириши мумкин, облигациялар бўйича тўланадиган фоиз катъий белгиланган бўлади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда – банк кредитлари, суғурта компанияларидан олинандиган қарзлар, бюджетдан ташқари

жамғармалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақдим этадиган кредитлар муҳим роль ўйнайди.

Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштириш – фаолият юритаётган корхона учун маъқул ҳисобланади. Чунки, ишлаб турган корхона активлари, ушбу, кредитларнинг кайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона учун эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда – акционерлар капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори хавф-хатар билан боғлиқ бўлади. Корхона кредитни кайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин. Ликвидлик масаласи билан боғлиқ бундай вазиятда янги корхона оғир ҳолатга тушиб қолади.

Янги корхоналарга кредит бериш юқори даражада хавф-хатар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли банклар инвестицион лойиҳа яхши техник-иқтисодий асосланганда ҳам юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин.

Банк томонидан олинадиган фоизлар – бериладиган кредитнинг хажми, муддати, унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг хавф-хатар даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференциялашади.

Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим манбалардан бири бўлиб хорижий инвестициялар ҳисобланади. Улар тўғридан-тўғри ва порфелли шаклларда жалб этилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг 73-74 фоизи тўғридан-тўғри инвестицияларга тўғри келмоқда.

Тўғридан-тўғри инвестициялар – капиталнинг тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Улар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Инвестициянинг портфелли шаклида капитал даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди.

Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 24 апрелидаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан оммавий савдоларда давлат улуши бор акционерлик жамиятлари акцияларнинг бир қисми биринчи навбатда хорижий инвесторларга

сотилади. Олинган маблағлар шу акциядорлик жамиятларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг – инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг – молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири ҳисобланади. Унинг асосида корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишади.

Лизинг – хизмат кўрсатиш корхоналари моддий-техник базасини яхшилашга ва жаҳон стандартлари даражасидаги хизматларни ишлаб чиқаришга шароит яратади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда Интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган “Инвестиция портали” очишни таклиф этаман”²⁶, деган фикрни олға сурди..

Шуни таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш орхоналарини ривожлантиришга сарфланадиган инвестицияларнинг асосий йўналишлари:

- янги хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш.
- хизмат кўрсатишни техник- технологик янгилаш ҳисобига корхонани модернизация қилиш;
- хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларини таркибий ўзгартириш;
- менежер ва ходимларнинг касбий ва малакавий салоҳиятини ошириш;

²⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 63-64 бетлар..

- корхоналарнинг ижтимоий ва техник инфратузилмасини ривожлантириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича тадбирларни янада кучайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифа ҳисобланади.

10.3. Молиянинг моҳияти ва функциялари. Хизмат кўрсатиш корхонанинг молиявий ресурслари.

Молия – бу иқтисодий муносабатлар тизимидир. Унинг ёрдамида пул ресурслари фондлари яратилади, тақсимланади ва фойдаланилади. Иқтисодий категория сифатида молиявий бозор муносабатлари қатнашчиларининг манфаатларини акс эттиради. Корхона молиявий конкрет муддатга унинг жорий ва капитал ҳолатини кўрсатади.

Молиянинг мазмуни унинг функцияларида ёритади, улар тақсимот ва назоратга бўлинади.

Тақсимот функциясида молиянинг асосий моҳияти намоён бўлади, яъни уларнинг иқтисодий белгиланиши ва мавжуд қонунчиликка мос равишда молиявий ресурсларнинг турли йўналишлар бўйича тақсимланишини билдиради.

Нazorat функцияси ёки молиявий назорат уч йўналиш бўйича амалга оширилади:

- Корхона ичида бўлинмалар ўртасидаги узаро муносабларда;
- Ташқи муҳит билан алоқаларда (учинчи шахслар билан);
- Давлат солиқ хизмати тизими бўйича алоқаларда;

Корхона молиясини ташкил этишда қуйидаги қоидалардан фойдаланилади:

- Молиявий хўжалик фаолияти борасидаги мустақиллик;
- Ўз – ўзини молиялаштириш;
- Иш натижаларига қизиқиш
- Ушбу натижаларга жавобгарлик;
- Молиявий ресурсларни ташкил этиш;
- Маблағларни хусусий ва қарзга олинганларга бериш;
- Бюджет ва давлат бюджети фондлари олдида мажбуриятларни бажаришнинг биринчи навбатдалиги;

- Корхона фаолиятининг молиявий назорат қилиш;

Молиявий муносабатлар таркибида қуйидагилар ажралиб туради:

- Ялпи даромадни шакллантириш ва тақсимлаш, таъминотга ҳақ тўлаш, тайёр маҳсулот ёки хизматларни сотиш жараёнида корхона ташкилотлар ўртасида;

- Корхона акцияларини чиқаришда ва тақсимлашда, ўзаро кредитлашда, ҳиссали қатнашишда;
- Даромаддан фойдаланиш жараёнида корхоналар ва алоҳида ходимлар ўртасида;
- Юридик, жисмоний шахслар ва банк тизими ўртасида;
- Валюта фондидан фойдаланишда корхоналар ва чет эллик шериклар ўртасида.

Корхоналар молияси давлат молия тизимининг асоси ҳисобланади, чунки корхона халқ хўжалиги комплексининг асосий бўғини ҳисобланади. Корхоналар молиясининг ҳолати умумдавлат ва ҳудудий пул фондларининг молиявий ресурслар билан таъминланганлигига таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ва ҳудудларнинг тўлиқ мустақиллигини давлат томонидан иқтисодиёт ва молияни тартибга солишни боғлай олиш лозим. Ушбу вазифаларни жамиятни у ёки бу ривожланиш босқичида мавжуд молиявий механизм ҳал этиши лозим.

Ушбу муносабатларни молиявий механизмини ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Иш ҳақининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматларнинг фойдалигига ва унинг учун тўловларнинг келиб тушишига боғлиқлиги;
- Фойданинг корхона, савдо ва банк ўртасида асосланган тақсимланиши, аммо унинг катта қисми ишлаб чиқаришга тегиши лозим;
- Корхона ва бюджетнинг турли даражаси ўртасида, фойдани тақсимлаш нормативларининг объекти реаллиги, шунингдек, узоқ муддат ва барқарорлигини таъминловчи ижтимоий фондлар билан;
- Жамғаришга (ишлаб чиқаришни ривожлантиришга) ва истеъмолга ажратмаларнинг асосланганлиги;
- Ижтимоий эҳтиёжларга, илмий тадқиқот ишларига, кадрларни тайёрлашга ва бошқа мақсадларга маблағларни етарли бўлиши;

Корхонанинг молиявий фаолияти молияни бошқаришнинг қуйидаги аспектларини ўз ичига олади:

- Молиявий хизматни ташкил этиш;
- Молияни режалаштириш;
- Пул ресурслари ҳаракатини учети;
- Молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни назорат ва таҳлил қилиш;
- Сотиш ҳажмининг ошиши, корхона фойдаси ва рентабеллигининг ошишини рағбатлантириш.

Молиявий хизмат структураси корхона размери, фаолият тавсифи, молиявий стратегия, молияни бошқаришнинг техник воситаларининг мавжудлиги ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Кичик корхонада бухгалтер барча молиявий масалаларни ҳал этади. Катта корхоналарда молиявий хизматни молиявий директор бошқаради. Унга турли профессионаллар киради.

Молиявий хизматнинг бош вазифаси бўлиб корхонанинг тўлов қобилиятини таъминлаш ва капитални кўпайтириш ҳисобланади.

Молиявий ресурслар – бу жорий харажатлар ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун харажатлар, молиявий мажбуриятларни бажариш ва ишловчиларни иқтисодий рағбатлантириш учун мўлжалланган корхона ихтиёрида бўлган пул маблағларидир. Молиявий ресурслар шунингдек ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини сақлаш, истеъмол жамғарма, махсус захира фондлари ва бошқаларга йўналтирилади.

Корхона фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг икки асосий тури фарқланади – асосий фондлар (капитал) шаклидаги узоқ муддатли молиявий маблағлар ва ҳар бир ишлаб чиқариш цикли учун (яъни тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадгача) қисқа муддатли (жорий) молиявий маблағлар.

Пул ресурсларига талабни аниқлашда куйидагилар инобатга олинishi лозим:

1) қайси мақсад учун пул маблағлари зарур ва қайси даврга (қисқа муддатли ёки узоқ муддатли)

2) қачон ва қанча пул маблағлари зарур;

3) корхона доирасида зарур маблағларни қидириб топиш мумкинми, ёки бошқа манбаларга мурожаат қилишга тўғри келадими

4) қарзларни тўлашда харажатлар қандай бўлади.

5) пул маблағларининг қайтишини қачон кутиш ва даромад олиш мумкин, ушбу даромаднинг катталиги қанча бўлади?

Харажатдаги корхоналар молиявий ресурсларининг асосий манбаси бўлиб фойда (асосий ва қолган фаолиятнинг турларидан), амортизация ажратмалари, кетган асбоб – усқунани сотишдан тушум, барқарор пассивлар, мақсадли тушумлар ҳисобланади.

Хусусий маблағлар етишмаган тақдирда корхона кредитга мурожаат қилиши мумкин. Кредитлар қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан уч йилгача) ва узоқ муддатли (уч йилдан беш йилгача) бўлиши мумкин. Кредитлаштиришнинг икки хилма – хиллиги мавжуд:

- Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тўғридан – ўғри пул ссудаларини (банк кредитлари) бериш шаклидаги кредитлаштириш;

- Ҳисоб китобларнинг хилма – хиллиги шаклидаги кредитлаштириш, яъни тўловларни кейинчалик а.о (савдо кредити)

Кредитни олиш учун қарз олувчи банклар кредиторга буюртма ва бошқа талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этади. Буюртмада кредитни олиш мақсади, суммаси кредит фойдаланиладиган муддат кўрсатилади.

Кредитнинг берилиши учун муҳим шарт бўлиб, уларнинг таъминланганлиги ҳисобланади. Кредитнинг таъминланганлиги – бу қарздор томонидан олинган ссудани ва фоизларни тўлиқ ва ўз вақтида қайтаришнинг кредиторга гаров бўлиб хизмат қиладиган бойликлар ҳисобланади. Кредитни таъминлашнинг асосий турлари бўлиб поручительство, кафолат, суғурта мажбуриятлари ҳисобланади. Банк кредити конкрет муддатга маълум банк фоизи орқали берилади. Савдо кредити тижорат предмети деб ҳам номланади ва унда тадбиркор товарни тўловни кечиктирган ҳолда харид қилинди.

10.4. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги молиявий ресурсларнинг асосий манбалари (молиявий ва операцион лизинг, факторинг, франчайзинг, венчур (хавф-хатар) капитали масалалари).

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ва банклар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги шакллари ва ҳоказоларда. Улар жумласига лизингни факторинг, франчайзинг киритиш мумкин.

Лизинг – асбоб – ускуна, танспорт воситалари ва бошқа ҳаракатдаги, ҳаракатда бўлмаган мулкни фойдаланишга бериш билан боғлиқ узоқ муддатли ижара шаклидир. Лизингнинг икки шакли фарқланади: молиявий ва операцион.

Молиявий лизинг ижарачи томонидан шартнома ҳаракати давомида асбоб – ускуна амортизациясининг тўлиқ қисми ёки унинг катта қисмини, шунингдек ижарага берувчи фойдасини тўлашни кўзда туттади. Шартнома муддати тугаганда ижарачи:

- Лизинг объектини ижарага берувчига қайтариш;
- Ижарага янги шартнома тузиш;
- Қолдиқ қиймат бўйича лизинг объектини сотиб олиши

мумкин.

Операцион лизинг мулк амортизацияси муддатидан кам даврга тузилади. Шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг объекти эгасига қайтарилади ёки яна ижарага топширилади.

Лизинг хўжалик юритувчи пулларни оборотидан ажратмаган ҳолда асосий фондларини олиш ва уларни эксплуатация қилиш имконини

беради. Кўриниб турибдики лизинг ишлаб чиқаришни жиҳозлашга капитал қуйилмалар учун зарурий маблағларга эга бўлмаган корхоналар учун молиялаштиришнинг энг самарали усулидир. Ушбу ҳолат кичик бизнес учун тавсифлидир, чунки одатда улар чекланган маблағларга эга бўлишадилар.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, асосий фондлар барча шартнома мобайнида лизинг фирмаси балансида туради. Тўловлар эса хўжалик юритувчи субъектнинг жорий харажатларига киради, яъни ишлаб чиқариш маҳсулот таннархига қўшилади ва тегишли равишда солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтиради.

Факторингни ихтисослашган муассасасининг (факторинг фирмаси ёки банкнинг факторинг бўлими) ўз мижозининг (саноат ёки савдо фирмаси) қарздорларидан пул маблағларини ундириш ва унинг қарз талабларини бошқариш бўйича фаолияти десак бўлади.

Факторинг молиялаштириш шакли сифатида кичик бизнес корхоналари учун фойдали ҳисобланади. У корхона раҳбарияти ва ходимлари ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишга фикрни қаратишга ва фоизни максималлаштиришга, тўлоқларнинг катта қисмини олишни тезлаштиришга, қарзларни тўлиқ қоплашга, счетларни юритиш бўйича харажатларни камайтитриш имконини беради. Факторинг тўловга кафолат беради ва таъминотчиларни банкдан қўшимча ва жуда қиммат кредитларни олиш заруриятидан холос қилади. Бунинг барчаси корхонанинг молиявий ҳолатига қулай таъсир кўрсатади.

Франчайзинг – бу технология ва товар белгисига лицензияларни (французларни) сотиш тизимидир. Франчайзинг тизими кичик бизнесни молиялаштириш учун йирик фирмалар ресурсларидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Франшизани харид қилиш қулай, чунки хавф – хатар нисбатан кичик. Франшизаги пул қуйиб, сиз узоқ йиллар мобайнида мувофақиятли ишлаган корхонани харид қиласиз. Лицензиар (франшизани тақдим этувчи фирма) асосий фондларини ижарага бериши, молиялаштиришни таклиф этиши мумкин. Молиявий ва маслаҳат ёрдамини тақдим этиш билан бир қаторда лицензиар одатда янги тадбиркорни фирмани бошқариш усуллариغا ҳам ургатади. Кўпчилик лицензиялар реклама, солиқлар ва бизнеснинг бошқа муаммолари бўйича маслаҳатлар таклиф этишадилар.

Янгилик масалалари билан шуғулланувчи кичик новатор – фирмаларни йирик фирмалар томонидан молиялаштиришда, одатда венчурп (хавф – хатар) капиталдан фойданилади. Гап шундаки, фирмик фирма томонидан янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга одатда биринчи бўлиб беришни унчалик хоҳламайди. Унга мумкин бўлган

мувофақиятсизлик оқибатлари кичик фирманикига қараганда жуда оғир кечади. Шу сабабли йирик фирманинг тахминий тавсифдаги тадқиқотларда қатнашишининг асосий йўналиши бўлиб, кичик фирмаларни хавф – хатарли молиялаштириш ҳисобланади. Таъкидланганидек кичик фирмаларга бошқарувнинг соддалиги, кенг шахсий ташаббус, эгилувчан илмий – техник сиёсатни а.о имконияти, ўз фаолиятига ихтирочиларни актив жалб қилиш тавсиялидир. Бундай фирмаларнинг кўпчилиги инновацион жараёнга, янги маҳсулот, прогрессив технологияларнинг яратилишига салмоқли ҳисса қўшишмоқдалар.

Йирик фирмаларнинг хавфли молиялаштиришга қатнашишлари, уларнинг тўғридан – тўғри иқтисодий манфаатдорликларидан келиб чиқади. Гап шундаки, мустақил кичик фирмалар солиқ ва бошқа имтиёزلардан фойдаланишадилар, давлатнинг фан техника тараққиётини рағбатлантириш дастури доирасида тўғридан – тўғри молиявий ёрдам олишадилар. Натижада бундай хавф – хатарли молиялаштиришнинг барчаси, ҳозирги кунда кўпчилик давлатларда актив ривожланмоқда.

Йирик ва кичик фирмаларнинг бундай ҳамкорлиги ўзаро фойдали ҳисобланади, чунки хавф – хатарли молиялаштириш қарз олаётган фирмага ўз ресурсларига қараганда янги бозорларни тезроқ ва кам харажатлар билан ўзлаштиришга имкон беради.

Таянч иборалар:

Инвестиция, капитал инвестициялар, инновацион инвестициялар, социал (ижтимоий) инвестициялар, молиявий инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, асосий фондлар, капитал қўйилмалар, реал инвестициялар, инвестицион лойиҳалар, кредит, суғурта, френчайз, инвестор, молиявий ресурслар, қимматли қоғозлар, облигациялар, молия, иқтисодий муносабатлар, тақсимот, назорат, асосий фондлар, жорий фондлар, маблағлар, кредит, фоиз ставкалар, валюта, лизинг, франчайзинг, франшиза.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инвестициянинг мазмун моҳиятини ёритиб беринг?
2. Капитал инвестициялар қандай асосларда киритилади?
3. Инновацион инвестициялар ҳозирги кунда қандай аҳамият касб этади?
4. Ижтимоий инвестициялар деганда қандай инвестицияларга айтилади?
5. Молиявий инвестициялар ижтимоий инвестициялардан қандай фарқ қилади?

6. Тўғридан-тўғри инвестицияларни тушунтириб беринг?
7. Асосий фондларни шаклланишида инвестицион қуйилмалар қандай аҳамият касб этади?
8. Инвестициянинг объекти ва субъектининг фарқини тушунтириб беринг?
9. Реал инвестициялар деб қандай инвестицияларга айтилади?
10. Тадбиркор франчайзинг муносабатларини қандай ўрнатади?
11. Давлатнинг кўмагида хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг мавжуд шакллари тартиблаштириш ривожланиши деганда нимани тушунганингизни асосланг?
12. Молия қандай характерланади?
13. Молиянинг тақсимот функциясини ёритинг?
14. Молиянинг назорат функциясини ёритинг?
15. Молиявий хизматни тушунтириб беринг?
16. Молиявий ресурслар таркибини ёритиб беринг?
17. Лизингнинг маъно моҳиятини ёритиб беринг?
18. Нима сабабдан факторинг молиялаштириш шакли сифатида кичик бизнес корхоналари учун фойдали ҳисобланади?
19. Франчайзинг бу нима?
20. Нима учун франшизани харид қилиш қулай?

XI БОБ. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

11.1. Хизматлар соҳасида туризм хизматларининг ўрни ва моҳияти.

11.2. Туризм хизматлари ташкилий-иқтисодий механизмлари.

11.3. Ўзбекистон Республикасида туризм хизматлари таракқиётининг асосий йуналишлари.

11.1. Хизматлар соҳасида туризм хизматларининг ўрни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонунининг(2019 йил 16 апрел) 3-моддасида “турист – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”, дейилган.

Хозирги пайтда туризмга уч хилдаги умумий таъриф берилмоқда. Биринчиси тор маънодаги таъриф бўлиб, унга биноан бу тушунча туристик корхоналар фаолияти билан чегараланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. //Халқ сўзи, 1999 йил, 14 сентябрь.

Иккинчиси бир ёқлама истеъмолчига қаратилган бўлиб, бу таърифга асосан туризм фаолияти доимий истиқомат қилиш жойидан ташқарида ва ишлаб чиқариш ташвишларидан холи ҳолатда хизмат ва товарларни истеъмол қилиш жараёни сифатида тушунилади. Учинчисига кўра эса, туризм тушунчаси жамиятда инсонларнинг истиқомат қилиш жойидан ташқарида бўш вақтидан фойдаланиши ва бунинг учун зарур бўлган хизмат ва товарлар турларини қайта ишлаш шартлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуасини ифодалайди”.

Бизнингча, сўнгги таъриф нафақат кенг ва атрофлича, балки туризмнинг жамиятдаги ўрнига янги сифат ва баҳо беради. Бунга, биринчи навбатда, туризм соҳасига, реклама – ахборот хизматлари, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш каби тармоқлар билан бошланадиган ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият каби тармоқлар билан тугайдиган кенг миқёсдаги фаолият турлари кириши сабаб бўлади.

Туризм – бу инсонларнинг хордиқ чиқариш, соғломлаштириш, меҳмондорчилик, касбий ва иш мақсадларида (ҳақ тўланадиган иш билан шуғулланмасдан) ўзларининг доимий яшаш жойларидан вақтинчалик бошқа давлатлар ёки ҳудудларга ташриф буюришидир.

Туризм атамаси узоқ йиллар мобайнида кўпгина давлатларда ишлатилиб келинган. Ушбу сўз “улкан тур” маъносидан келиб чиқиб, дастлаб “танишув ташрифи”ни англатган.

Асрлар мобайнида туризмнинг асосий белгиси – бу саёҳатчиларнинг бошқа давлатлар халқларининг маданиятидан баҳраманд бўлиш ва улар билан маданий ҳамда иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ҳисобланиб келинган.

Туризмнинг асосий меъзонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Инсонларнинг доимий яшаш жойидан вақтинча ташқарида бўлиши ва туристик саёҳатларнинг хилма-хиллиги.

2. Саёҳатчиларнинг бошқа жойга ташрифи пайтидаги меҳнат фаолияти (ўша жойда) ҳақ тўланиши билан боғлиқ бўлмаслиги ва саёҳат давоми 12 суткадан ортиқ бўлмаслиги;

3. Ташриф буюрган жойдаги манбадан ҳақ тўланадиган иш билан шуғулланмаслик.

Қайсидир давлатга иш мақсадида чиқадиган ҳар қандай шахс турист эмас, балки мигрант (мухожир) деб номланади. Бу нафақат халқаро туризмга балки давлат миқёсидаги ички туризмга ҳам тааллуқлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, статистик маълумотларга кўра инсонларнинг қисқа вақтли туристик сафарларнинг катта ҳиссани дам олиш куни туризми эгаллайди (2-3 кун), ундан кейинги ўринни катта бўлмаган туристик ташрифлар (6-7 кун) ва кичик ҳиссани 8-12 кунлик ташрифлар эгаллайди.

Туризм – бу нафақат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, балки инсонлар ҳаётининг муҳим қисмидир. У инсоннинг, уни ўраб турган ташқи муҳит билан муносабатларини қамраб олади.

Бир йилдан ортиқ муддатда асосий яшаш жойидан ташқарида истиқомат қилиш, туризм нуктаи назаридан, доимий яшаш жойи ҳисобланади. Шу сабабли, ўзга жойда бир йилдан ортиқ яшовчи шахслар турист деб номланмайди.

Тегишли равишда туризм – бу инсонларнинг доимий яшаш жойлари бўлмаган ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган жойларга ташрифи давомидаги муносабатлар йиғиндиси.

Туризм – бу ихтисослаштирилган туроператорлик ва турагентлик корхоналар ва воситачилар (масалан транспорт компаниялари) фаолиятидир.

Туризм хизматлар таркиби ва хизмат кўрсатилаётган аҳоли категорияларига боғлиқ ҳолда ички ва халқарога бўлинади.

Ички туризм – бу мамлакат фуқороларининг доимий яшаш жойларидан миллий чегаралар доирасида дам олиш, танишиш тусидаги

қизиқишларини қондириш, спорт билан шуғулланиш ва бошқа туристик мақсадларда вақтинчалик чиқишидир.

Халқаро туризм – бу Ўзбекистон ҳудудида чет эллик туристларга туристик хизматлар ва туристик маҳсулотларни тақдим этиш (кирувчи туризм) ва чет-элда туристик хизматлар ва туристик маҳсулотларни тақдим этиш (чиқувчи туризм) билан боғлиқ бўлган туризм соҳаси корхоналарининг тизимлаштирилган ва мақсадли йўналтирилган фаолиятидир.

Халқаро туризм давлатлараро шартномалар асосида амалга оширилади. Мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият миллий туризм деб номланади.

Ташкил этилиш услубига кўра режали ва ташаббускорлик туризми фарқланади.

Режали туризм – туроператорлар (туризм ташкилотчилари) томонидан ишлаб чиқиладиган ва сотиладиган туризмнинг ҳар қандай турлари. Режали туризм давлат томонидан қонун ва норматив ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади ва у туризм индустриясининг асосини ташкил этади. Айнан туризмнинг ушбу тури турли туристик тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлари фаолиятларининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Ташаббускор туризм – ихтиёрий туристик бирлашмалар, иттифоқлар ва туристик клублар фаолиятига асосланади. Улар туристик фаолиятни тартибга солувчи ўз норматив ҳужжатларини .

Ўзбекистон дунё бозорига ўз иқтисодий қудрати ва имконлари билан бир қаторда, интеграция жараёнлари натижасида турли мамлакатлар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг тобора чуқурлашишига, иқтисодий, савдо, маданий, спорт, илмий-техникавий алоқаларнинг ниҳоятда кенгайишига таъсир кўрсатмоқда. Бунда туризмнинг жадал ривожланиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ва мамлакатлараро интеграциялашув жараёнлари таъсирида туризм дунёдаги энг тез ривожланаётган ва юқори даромад келтирувчи соҳалардан бири сифатида туризм бозорида дунё саёҳатчиларини жалб қилиш, уларга юқори сифатли рақобатбардош туристик хизматлар кўрсатиш бўйича турли дестинация (қўлай ва жозибадор туристик манзил)лар ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланимоқда. Жумладан, Ўзбекистон жаҳон туризм бозорига шиддат билан кириб келаётган туристик жозибадор ва Буюк Ипак Йўли чорраҳасида жойлашган стратегик давлат сифатида ўзига хос салоҳият ва имкониятларга эга, зеро, булар сирасига ўрта аср Шарқ маданияти ёдгорликларининг яхши сақланиб қолганлиги, ҳукуматнинг соҳани ривожлантириш учун етарли даражада ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-

иқтисодий ва ижтимоий-экологик шарт-шароитлар яратганлигини киритиш мумкин.

Ҳозирги ривожланиш босқичида туризмнинг – иқтисодий категорияларга муносиб қуйидаги сифат хусусиятлари намоён бўлмоқда:

- индустрия шаклига эга;
- туристик маҳсулот ва хизматлар кўринишига эга;
- янги минтақаларни кашф этади;
- миллий иқтисодиётни, маҳаллий инфратузилмаларни жадал ривожлантириш, маҳаллий аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг қудратли омили бўлиши мумкин;
- янги иш жойлари яратади;
- жаҳон ялпи маҳсулотини туризмни жадал ривожлантираётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлайди;
- киритилган инвестициялар тез фойда келтиришини таъминлайди;
- маданий меросни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш воситаси ҳисобланади.

Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари. // <http://www.unwto.org>.

1993 йилда БМТ нинг Статистика комиссияси туризмга қуйидагича таъриф беришни таклиф қилган: **Туризм** бу уйдан ташқарида ўз хоҳишига биноан бирор фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади, бу турдаги фаолият бир кеча ёки ундан кўпроқ вақт олиши мумкин. Юқорида ҳар хил таърифларни келтиришимиздан мақсад туризм тушунчасининг кенг эканлиги сабабли, унинг ҳамма кўринишларини қамраб олувчи таъриф мавжуд эмаслигини кўрсатиш эди. Туризм соҳасида тез тез янги йўналишлар ва саёхат турлари аниқланмоқда ва бу йўналишларни тавсифлашда эски таърифлар қўл келмай қолапти. Шу билан бирга ривожланган давлатларда нафақахўрларнинг яшаш арзонроқ бўлган давлатларга кўчиб кетишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, Шимолий Европаликлар нафақага чиққанларидан сўнг одатда Ўрта ер денгизи давлатларига кўчиб кетишади, америкаликлар эса Мексика қирғоқларида яшашни маъқул кўришади. Улар ўз юртларида уйларини сақлаб қолган ҳолда, ўзга юртларда кўп вақтини ўтказишлари мумкин²⁷. Шу ва бошқа ҳолатлар борки, туризм соҳасига ягона универсал таъриф беришга ҳалақит беради.

Туризм назариясида **туризм маҳсулоти** жуда муҳим ҳисобланади. Туризм маҳсулоти бу, авваламбор, ўзида соф хизматни акс эттиради ҳамда унинг номоддийлиги уни сотишда бир қанча

²⁷ J.C.Holloway "The business of Tourism" eighth edition 2009, P.10

қийинчиликлар туғдириши мумкин, чунки бунда харид қилувчи туризм маҳсулотни сотувчисига юқори ишонч билдириши талаб этилади.

Одатда туристик маҳсулотни сотиш орзуларни сотиш билан тенглаштирилади. Чунки туристлар тур маҳсулотни харид қилганда нафақат хизматлар тўплами(масалан, авиа хизмат, овқатланиш хизматлари, меҳмонхона ва бошқа хизматлар)ни харид қилади, балки ўзлари учун янги бўлган атроф муҳитдан фойдаланиш: янги географик масканларни кашф этиш, табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш, қадимги шаҳарларни зиёрат қилиш ва ҳоказоларни харид қилади. Туризм маҳсулотини самарали сотиш туристнинг кўрсатилган хизматлардан қанчалик даражада қониқишига боғлиқ. Аммо бу қониқишга 100% эришиш жуда қийин, чунки вақт ўтиши билан хизматлар сифати ўзгариб боради. Шунинг учун туризм маҳсулотини сотувчи корхоналар хизматлар сифатини бошқаришга ҳаракат қилади.

Туризмда яна бир жиҳат бу харидорлар одатда “истеъмол” учун олдиндан пул тўлашга мажбур бўлади ва маълум даражада таваккалчиликни бўйнига олади. Ҳозирги кунда кўплаб туристик агентликлар ёки фирмалар мижозларга “динамик пакетлаш” ни таклиф этишади. Яъни шу кичик фирмаларнинг ўзлари авиа чипта, меҳмонхона ва саёҳатнинг бошқа хизматларини туризм маҳсулотига бирлаштиришади. Албатта, индивидуал туристларнинг ўзлари ҳам бундай турларни “ясаш”лари мумкин, аммо харид қилинган хизмат сифати тўғрисида ноаниқликлар сабаб мижоз юқори таваккалчиликни бўйнига олади. Туристларнинг мустақил тур маҳсулотни харид қилишида яна бир таваккалчилик бу- уларга хизмат кўрсатувчи корхонада бирор молиявий муаммолар юзага келганда ва бу корхоналар ўз хизматини амалга ошира олмаганда, харидор маблағини қайтариб олиш ҳуқуқи кафолатланмаганлигида бўлиши мумкин.

Туризм назариясида яна бир муҳим тушунчалардан бири бу- **саёҳат мақсади** ҳисобланади. Саёҳатлар мақсадига кўра

- 1)Дам олиш учун (қариндош уруғларини кўриш учун бориш ҳам киради);
- 2)Иш бўйича саёҳат(мажлисларга, конференцияларга бориш);
- 3)Бошқа мақсадларда (ўқиш, зиёрат, спорт ва соғломлаштириш ва ҳоказо);

Саёҳат мақсадини аниқ билиш жуда муҳим, чунки юқорида таъкидлаб ўтилган категорияларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, иш бўйича саёҳат қилувчилар одатда камроқ жойга боришни режалаштиришади, чунки уларда вақт чекланган бўлади. Бу турдаги саёҳатлар одатда жуда қисқа муддат- бир кундан уч кунгача давом этади. Шу сабабли иш бўйича саёҳат қилувчилар энг қулай ва тез транспорт воситаларини, энг яхши меҳмонхоналарни танлашни маъқул

кўришади. Бу турдаги сайёхатлар нарх бўйича эгилувчан бўлмайди, чунки нархнинг пасайиши ёки ўсиши саёхатлар сонининг ўзгаришига олиб келмайди. Аммо дам олиш учун борувчи туристлар нарх ўзгаришига сезгир бўлишади ва шунинг учун бу турдаги саёхатлар нарх бўйича эгилувчан ҳисобланади. Дам олиш мақсадида борадиган туристлар саёхатолди ўз саёхати масканини(дестинация) ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, агар нархлар мавсумий ўзгарса, улар нархлар пастроқ бўлган вақтга саёхатларини кўчиришлари ҳам мумкин. Шу билан бирга, ривожланган давлатларда сўнгги йилларда туристларнинг нарх бўйича эгилувчанлиги пасайганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, бир йилда 2-3 марта дам олишга чиқадиган туристлар сонининг кўпайиши, бу саёхатчилар учун нархдан ҳам муҳими хизмат сифати эканлигини сезиш қийин эмас.

Туризмнинг яна бир хусусиятларидан бири бўлиб, маҳсулот истеъмолчига, эмас балки истеъмолчи маҳсулотга етказилишида ҳисобланади. Чунки меҳмонхонадаги бўш хоналар, ёки самолётдаги бўш ўриндиқлар фақатгина истеъмолчини “маҳсулот”га “олиб келиш” орқали тўлдирилади. Туризм соҳасида хизмат кўрсатувчилар ҳам таваккалчиликни бўйнига олиб келиши номаълум бўлган истеъмолчини “кутишади”.

Туризмнинг назарий асосларини илмий асослаш туризм хизматлар бозори фаолияти билан бевосита боғланган. Жумладан, туризм хизматлар бозорини қуйидагича тавсифлайди: “Туризм хизмат бозорида туристнинг истаган туристик маҳсулотга бўлган талаби билан туристик фирма тақдим этадиган таклиф ўзаро учрашади ва туристик бозорнинг амал қилиш механизми пул оқимларини туристик маҳсулотга, туристик маҳсулотга талаб ва таклифни тенглаштириш учун иқтисодий унсурлар ҳаракати тизимидан иборат бўлади”.

Туризм бозорида талабнинг ўзгариши бирданига таклиф ўзгаришига олиб келмайди, балки бу жараён маълум вақт талаб қилади. Меҳмонхоналар мавсумийлик ва рақобатни инобатга олган ҳолда туризм бозорида ўз ўрнини сақлашга интилади. Бунда, албатта, ҳар бир туризм корхонаси туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, маҳсулотини дифференциациялаш ва усуллар орқали рақобатли муҳитда ўз ўрни учун кураш олиб боришади.

Ҳозирги кунда туристик хизмат кўрсатишда хизмат сифатини юқори даражада ушлаб туриш жуда муҳим ҳисобланади. Россиялик иқтисодчи Е.Н.Ильинанинг фикрича **туристик хизмат сифати** деганда “туристларнинг дам олишда ва сайёхатда пайдо бўладиган эҳтиёжларини қондирувчи хизматлар ва тадбирлар йиғиндиси” тушунилади. Е.Н.Ильина Москвадаги 502 та турагентлардан сўровнома ўтказганда хизмат сифатига энг кўп таъсир қилувчи омиллар бу:

1) Турагентлар ишининг аниқлиги ва бажариш тезлиги;

2) Турагентларнинг узоқ вақт давомида фаолият олиб бориши эканлиги аниқланган. Бундан Москва туризм бозорида турагентларнинг маълум вақт давомида амалга оширган ишлари сони, яъни ишнинг тезкорлик даражаси ва фаолияти давомийлиги, уларнинг бошқа турагентлардан устунлигини таъминлаган деган хулосага келиш мумкин.

Туристтик хизматларни сифатига қараб даражалаш ҳар хил давлатларда турлича амалга оширилади. Ўзбекистонда туроператор ва турагентлар турни сотишда шартли равишда туристик хизматларни люкс, биринчи класс, туристик класс ва эконоом класс этиб белгилайдилар. Бу борада соҳа мутахассислари ва олимлари Тухлиев И.С., Мирзаев Қ.Ж., Сафаров Б. Ш. ва Жанзаков Б.К. ларнинг илмий асарларида бу даражаларга қуйидагича таъриф берилади:

Люкс класс- энг юқори даражали хизматлар жалб қилинадиган тур пакет. Беш юлдузли меҳмонхоналар, бизнес класс самолётларда учиш, ҳашаматли ресторанлар, қимматбаҳо машиналар, алоҳида гид хизматлари ва ҳоказо;

Биринчи класс- юқори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс самолётлар, қимматбаҳо ресторанлар, гид хизматлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Туристтик класс- Икки-уч юлдузли меҳмонхоналар, доимий авиарейсларнинг иқтисод классларида учиш, швед столи бўйича овқатланиш, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади.

Иқтисод класс- Энг арзон хизмат кўрсатиш туридир. Бу классдан одатда талабалар ва кам таъминланганлар фойдаланади. 1-2 юлдузли меҳмонхоналар, ётоқхона, хостелларда жойлаштириш, ўз ўзига хизмат кўрсатиш, умуман олганда барча хизматлар тежамли ва арзон бўлади”.

Бундан ташқари, Internet технологиялари туризм фирмаларига факсларни жўнатиш ва халқаро телефон сўзлашувларига сарфланадиган ҳаражатлар ҳисобидан каттагина маблағларни иқтисод қилишга имконият беради²⁸.

Гронрооснинг фикрига кўра хизмат кўрсатиш сифатига учта ўзгарувчи таъсир кўрсатади: техник сифат, функционал сифат ва имидж²⁹. Унинг фикрига кўра техник ва функционал сифатни стандартлаштириш имкони бор.

²⁸ Ш.Ш.Кадилов “Туризм индустриясида инновацияларни кенг татбиқ этиш йўллари” магистрлик дис ТДИУ 2013. 35-бет

²⁹ Grönroos, C., 1984. A service quality model and its marketing implications. Eur. J. Mark. 8 (4), 36-44.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) туризмда сифатга қуйидагича таъриф беради:

Сифат- мижозларнинг қўрсатилган хизматлардан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан тўлиқ қониқиши, шу билан бирга бу хизмат кўрсатиш инсофли нархда, хавфсиз, гигиеник, атроф муҳитга зарарсизлиги, ўзига хослиги ва бошқа муҳим хусусиятларга эга бўлган жараён натижаси ҳисобланади.

БТТ туристик корхоналарга тур маҳсулот ёки туристик хизматни жорий этишда сифатнинг олтига стандартга эътибор қилишни тавсия этади³⁰:

1) Хавфсизлик-туристик хизмат ёки маҳсулот истеъмолчи ҳаётига, соғлигига хавф туғдирмаслиги шарт;

2) Гигиена- турар жойлар хавфсиз ва тоза бўлиши, бунда люкс ва оддий номерлар бир хил даражада санитария талабларига жавоб бериши лозим. Шу билан бирга, овқатланиш хизматлари ҳам гигиена талабларига жавоб бериши керак.

3) Фойдаланиш имконияти- барча муҳим жисмоний ва коммуникация хизматлари дискриминациясиз(ирқий келиб чиқиши, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар) фойдаланиши мумкин бўлиши керак.

4) Шаффофлик- туристик хизмат кўрсатиш нархи шаклланиши ҳақида туристларга маълумот бериш, бунда истеъмолчига тўғри маълумот етказиш.

5) Ўзига хослик- Бу тушунча жуда кенг қамровли бўлиб, туризмда одатда маълум бир географик ҳудуд аҳолиси қадриятлари ва анъаналари билан узвий боғланиб кетади. Содда тил билан айтганда, туристик хизматларнинг бошқа рақобатчи туристик хизматлардан фарқли тарафи тушунилади.

6) Уйғунлашув(Гармония)- Туристик хизмат кўрсатишда атроф муҳитга зарар келтирмаслик, балки табиат билан уйғунлашиш тушунилади.

Туристларга хизмат кўрсатишни баҳолашда қатор қийинчиликлар юзага келиши мумкин, буларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

-хизмат сифатини солиштирма баҳолаш учун бозорда “намунали” туристик хизматларнинг камлиги;

-Туристик хизматларнинг стандартлаштрилмаганлиги, яъни хизматлар мижозларга қараб ўзгариш эҳтимоли, умумий стандартнинг мавжуд эмаслиги;

-Туристик корхоналарда баъзи ходимларнинг рақобатбардош эмаслиги;

³⁰ WTO Guide for Local Authorities on Developing Sustainable Tourism (WTO, 2003)

-Янги хизматларни истеъмол қилувчи мижозларнинг истеъмол учун таёр эмаслиги ва хоказолар.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида **хизмат сифати** қуйидагиларни назарда тутлади:

-Туристтик корхона мижозларининг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондириш. Бунда корхона мижозларининг талабини мониторинг қилиб бориши ва шу асосда хизмат кўрсатиши лозим;

-Вақтида ва тўғри хизмат кўрсатиш, яъни туристларга хизмат кўрсатиш фақатгина юқори малакали ходимлар томонидан амалга оширилиши ва туристларга максимал қулайлик яратиб бериш;

-Хизмат сифатини назорат қилиш, яъни туристларга хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичини мониторинг қилиш ва яхшилаб бориш.

Юқори сифатли туристик хизматларга қуйидагича таъриф берамиз:

Юқори сифатли туристик хизмат- бу туристларнинг жисмоний ва эстетик эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган, хавфсиз, атроф муҳитга зарар келтирмайдиган, хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида сифати пасаймайдиган, сифатли инфратузилма шароитида рўй берадиган, инновацион технологиялар жалб қилинадиган малакали хизмат ҳисобланади³¹.

Хизмат сифатининг юқори бўлиши нафақат ўша туристик хизмат кўрсатувчи субъект ва мижоз, балки хизмат кўрсатиш рўй бераётган жойда инфратузилма, атроф муҳит ва бошқа омилларга боғлиқ. Агар инфратузилма туристлар учун кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқарса, кўрсатилган хизмат қанчалик малакали ва янги бўлмасин саёҳатчиларда яхши таасурот қолдирмайди.

³¹ Жанзаков Б. К. Ўзбекистонда туристларга хизматлар кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган (PhD) диссертацияси, 2021 й.,15-бет

11.1.1-жадвал
2015 -2020 йилларда Ўзбекистонда туризмнинг ҳолатини асосий кўрсаткичлар динамикаси³²

Кўрсаткичлар	Йиллар						2020 йил 2015 йилга нисбатан ўсиши, марга
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Кирувчи туризм, минг киши	1861,9	1918	2027	2690	5346,2	6748,5	3,6 марга
Чикувчи туризм, минг киши	2785,8	3504,3	3847,8	5182,5	8594,8	8437,8	3,0 марга
Ички туризм, минг киши	1571,5	1754,2	1871,7	2145,8	2255,5	2480,8	1,6 марга
Туризмда бандлар сони, минг киши	103,4	150,2	170,9	187,6	201	260,1	2,5 марга
Инвестициялар, млрд. сўм	731,4	851,4	1052,1	1428,3	1956,1	1741,6	2,4 марга
Туризм хизматлари экспорти, млн. долл.	102,7	134,2	430,7	546,9	1041,1	1313	12,7 марга
Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларининг сони	513	661	750	816	916	1051	2,0 марга
Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони, минг дона	15,264	18,297	31,95	37.065	41,096	54,799	3,5 марга
Туристик фирмалар ва ташкилотлар сони (бирлик)	343	398	433	449	502	517	1,5 марга


³² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жаҳонда туризмнинг жадал ривожланиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ эди:

- аҳоли даромадларининг ортиши;
- иш вақти қисқариши ва бўш вақтнинг кўпайиши;
- автомобилсозлик, авиасозлик, коммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантиришдаги муваффақиятлар;
- урбанизация кўламларининг кенгайиши;
- жамият маънавий қадриятларидаги устуворликлар.


Туризмга муфассалроқ таъриф Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан берилган, яъни: “Туризм – дам олиш, амалий ва бошқа мақсадлар билан ўз одатий муҳитидан ташқаридаги жойларда кетма-кет бир йилдан кўп бўлмаган муддатда саёҳатда бўладиган шахслар фаолиятидир”.

Туризм турли мезонлар – география, саёҳат мақсади, унинг давомийлиги, ҳаракатланиш воситалари, иштирок этиш шакли, ёш таркиби, мавсум ва ҳоказолар бўйича таснифланади. Шу билан бирга туризм молиялаш манбаига кўра ижтимоий ва тижорат, иштирок этувчилар сонидан келиб чиқиб шахсий, оилавий, гуруҳий, ташкиллаштирилишига кўра уюшган ва уюшмаган кабиларга ҳам ажратилади.



2022 ЙИЛДА ТАШРИФ БУЮРГАН САЙЁХЛАР (давлатлар кесимида)

	2022 йилда	2021 йилга нисбатан ўсиши
● Кўшни давлатлардан	4 364,8 минг нафар	↑ 283%
● Қолган МДҲ давлатларидан	606,4 минг нафар	↑ 291%
● Узоқ хорижий давлатлардан	261,6 минг нафар	↑ 198%
● Туркия	75,5 минг нафар	↑ 171%
● Жанубий Корея	19,9 минг нафар	↑ 347%
● Германия	17,7 минг нафар	↑ 257%
● АҚШ	13,1 минг нафар	↑ 242%
● Франция	11,0 минг нафар	↑ 327%
● Буюк Британия	10,5 минг нафар	↑ 264%



1. Турист туризм объекти сифатида

Туристтик хизматларнинг асосий истеъмолчиси – турист. У:

тур, туристик маҳсулотлар ёки туристик хизмат истеъмолчиси; жой, аҳоли пункти, ҳудуд ёки давлатни унинг фуқоролиги, миллати, жинси, тили ва динига боғлиқ бўлмаган ҳолдаги вақтинчалик ташриф буюрувчи;

ташриф жойида 24 соатдан кам бўлмаган, аммо 12 ойдан кўп бўлмаган вақтда бўлувчи ёки ўз яшаш жойидан ташқарида бир оқшом яшовчи, соғломлаштириш, хордиқ чиқариш ёки ўрганиш, иш мақсадларида, ташриф жойида ҳақ олиш фаолияти билан шуғулланмайдиган саёҳат қилувчи шахс.

Туристлар ўз қизиқишларига қараб, уларни қуйидагича ажратиш мумкин:

чет эллик турист;

ички турист;

экскурсант;

ташриф буюрувчи. Чет эллик турист – бу ўзи яшаш жойидан ташқаридаги бошқа давлатда 24 соатдан кам бўлмаган вақтда туризм мақсадларида саёҳат қилувчи (ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмайдиган шахс).

Чет эллик туристлар бўлиб қуйидаги шахслар ҳисобланади:

дам олиш, даволаниш, қариндошларни кўриш мақсадида;

семинарлар, конгрессларда қатнашиш мақсадида;

бизнесни юритиш ва ҳоказо мақсадларда хорижий давлатга ташриф этувчилар.

Ички турист – бу мамлакат ичида ташриф буюрадиган жойида камида бир оқшом тунайдиган, туризм мақсадида саёҳат қилувчи, вақтинчалик ташриф буюрувчи шахс.

Экскурсант – бу аҳоли пункти ёки давлатни 24 соатдан кам муддатда вақтинчалик ташриф буюрувчи (бир марталик). Экскурсант категориясига яхталар ва бошқа йирик кемалар йўловчилари, туристик темир йўл маршрутлари қатнашчилари киради.

Ташриф буюрувчи – бу ўз яшаш жойидан ташқаридаги давлатга (ҳақ тўланадиган фаолиятдан ташқари) ҳар қандай мақсадда ташриф буюрувчи шахс. Ушбу ташриф ўз ичига қуйидагиларни олади:

дам олиш, даволаниш, ўқиш, ҳаж ва ҳоказолар мақсадида давлатда 24 соатдан кам вақт қолувчи, вақтинчалик ташриф буюрувчи туристлар, шунингдек, қариндошлариникига боровчилар, конгрессларда қатнашиш мақсадида вақтинчалик ташриф буюрувчилар;

-давлатда 24 соатдан кам бўлувчи вақтинчалик ташриф буюрувчилар.

2.Туризм турлари, шакллари

Туризм турлари бир неча турларга булинади. Шу билан бирга ички (маҳаллий) ва халқаро туризм фарқланади. Ички (маҳаллий) туризмда мамлакат фуқаролари (резидентлар) ва хорижий фуқароларнинг (резидент бўлмаганлар) мамлакат ҳудудида саёҳат қилишлари ташкиллаштирилади. Халқаро туризм туризм хизматининг ҳам экспорти, ҳам импортини назарда тутди. Яъни халқаро туризмда мамлакат фуқаролари чет элларга саёҳатга боришлари, айни пайтда хорижий меҳмонларни ушбу давлатда қабул қилиб олиш талаб қилинади.

Туризм турлари таснифи

Туризмнинг асосини унинг субъекти – турист ва объекти – турист эҳтиёжларини қондиришга қаратилган туризм инфрату-зилмалари: саёҳат минтақаси (жойи), туризм ташкилоти ва корхонаси ташкил этади (7.11-расм).

Туризм объекти ва субъекти

Туризм минтақаси деганда, турист саёҳат қилиш учун танлаган жой тушунилади. Бу жойда, албатта, туристнинг бўлиши, жойлаштирилиши, оавқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур инфратузилмалар бўлиши керак. Яъни бунда туризм минтақаси яхлит туристик маҳсулот мажмуасини ташкил этади.

Туризмнинг жадал ривожланиши “туризм индустрияси” атамасини муомалага киритди. Бирлашган миллатлар ташкилоти Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси экспертларининг таърифича,

“Туризм индустрияси – сайёхатчилар учун товар ва хизматлар яратишда иштирок этадиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолият турларининг жамланмасидир”. Яъни туризм индустрияси иқтисодий фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.


Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие. – М.: КНОРУС. – 2005. – с. 10

Шунинг учун, жумладан, АҚШ Савдо вазирлиги туризм индустриясининг агросаноат мажмуаси, қурилиш, транспорт, алоқа, умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар билан узвий боғлиқ эканлиги сабабли ушбу мураккаб мажмуага мамлакат иқтисодиёти 24 тармоғини киритган. Жаҳон туризм ташкилоти мутахассисларининг фикрича, туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар миллий иқтисодиётлар 32 тармоғини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга туризм соҳасида сайёҳларга бевосита хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан бирга туризм фаолиятининг бир таркибий қисми бўлган фирма ва компаниялар ҳам мавжуд. Шунинг учун фаолияти бевосита туризм билан боғлиқ корхона, ташкилот ва муассасалар – бирламчи хизматлар соҳаси, бу фаолиятларнинг таркибий қисми – иккиламчи хизматлар соҳаси субъектлари деб аталади.

Туризм индустрияси инфратузилмаси

- сайёҳларни жойлаштириш;



- сайёҳларни овқатлантириш;
- лицензияли савдо;
- туризм ва сайёҳатлар;
- индустриал;
- маиший хизмат;
- тиббиёт муассасалари;

- маданият ва спорт муассасалари.

Туризм фирмалари шакли ва ташкилий тузилмаси бўйича турлича бўлишлари мумкин, лекин уларнинг асосийлари туризм операторлари ва туризм агентликларидир.

Туризм операторлари саёҳат турларини ишлаб чиқадилар ва уларни улгуржи равишда туризм агентларига сотадилар. Туризм операторлари саёҳат ташкилотчилари ва гуруҳий туризм учун туризм маҳсулотларини яратувчилар ҳисобланади. Туризм оператори саёҳат жамланмасига киритилган хизматлар тақдим этилиши учун жавобгардир. Лекин меҳмонлар, ресторанлар эгаси бўлган ёки бу туризм маҳсулотларини бошқалардан сотиб олган туризм оператори туристларга бевосита ўзи ҳам хизмат кўрсатиши мумкин.

Туризм агентликлари – туризм операторидан туризм маҳсулотларини улгуржи сотиб олади ва уларни истеъмолчиларга сотади. Улар туризм маҳсулотлари баҳосига туристлар гуруҳи шакллантирилган жойдан туризм объектигача ҳамда саёҳат ниҳоясига етганидан сўнг ўша жойга туристларни олиб боришга харажатларини кўшади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослаштирилган муассасалари ва бошқа халқаро ташкилотларнинг туризмга диққат-эътиборларининг тобора ортаётганлиги ҳам ушбу соҳанинг жаҳон хўжалигидаги аҳамиятидан далолат беради. Бугунги кунда туризм соҳасига тааллуқли баъзи масалалар билан 70 дан ортиқ халқаро



ташкилот шуғулланмоқда.

Туризм соҳасидаги асосий халқаро ташкилот – Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси ҳисобланиб, 1925 йилда даставвал Расмий туризм ассоциацияларининг халқаро конгресси сифатида таъсис этилган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин унинг номи Расмий туризм ассоциацияларининг халқаро уюшмаси деб ўзгартирилди. 1974 йилда у Халқаро туризм бўйича ташкилотга айлантирилди,

2003 йилда эса унга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисос-лаштирилган муассасаси мақоми берилди. Жаҳон туризм ташкилоти БМТ Ривожланиш дастурининг ижрочи агентлиги ҳисобланиб, маданиятлараро айирбошлаш ва халқларнинг маънавий бойишига фаол кўмаклашиб келмоқда. У туризм соҳасида жуда кўп лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда.

Жаҳон туризм ташкилоти бугунги кунда 150 тадан зиёд мамлакатни бирлаштириб туради, унинг хусусий сектор корхоналари, ўқув муассасалари, туризм ассоциациялари ва маҳаллий туризм маъмуриятларидан иборат 300 тадан кўпроқ ассоциациялашган аъзолари бор.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилда Жаҳон туризм ташкилотига аъзо қилиб олинган.

Туризм соҳасидаги халқаро ташкилотлар орасида Жаҳон саёҳатлар ва туризм бўйича кенгашининг роли ҳам салмоқли. Кенгаш туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи жаҳондаги 43 та энг йирик компания бошқаруви раислари ва бош директорларини бирлаштирган.

Жаҳон туризм агентликлари федерацияси эса ҳақиқий аъзолар сифатида 80 та миллий туризм ассоциация ва ташкилотлари, ассоциациялашган аъзолар сифатида эса 80 та мамлакатдаги 1400 тадан кўпроқ туристик агентликлар, меҳмонхоналар, транспорт корхоналари, ўқув муассасаларини бирлаштириб туради.

11.2. Туризм хизматларининг ташкилий иқтисодий механизмлари

Жаҳон туризм ташкилотининг Харакат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Тартибга солувчи иқтисодий механизмлардан фойдаланиш:
2. Туризмни ривожлантирувчи механизмлардан ва уларга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш:
3. Туризмни узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминловчи механизмлардан фойдаланиш:
4. Янги тур маҳсулотларни яратиш механизмларини йулга қуйиш:
5. Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш механизмининг йулга қуйиш:
6. Туризм соҳасида халқаро ихамкорлик фаолиятининг йулга қуйиш:

7. Келажак туризмини яратиш механизмларидан фойдаланиш:

8. Инсонларни саёхатга ундовчи мотивацион механизмлардан фойдаланиш.

Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари туризм иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган соҳаси эканлигидан яққол далолат беради. Туризмдан олинаётган фойда миқдори бўйича мазкур соҳа бугунги кунда нефть ва газ қазиб олиш, шунингдек, автомобилсозлик билан муваффақиятли рақобат қилмоқда. Масалан, Францияда туризмдан тушаётган даромад автомобилсозлик саноатига нисбатан ортиб кетди. Франция, АҚШ, Италия, Испания, Греция, Миср ва қатор бошқа мамлакатларда туризм соҳасининг даромадлари ялпи миллий даромад миқдорининг 15,0-35,0 %ни ташкил этади.

Туризм турларини, инсонларни саёхатларга ундовчи мотивацион омиллар асосида ҳам таснифлаш мумкин.

Дам олиш мақсадидаги туризм. У организмни жисмоний ва психологик тиклаш мақсадида қисқа ёки узок муддатли дам олишдан иборатдир. Ушбу гуруҳга курортда кучни тиклаш мақсадида ер, иқлим, денгиз мухитидан фойдаланган ҳолда дам олиш ҳам киради.

Маданиятни ўрганиш мақсадидаги туризм. У ўрганиш ва хажларга бўлинади. Ўрганиш туризми тарихий, маданий ёки географик диққатга сазовор жойларни кўришни ўз ичига олади. Ўрганиш мақсадида саёхат қилувчи туристларни кўпинча келган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари қизиқтиради. Ҳаж туризмининг мақсади – алоҳида диний аҳамиятга эга бўлган жойларни зиёрат қилишдир.

Ижтимоий туризм – бу қариндошлар ва дўстларга ташриф буюриш, шунингдек, клуб туризмидир.

Спорт туризми – бу спорт мусобақалари қатнашишдир.

Иқтисодий туризм – бу касбий ва тижорат мақсадларида биржалар, кўرғазмалар, ярмаркалар ва бошқаларга ташриф буюришдир.

Илмий туризм – бу конгресслар, симпозиумлар, конференцияларга ташриф буюришдир.

Сиёсий туризм – бу дипломатик ва конгрессларда қатнашиш туризми, шунингдек, сиёсий воқеалар ва чора-тадбирлар билан боғлиқ туризмдир.

Туризм шакллари қуйидагиларга бўлинади:

-туристларнинг доимий яшаш жойига боғлиқ ҳолдаги туризм шакллари. Туристларнинг келиб чиқишларига боғлиқ ҳолда ички ва халқаро туризм фарқланади. "Келиб чиқиш" сўзи ушбу ҳолатда инсоннинг туғилган жойи эмас балки яшаш ва ишлаш жойи маъносини англатади;

-ташқил этилишига боғлиқ ҳолдаги туризм шакллари (ташқилий шакллари) ташқил этилиш шаклларига боғлиқ ҳолда паушал ва якка тартибдаги туризм фарқланади. ,

Якка тартибдаги туризмда саёҳатни турист ўз режасига кўра мустақил равишда ташқил этади ва амалга оширади.

Саёҳат давомийлигига боғлиқ ҳолдаги туризм шакллари.

а). Бир кунлик саёҳатлар:

3 соатдан кам;

3-5 соат;

6-8 соат;

9-11 соат;

12 ва кўп соат;

б). Ётоқли саёҳат:

1-3 оқшом;

4-7 оқшом;

8-28 оқшом;

29-91 оқшом;

92-365 оқшом.

Одатда саёҳат давомийлиги қисқа муддатли сафарлар билан тўлдирилади. Уларга транзит – бир кунлик ва қисқа муддатли туризм киради.

Транзит туризми – бу туристларнинг манзилга боришдаги тўхташлари. Бир кунлик туризм – бу ётоқни кўзда тутмайдиган ёруғ кун давомидаги турлар. Қисқа муддатли туризм давомли бўлмаган туризмнинг муҳим шаклидир. У ўз ичига ишчан туризм ва дам олиш кунларидаги сафарларни олади. Қисқа муддатли сафарлар 3 суткадан ортмайди.

Саёҳат қилувчиларни ёшига боғлиқ ҳолдаги туризм шакллари. Ёш бўйича туристларнинг куйидаги гуруҳлари мавжуд:

ўз ота-онаси билан саёҳат қилувчи фарзандлар;

ёшлар (15-24 ёшли туристлар);

25-44 ёшли нисбатан иқтисодий актив ёшлар;

иқтисодий актив инсонлар (45-64 ёшли инсонлар);

пензионерлар (65 ёш ва ундан юқори);

Транспорт воситаларига боғлиқ ҳолдаги туризм шакллари: шахсий транспортдан ва ижтимоий транспортдан фойдаланишга бўлинади (авиа, автобус, темир йўл ва денгиз туризми).

Йил фаслига боғлиқ туризм шакллари –қишки ва ёзги туризм.

Ташқилий-иқтисодий механизм деганда биз туризм соҳаси ривожланишини таъминлайдиган ва туризм ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшадиган ташқилий тузилмалар,

ҳуқуқий асослар, усуллар, давлат таъсирининг ташкилий ва иқтисодий воситаларини тушунамиз.



11.2.1-расм. Ҳудудларда туризмни ривожлантириш бўйича давлат бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми³³

³³А. Ё. Ўзбекистонда туристларга хизматлар кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган (PhD) диссертацияси, 2021 й.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган ташкилий иқтисодий механизм вақт ўтиши билан ўзгариши билан такомиллашиб боради ва туристик дестинациялар рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган “E-mehmon” электрон платформаси Ўзбекистон бўйлаб 400 дан ортиқ меҳмонхоналарни ўзида бирлаштириб, ҳар бир меҳмонхона бўйича батафсил маълумот олиш имконини беради. Яъни ҳар бир меҳмонхонага қанча турист келиб кетгани ва жорий вақтда яшаб тургани ҳақида тезкор маълумотлар олиш имкони мавжуд. Туристлик ахборот марказлари электрон платформасининг яратилиши “E-mehmon” каби платформалар билан бемалол интеграциялашиши мумкин. Бундан ташқари, транспорт хизматлари кўрсатувчи “Itaxi”, “Yandex taxi” каби онлайн сервислар билан самарали ҳамкорлик қилиш имконияти пайдо бўлади.

Юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган инфратузилма ҳозирги кунда юртимизда ҳам барпо этилмоқда. Масалан, Тошкент ситида қурилган ресторанлар, меҳмонхоналар тўлиқ жаҳон стандартларига жавоб беради.

11.3. Ўзбекистон Республикасида туризм хизматлари тараққиётининг асосий йўналишлари.

Туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий асосни яратиш;

- туризм маҳсулотини ички ва жаҳон туризм бозорларида қўллаб-қувватлаш;
- туризм индустриясини лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификация қилиш;
- мамлакат ҳудудига кириш, бу ерда бўлиш ва чиқиб кетиш тартибларини белгилаш;
- туризмни ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни молиялаштириш;
- туристлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфизлигини таъминлаш;
- туризм соҳасини кадрлар билан таъминлаш;
- туризм соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.

Туризмнинг глобал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир давлатда миллий туризм индустриясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли Ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мазкур Ҳаракат дастурлари асосан туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш стратегиясини қамраб олади. Уларда қуйидагилар кўзда тутилган:

- туризмни ривожлантириш, туризм маҳсулотлари истеъмолчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

- туризм соҳаси ташкилотларига солиқ имтиёзлари бериш, субсидия ва дотациялар ажратиш;
- мамлакатга кириш тартиб-қоидаларини соддалаштириш;
- номавсумий туризмни рағбатлантириш;
- ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- туристлар хавфсизлигини таъминлашга талабларни кучайтириш ва ҳоказолар.

Самарқанд вилоятида 1 607 та моддий маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, вилоятда зиёрат, тарихий-маданий, экстремал, экологик, тоғ ва тиббиёт туризми турлари ривожланган. 2020 йилда республикада дастлабки “Конигил” туризм қишлоғи ташкил этилди.

2022-2026 йилларда вилоятда **“Самарқанд туристик маркази”** ва **МІСЕ-туризм** объектлари барпо этилади. Маданий мерос объектлари рақамлаштирилади, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур барпо эттирган **“Боғибаланд”** маҳалласи ҳамда **“Шарқ”** маҳаллалари **“туризм маҳалласи”**, Ургут туманидаги **“Терсак”** ҳамда Пайарик туманидаги **“Чоштепа”** қишлоқларида **“туризм қишлоқлари”** ташкил этилади. Нуробод туманида Хазрати Довуд зиёратгоҳи атрофида **осма дор йўллари**, Нурбулоқ термал зонаси ва соғломлаштириш марказлари ривожлантирилади.

Маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун Самарқанд шаҳрида **тематик хиёбон**, Имом ал-Мотуридий мақбарасини **зиёрат марказига айлантириш**, олий таълим муассасалари қошида зиёрат туризми йўналишида **қайта тайёрлаш курслари** ташкил этилади.

Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш ва фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мамлакатда туризм хизмат кўрсатиш комплексининг бошқа тармоқлари билан параллел барқарор тараққий этириш лозим. Туризмни ривожлантириш ижтимоий аҳамияти ва шу асосда тараққиёт йўналишлари куйидагилардан иборат:

- жамиятнинг психофизиологик, ресурслари ва инсоннинг меҳнат қобилияти тикланиши;
- буш вақтдан тежамли фойдаланиш;
- иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш;
- маҳаллий аҳоли маданиятига тасир кўрсатиш,
- корхоналарда банд булганларнинг даромадики таъминлаш;
- рекреационі жараёнларни жадаллаштириш.

Туризмнинг ижтимоий функцияси - асосий функция булиб, инсоннинг ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажариш вақтида сарфланган кучини тиклаш ҳисобланади. У купинча асабнинг тараққилиши билан боғлиқ булади. Туристик дам олиш - бу муҳитнинг алмашиши кундалик ҳаёт тарзининг узгариши, хордик чиқариш

маданияти, янги жой кишилари билан танишиш, дунёкарашни кенгайтириш ва хоказолар. Буларнинг барчаси инсон учини тиклашга имкон яратади.

Туристтик корхоналар туристларга уз хизматларини таклиф кила туриб, уларни дам олишга жалб килади. Туристлар дам олишга, тавтилни тежамли ва фойдали утказиш имконига эга буладилар. Ешларни кизикарли саёхатларга жалб килиш билан шугулланадиган туристик клубларнинг ривожланиши соглом авлоднинг шаклланишига имконият яратади. Инсонларнинг мавнавий ва жисмоний соглиги туристик короналарнинг уз вазифаларини бажаришига боглик булади. Ривожланган туристик индустриянинг мавжудлиги ишсизлик муаммосини хал этади. Туризм куп мехнат талаб киладиган, харажатли тармоқлардан бири хисобланади.

Шу сабабли Республикамизда туризмнинг ривожланиши ишсизликни камайтиради. Халкаро туристик ташкилот маълумотларига кура дунедаги хар 15 иш жойи туристик бизнеста тугри келади. Шу сабабли мухим тараккиёт йўналиши сифатида эътироф этилган туризм ахоли турмуш даражасининг ошишига тасир курсатади. Туризм хизматларига бошка тармоқларга караганда юкори хак туланади.

Замонавий туризм экологик холатга икки томонлама тасир курсатади. Бир томондан атроф мухитга малум даражада зарар етказади, масалан, транспорт харакати жадаллашиши натижасида хавонинг бузилиши, ердан самарасиз фойдаланиш (туристлар дам олиш буйича уз эхтиёжларини кондиришни, атроф мухитдан фойдаланиш ва уни саклаш буйича кайг уришдан устун куядилар). Иккинчи томондан туризм табиий, маданий ва тарихий объектлари авайлаб асраш, экология ва рекреацияни куллаб-кувватлашдан манфаатдордир, чунки булар туристик фаолиятнинг ривожланишига дахлдордир. Улардан окилона фойдаланиш хамда уларнинг яхши холатда булишига кумаклашиш туристларга яхши дам олишга имкон беради ва туристик корона рейтингини оширади.

11.1-жадвал

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш
Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари³⁴

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								2025 й. 2018 йилга нисб.%
		2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025	
1	Ўзбекистонга ташриф буюриши кўзда тутилган хорижий туристлар сони (минг киши)	5 346	6 041	7 010	8 410	10 010	10 600	11 250	11 810	2,2 марта
2	Туризм хизматларининг экспорти (млн. АҚШ доллари)	1 041	1 180	1 360	1 620	1 900	2 000	2 080	2 170	2,1 марта
3	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	15493	16 100	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010	161,4
4	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1 100	1 620	2 200	2 600	2 800	2 900	3 050	3,3 марта
5	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлари сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128	3,1 марта

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини маълумотлари асосида.

Туризмнинг муҳим йўналишларидан яна бири турли салбий таъсирларни олдини олиш ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики маҳаллий аҳоли ҳаётига салбий таъсирга қўйидагилар қиради.

1. малакасиз меҳнат ҳиссасининг ошиши;
2. алкоголизм, жанжалларнинг ошиши,
3. ешларнинг ҳаётга енгил қараши;
4. маданиятнинг тижоратлашиши;
5. маҳаллий аҳоли ва туристлар уртасидаги можаролар.

Туризмнинг гуманитар аҳамияти шундан иборатки, туристлар ташриф буюрган давлатлар аҳолисининг маданий ва тарихий қадриятлари, ҳаёти, тарихи, урф-одатлари билан яқиндан танишадилар, табиат ресурсларини ҳамда диққатга сазовор жойларни қўриш имкониятига эга бўлишади. Экскурсияда қўрилган ва эшитилган нарсалар хотирада узок вақт қолади. Турли давлатлар халқлари маданияти ва урф-одатлари билан танишиш дунёқарабини кенгайтиради, инсонни манавий озиклантиради.

Шундай қилиб, туризмни ривожлантириш афзалликларига қўйидагилар қиради:

- ҳудудга пул, шу жумладан, ошиши;
чет эл капитали оқимининг ялпи ички маҳсулотнинг ошиши,
янги иш жойларининг яратилиши,
- инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши;
- давлат бюджетига солиқ тушумларининг ошиши.

Туризмни ривожлантиришнинг салбий оқибатларига қўйидагиларга олиб қелади:

- маҳаллий товарлар ва хизматлар, табиат ресурслари ва қўчмас мулкка рақобатнинг ошиши;
туристик импортда пулларнинг четга чиқиб кетиши;
айрим туристлар ҳаракати натижасида пайдо бўладиган экологик ва ижтимоий муаммолар;
- ҳудудда фақат туризмга устуворлик берилса, қолган тармоқларнинг етарли даражада ривожланмаслиги.

Ўзбекистонда туризм ёш тармоқ ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам у давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилибди.

Дунё амалиётида самарали сервисни ташкил этиш бўйича қўидалар ишлаб чиқилган. у ларга риоя қилиш туристик қўрхонага сифатли маҳсулот яратиш имконини беради.

1. Туризм соҳаси учун асосий ва муҳимроқ бўлган замонавий сервис таъминларига риоя қилиш. Улар жумласига қўйидагилар қиради:

- тақдим этилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига ва истеъмол таъсифига юқори даражада мос қилиши;

- сервиснинг маркетинг, унинг асосий тамонилари ва вазифалари билан ажралмас алоқаси;

- сервиснинг мослашувчанлиги, унинг узгарувчан бозор талаблари туристик хизмат истеъмолчиларининг афзал куришларини ҳисобга олишга йўналтирилганлиги.

2. Сифатли сервисни таъминлашга масъул ходимлар учун зарурий шароитларнинг яратилиши. Уларга қуйидагилар киради:

- иш жойларининг эргономликлиги;
- ҳар бир ходим учун бажарилиши мажбурий қондаларнинг аниқ ифодаланиши:

ҳар бир ходим иши сифатини баҳолашнинг аниқ тизими: у сервис самарадорлигини сон ва сифат жиҳатдан объектив улчам имконини беради, хусусан, очик қўнгиллилик ва ҳушмуомалалик;

ходимлар мотивацияси, уларнинг қўрқонанинг яхши қўрсаткичларига астойдил қизиқишлари, барча ишлари юқори самара билан бажаришга хоҳишлари ва бажаришлари, уз-узини тақомиллаштиришга интилиши;

- ходимлар малакасини ошириш тизими.

3. Турист хизматлар тақдим этувчи қўрқонани бошқаришнинг ташкилий структурасини оптималлаштириш. Бу хизмат қўрсатиш сифатининг муҳим шарт бўлиб, мавжуд қўрқонларни тезкор бартараф этиш ва уларнинг тақрорланишига мул қўймаслик имконини берадиган структуранинг барча элементлари узро ҳаракатлари самарадорлиги ҳисобланади.

4. Сервис сифатини ҳар томонлама, тулик, объектив ва тўхтовсиз назорат қилиш. У қуйидагиларни қўзда тутди:

- миқдорнинг хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишда қўрнашиши;

- ишларнинг ҳақиқий ҳолатини стандартлар талабларига таққослаш имконини берувчи усуллар ва мезонларни яратиш;

Шундай қилиб, Республикада туризмни ривожлантириш турист эҳтиёжларидан қелиб қўққан ҳолда ҳамда ҳудуд тараққиётини янада қўрқорор ўсишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

ХП БОБ. ИЖТИМОЙ СОҶА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

12.1. Ижтимоий соҳа хизматлари ва уларнинг турлари.

12.2. Таълим хизматлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

12.3. Соғлиқни сақлаш хизматлари ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари ва бошқа ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг йўналишлари

12.1. Ижтимоий соҳа хизматлари ва уларнинг турлари.

Ижтимоий хизматлар маълум гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган давлат хизматлари тўплами бўлиб, улар одатда кам таъминланганларни ўз ичига олади³⁵. Улар жисмоний шахслар, хусусий ва мустақил ташкилотлар томонидан тақдим этилиши ёки давлат органи томонидан бошқарилиши мумкин. Ижтимоий хизматлар фаровонлик ва фаровонлик давлати концепцияси билан боғлиқ, чунки катта фаровонлик дастурларига эга мамлакатлар кўпинча ижтимоий хизматларнинг кенг спектрини тақдим этадилар³⁶. Ижтимоий хизматлар жамиятнинг кенг доирадаги эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади. Саноатлаштиришдан олдин, Ижтимоий хизматлар кўрсатиш асосан хусусий ташкилотлар ва хайрия ташкилотлари билан чегараланган бўлиб, унинг қамрови ҳам чекланган эди³⁷. Ҳозирда ижтимоий хизматлар глобал миқёсда жамиятнинг “зарур функцияси” ва ҳукуматлар ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш механизми сифатида қабул қилинади.

³⁵ "EUROPEAN SOCIAL SERVICES". *scholar.googleusercontent.com*. Retrieved 2021-06-01.

³⁶ Seekings, Jeremy; Natrass, Nicoli (2015), "The Welfare State, Public Services and the 'Social Wage'", *Developmental Pathways to Poverty Reduction*, London: Palgrave Macmillan UK, pp. 162–184, doi:10.1057/9781137452696_7, ISBN 978-1-349-56904-5, retrieved 2021-06-02

³⁷ Pierson, Chris (2004), "'Late Industrializers' and the Development of the Welfare State", *Social Policy in a Development Context*, London: Palgrave Macmillan UK, pp. 215–245, doi:10.1057/9780230523975_10, ISBN 978-1-4039-3661-5, retrieved 2021-06-01

Ҳукуматлар томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш умуминсоний ҳуқуқлар, демократик тамойиллар, шунингдек, диний ва маданий қадриятлар эътиқоди билан боғлиқ. Ижтимоий хизматларнинг мавжудлиги ва қамрови жамиятларда сезиларли даражада фарқ қилади. Ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган асосий гуруҳлар қуйидагилардир: оилалар, болалар, ёшлар, кексалар, аёллар, беморлар ва ногиронлар³⁸.

Ижтимоий хизматлар қуйидаги объектлар ва хизматлардан иборат: халқ таълими, фаровонлик, инфратузилма, почта, кутубхоналар, ижтимоий иш, озиқ-овқат банклари, универсал соғлиқни сақлаш, полиция, ёнғин хизматлари, жамоат транспорти ва уй-жой³⁹.

Ижтимоий соҳа хизматларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва асосий истеъмолчиси бўлиб давлат ҳисобланган. Мулкнинг бир қисмига касаба уюшмалари, колхозлар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар эгалик қилишган. Хусусий мулкчилик йўқ бўлган десак ҳам бўлаверади. Давлатнинг бошқа ташкилотларидаги роли ижтимоий соҳада ресурсларнинг тақсимланиши жуда кам бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳада рақобат пайдо бўлади ва мукчиликнинг турли шакллари ташкил этилади.

Умуман «аралаш» иқтисодиётнинг принциплари ижтимоий соҳада ўз самарасини кўрсатади, чунки фақат давлат механизми ёки фақат бозор механизми ижтимоий талабларни қондиришда самарасиздир. Ижтимоий соҳада фақат бозор механизмдан фойдаланиш бутунлай нотўғри. Чунки аҳоли бир хил гуруҳларни (ишсизлар, саводсизлар, уй-жойсизлар) моддий томондан қурби етмаса, ушбу хизматлардан фойдалана олмайдилар. Шартли бепул хизматларга, масалан бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиш, ҳар хил инфекцияларга қарши вакцинациялаш ва бошқалар киради. Айрим харажатлари юқори бўлган тармоқларда, масалан, музейлар, қисман тўланадиган механизми қўлланилади. Яъни, харажатларнинг асосий қисмини давлат ўз устига олади. Лекин шу хизматлардан фойдаланган аҳоли ҳам уларга пул тўлайди. Масалан, кўргазмаларга, спорт мусобақаларга сотиб олинадиган билетлар. Ижтимоий хизматларнинг асосий қисмига аралаш тўловлар механизми афзалроқдир. Ижтимоий хизматларнинг айрим соҳаларида эса хусусий бозор механизми афзалроқдир. Масалан, шоу-бизнес, киноматографияда, бизнес мактабларининг фаолиятида. Бу ерда

³⁸ "Social service". *Encyclopedia Britannica*. Retrieved 2021-06-01.

³⁹ JULIAN., LE GRAND (2020). *STRATEGY OF EQUALITY : redistribution and the social services*. ROUTLEDGE. ISBN 978-1-138-59765-5. OCLC 1124357973.

давлатнинг роли жамият аъзоларини ноижтимоий жараёнлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ижтимоий соҳа соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият, спорт ва туризм, ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти каби соҳаларни мужассамлаштирган (12.1-расм). Улар қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

- инсон ва унинг турмушига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий неъматларни, асосан хизматлар тарзида тақдим этади;
- тақдим этилаётган неъматлар жиддий ташқи самарадорликка эга;
- ижтимоий соҳа тармоқларининг фаолияти баҳолашни доимий қўллашнинг объекти ҳисобланади.

Ижтимоий соҳа тармоқлари бевосита инсон, унинг моддий, жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Соғлиқни сақлаш касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш билан шуғулланади. Таълим инсоннинг билими, малакаси ва кўникмалари ортисини таъминлайди.

Уй-жой-коммунал хўжалиги турмуш кечириш шарт-шароитларини таъминлайдиган хизматларни тақдим этади. Маданият муассасаларининг фаолияти жамият аъзоларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Жисмоний тарбий ва спорт жамиятда соғлом турмуш тарзи қарор топишига, шу билан бирга спорт мусобақалари ихлосмандларининг эстетик завқини оширишга хизмат қилади. Ижтимоий хизмат кўрсатиш ёши, ногиронлиги, бетоблиги, бошпанасизлиги сабабли ўзгалар ёрдамига муҳтожликни қондиради. Ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган, кексайган кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ижтимоий соҳа тармоқлари томонидан тақдим этиладиган неъматлар фақат бу неъматлардан фойдаланаётган шахс манфаати учунгина эмас, балки бутун жамият манфаатларига ҳам хизмат қилади. Масалан, касалликларнинг олдини олиш ва беморларни даволаш аҳоли ўртасида касалланиш даражасини пасайтиради ва эпидемия хавфини камайтиради. Ялпи саводхонлик жамият учун бекиёс имкониятлар яратади, иқтисодий жадал ривожланишининг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланади. Маданий фаолият ижтимоий қадриятларнинг оммалашиши ва уларнинг кишилар томонидан ўзлаштирилишига, жамиятни жипслаштиришга ёрдам беради.



12.1-расм. Ижтимоий соҳа тармоқлари

Ижтимоий соҳа тармоқларининг фаолияти давлат ва жамият томонидан муттасил баҳоланиб боради. Жумладан, турли ижтимоий гуруҳлар томонидан тиббий ёрдам ва таълим олиш имконияти ижтимоий адолат нуқтаи назаридан баҳолаб борилади. Тиббий хизматдан ва маданият муассасаларидан фойдаланиш, таълим олиш имконияти халқаро ташкилотлар ва кўпгина давлатларнинг конституцияларида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида эътироф этилган.

12.2. Таълим хизматлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Таълим хизмати таълим хизматлари мажмуасини шакллантириш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор характерли хусусиятларга эга. Иқтисодий адабиётларда “таълим хизмати” туркуми турли талқинларга эга.

Асосий ва энг кенг тарқалган таърифда "таълим хизмати" инсон, жамият ва давлатнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим, кўникма ва маълумотлар йиғиндиси сифатида қаралади. Бошқа томондан, таълим хизмати ўқувчининг билим, кўникма ва қобилиятлари йиғиндиси билан таълим хизматларидан ажралиб туради, улар орқали ўқитувчи меҳнати маҳсулининг йиғиндиси тушунилади.

Таълим хизматлари ўзига хос, динамик, ўзига хос сифат хусусиятларига эга ва уларни тўғридан-тўғри пул кўринишида ўлчаш мумкин эмас, бу ерда айирбошлаш операциялари занжири чекланган,

чунки, қоида тариқасида, таълим хизматларини қайта сотиш мумкин эмас.

Таълим хизматларининг фойдалилиги ўзига хосдир, у фақат маълум вақтдан кейин ўзини намоён қилади ва уни фақат миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида ўлчаш деярли мумкин эмас. Шунинг учун истеъмолчилар кўп ҳолларда унинг ҳар бир алоҳида бирлиги истеъмоли учун эмас, балки ўқув жараёни учун тўлайдилар.

Таълим хизматлари кўплаб бошқа хизматларга нисбатан маълум ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги муҳимдир. Улар шундан иборатки, таълим хизматларини истеъмол қилиш оқибатлари нафақат бевосита истеъмолчи учун (унинг инсон капитали даражаси ва сифатини ошириш), балки бутун иқтисодиёт ва жамият учун ҳам фойдалидир. Ишчилар ўзида қўлланиладиган технологияларга мос келадиган юқори даражадаги таълимга (маълумотга) ега бўлган иқтисодиёт кўпроқ қоқоқ технологиялардан фойдаланадиган иқтисодиётга нисбатан аниқ афзалликларга эга.

Шу билан бирга, таълим хизматларининг иқтисодий фойда сифатидаги ўзига хослиги бу хусусиятлар билан чекланмайди. Унинг яна бир жиҳати истеъмолчи томонидан ушбу хизматларни сотиб олиш, уларнинг керакли ҳажми ва сифати тўғрисида қарор қабул қилиш ҳолатининг ахборот хусусиятлари билан боғлиқ. Иқтисодиёт назариясида бозорда муомалада бўлган товар ва хизматларнинг бутун мажмуи, истеъмолчининг ўз сифати тўғрисида маълумот олиш имконияти нуқтаи назаридан, одатда учта асосий турга бўлинади: ўрганилган, экспериментал ва ишончли товарлар.

Ўрганилаётган товарнинг истеъмолчи учун муҳим бўлган хусусиятлари тўғрисидаги маълумотни харидор сотиб олиш пайтигача махсус харажатларсиз олиши мумкин; тажриба товарлари ҳақидаги билимлар уларни сотиб олишдан олдин фақат маълум бир нархда олинади (харажациз, уларни фақат бундай товарлардан фойдаланиш тажрибасини олиш жараёнида олиш мумкин); Ишончли товарлар тўғрисидаги ишончли маълумотлар, одатда, улар олинганидан (истеъмол қилинганидан) кейин анча вақт ўтгач мавжуд бўлади. Ўрганилаётган товар бозорларида сотувчи ва харидор бир хил маълумотларга ега бўладилар (тўғри айтганда, сотувчи ҳам ушбу товарларни ишлаб чиқариш харажатларини билади, лекин бундай билимлар харидорларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилмайди). Шу билан бирга, тажрибали ва ишончли товарлар бозорлари муҳим ахборот ассиметрияси билан ажралиб туради.

Кўриб турганимиздек, таълим хизматлари одатий ишонч маҳсулотидир. Дарҳақиқат, талабанинг билим, кўникма ва малакаларининг ўзгариши даражасида намоён бўладиган уларнинг

сифати фақат меҳнат бозорида - ходимнинг маълум бир ишни егаллаганидан кейин оладиган даромади кўринишида иқтисодий жиҳатдан реал баҳоланиши мумкин. Шу билан бирга, даромаднинг паст миқдори (муайян таълим хизматларини олиш тўғрисида қарор қабул қилишда талаба кутганидан паст) ушбу хизматларнинг паст сифати билан ҳам, умумий бозордан бошлаб бошқа кўплаб сабаблар билан ҳам аниқланиши мумкин. вазият (масалан, иқтисодиётнинг турғунлиги ёки турғунлиги шароитида меҳнат бозорига кириш) ва ходимнинг малакаси билан боғлиқ бўлмаган, лекин уни муносиб ишга ёлланишига тўсқинлик қиладиган соф шахсий хусусиятлари билан яқунланади.

Кўрсаткичлар	2011	2013	2014	2016	2018	2019	2020
Ялип ички маҳсуло, млрд.сўм	6183 1,2	9658 9,8	1448 67,9	1713 69,0	2491 36,4	4075 14,5	5118 38,1
Шу жумладан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд.сўм	1581 0,7	2437 0,3	3695 7,0	4228 0,4	6950 4,2	1173 15,8	1305 99,9
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши,фоизда	17,5	17,5	17,2	24,7	27,9	28,8	25,5

Шунингдек, агросервис тузилмалари учун малакали ишчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш жараёни учун тегишли илмий-услубий таъминотни янада такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ва уларга

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш ва уларнинг амалиётда самарали ишлатилиши устидан мониторинг ўрнатилиши лозим.

Аграр соҳада саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари интеграциясига асосланган агросервис хизматларининг асосий йўналишлари ва турлари:

Аграр соҳа учун саноат ишлаб чиқаришдан техника, зарур ҳом-ашё ва ресурслар, асбоб ускуналар етказиб бериш (сотиб олиш) агросервис хизматлари.

Буларга:

1. Лизинг хизматлари:

Минерал ўғут ва турли зараркунандаларга қарши дори-дармон агротармоқ хизмати;

Ҳом-ашё, асбоб-ускуна, ёқилғи-мойлаш материаллари (нефт маҳсулотлари) сотиш, етказиб бериш хизматлари;

2. Етиштирилган агрор соҳа (қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларини қайта ишлаш билан бўғлиқ агросервис хизматлари:

Маҳсулотларни дастлабки қайта ишлаш агрохизмати;

Тара ва қадоқлаш хизматлари;

Маҳсулотларни сақлаш хизматлари;

Маҳсулотларни истемоилчига етказиб бериш хизматлари;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизматлари;

Агротранспорт хизматлари;

3. Аграр соҳада ер (қишлоқ хўжалигини)ни тайёрлаш билан бўғлиқ агрохизматлар:

- ер-бали банитетини баҳолаш агрохизмат;

- қишлоқ хўжалик ерларини кадастрлаш хизмати;

қишлоқ хўжалиги ерларида иригациялаш ва мелорациялаш хизмати;

4. Аграр соҳани молиявий маблағлар билан таъминлаш агрохизмати:

- минибанк хизматлари

- молиявий лизинг хизматлари;

- агросуғурталаш хизмати;

- агроконсалтинг ва агроаудит хизматлари ва бошқалар

13.2. Аграр соҳада агросервис хизматларини ташкилий–иқтисодий механизмлари.

Аграр соҳада агросервис хизматларининг ташкилий иқтисодий механизмларини баён қилишда энг аввало “механизм” тушунчаси моҳиятини асослаш зарур. Механизм тушинчаси асосан иқтисодий фанларда “иқтисодий механизм” сифатида ёндашилиб, “молиявий механизм”, “бошқарув механизми”, “ташкилий-иқтисодий

механизмлар”ни фарқлаш зарур. Шундай экан, ташкилий иқтисодий механизмнинг иқтисодий моҳияти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзоро бўғлиқ шакл, восита ва методлар тизимининг мажмуасидир. Мазкур механизмни баён этиш жараёнида режалаштириш, меъёрлаш, нарх даромад каби иқтисодий усул ва воситалардан фойдаланилади. Демак, агросервис хизматларида ташкилий-иқтисодий механизми бу агросервис билан бўғлиқ бўлган ташкилий-хуқуқий ва молиявий-иқтисодий механизмлар мажмуасидаан иборат.



13.2.-расм. Агрохизматларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек “Барча вилоятларда қишлоқ хўжаликларида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади”.

Шунингдек, республикада “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида” таъкидланганидек “илм-фан ва иновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Агросаноат корхоналарини ҳом-ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бароварга ошириш” муҳим стратегик вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда агрохизматларни ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ва билвосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари интеграциясига асосланган агрохизматлар куйидаги асосда фаолияти ташкил этиши тизимлаштирилган. Жумладан:

1. Аграр соҳа учун саноат ишлаб чиқаришдан техника, зарур ҳом-ашё ва ресурслар, асбоб ускуналар етказиб бериш (сотиб олиш) агрохизматлари(лизинг хизматлари, минерал ўғут ва турли зараркунандаларга қарши дори-дармон агротармоқ хизмати, хом-ашё, асбоб-ускуна, ёқилғи-мойлаш материаллари (нефт маҳсулотлари) сотиш, етказиб бериш хизматлари).

2. Етиштирилган аграр соҳа (қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ агросервис хизматлари(маҳсулотларни дастлабки қайта ишлаш агрохизмати, тара ва қадоқлаш хизматлари, маҳсулотларни сақлаш хизматлари, маҳсулотларни истемоилчига етказиб бериш хизматлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизматлари, агротранспорт хизматлари).

3. Аграр соҳа (қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш бўйича агрохизматлар(машина трактор парки хизмати, сув истемолчилари уюшмаси хизмати, маҳсулотларни сотиш хизматлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ агрохизматлар, зоветириания хизматлари, маҳсулотларни оёғиштириш билан боғлиқ агрохизматлар).

4. Аграр соҳада ер (қишлоқ хўжалигини)ни тайёрлаш билан боғлиқ агрохизматлар(ер-бали банитетини баҳолаш агрохизмат, қишлоқ хўжалик ерларини кадастрлаш хизмати, қишлоқ хўжалиги ерларида иригациялаш ва мелорациялаш хизмати).

5. Аграр соҳани молиявий маблағлар таъминоти билан боғлиқ агрохизматлар(минибанк хизматлари, молиявий лизинг хизматлари, агросуғурталаш хизмати, агроконсалтинг ва агроаудит хизматлари ва бошқалар).

Шундай экан бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида агрохизматни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири, ушбу тизим объектлари учун замонавий, охириги жаҳон технологик ютуқларига асосланган агрохизмат турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, соҳани тизимли тараққиёти учун қулай шарт-шароитларга асосланган, бошқа соҳа ва тармоқлардан фарқли муҳим жиҳатларини, хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, агросервис соҳасини диверсификациялаш ва инновацион ривожлантиришда “фаолиятни инновацион дифференциациялаш”, “харажатлар бўйича абсолют устунликка эришиш” ва “фокус” стратегияларидан интеграция асосида фойдаланишнинг аҳамияти ва объектив зарурияти услубий ёндашувга

кўра илмий асосланган. Шундай экан, агросервис корхоналарининг самарадорлик ва рақобатбардошлик даражаси улар томонидан устувор чора-тадбирларнинг ўз фаолиятларига қай даражада муваффақиятли амалга ошириш кўлами ва тезлигига боғлиқдир. Шу боис, сервисда юқори даромад (соф фойда) олиш мақсадларида янги рақобатбардош хизматларни яратиш ва уларни инновацион технологиялар асосида истеъмолчилар талабларига мос равишда амалиётга татбиқ этиш объектив зарурият ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам, америкалик иқтисодчи М.Портер томонидан корхона даражасида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид ишлаб чиқилган моделдан агросервис корхоналари фаолиятини ташкил қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш йўналишларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ. Жумладан, М.Портер инновацион фаолият самарадорлигига эришиш учун қуйидаги стратегияларни тавсия этган. Фаолиятни инновацион дифференциациялаш стратегияси бу тармоқда ёки корхонада ягона ўзига хос хусусият, сифат ва брендга эга бўлган товар ёки хизмат ишлаб чиқаришга асосланган бўлиб, истеъмолчиларнинг нархга таъсирини камайтириш ва доимий “содик” мижозлар гуруҳини яратиш орқали бозордаги кучли рақобатдан ҳимоя қилади. Мижозларнинг “содиклиги” ва янги маҳсулот (хизмат) яратишга мажбур қилиши корхона иштирок этадиган бозорга бошқа рақобатчилар оқимини камайтиради. Харажатлар бўйича абсолют устунлик стратегиясида корхона ўз ихтисослиги доирасида амалга оширадиган иш (хизмат)лар харажатларини камайтириш орқали тегишли бозор сегментида етакчига айланиш ва рақобатчи корхоналар ўртача даромадидан юқори даромад олиш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Фокус стратегияси бу маълум бир харидорлар гуруҳига, уларнинг диди ва эҳтиёжларини мунтазам қондиришга асосий диққат қаратиш ҳисобланади. Яъни, харидор (мижоз)ларнинг эҳтиёжи ва диди корхона фаолиятини белги-ловчи мақсад (фокус) ролини ўйнайди. Бу стратегия асосида корхона тор доирадаги мақсадларга эришиши кенг қамровли мақсадларга нисбатан осонроқ амалга ошади деган фараз ётади. Фокус стратегиясини қўллаган корхоналарнинг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, уларда фаолиятни инновацион дифференциялаш ва харажатлар бўйича абсолют устунлик стратегияларидан ҳам бир пайтда уйғун равишда фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлади.⁴¹

Агрохизматни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга шунингдек, бунда соҳани ташкилий-бошқарув тузилмасини, кластер тизими билан

⁴¹ Ушбу муаллифлик ёндашуви СамИСИ мустақил тадқиқотчиси Шералиев А.С. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

интеграциялашган инновацион фаолиятини ташкил этишга ҳамда соҳа нормативлари, меъёрлари ва стандартларини янги талаблар асосида шакллантиришга айниқса, рақамли технологиялар талабларига мос рағбатлантирувчи механизмларини, банк-кредит ҳамда бошқа молиявий ричаглар ва солиқ имтиёзларидан фойдаланишга устуворлик бериш юқори иқтисодий самарадорликни беради.

13.3. Республикада аграр соҳасида агросервисни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Агросервис хизматлар соҳаси ва бозорини барча тоифадаги истеъмолчиларга курсатиладиган хизматлар фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш истиқболдаги устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг таҳлили кўрсатишича, модернизация ва диверсификация тушунчаларининг моҳияти тўғрисида олимлар ўртасида ҳозиргача турлича қарашлар мавжуд.

Луғавий жиҳатдан модернизация сўзи, француз тилидан олинган бўлиб, “modernizer” – “замонавий”, яъни, замонавийлаштириш деган маънони билдиради.

Агросервисда амалга оширилаётган модернизация қилиш чора-табирлари негизида миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари ва соҳаларида барқарор ўсиш суръати таъминланмоқда. Жумладан, 2019 йилда хизматлар ҳажми 193,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 113,2 фоизга ошган. Ёки 2020 йилда коронавирус пандемияси шароитида ҳам бу кўрсаткич 218,9 трлн. сўмни ёки 2019 йилга нисбатан 102,3 фоиз ўсишни ташкил қилган.

Агросервисни модернизациялаш стратегияси бу – мамлакат аграр соҳасида унинг таркибий тармоқ ва соҳаларини замонавийлаштириш бўйича барча усул ва дастаклар йиғиндиси бўлиб, у аҳолининг ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир этади, инсонларнинг ижтимоий онги ва дунё қарашини ўзгартиради ҳамда уларнинг агросаноат маҳсулотлар ва хизматларга бўлган янги талабини шакллантиради.

Агросервисни модернизациялашнинг куйидаги ўзига хос устунлик жиҳатлари ва хусусиятлари мавжуд булиб улар ўзига хос аҳамият касб этади.

Аграр соҳани бугунги мавжуд ва келажакдаги замонавий талабларни инобатга олган ҳолда интенсив ривожлантиришга имкониятлар яратиши.

Инкорни инкор қилиш қонунининг агросервис хизмат кўрсатиш соҳасига боғлиқ ифодаси сифатида бугунги анъанавий эскирган бошқариш воситалари ва усуллари ўрнига ҳозирги замонда жаҳон

даражасида кенг қўлланилаётган инновациялар ва рақамли технологиялар асосида ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши.

Аграр соҳани рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялар асосида замон талабларига мос ривожлантириш учун аграр соҳада хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятларини модернизациялаш бўйича чора-тадбирлар ва йўл хариталари ишлаб чиқишни объектив заруриятга айлантириши.

Агросервис хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий агрохизмат турларини кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва нархини пасайтириш мақсадида хизмат кўрсатувчилар томонидан ўз фаолиятларини модернизация қилишга ундаши, агрохизматлар бозорида рақобатбардош бўлишларини таъминлашга қаратилган тизимни шакллантириш ва ривожлантиришга устуворлик бериши ва ҳ.к.

Агросервисни модернизациялаш бу аграр соҳанинг барча йўналишларини (иқтисодий, ташкилий, молиявий, ижтимоий, бошқариш, кадрлар таъминоти ва ш.к. ҳамда таркибий субъектлари фаолиятини барча инвестиция ресурслари ҳамда манбаларини мақсадли ва манзилли жалб этган ҳолда) замонавий инновацион (Рақамли) технологиялар, илмий-услубий ишланмалар ва усуллар асосида интенсив ривожлантиришни ўз ичига оладиган иқтисодий жараён хисобланади.

Агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялашни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Агросервис кўрсатиш корхоналари фаолиятини барча аграр соҳалари комплекс модернизациялаш, автоматлаштириш, юқори даражада механизациялаш, “суний интелектдан”дан фойдаланиш.

2. Агрохизмат кўрсатиш тадбирлари ва жараёнларида фойдаланадиган асосий ва айланма воситаларни модернизациялаш.

3. Агрохизмат кўрсатиш ходимларининг билими ва малакасини ошириш ҳамда улар меҳнатини илмий ташкил этиш ва бошқаришни модернизациялаш

4. Агрохизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида ва уларнинг истеъмолчилар билан бўладиган молиявий муносабатларни модернизациялаш, шартнома муносабатларини ва ўзоро тўловларни рақамлаштириш.

Агросервисни диверсификациялаш дейилганда, иқтисодиётда аграр соҳа корхоналар фаолиятини кенгайтириш, аграр тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, агрохизматларнинг турларини кўпайтириш, янги-янги бозорларни эгаллаш жараёнлари тушунилади. Соҳа олимлар ўз ишларида диверсификацияни қуйидаги турлар бўйича классификациялашни таклиф қилишган, яъни:

Агросервисда жамланма диверсификация.

Агросервисда горизонтал диверсификация.

Агросервисда вертикал диверсификация.

Агросервисни диверсификацияси бу аграр соҳа хизмат кўрсатиш корхоналарида янги хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, шу асосда соҳада маҳсулотлар миқдори ва улар ҳажмини ошириш, замонавий инновацион янги хизмат турлари бўйича сифатини яхшилаш шунингдек, янги агросервис бозорини сегментларини ошириш чора-тадбирлар тизимини ифода этувчи иқтисодий жараёндан иборат.

Агросервис хизматлар соҳасида диверсификациялашнинг асосий натижадорлиги қуйидагилар билан характерланади:

Агрохизмат кўрсатишнинг янги турларини кўпайтириш ва агрохизматлар ҳажмини ошиб боради.

Агрохизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари учун ўзаро алоқа ва муносабатлар интеграциясини кўчаяди.

Агрохизмат корхона харажатларини камайитириш ва юқори даромад олишга эришилади.

Агрохизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш ва хизматлар самарадорлигини ошириш учун ресурстежамкор технологиялар ва интенсив омиллардан самарали фойдаланилади.

Агрохизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион хизмат турларини жорий қилиш ва рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланиш ҳамда ушбу тадбирлар натижасида моддий рағбатлантириш ошади.

Агросервисни диверсификациялашни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Агрохизмат кўрсатишни истеъмолчи эҳтиёжи асосида соҳа турлари бўйича диверсификациялаш (маиший хизматлар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва бошқ.).

агрохизматлар кўрсатиш технологик жараёнларини диверсификациялаш (туризмда туристларни қабул қилиш, жойлаштириш, уларга эҳтиёж асосида хизматлар кўрсатиш).

агрохизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолликни ошириш ва рақамли сервис тизимини диверсификациялаш (хизмат кўрсатишнинг янги инновацион фаол турлари, блок-чейн, майнинг).

агрохизмат кўрсатишга йўналтирилаётган инвестициялар (молиявий) фаоллигини ошириш бўйича диверсификациялаш (халқаро кредит линиялари бўйича диверсификациялаш, банк инвестиция бўйича диверсификациялаш).

1. Модернизация тушунчасининг таърифи

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий юксалишларни ифодаловчи кўрсаткичларга еришганлигимизнинг муҳим омиллари бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилишдан иборат

бўлиб қолди. Аммо шуни еътироф етиш керакки, модернизация ва диверсификация тушунчаларининг мазмуни ва турлари иқтисодий адабиётларда тўлиқ очиб берилмаган. Бу еса олимлар ва мутахассисларнинг ушбу тушунчаларга еътиборни қаратиш заруратини туғдирмоқда.

Енг аввало модернизация тушунчасини қараб чиқамиз. Модернизация франсуз тилидан олинган бўлиб (модернисер — «замонавий»), замонавийлаштириш деган маънони англатади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга еришиш тушунилади.

Ушбу таърифнинг назарий асоси бўйича қуйидагиларни келтириш мумкин. Биринчидан, модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни қамраб олиш лозимлиги уқтирилмоқда.

Чунки, ҳаётимизнинг бир соҳаси янгилашиб, иккинчи бир соҳаси ескича қоладиган бўлса, унда иқтисодий ўсишга ёки маънавий юксалишга еришиб бўлмайди. Шу туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳалари инобатга олинган. Иккинчидан, замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга еришиш тушунилади, дейилган. Ҳақиқатда замон жадаллик билан ривожланиш босқичида. Макон еса шунга мос равишда шиддат билан ўзгармоқда. Бундай шароитда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга еришиш лозим бўлади. Акс ҳолда олдимизга қўйган юксак мақсадларга еришиш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин егаллашимиз, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашимиз мурккаблашиб қолади.

Мамлакатимиз раҳбари “Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом еттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин егаллашдан иборатдир”, деб таъкидлади. Ушбу улкан вазифаларга еришиш баробарида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо етиш, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олиш масаласи ҳам ўта долзарблигини ёдимизга сақлашимиз лозим.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, модернизацияни нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда ҳам амалга оширишимиз ва уларни ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашга еришишимиз лозим екан. Биз мазкур ҳолатда фақат

иқтисодиётни модернизациялаш борасида фикр юритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, кенг кўламли ҳаётимизни модернизациялаш жараёни ҳам кенг кўламлидир.

2. Модернизациянинг турлари ва уларни асослашнинг назарий масалалари

Ҳар бир тушунчанинг таърифи, унинг мазмунини тўлиқ очиб беради. Юқоридаги таърифдан кўришиб турибдики, модернизацияни иқтисодиёт соҳаси билан бирга ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда ҳам амалга оширишимиз лозим экан. Чунки, уларни ҳам иқтисодиётга мос тарзда замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашга еришишимиз даркор. Агар ижтимоий ҳаётни модернизация қилиш лозим бўлса, унга мос равишда иқтисодий ва маънавий ҳаётимизни янгилашимизга тўғри келади.

Маънавий ҳаётимизни модернизация қилиш бевосита улар билан бирга олиб борилади.. Биз мазкур ҳолатда фақат иқтисодиётни модернизация қилиш борасида фикр юритишимизга сабаб, ушбу мақоланинг олдида қўйилган мақсадимиз ҳам ушбу иқтисодиёт соҳасига мос тарзда модернизациянинг табиатини очиб беришдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётни модернизация қилишнинг 4 та тури мавжуд:

1. Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш.
2. Технологик жараёнларни модернизациялаш.
3. Иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизациялаш.
4. Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш.

Ушбу турларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги расмда келтирамиз (1-расм).

Ушбу турларнинг ҳар бирини қисқача кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялашни тўлиқ англаш учун, енг аввало, унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Биз ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш дейилганда, ески ишлатилиб келинаётган ишлаб чиқариш воситаларини (техникаларни) бугунги кун талабига мос ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгигилаш,



13.2.-расм. Иқтисодиётни модернизациялашнинг турлари

яъни янги техникаларга алмаштириш тушунилади. Масалан, нон ишлаб чиқаришда олдин ишлаб чиқариш воситаси сифатида оддий тандирдан фойдаланилган, сўнгра у механизациялаштирилган махсус курилмаларга алмаштирилган.

Ҳозир еса, нонни ултратовушли печларда автоматик усуллар билан ҳам тайёрламоқда. Ушбу жараёнларнинг барчаси нон ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларини (техникани) модернизация қилишдан иборатдир.

Яна бир мисол: олдин бухгалтерияда ҳисоб-китоб ишлари оддий идоравий счетдан фойдаланган ҳолда бажарилар еди. Кейинчалик ҳисоб-китоб механизациялаштирилди, ҳозир ушбу жараён компютерлардан кенг фойдаланиш натижасида автоматлаштирилди. Компютерга бирламчи маълумотларни киритилгандан кейинги жараённи одамнинг иштирокисиз бухгалтерия балансигача бўлган босқични махсус дастурлар асосида бажариб бермоқда.

Модернизациялашнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, техникаларни янгилаш ва уни замонавийлаштириш евазига иқтисодий жараёнларни такомиллаштириб боради. Бу еса, ўз навбатида қўл меҳнاتини қисқартириб, буюмлашган меҳнатнинг ҳиссасини оширади. Мазкур ҳолат, биринчидан, ходимларнинг янги техникаларни бошқарадиган малакани егаллашни тақозо қилса, иккинчидан, бўшаб қолган ходимлар учун янги-янги иш ўринларини яратиш заруратини ҳам туғдиради.

Технологик жараёнларни модернизациялаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо ушбу масала ҳам иқтисодий адабиётларда етарли тазда ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчага ҳам таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Технологик жараёнларни модернизациялаш дейилганда, олдинги технологияларга нисбатан замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқарадиган тежамкор ва самарали технологияларнинг жорий қилиниши тушунилади. Бунга ҳам бир қанча мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, телефонда сўзлашгични олайлик.

Олдин алоқа қилиш учун қанча ёғоч, сим, бир жойга ўрнатилган катта телефон аппаратидан фойдаланилар еди. Улардан бир жойда фойдаланиш мумкин еди, холос. Кимга телефонда гаплашиш керак бўлса, унинг телефонга бориши лозим еди. У бор-йўғи битта сўзлашув хизматини бажарарди. Ҳозир қўлдаги телефонлардан фойдаланиш ёғоч, сим ва катта телефон аппаратини ҳам инкор қилди. Ушбу телефон юқори технологик ускуна сифатида егасини турғун телефонга бориб юришдан, фотоаппаратдан, телефон дафтарчасидан, почта орқали хат ёзишдан, маълум даражада компьютер орқали интернет билан уланиш хизмати кабилардан озод қилди.

Яна бир мисол. Олдин паравозлар поездларни тортган. Ҳар бир паровозда бир қанча кўми ташлаб турадиган ўтёқарлар банд бўлган. Бу жараён такомиллашиб тепловозларга алмашгандан кейин мос равишда ўтёқувчилар керак бўлмасдан қолди. Ўша юк ташиш операцияси энди юксакроқ технологияга алмашди. Аста секинлик билан электровозлар чиқди. Бу еса, тепловозларни инкор қилди. Бу янги технологияни бошқараш учун янги малакали ходимлар керак бўлди. Шу тариқа замон ва маконда технологик жараёнлар ва унга мос равишда ходимлар малакаси ҳам такомиллашиб боради.

Бошқарув усулларини модернизациялаш ҳам замон талабига мос бўлиши керак. Илғор техника ва технологиялар билан ишлайдиган ходимларни ески бошқарув усуллари билан бошқариб бўлмайди. Шу туфайли ушбу тушунчага ҳам таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бошқарув усулларини модернизациялаш дейилганда, бутун жараённи (ишлаб чиқариш, технологик, хизмат кўрсатиш, назрат, инновация каби) бошқаришнинг замонавий усуллари билан фойдаланган ҳолда бошқариш тушунилади. Ушбу ҳолатга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, солиқ ўндирилишининг назорати, олдин бевосита жойларга бориб амалга оширилган, ҳозир еса камерал назрат (жойларга бормасдан ҳисоботлар ва бошқа хужжатлар асосида солиқ идорасида текшириш) жорий қилинган. Ушбу ҳолатга ҳозирги кунда жорий қилинган “Электрон ҳукумат”ни ҳам мисол келтириш мумкин. Мазкур ҳолатда бошқарув бевосита ОНЛАЙН тизимида амалга оширилади. Ендиги ҳокимият ходимлари биринчи галда компьютерда ишлашни ва шу усул билан бошқаришни билишини тқозо қилмоқда.

Яна бир мисол. Олдин вазирликларда мажлис бўладиган бўлса ҳаммани Тошкентга ёки бирорта мажлис белгиланган жойга чақирар еди. Ҳозир еса, видео селектор, аудио селекторлар орқали мажлисларни тегишли ходимларнинг иштирокини жойларда ўтириб таъминлаган ҳолда амалга оширмоқа. Булар жуда кўп вақтни, мабағни тежаш имконини бермоқда.

Ҳозирги пайтда ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш ҳам муҳим аҳамиятга ега. Чунки барча ишларнинг бошида ходимлар туради. Барча жараёнларни такомиллаштирадиган ҳам ходимларнинг ўзлари. Аммо илғор техника ва технологиялар ҳозирги пайтда хориждан келтириляётганлиги туфайли уларни ишлатадиганлар ҳам ходимлар бўлиши керак. Бу еса, ўз навбатида ходимларнинг ҳам малакасини замон талабига мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади. Бунга улар малакасини модернизациялаш орқали еришади. Шу туфайли ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ушбу масалага бизнинг фикримизча қўйидагича ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш дейилганда, ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш евазига замонавий усулларда бошқариш, техника ва технологияларни ишлатишга қодир ходимларни янгидан шакллантириш тушунилади. Бунга бир қанча мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, олдинги бухгалтерлар ҳисоб-китоб учун счетни яхши билса етарли еди. Ҳозир компютерни билишни тақозо қилади. Ендиги бухгалтерлар компютер техникасини яхши билишни тақозо қилади.

Яна бир мисол: деҳқон олдин қўл меҳнати билан қўш қўшиб ер ҳайдаб екин еккан, кейинчалик меҳанизация ёрдамида ҳайдайдиган ва ҳосилини йиғиштириб оладиган жараён шаклланди. Енди олдинги деҳқон техникани бошқаришни билиши лозимлигини тақозо қилади. Ҳозир мамлакатимизда интенсив боғларни кпайтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Мазкур боғларни парвариш қилишнинг агротехникаси олдингилардан бутунлай фарқ қилади. Ушбу жараёнлар бевосита компютерлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ендиги деҳқон компютерни ҳам билишни, ўзини шу йўналишда модернизация қилишни тақозо қилади.

Кўриниб турибдики, модернизация жараёни, шу жумладан иқтисодиёт соҳасида ҳам уни амалга ошириш кенг кўламли жараён екан. Бизнинг ушбу тавсияларимиз ва қарашларимиз мадернизация масаласи бўйича назарий қарашларни бойитади ва амалий жиҳатдан жуда кўп жараёнларга аниқлик киритади, деган умиддамиз.

Ҳозирги пайтда ҳаётимизга кириб келган диверсификация тушунчаси ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу туфайли ушбу атаманинг ҳам мазмунига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Диверсификациянинг луғовий маъносига еътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу атама лотинча сўздан олинган бўлиб (**диверсус** — “турлича” ва **фасере** — “қилмоқ”), кегайтириш, кўпайтириш маъноларини англатади.

Мана шу сўздан келиб чиқиб, унинг таърифини келтириш мумкин. Бизнинг фикримизча, унга қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Диверсификация дейилганда, иқтисодиётда корхоналар фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, хизматларнинг турларини кўпайтириш, янги-янги бозорларни егаллаш жараёнлари тушунилади.

Ушбу таърифни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, диверсификация дейилганда мазкур ҳолатда иқтисодиёт соҳаси кўзда тутилаётганлигига еътиборни қаратиш лозим. Иккинчидан, таърифда корхоналар фаолиятини кенгайтириш масаласи қўйилмоқда. Бу айнан унинг мазмунини ташкил қилади. Чунки диверсификациянинг мақсади ҳам кенгайтиришга, кўпайтиришга қаратилгандир. Учинчидан, ушбу таърифда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, хизматларнинг турларини кўпайтириш масаласи ҳам ўз аксини топган. Чунки, ҳар қандай корхона ёки хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини кенгайтиргач, албатта маҳсулотининг турлари кўпаяди ёки хизматларининг сони ошади. Мазкур таърифда ушбу масала тўлиқ ўз ифодасини топган. Тўртинчидан, кўпайтирилган турли маҳсулот ва хизматларни сотиш учун янги-янги бозорларни егаллаш лозим бўлади. Шу туфайли ушбу жараёнлар ҳам таърифда ўз ифодасини топган ва улар ҳам инобатга олинган.

Ҳозирги адабиётларда диверсификациянинг турлари хусусида деярли ҳеч қандай гап айтилмаган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, унинг 3 та тури мавжуд:

1. Жамланма диверсификация.
2. Горизонтал диверсификация.
3. Вертикал диверсификация.

Диверсификациянинг ушбу турларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги 13.3 - расмда келтирамыз.



13.3-расм. Иқтисодий диверсификациялашнинг турлари

Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан жамланма диверсификацияни оладиган бўлсак, бу ҳақда иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Буларни инобатга олиб ушбу масаланинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш лозим деган хулосага келдик. Бироқ, адабиётларда ушбу масала бўйича аниқ фикрларнинг айтилмаганлигини инобатга олиб, тадқиқотлар натижасида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Жамланма диверсификация дейилганда, корхонанинг технологик жараёнларни кескин ўзгартирмасдан олдинги ишлаб чиқараётган товарига (хизматига) ухшаш янги товарни ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) кўпайтириш тушунилади.

Ушбу масаланинг моҳиятини очиб бериш учун бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, нон ишлаб чиқарувчи корхона 5 турдаги нон ишлаб чиқараётган еди. Енди бозор талабидан келиб чиқиб, яна 2 та турини қўшиб, уларнинг ассортиментини 7 тага етказди. Яна бир мисол: фирма тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, одамларни укалаш муолажасини йўлга қўйди. Сўнга шу жойнинг ўзида бошқа тиббий хизматларни, яъни укол қилиш, айрим тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш каби хизматларни ҳам кўрсата бошлади. Мазкур корхона шу тариқа маҳсулотини (хизматини) диверсификация қилди.

Горизонтал диверсификация ҳам амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Аммо уларнинг ҳам таърифлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли унинг ҳам таърифини беришга ҳаракат қилдик.

Горизонтал диверсификация дейилганда, корхонанинг олдинги қўллаётган технологиясидан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни қўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) йўлга қўйиши тушунилади. Бунга ҳам бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, электр энергиясини

газдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни қуёш энергияси билан ишлаб чиқаришга алмаштириш кўп қулайликларга эга. Шу тариқа энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга еришилади. Иккинчи мисол: тўқимачилик саноатида қўлланилаётган ярим автоматлаштирилган технологияларни тўлиқ автоматлаштирилган технологиялар билан алмаштириш евазига маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам шундай диверсификацияга киради. Ушбу ҳолатга яна бир мисол: майиший хизмат кўрсатишда кир ювишни олдин оддий кир ювиш машинасида амалга оширган бўлса, сўнгра ушбу юмуш автоматлашган ускуналарда амалга ошириладиган бўлди. Натижада технологиянинг такомиллашуви евазига бир вақтнинг ўзида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) еришиладиган бўлди. Буларнинг барчаси горизонтал диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг юксалишида ишлаб чиқаришнинг (хизмат кўрсатишнинг) кенгайишида вертикал диверсификациянинг ўрни ва аҳамияти катта. Аммо ушбу тушунчанинг ҳам таърифи ишлаб чиқилмаган. Буни инобатга олиб унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Вертикал диверсификация дейилганда, корxonанинг янги филиалларини, қўшма ва шўъба корxonаларини очиш, янги товарларни ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш), янги бозорларни топиш евазига олдинги ҳолатини кенгайиши тушунилади. Ушбу таърифни тушуниш учун бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, телевизор заводи бозор талабидан келиб чиқиб турли русмдаги радиоларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу жараёнда янги технологиялар ҳам жорий қилинди ва янги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иккинчи мисол: нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона, тегишли тарзда бойлик тўплагач ўз маблағи ҳисобидан тўйхона қуриб ишга туширди. Бу ерда битта корхона мазмун жиҳатидан бошқа ҳарактерга эга бўлган иккитага айланди. Яна бир мисол: тадбиркор аёл маиший хизмат турларидан бири бўлган гўзаллик салонини очди. Сўнгра келинлар либосини очиш учун қўшимча бино барпо етди. Буларнинг барчаси вертикал диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тушунчаларга атрофлича тўхталишимизга сабаб, ҳозирги пайтда жуда кўп параграфлар ва илмий асрлар “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ...” каби сўзлар билан бошланади. Аммо мақолада кўтарилган масала умуман иқтисодиётнинг модернизацияланиши билан алоқаси йўқ. Демак, ушбу сўзни ёзган кишилар мазкур тушунчаларнинг мазмун моҳиятига тўлиқ тушуниб етган емас. Худди шундай гапларни диверсификация сўзига ҳам қўллаш мумкин. Ўйлаймизки бизнинг мазкур ишимиз масалага анча ойдинлик киритади.

Мазкур параграфга Муҳтарм Президентимизнинг ушбу гапи билан якун ясаймиз. “Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом еттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин егаллашдан иборатдир”. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ислохот учун емас, балки инсонлар учун, уларнинг бахт-саодати, фаровонлигини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилганлиги, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин егаллашга йўналтирилганлиги билан ҳам муҳимдир.

Таянч иборалар:

Агросервис, агро иқтисодиёт, инновация, модернизация, иқтисодий янгилаш, диверсификация, аграр фаолият, қишлоқ хўжалиги, вертикал диверсификация, горизонтал диверсификация, жамланма диверсификация.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Агросервисни асослаб беринг?
2. Агросервиснинг иқтисодий моҳияти нималардан иборат эканлигини тушунтиринг?
3. Агросервис хизматлари қолган хизматлардан қандай фарқланишини тушунтиринг?
4. Модернизация агросервис билан боғлиқлигини тушунтиринг?
5. Диверсификациянинг мазмун моҳияти нима эга эканлигини асосланг?
6. Жамланма диверсификация нималарда муҳим аҳамият касб этади?
7. Горизонтал диверсификацияни тушунтиринг?
8. Вертикал диверсификация бу?

XIV БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТИ

14.1. Республикада транспорт хизматларининг моҳияти, зарурияти ва турлари.

14.2. Ўзбекистонда транспорт хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари.

14.3. Транспорт хизматларини самарадорлигини оширишда диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳамда уни Республикада тараққий эттиришнинг асосий устувор йўналишлари.

14.1. Республикада транспорт хизматларининг моҳияти, зарурияти ва турлари.

Автомобил транспортида (автобус, такси ва бошқаларда) йўловчилар ва бағажни ташиш хизматлари хизматлар таркибида муҳим ўринга ега. Чунки бу хизмат ҳаётини зарурият бўлиб, ундан мамлакатимиз аҳолисининг деярли ҳаммаси фойдаланади. Шу туфайли ушбу масалани тартибга солиш ва аҳолига ташиш хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида мамлакатимизда бир қанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Булар жумласига «Автомобил транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Темир йўл транспорти тўғрисида», «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини мисол келтириш мумкин. Ушбу қонунларга мувофиқ «Автомобил транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоида-лари» ишлаб чиқилган ва бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан автомобил транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш амалиётига татбиқ этилган.

«Автомобил транспорти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни.

«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрел Қонуни.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август Қонуни.

«Темир йўл транспорти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрел Қонуни.

“Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни.

“Автомобил транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган.

Транспорт хизмати дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган транспорт ходимларининг нафли фаолияти тушунилади. „ Енг аввало еътироф етиш жоизки, транспорт хизмати йўловчиларни ва юкларни ташиш хизматларини кўрсатади. Бундай хизматга бир қанча тизилмаларнинг еҳтиёжи бор. *транспорт хизматлари кўрсатиши бу - транспорт хизматини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиши мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиши, юк ортиши, тушириши ва жойлаштириши каби транспорт сервисини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуи тушунилади.*

Бинобарин, транспорт хизматлари иштирокисиз бирорта ҳам ишлаб чиқариш жараёни бўлиши мумкин эмас, транспорт ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисмидир.

Шу туфайли, транспорт хизмати дейилганда фақат инсоннинг эҳтиёжи билан чекланиб қолмасдан, балки, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг эҳтиёжи ҳам инобатга олинган. Чунки юқорида келтирилган барча субъектлар транспорт хизматидан манфаатдордир. Шунинг учун, иккинчидан, ушбу хизматга инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини инобатга олишимизга тўғри келди. Қайд етилган субъектларнинг манфаатлари жуда кенг ва ранг-баранг, Бунда гап бевосита йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиришга қаратилган хизматлар ҳақида бормоқда. Учинчидан, Ушбу таъриф мазкур атамани назарий жиҳатдан ўрганиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ҳозирги рақобат муҳити яратилган ва у такомиллашиб бораётган паллада ҳар қандай хизмат кўрсатиш билан емас, балки сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган бўлмоғи лозимдир. Шу туфайли мазкур таърифда еҳтиёжни шунчаки қондириш емас, балки сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондириш лозимлиги қайд етилган. Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароитида, ҳар қандай хизматда банд бўлган ходимлар сингари транспорт хизмати билан

шуғулланувчи ходимларининг ҳам шунчалик фаолияти емас, балки нафли фаолиятини олиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Чунки, ҳар қандай хизматни, шу жумладан транспорт хизматини ҳам кўрсатавериш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда ҳар бир кўрсатиладиган хизмат тегишли субъектларга фойда ҳам олиб келиши лозим. Шу жиҳатдан транспорт ходимларини кўрсатувчи ходимларнинг айнан, нафли фаолияти тушунилади, деб ётироф етилган,

Транспорт корхоналарида кўрсатиладиган йўловчи ташиш билан боғлиқ хизматлар транспорт хизматларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга ега. Транспорт хизмати кенг маънода бўлса, йўловчи ташиш хизматлари ушбу хизматнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу хизматларнинг ҳам таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни қуйидагича шакллантирдик. Йўловчи ташиш хизматлари дейилганда махсус рухсатномага (лицензиясига) ега бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари орқали тижорат асосида йўловчилар ва улар юқларининг ҳаракатларини таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилади.

Ушбу таъриф йўловчи ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда манфаатлар муштарақлигини таъминлашини инобатга олиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

транспорт хизматлари кўрсатиши бу - транспорт хизматини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиши, юк ортиши, тушириши ва жойлаштириши каби транспорт сервисини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуи тушунилади.

Бинобарин, транспорт хизматлари иштирокисиз бирорта ҳам ишлаб чиқариш жараёни бўлиши мумкин эмас, транспорт ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисмидир. Транспорт ишлаб чиқариш жараёни ичидагина қатнашиб қолмай, маҳсулотни истеъмолчига етказиб ҳам беради. Бошқача қилиб айтганда, агар транспорт бирон маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмол жараёнига етказиб бермаса, маҳсулотни тайёр, деб бўлмайди, чунки бу тақдирда истеъмол талаби қондирилмаган бўлади. Мазкур таъриф муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу хизматнинг таърифини назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз. Биринчидан, йўловчи ташиш хизматлари дейилганда шунчаки ташиш емас, балки махсус рухсатномага (лицензиясига) ега бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Чунки, йўловчиларни ташишда ноқонуний йўллар билан шуғулланаётган транспорт

воситаларининг егаларини йўловчи ташишга киритиб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳеч жойда ҳисоб-китоби ҳам олиб борилмайди ва фаолият жараёни ҳам ҳеч расмий идорага маълум эмас. Иккинчидан, транспорт воситалари орқали уларнинг егалари шунчаки хизмат кўрсатмайди, балки маълум келишилган нархларда тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларини ташиб беришни таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилиши ётироф етилган.

Транспорт корхоналарида ташиш билан боғлиқ турли хизматлар (юк ташиш, йўловчи ташиш каби) кўрсатилади. Йўловчи ташиш билан боғлиқ хизматлар транспорт хизматларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Транспорт хизмати кенг маънода бўлса, йўловчи ташиш хизматлари ушбу хизматнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Унинг бир қанча турлари мавжуд. Нима бўлганда ҳам йўловчи ташиш транспорти хизматлари такомиллашиб, унинг сифати ошиб, мазкур соҳада рақобат ва тадбиркорлик муҳити чуқурлашиб боришни тақозо қилади.

Мазкур масала бўйича давлат сиёсатининг яна бир нозик йўналиши автомобил транспортида йўловчилар, багаж ва юкларни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш ягона транспорт ҳужжатидан ҳамда шундай ташишни ташкил этиш тартибидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган пайтда юзага келадиган муносабатлар ташувчилар ўртасидаги битим билан тартибга солинади. Ушбу битимнинг ягона номунавий нусхаси жорий қилинган ва унга амал қилиш барча иштирокчилар учун мажбурдир.



14.1-расм. Ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ йўналишлари

Ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ йўналишлари

“Автомобил транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ташувчиланинг бир қанча ҳуқуқларини еътироф етган. Буларга қуйидагилар киритилган:

“умумий фойдаланишдаги барча автомобил йўллари, шунингдек идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очиқ автомобил йўллари орқали ўтиш;

жўнатилаётган юк ўз сертификатиға мувофиқ еканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

фуқаролар ҳаётиға, йўл ҳаракати хавфсизлигиға таҳдид солувчи, екология ва санитария нормалари бузилишиға ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларға сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш каби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларға ҳам еға бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, мижозға хизмат кўрсатиш чоғида ташувчининг бир қанча ҳуқуқлари белгилаб қўйилган екан. Аммо тадқиқотларимиз кўрсатдики, барча ташувчилар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини тўлиқ ўзлаштириб олмаганлар.

“Автомобил транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.

“Автомобил транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.

Ташувчи мижозға хизмат кўрсатиш чоғида бир қанча мажбуриятларға ҳам еға. Бу мажбуриятлар ташувчилар томонидан ташиш хизматларининг хавфсизлигини таъминлашға, ташиш хизматлари сифатини кафолотлашға, атроф-муҳитнинг ифлосланишиға, екологик ҳалокатға олиб келмаслик чораларини кўришға, ташувчи ташишни давом еттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши каби муҳим жиҳатларға қаратилгандир. Буларға қуйидагиларни киртиш мумкин:

“ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияға еға бўлиши;

сертификатға еға бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатға олинган ишға яроқли транспорт воситаларидан фойдаланиши;

ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;

йўловчилар, багаж ва юклар ташишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиши;

йўловчи, багаж ёки юкни тайинланган жойига ташиш шартномасида белгиланган муддатда елтиб қўйиши. Агар елтиб қўйиш муддати ташиш шартномасида белгиланмаган ва назарда тутилмаган бўлса, елтиб қўйиш оқилона муддатларда амалға оширилиши лозим;





йўловчининг хавфсизлигини, хизмат кўрсатишнинг зарур қулайликлари ва шартларини таъминлаши;

багаж ва юкларнинг ташишга қабул қилиб олинган пайдан бошлаб олувчига берилгунга қадар сақланишини таъминлаши;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

ташувчи ташишни давом еттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши;

автомобилда ташишлар бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишларини юритиши;

Йўловчиларни ташиш турлари:	
	Шаҳарда ташиш
	Шаҳар атрофида ташиш
	Шаҳарлараро ташиш
	Халқаро ташиш

14.2-расм. Йўловчиларни ташиш турлари

Шуни эътироф этиш керакки, юқоридаги келтирилган барча тур ташишлар ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, йўналишли автобуслар ва йўналишли таксилар ҳаракати бир қанча аниқ йўналишлар бўйича амалга оширилади. Буларга:

Биринчидан, шаҳардаги йўналишларда ташиладиган йўловчиларни (шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан тартибга солинади);

Иккинчидан, шаҳарлар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда ташиладиган йўловчиларни (вилоятлар ҳокимликлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади);

Транспорт хизмати зарурияти:

Аҳолининг транспортга булган эҳтиёжини кондириш.

Йўловчи пассажирларнинг узок манзилга бориш талабини кондириш.

Юкларни товар ва маҳсулотларни белгиланган жойга етказиш.

Вақт ва ресурсларни чеклаш натижасида юкори фойда ва даромад олиш.

Товар ва ресурсларни узок манзилга етказиш.

Товарларни экспорт ва импорт қилиш.

Товар айланишида мобилликни ошириш.

Транспорт хизматлари турлари:

Йўловчи.

Юк ташиш.

Йўловчи ташиш:

Умумий .

Юкори сифатли.

Юк ташиш:

Саноат маҳсулотлари.

курилиш

Кишлоқ хўжалиги

Истеъмол ва бошқалар.

Йўловчи ташиш:

Шахарлараро.

Шахар.

Туманлараро.

Минтакалараро.


14.2. Ўзбекистонда транспорт хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари.

Ўзбекистон Республикасида транспорт миллий иқтисодиётнинг муҳим асоси сифатида, унинг ишлаб чиқаришидаги асосий вазифаси саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни ўзаро бирлаштиришдан иборатдир. Бир томондан, сифатли хизмат кўрсатиш учун жумладан, ташиш ҳажми, юк оқимлари йўналишлари ва транспорт техникаси воситаларининг ривожини, миллий иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдори, уларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жойларининг республикамиз ҳудуди бўйлаб жойлашганлигига, иккинчи томондан, мавжуд йўлларнинг ўткази олиш қобилияти, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига ва уларнинг қаерда жойлашганлигига боғлиқдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим асосларидан бири ҳисобланган транспорт хизмати моддий-техника базаси ва иқтисодий хусусияти бошқа тармоқлардагидан жиддий фарқ қилади.

Транспорт ишлаб чиқариш жараёни ичидагина қатнашиб қолмай, маҳсулотни истеъмолчига етказиб ҳам беради. Бошқача қилиб айтганда, агар транспорт бирон маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмол жараёнига етказиб бермаса, маҳсулотни тайёр, деб бўлмайди, чунки бу тақдирда истеъмол талаби қондирилмаган бўлади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳа учун характерли бўлган қуйидаги уч таркибий қисми

транспортдаги ишлаб чиқаришга ҳам тааллуқлидир, буларга: меҳнат ёки транспорт воситалари, меҳнат ашёлари ёки транспортдаги юк ва йўловчилар ҳамда кишиларнинг мақсадли фаолияти, яъни меҳнат киради.



Транспорт хизматлари бозорининг шаклланишини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиш учун уни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Транспорт хизматлари бозори – бу транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва транспорт хизмати истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф муносиблиги нархларида транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир. Жумладан, хизмат кўрсатиш транспорт тармоғида амалга ошириладиганлиги сабабли хизмат кўрсатишнинг мазмун-моҳиятини, яъни бу тушунча “инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият” сифатида характерланади. Шундай экан, юқоридагилардан келиб чиқиб, транспорт хизматлари кўрсатиш – бу транспорт хизматларини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида йўловчиларни ташиш, юк ортиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуи тушунилади. Хизматлар бозори - бу хизмат кўрсатувчилар ва хизматнинг истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф муносиблиги асосида сервис хизматини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир.

Транспорт хизматлари бозори – бу транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва транспорт хизмати истеъмолчилари ўртасида

талаб ва таклиф мутаносиблиги нархларида транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир.

Умумий тарзда транспорт хизматлари жараёнини ташкил қилиш дейилганда корхоналар ишлаётган (фаолият кўрсатаётган) регион иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда юк ва йўловчилар олишни ўрганиш, миқдорлар билан шартнома тузиш, ҳамма шароитларни ҳисобга олиб, юк ва йўловчиларни ташиш, юк ортиш, тушириш, йўловчиларни чиқариш, туширишни ташкил қилишга қаратилган фаолият тушунилади.

Кейинги йилларда, Республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида мавжуд муаммо ва қийинчиликлар мавжуд бўлиши ташкилий – иқтисодий механизмларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам, биз Республикамиз ва унинг ҳудудларида транспорт хизматлари кўрсатишнинг янги ташкилий – иқтисодий механизмларини ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий белгилари бўйича таснифланди.



14.3-расм. Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

14.3-расмдан кўринадик, транспорт хизматлари кўрсатиш, транспорт хизматлари бозори ва муносабатларининг ҳуқуқий механизмлари ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий норма ва меъёрлар ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, Ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бунда республикамизнинг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, соҳа фаолиятини мувофиқлаштирувчи идора ва ташкилотларнинг турли йўриқномалари, Низом ва қоидалари, ҳудудларда ҳокимликларнинг Фармойишлари ва қарорлари ҳамда минтақавий идоралар ва бошқармаларнинг бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари хизмат қилади.

14.3. Транспорт хизматларини самарадорлигини оширишда диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳамда уни Республикада тараққий эттиришнинг асосий устувор йўналишлари.

Ҳар қандай хизмат маълум даражада самарали бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масала бевосита унинг таърифини беришни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Бироқ, шунинг эътирофи этиш керакки, мазкур соҳада самарадорлик тушунчасига фақат иқтисодий нуқтаи назардан қараб бўлмайди. Чунки ушбу масалага фақат транспорт корхоналари нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу ерда ижтимоий масала, яъни йўловчилар манфаати четда қолиб кетиши мумкин. Бунинг инобатга олмаслик мумкин эмас. Мос равишда ушбу тушунчанинг таърифида давлат ва жамият манфаатлари ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Чунки манфаатлар муштараклигини таъминламаган ҳар қандай самарадорликнинг бардавомлиги бўлмайди ва мос равишда, бундай самарадорликнинг жамият учун кераги ҳам йўқ.

Транспорт корхоналари томонидан кўрсатиладиган йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигига қуйидагича таърифни беришни лозим, деб топдик. Ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги деганда маълум вақт бирлигида ташилган йўловчилар ва юкларни ва сотилган хизматлар ҳажмининг сарфланган ҳаражатлар ёки ишлатилган ресурсларга нисбати билан аниқланадиган кўрсаткичларнинг миқдори тушунилади.

Ушбу таъриф ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ушбу таърифни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги деганда маълум вақт бирлиги олинган бўлиб, улар замон нуқтаи назаридан чегараланган. Чунки, ҳар бир кўрсаткич маълум бир вақт доирасида содир бўлган жараёнларнинг рақамларда ифодаланишини ҳарактерлаши Ушбу таъриф йўловчи ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, самарадорликни аниқлаш учун албатта натижа кўрсаткичи бўлмоғи лозим. Шу жиҳатдан, натижа кўрсаткичи сифатида ташилган йўловчилар ва сотилган хизматлар ҳажми олинган. Учинчидан, самарадорликнинг яна бир муҳим жиҳати, шу еришилган натижа учун сарфланган ҳаражатлар ва ишлатилган ресурсларнинг мавжудлигидир. Уларнинг самаралими ёки самарасизлигини билиш учун натижа билан ҳаражатларнинг нисбати олинади. Бу ҳам таърифда ўз аксини топган. Тўртинчидан, самарадорликни ифодаловчи миқдор, унинг кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Улар вақт ўтиши билан доимий равишда ўсиш тенденциясига ега бўлишлиги ёки барқарор ҳолатда сақланиб туришлиги лозим. Шундагина уларнинг фаолиятини самарали, деб баҳолашимиз мумкин. Аммо шундай ҳоллар ҳам учрайдики, самарадорлик кўрсаткичи олдинги даврга нисбатан кам бўлиши мумкинки. Бу дегани ушбу жараён ёки ресурс самарасиз дегани емас, балки шу даврда самарадорликнинг маълум миқдорга пасайганлигини кўрсатади.

Мазкур таърифда жамият манфаати ҳам яширинган ҳолда ўз ифодасини топган. Чунки йўловчиларни ташиш уларнинг ишга бориши ва ишдан қайтиши, бирорта манзилга етиши, бирорта масалани ҳал қилиши, шахсий еҳтиёжлар билан ҳаракат қилиши кабиларни ҳам таъминлаб боради. Буларнинг ҳаммаси пировардида ижтимоий еҳтиёжларни қондиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги таърифлар ва таъкидлар билан бирга ташиш транспортида ташиш хизматларини амалга ошириш учун шу жараён билан боғлиқ бир қанча атама ва тушунчаларнинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир,

Мазкур қонунда юқорида қайд етилган тушунчалар кўп қўлланилганлиги ва қонунинг асосий ўзагини ташкил қилиши муносабати билан улардан кенг фойдаланилган. Бу жараён ушбу атамаларга тегишли тарзда изоҳ беришни тақозо қилади. Жумладан, “Автомобил транспорти тўғрисида”ги қонунда автомобил транспортига қуйидагича таъриф берилган. “[СПиТ:

1. Транспорт / Автомобиль (автомобиль транспорти)]

Автомобил транспорти — таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодиёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу

жумладан почтани (бундан кейин — йўловчилар, багаж ва юклар деб юритилади) автомобилда ташишга бўлган еҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи”, деган изоҳ берилган. Бу ўз навбатида унинг таърифини такомиллаштириш учун асос бўлади. Бизнинг фикримизча ушбу атамага қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. “Автомобил транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 29 август.

Транспорт хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги умумий кўрсаткичлар гуруҳининг унсурлари қуйидагича ҳисобланади:

Транспортдан фойдаланиш фаолиятидаги умумий даромад ҳажмининг ўсиш суръати (самарадорлиги):

$$C_{m\partial} = \frac{D_p}{D_b} * 100$$

бунда: D_p , D_b - мос равишда умумий даромаднинг ҳажми режалаштирилган ва базис даврларидаги умумий даромаднинг ҳажми (сўм).

Транспорт корхонаси фойдаси транспорт хизматини кўрсатишдан олинган даромад билан унинг тўла таннархи ўртасидаги фарқ бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун ҳам фойдаланилади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi = D - T - A$$

бу ерда: Φ – транспорт корхонаси фойдаси;

D – транспорт корхонаси даромади;

T – транспорт хизматининг тўла таннархи;

A – йўл жамғармасига ажратма.

Хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръати (самарадорлиги)

$$C_{m\ddot{y}} = \frac{P_p}{P_b} * 100$$

бунда: P_p , P_b — мос равишда режалаштирилган ва базис даврларда транспорт хизматлари ҳажми (сўм).

Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида транспорти хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолашга қуйидаги омиллар таъсир этади:

–Рақобатбардош транспорти хизматини кўрсатиш тизимини яратиш. Айниқса, бунда транспорти хизматларини кўрсатишда ташиш тезлигини ва пассажирларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш, кўпроқ хизмат кўрсатиш ҳажмини амалга ошириб, хизматлар баҳосини арзонлаштириш асосида аҳолини шу транспорт хизматларидан кўпроқ фойдаланишларига эришиш.

–Юқори транспорт хизмати кўрсатиш тизимига асосланган логистик транспорт хизматининг шакллантирилгани. Алоҳида олинган ҳудудлар бўйича транспорт хизматларини кўрсатиш бўйича логистик марказни шакллантириш.

–транспорти харажатларини камайтириш асосида янги имкониятларни очиб берилиши. Бу борада алоҳида эътироф этиш зарурки, “...тадқиқотларнинг кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда автомобилларда ташиш таннархи ривожланган мамлакатларга нисбатан 1,5 баробар юқори экан. Йўл ҳолати таъсирида ташиш тезлигининг пасайиши, ташиш таннархининг 1,5-1,6 мартабагача, автомобилларнинг эксплуатацион харажатлари 1,6-2 баробарга ошар экан.

Йўллари ривожланиш даражасининг иқтисодиётдаги автомобиллашув ва транспорт ташувларига бўлган талабга мос келмаслиги пировард натижада давлат бюджети харажатларининг ошиб кетишига олиб келар экан”.

–Республикамизда алоҳида олинган транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва натижада бозор конъюнктурасини янги сегментларини шакллантиришга имкон бериш. Айниқса, транспорт хизмати бозори ҳолатини баҳолаш, унинг ўзгариш истиқболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш, тармоқнинг узоқ муддатли стратегияси, унинг жорий сиёсатига бевосита таъсир этади ҳамда молиявий, ишчи кучи ва моддий – техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ва уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади.

–Республикада транспорт хизматларининг ривожланиши учун мазкур соҳага ташқи ва ички инвестицияларни киритишни кучайтириш. Шу асосда ўсиб борувчи хизматлар самарадорлигига эришиш.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, транспорт хизматлари самарадорлигининг бундан кейинги ривожи мазкур соҳада алоҳида олинган иқтисодий кўрсаткичлар тизимини шакллантиришни ҳамда самарадорликни баҳолашни чуқур такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумфойдаланадиган транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш айланмаси (миллиард йўловчи-километр)⁴²

№	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2020		
1.	Автомобиль	56,7	61,5	66,2	71,0	76,0	81,1	85,5		
2.	Автобус	3,9	3,6	3,7	4,0	4,1	3,8	2,9		
3.	Шаҳар электр транспорти	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5	0,4	0,4		
4.	Темир йўли	2,9	3,0	3,4	3,7	3,7	3,8	3,9		
5.	Ҳаво йўли	5,8	6,3	7,0	7,1	7,0	6,8	6,7		
6.	Транспорт – жами	66,0	71,3	77,1	82,3	87,3	92,1	96,5		

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Таянч иборалар:

Транспорт, транспорт хизматлари, автомобил йўналиш хизматлари, транспорти хизматлари бозори, иқтисодий янгилашиш, автомобил транспорти, йўловчилар, пассажирлар, автотранспорти хизмати, транспорт йўллари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Транспорт сўзининг мазмун моҳиятини асослаб беринг?
2. Транспорт фаолиятида даромад ва харажатлар нималардан иборат эканлигини тушунтиринг?
3. Йўналиш хизматлари деб нимага айтилади?
4. Модернизация транспорт хизматлари билан боғлиқлигини тушунтиринг?
5. Йўллар ривожланиш даражасининг иқтисодиётга боғлиқлигини тушунтиринг?
6. Транспорти харажатларини камайтириш қандай амалга оширилишини тушунтиринг?
7. Транспорт хизматларининг ривожланиши зарурати моҳиятини тушунтиринг?

XV БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ НАРХЛАШТИРИШ

15.1. Ўзбекистон Республикаси хизматлар соҳасида давлат хизматларининг зарурияти, моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрни.

15.2. Ўзбекистонда Давлат хизматларининг турлари ва ривожлантиришнинг аҳамияти.

15.3. Хизмат кўрсатиш соҳасида нарх сиёсати, нарх турлари ва нархларнинг функциялари.

15.4. Хизмат курсатишда нархларни аниқлаш усуллари ва баҳолаш даражаси ва нарх стратегияси

15.1. Ўзбекистон Республикаси хизматлар соҳасида давлат хизматларининг зарурияти, моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрни.

Давлат хизматларини иқтисодий максади қуйидагилардан иборат:

- * Давлат томонидан иқтисодиётни самарали тартибга солиш;
- * Давлат мулкни бошқариш;
- * Аҳолининг муҳим хизматларга булган эҳтиёжини кондиритиш орқали турмуш даражаси ва сифатини ошириш;
- * Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, ижтимоий- иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- * Давлат аппарати харажатларини камайитириш, давлат ижтимоий ресурсларини қўлайитириш ва бошқалар. Давлат хизматларини ташкил этишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат:
 - * давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қўйи бугинлар билан тезкор алоқани йўлга қўйиш;
 - * инсонлар, фуқоралар қўйналмаслиги, вақт ва маблағ тежамкорлиги учун;
 - * коррупциянинг олдини олиш, ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш учун;
 - * ”фуқоралар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида иш юритиш;
 - * адолат бузилмаслиги учун барча фуқораларга ўз вақтида ва сифатли, тезкор хизмат курсатиш;
 - * халқ билан мулоқат қилишни қўлайитириш, ижтимоий адолат ва демократик тамойилларни таъминлаш учун;
 - * хизматларни рақамлаштириш жараёнларини самарали йўлга қўйиш;

* Давлат хизмати деганда, аҳолига ва юридик субъектларга кўрсатиладиган давлат хизматлари билан боғлиқ муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларга асосланган кўрсатиладиган хизматлар тизими тушунилади. Давлат хизмати таснифи бўйича тадқиқотлар кўрсатдики, мамлакатимиз олимларининг илмий қарашларида давлат хизматчиларининг турлари ва уларни таснифлаш юзасидан ханузгача ягона ёндашув мавжуд эмас.

* Давлат хизматини муҳим хусусияти куйидагилардан иборат:

* Бунга сабаб сабаб: биринчидан, ушбу соҳанинг ижтимоий ҳаётимизга яқинда кириб келганлиги бўлса, иккинчидан бу соҳада ҳали тадқиқотлар деярли олиб бормаганлигидир.

* Бу эса давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида мамлакатда кечаётган ислоҳотлар бундан кейин янада янги мазмун ва йўналишларда давом этиши, бунда бугунги кунда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлардан кўзланган мақсад замонавий талабларга мос келадиган давлат хизматлари тизимини шакллантириш, шунга мос бўлган давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш, пировардида давлатнинг жамият манфаатларига кўпроқ хизмат қилишига эришиши лозимлигидан иборат. Ўзбекистонда Давлат хизматларини ривожлантиришнинг

* Меъёрий ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ-3430-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3701-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади

15.2. Ўзбекистонда Давлат хизматларининг турлари ва ривожлантиришнинг аҳамияти.

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш натижасида мамлакатимизда 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига 79 та (ва бундан ташқари 200 дан ортиқ ҳокимликлар) ваколатли органлар томонидан 693 та

кўрсатилаётган хизматларни кўриш мумкин. Аммо бугунги кунда мазкур соҳада етарли тажриба шаклланмаганлиги натижасида Ягона реестрда бирбирини такрорлаётган ёки бир хил ваколатдаги вазифалар бўйича икки ёки ундан ортиқ давлат идоралари томонидан хизматлар кўрсатилаяпти. Буларни қуйидаги рўйхатлардан ҳам кўриш мумкин. Масалан:

15.1-жадвал⁴³

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш натижасида мамлакатимизда ваколатли органлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар рўйхати

Т/р	Идора ва хўжалик бирлашмалари номи	Кўрсатилаётган хизматлар сони, та	Ҳиссаси
1.	Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси	17	2,5
2.	ҳуқуқ-тартибот органлари	64	9,2
3.	Марказий банк ва тижорат банклари	28	4,0
4.	Вазирликлар	184	26,6
5.	Кўмиталар	108	15,6
6.	Агентликлар	120	17,3
7.	Марказлар	22	3,2
8.	Инспекциялар	90	13
9.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари	28	4,0
10.	ва бошқалар	32	4,6
ЖАМИ		693	100

Бунда энг катта ҳисса 26,6 фоиз (184 та) вазирликларга, 15,6 фоиз (108 та) кўмиталарга, 17,3 фоиз (120 та) агентликларга тўғри келмоқда. Бундан кўриниб турибдики 59,5 фоиз хизматлар Республика идоралари зиммасида. Энг кам ҳисса эса 2,5 фоиз (17 та) Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тўғри келмоқда. Атиги 4,0 фоиз (28 та) хизматларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари кўрсатади. Бугунги кунда Давлат хизматлари марказлари ҳиссаси янада ортиб боради⁴⁴.

Дастлаб энг муҳим ишлардан бири Давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиришдан иборат бўлган ва у амалга оширилган.

⁴³ .И. Джаббаров Иқтисодиётни модернизациялаш шағоитида давлат хизматларини такомиллаштириш Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган (PhD) диссертацияси, 2022 й.

⁴⁴ <https://www.minjust.uz/uz/activity/state-services/89863/> 13

Асосий вазифа, уни бажарилишини амалиётда жорий этиш ҳисобланади.

Бунинг учун: Биринчидан, шакллантирилган реестр асосида мавжуд хизматларни тўлиқ кўриб чиқиш ва такроран бир нечта ташкилотларга юклатилган хизматларни бекор қилиш;

Иккинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш тизимида рақамлаштириш ва «Электрон ҳукумат» тизимини кенг жорий этиш:

учунчидан, барча давлат хизматлари мавжуд бўлган юқори ташкилотларни Давлат хизматлари марказлари билан электрон ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Туртинчидан, Давлат хизматлари марказлари томонидан «Давлат хизматлари»ни ва «Давлат хизматини кўрсатиш натижасини берувчи ваколатли органлар» рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва замонавий асосда қайта шакллантириш; Бешинчидан, Давлат хизматларини кўрсатиш буйича инновацияга асосланган, янги когнетив тизимини яратиш;

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги замонавий хизматлар жорий этиш мақсадида АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Жанубий Корея, Канада, Австралия, Грузия, Озарбайжон, Эстония ва Қозоғистон давлатлари тажрибалари қараб чиқилган. Жумладан: Қозоғистонда давлат хизматлари соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Айни кунда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган Давлат хизматлари 12 та йўналишда жами 204 тани ташкил этади.

Жанубий Корея тажрибасига кура давлат хизматида янги авлод тармогини ривожлантириш учун 1,5 млрд АҚШ доллари сарфланган.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги замонавий хизматлар жорий этиш мақсадида АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Жанубий Корея, Канада, Австралия, Грузия, Озарбайжон, Эстония ва Қозоғистон давлатлари тажрибалари қараб чиқилган. Жумладан: Қозоғистонда давлат хизматлари соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Айни кунда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган Давлат хизматлари 12 та йўналишда жами 204 тани ташкил этади.

**Қозоғистонда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган
мавжуд давлат хизматлари статистикаси⁴⁵**

Т/р	Йўналиш номи	Хизматлар сони	Ҳиссаси фоизда
1.	Оила	32	15,7
2.	Тиббиёт	7	3,4
3.	Таълим	16	8,8
4.	Меҳнат ва бандлик	12	5,9
5.	Ижтимоий таъминот	14	6,9
6.	Фуқаролик ва миграция	9	4,4
7.	Кўчмас мулк	30	14,7
8.	Солиқ ва молия	19	9,3
9.	Ҳуқуқий ёрдам	24	11,8
10.	Транспорт ва алоқа	35	17,2
11.	Туризм ва спорт	5	2,5
12.	Ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик	1	0,5
ЖАМИ		204	100

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, бизга қўшни бўлган Қозоғистон Республикасида ҳозирги кунда жисмоний ва юридик шахсларга 204 та давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бунда энг катта салмоқни 17,2 % транспорт ва алоқа хизматларига тўғри келмоқда. Энг паст улуши, яъни 0,5 %ни ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик хизматлари эгалламоқда. Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган давлат хизматларини янада такомиллаштириш, мазкур соҳада кенг қамровли «йўл хариталари»ни 8 <https://egov.kz/cms/ru/news> 15 ишлаб чиқиб, аҳолига янада осон ва содда хизматларни жорий этиш мақсадида аниқ тадбирларни белгилаш тавсия қилинди. “Рақамли идора” лойиҳалар доирасида давлат органлари иш юритувида рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб –таомилларини оптималлаштириш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш.

“Фуқороларнинг рақамли распорти” лоиҳасининг жорий қилиш ҳисобида аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётлар бекор қилиш.

* Хорижда Ўзбекистон фуқороларга давлат хизматларини курсатиш амалиётини кенгайтириш .

* Давлат хизматларини режаллаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга утказиш.

⁴⁵ И.И. Джаббаров Иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлат хизматларини такомиллаштириш

* 10 мақсад. Давлат фуқоролик хизмати тизимини замонавий стандарлар асосида ташкил этиш.

* Давлат хизматида коррупсия омилларини бартараф этиш. Кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самадорлигининг баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

* Давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самадорлик курсатчилари (КРІ) асосида баҳолаш тизимини буйича “Миллий рейтинг” Тизимини жорий этиш.

15.3. Хизмат кўрсатиш соҳасида нарх сиёсати, нарх турлари ва нархларнинг функциялари.

* Хизмат кўрсатиш Корхонада нарх белгилаш қарори унинг шаклланиш жараёни ва ҳар хил нархлаш усулларидан фойдаланиш натижасида бир нечта вариантлардан танлаб олинган ўзига хос (пул бирликлари билан ифода этилган) қийматдир. Хизмат кўрсатиш Корхонада нарх белгилаш қарори нарх-навонинг асосий йўналишларини амалиётга татбиқ этиш натижасида нарх-навонинг турли хил усулларини жалб қилиш орқали пайдо бўлади.

* *Хизмат кўрсатишда Нарх сиёсати бу хизмат курсатиш корхоналарида нархни аниқлаш ва нархларни узгаришини тахлил қилиш, нархни узгаришини самарали ташкил этиш ҳамда нарх функцияларини назорат қилиш мажмуасини уз ичига олади.* Хизмат кўрсатиш Ташкилий структура ва маъсулият чегараларини тушунтириш муҳимдир, чунки этарли даражада ҳамкорликдаги ташкилий тузилма ҳақиқий вазиятдаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб берадиган қарорлар эмас, балки мунтазам қарорлар қабул қилиш тенденциясига эга.

* Хизмат кўрсатиш нарх сиёсати аниқланганидан сўнг, алоҳида маҳсулотлар учун нархланиш вазифаси ташкилотнинг тузилишининг паст даражаларига ўтказилиши мумкин.

* Хизмат кўрсатиш Корхонанинг турли хизматлари вакиллари нарх-наво масалалари буйича фикрлар ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Сотувлар бўлими бошлиғи, маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш учун арзон нарх белгилашни истади. Молия мутахассислари нархлари ва ривожланиш харажатларини тезда қоплашдан хурсанд бўлишади.

* Хизмат кўрсатиш Нарх реклама мазмуни ва реклама усулини танлаш учун катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш хизмати нархнинг нархига қизиқиш билдиради, чунки нарх сотув ҳажмига ва шу билан, қувватни ишлатиш даражасига таъсир қилади.

* Хизмат кўрсатиш Корхонанинг нархлаштириш стратегияси маҳсулотнинг ҳаётийлик айланиш даврining қайси босқичига боғлиқ эканлиги, Хизмат кўрсатиш Янги маҳсулотни киритиш босқичидаги нарх одатда юқори, ўсиш босқичида бир оз пастроқ, етуклик ва пасайиш босқичида, бу пасайиш давом этаётганлигини билдириди.

* Хизмат кўрсатиш корхонаси учун нархларни давлат томонидан тартибга солиш омили ҳисобга олинади. Фаол нарх-наво сиёсати ёрдамида давлат фақат бозор иқтисодиётига (узоқ муддатли илмий ва техникавий ўзгаришлар, ҳарбий-саноат комплекси, транспорт, алоқа, шаҳар иқтисодиёти) манфаатли бўлмаган ишлаб чиқарувчилар учун бизнесни самарали ташкил қилишга қаратади. Бу, ҳар иккала шартнома нархида ҳам, давлат буюртмаси ва харидлари орқали амалга оширилади.

* Хизматларнинг максимал нархи талаб билан, минимал - Хизмат кўрсатиш харажатлари бўйича аниқланади. Бироқ товарларнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатадиган рақобатчилар маҳсулотларининг нархи ва сифати бор. Бунинг учун солиштирма харидлар таҳлил қилиш асосида рақобатчиларнинг Хизмат кўрсатиш маҳсулот сифати ва нархига нисбатан хулоса чиқарилади.

* Рақобат шароитида Хизмат кўрсатиш тадбиркорлар ўзларининг маҳсулотларини сотишда товарларнинг оптимал нархини топишади. Хизмат кўрсатиш нинг реал нархи бозордаги таклиф ва таклифни таққослаш асосида аниқланади. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга, энди ҳисоблаб оптимал нарх, реал ставкалари ўрнатиш даражасига интилганлар.

* Хизмат кўрсатиш Нархларни таснифлаш.

* Бир қатор белгилари учун нархлар алоҳида турларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш Нархларнинг асосий, кенг тарқалган турларини кўриб чиқамиз;

* Хизмат кўрсатиш соҳасига қараб нарх турлари:

* Нархлар Хизмат кўрсатиш ва хизматлар сотиш, маҳсулот сотилиши, савдо операциялари миқдори ва сотилган товарларнинг характери билан савдо-сотиқнинг турини белгилайди. Ушбу белгиларга кўра, Хизмат кўрсатиш нархлар улгуржи, чакана, таъминот ва тарифларга бўлинади.

* Хизмат кўрсатиш *Улгуржи савдо баҳоси* - бу улгуржи савдо деб аталадиган шароитда маҳсулотларни (хизмат кўрсатиш) катта гуруҳларда сотиладиган *баҳолардир*. Улгуржи нарх тизими корхоналар ўртасида савдо ва савдо операцияларида, шунингдек, ихтисослаштирилган дўконлар ва улгуржи савдони сотиш бўйича

идоралар орқали, савдо биржаларида ва йирик ҳажмдаги товарларни сотадиган бошқа савдо ташкилотларида сотилади.

* Бозор иқтисодиёти савдо амалиётида саноат ва техник мақсадлар учун Хизмат кўрсатиш нархларини ва истеъмол товарларини сотиш нархларини ажратиш одатий ҳол эди.

* Одатда, улгуржи нархларда Хизмат кўрсатиш корхоналар маҳсулотларини бир-бирларига ёки сотувчиларга сотадилар. Бунда улгуржи зарурият ишлаб чиқариш чекланган миқдордаги Хизмат кўрсатиш ни локаллаштирганда содир бўлади ва истеъмол ҳажми кенг радиусга эга бўлади.

* Хизмат кўрсатиш *Чакана савдо* - бу чакана савдо тармоғида товар сотиладиган нарх, яъни ҳар бир сотувнинг нисбатан кичик ҳажми билан индивидуал сотувчиларга сотиш бўйича, чакана нархларда одатда аҳоли ва кам миқдордаги истеъмол товарлари - Хизмат кўрсатиш корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорларга сотилади.

* Хизмат кўрсатиш Чакана савдо кўпинча якуний истеъмолчилар, уй хўжаликлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

* Хизмат кўрсатиш Чакана нарх одатда савдо нархининг катталиги бўйича улгуржи нархдан юқори бўлиб, чакана савдода тарқатиш харажатларини қоплайди ва ташкилот ва чакана корхоналарнинг даромадини ҳосил қилади.

* *Харид қилиш нархи* - корхона, ташкилот, жамоатчилик маҳсулотларини давлат томонидан сотиб олинadиган нарх. Ўзбекистон иқтисодий амалиётида ҳам, аҳоли истеъмолининг асосий товарларини, армия ва давлат заҳираларини ташкил этиш учун харид нархларида ишлаб чиқарувчилардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш маълум даражада кенг тарқалган. Шу билан бирга, принципаал жиҳатдан "харидлар нархлари" атамаси давлат харидларининг барча турларига нисбатан анча кенг шарҳланиши мумкин.

* Баъзи хусусиятлар, юқорида айтиб ўтилганидек, маҳсулотни ўзининг моддий шаклида яратмаган, лекин мавжуд бўлган маҳсулотнинг сифати ўзгариб турадиган хизматлар нархига боғлиқ. Кўп ҳолларда хизматлар ишлаб чиқариш уни истеъмол қилиш бошланишига тўғри келади. Хизмат турларининг ўзига хослиги тарифлар (нархлар) деб номланган хизматлар нархларининг шаклланишига сабаб бўлади. Хизматлар учун тарифларни белгилашда нафақат иш ҳажмини, балки вақт омили ҳам эътиборга олинади ва сифати муҳим рол ўйнайди. Мисол учун коммунал хизматлар ва шахсий хизматлар учун тўловлар, телефон тўловлари, радио ва телевидениядан фойдаланиш даражасидир.

15.4. Хизмат кўрсатишда нархларни аниқлаш усуллари ва баҳолаш даражаси ва нарх стратегияси

Хизмат кўрсатишни баҳолаш даражаси ва усуллари билан фарқ қилувчи нархлар турлари қуйидагилар киради:

Тартибга солиш даражаси ва усули бўйича нархлар гуруҳларга бўлинади:

- 1) қатъий белгиланган (тайинланган нархлар);
- 2) ўзгартирувчан (ўзгарувчан нархлар);
- 3) шартнома (шартнома нархлар);
- 4) эркин (бозор нархлари).

Хизмат кўрсатиш *Қатъий белгиланган нархлар* - нархлаш органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан Хизмат кўрсатиш корхоналари учун белгиланади, уларнинг даражаси хужжатлар билан белгиланади. Ишлаб чиқарувчилар ҳам, товар сотувчилар ҳам Хизмат кўрсатувчилар ҳам бундай нархнинг қийматини бирон бир йўналишда ўзгартиришга ҳақли эмаслар, бундай ўзгаришлар қонун билан ўрнатилади. Марказлашган бошқариладиган иқтисодиётда, белгиланган нархлар кенг тарқалган бўлиб, улар Хизмат кўрсатишда давлат нархлари сифатида танилган.

Ўзгарувчан нархнинг давлат идоралари томонидан тартибга солинаётганлиги сабабли, бу нархлар Хизмат кўрсатишда ўзгарувчи (ўзгарувчан) нарх дейилади. Давлатнинг нархларга таъсирини тартибга солиш чекланган бўлса, билвосита табиатда талабнинг ўзгариши ва хизматлар кўрсатиб беришга таъсири орқали амалга оширилади. Масалан, агар ушбу турдаги хизматни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун хизматларга нисбатан юқори нархни белгилаш зарур бўлса, давлат ушбу гуруҳ товарлари, хизматлари учун харидорлари ва истеъмолчилари томонидан тўланган солиқларни камайтириши мумкин, бу эса хизматларга бўлган талабнинг ошишига ва шунга мос равишда нархнинг ошишига олиб келади. Худди шу тарзда, нархларни пасайтиришга ҳисса қўша олади. Баъзи ҳолларда Хизмат кўрсатишни ривожлантиришни рағбатлантириш учун истеъмолчи сотиб олиш кучини ёки ундан пастки чегараларни кенгайтириш учун айрим тоифадаги хизматлар нархининг юқори чегарасини, чеклайди.

Бироқ, ҳар иккала йўл ҳам бир қатор *муҳим камчиликларга эга бўлиб*, бу усулни камдан-кам ишлатишга олиб келади. Ҳақиқатан шундагина, давлат, масалан, юқори нарх чегарасини белгилаш, уни анча паст даражага кўтаради мувозанатнинг юқори даражадаги нархи, эса таклифни камайтиришга ва товарларга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Бундай нарх-навонинг натижаси - маҳсулот етказиб беришдан, яъни маҳсулот танқислигидан ортиқча талабнинг ортиши ва шунинг

учун ҳам харидорнинг йўқолган маҳсулотни янада юқори нархда сотиб олиш истаги, орқали эса сотувчиларнинг қўшимча харажатлари сабабли хизматлар нархнинг мувозанатдан юқори бўлишини таъминлайдиган қора бозорни яратади ноқонуний равишда сотилган хизматлар (поралар, хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар). Бундай ҳолатда, тартибсиз нархларда шартнома асосида сотиб оладиган ҳар иккала харидор ҳам арзонроқ хизмат курсатишга, шунингдек, давлатнинг ўзи зарар кўради.

Хизмат кўрсатишда маълум миқдорда зарарлар ҳам кўрилади - арзон нархларда хизматларини сотиш фойдали эмас ва улар ишлаб чиқаришни камайтиришга киришади. Худди шундай, ноқулай русм ривожланади ва нархнинг пастки чегарасини белгилайди.

Хизмат кўрсатишда Қиймат бўйича нархни тартибга солиш давлат органлари томонидан маржинал рентабеллик даражасининг (даромадлилик) тасдиқланиши билан ҳам амалга оширилиши мумкин, бу эса марказлаштирилган иқтисодиётда нархларнинг таъсири тенденцияларига мос келади. Бу даромаднинг харажат (харажат) га ёки нархга нисбати маълум даражадан ошмаслигини билдиради.

Хизмат кўрсатиш *Шартнома нархи* - бу қиймат сотувдан аввалги келишув билан белгиланади, сотувчи ва харидор ўртасида ҳужжатлаштирилган шартнома. Бизнесни замонавийлаштириш амалиётида шартномаларда нарх даражаси белгиланадиган махсус бўлимни ажратилади.

Баъзи ҳолларда шартнома нархларнинг мутлақ қийматини белгиламайди, лекин нарх (юқори ва паст), юқори ёки пастки даража (юқори ёки паст бўлмаган) ёки уларнинг давлат, бозор, жаҳон нархлари билан боғлиқлиги, Инфляция, фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиши, янги қонунлар қабул қилиниши сабабли шартномада белгилаб қўйилган нархлардаги ўзгаришларнинг йўл қўйилиши ҳам кўзда тутилган.

Эркин бозор нархи уларнинг номларидан тушунилганидек, давлат идоралари томонидан бевосита нархлари аралашувидан озод қилинадилар, бозор шароитлари, хизмат кўрсатишда таклиф ва талаб қонунлари таъсир қилади ва мувозанат баҳоси, яъни талабнинг ҳажми бозорда хизматлар этказиб бериш ҳажмига тенг нарх деб аталади. Назарий жиҳатдан, одатда, хизмат кўрсатишда харидорлар ва сотувчилар ўртасида эркин савдолашиш жараёнида бозор баҳоси шаклланиши керак. Бироқ, нафақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки харидор ва сотувчиларнинг хулқ-атвори ва манфаатларига тааллуқли бўлган бир қатор омилларнинг бозор нархларини белгилаш жараёнига таъсир қилишининг олдини олиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, хизмат кўрсатиш эркин бозор ёки мувозанат баҳосини, бир томондан, хизмат кўрсатишда истеъмолчилар учун қўшимча қийматга эга бўлган

нархга тенг нарх сифатида белгилаш ва бошқа томондан, сотувчи учун қўшимча хизмат кўрсатишни амалга ошириш ва сотиш қийматидир.

Рухсат этилган давлат нархларидан эркин бозор нархларига ўтиш баҳони эркинлаштириш деб аталади.

Хизмат кўрсатишда бошқа турдаги нархлар.

Юқорида баён қилинган нархларнинг асосий турлари билан бир қаторда, иқтисодий амалиётда бошқа нарх гуруҳлари ҳам қўлланилади, улар турли хил асослар билан ажралиб туради.

Булар жумласига иқтисодий таҳлил, режалаштириш ва статистика, шунингдек тадқиқот мақсадлари учун жорий, долзарб бўлган ҳолатлар билан биргаликда улар солиштирама ёки *барқарор нархлар* деб аталади. Кўп ҳолларда, инфляция жараёнларининг табиий ўзгариши туфайли бундай хизмат нархлардан фойдаланиш объектив зарур ҳисобланади.

Худди шу мақсадда, *реал нархлар* ҳам қўлланилади, бу умумий нарх даражасига нисбатан ҳақиқий ҳолатни (қийматни), пулдаги ифодасини англатади. Хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнинг қарорларини қабул қилиш жараёнида харидор, шунингдек, бошқа маҳсулотнинг нархига ёки бошқа минтақадаги бир хил маҳсулотга нисбатан нисбий (таққосланадиган) нархларда, яъни ушбу Хизматнинг нархига қизиқиш билдиради. Бунинг учун нарх нисбати белгиланади. Кўпинча алмаштириладиган Хизматлар алмашинадиган нархларнинг нисбати билан белгиланади.

Янги ишлаб чиқилган хизматлар учун янги турдаги хизматларни лойиҳалаш жараёнида лойиҳа баҳоси қўлланилади. Уларнинг тахминий, ноаниқ характерини ҳисобга олсак, бундай янги нархларнинг чегара даражаси кўпинча хизмат кўрсатишдаги чегара нархларида белгиланади.

Қурилиш хизмати саноати объектларига нисбатан уларнинг дизайни босқичида объектни қуриш баҳоси қурилиш ва ускуналар учун барча турдаги харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ушбу нарх, одатда, хизмат курсатишда тахмин қилинган нарх деб аталади, чунки у тайёр қурилиш объектини яратиш хизматлари харажатларини умумлаштирадиган ҳисоб-китоблар асосида ҳисобланади.

Хизматлар нархларининг бир қисми қимматли қоғозлар, яъни нарх кўрсаткичлари ҳужжатли шаклда қайд этилади. Бундай ҳужжатлардаги хизматларнинг баҳоси рўйхат баҳоси деб номланади. Давлат нархидаги нархлар рўйхати шартларида кўрсатилганига асосан, баъзида эса бирламчи нарх белгисидир. Бозор иқтисодиётидаги хизмат кўрсатишда нархлар рўйхати мос ёзувлар ҳужжатида айланади.

Кўпинча, хизмат кўрсатишда нархнинг тури унинг ташкил этилаётган бозор тури билан ҳам белгиланади. Шу асосда хизмат кўрсатишда *фонд биржаси, аукцион, комиссия нархи* фарқланади.

Турли хил мамлакатларда бир хил турдаги хизматлар учун турли баҳоларнинг мавжудлиги *жаҳон нархларидан*, яъни хизмат кўрсатишда жаҳон бозор нархларидан фойдаланишга олиб келади. Жаҳон баҳоси ёки маълум бир гуруҳдаги хизматларнинг ҳақиқий жаҳон нархлари, халқаро савдо ташкилотлари маълум бир вақт мобайнида тан олинган баҳолар ёки турли мамлакатлар ва минтакаларда ўрнатилган хизмат кўрсатишда бир хил хизматларнинг ўртача нархи ҳисобланади. Қимматбаҳо махсус тоифалар - *норасмий*, қора ёки яшириш бозорларнинг хизматлар нархи, бу очиқ сотувда тақиқланган ёки турли хил сабабларга кўра ҳозирги вақтда сотувга тайёр бўлмаган кам хизмат кўрсатишларга бўлган нархлардир.

Хизмат кўрсатишда нархларнинг функциялари.

Иқтисодий категория сифатида хизмат кўрсатишда нарх бир қатор муҳим вазифаларни бажаради.

1) Хизмат кўрсатишда нархнинг асосий функцияларидан бири бу ўлчов бирлиги эканлигидир. Нархлар сотиш функцияси сифатида пул миқдори аниқлигига эришиш учун тўлов воситасининг пул маблағидаги миқдоридир.

2) Хизмат кўрсатишда нархларнинг бухгалтерия вазифаси нархлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун ижтимоий зарур меҳнат харажатларини акс эттиради. Нархлар хизмат кўрсатиш учун қанча меҳнат, хомашё, материаллар, таркибий қисмларни аниқлайди. Натижада, нарх фақат хизмат кўрсатиш ва маҳсулотни айирбошлашнинг умумий харажатларининг қийматини эмас, балки фойда миқдорини акс эттиради.

Хизмат кўрсатишда бухгалтерия функциясида нарх барча миқдорий кўрсаткичларни - миллий миқёсдаги ялпи ички маҳсулотни, миллий даромадни, капитал қўйилмаларни, айланма маблағларни, фирмаларнинг, корхоналарнинг ва саноатнинг маҳсулотларини ва сифатни - рентабелликни, самарадорликни, сармоядорлик самарадорлигини ҳисоблаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, нарх ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун ишлатилади, ички қарорлар қабул қилишнинг энг муҳим воситаси сифатида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

3) Хизмат кўрсатишда нархларнинг тарқатиш функцияси- бунда нархлар давлат томонидан нарх-наво орқали иқтисодиётнинг иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва бошқа тармоқлар, ҳудудлар,

жамғармалар ва аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида миллий даромадни қайта тақсимлашни амалга оширади.

Бу вазифа кўплаб солиқлар, жумладан, йўл жамғармалари, Пенсия жамғармаси, Ижтимоий суғурта жамғармаси, Бандлик жамғармаси маблағларини йиғиш манбаи сифатида, шунингдек билвосита солиқлар (ҚҚС ва акциз солиғи) нархига киритиш йўли билан амалга оширилади.

4) Хизмат кўрсатиш таъминот ва талаб баланси вазифаси нархнаво орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол, таклиф ва талаб ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини ифода этади. Нархлар хизмат кўрсатишда, ишлаб чиқариш ва айланиш соҳаларида номутаносибликни кўрсатмоқда ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишни талаб қилади. Бу таклиф ва талабларга мос келадиган мослашувчан восита сифатида хизмат қилади.

5) Хизмат кўрсатишда оқилона тақсимлаш воситаси сифатида нарх функцияси бозор иқтисодиёти шароитида ўзини тўлиқ намоён этади. Нарх механизми ёрдамида иқтисодиётнинг тармоқлари ва капитал оқимлари юқори даромадлилик даражасига эга.

6) Хизмат кўрсатиш нархнинг рағбатлантирувчи функцияси, муайян шароитларда, НРФ тезлашишини, маҳсулот сифатини яхшилашни, ишлаб чиқаришни оширишни ва унга бўлган талабни рағбатлантириши мумкинлигидан далолат беради. Бунинг сабаби шундаки, нархлар техник даражага ва маҳсулот сифатига қараб фарқланади. Шу сабабларга кўра нархлар ҳам ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган таъсирга эга бўлиши мумкин.

7) нарх жуда муҳим хизмат кўрсатишда ижтимоий функцияни амалга оширади. хизмат кўрсатишда хизматлар истеъмолининг таркиби ва харажатлар ҳажми, аҳоли турмуш даражаси, оиланинг истеъмол қилиш бюджети нархлар ва уларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Инсонларнинг нарх даражасига хизмат кўрсатишда ижтимоий муносабати ўзгариши сезгир ва юқоридир. Шу билан бирга, даромад, бозорда товарларнинг мавжудлиги, истеъмол таркиби каби бошқа ноанъанавий омиллар ҳисобга олинмайди.

* Бозор иқтисодиётида хизмат кўрсатишда буюмлар баҳоси доимий ўзгариб туради. Махсус турдаги хизматлар нархининг ўзгариши йўналиши ва муайян даврларда бошқача бўлиши мумкин. Бироқ истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳлари учун ҳам, уларнинг бутун номенклатураси учун ҳам умумий тенденциялар мавжуд.

* Шундай қилиб, нархлар умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир якка тадбиркорлик субъекти учун ҳам энг муҳими хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Бу нархлаш сиёсатининг аҳамиятини англатади.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР

ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

А

АБСОЛЮТ ЭҲТИЁЖ – иерархияда биринчи даражадаги эҳтиёж – озиқ – овқат, ноозиқ-овқат, уй – жой, маънавий, ахборотларга ва ҳ.к.

АВАНС - бунак. Бирор иш эвазига кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, маҳсулот, озиқ-овқат ва ҳ.к.

АВИЗО - ҳисоб-китоб операсияси хусусидаги расмий билдириш, миждозларга банк томонидан А. орқали амалга оширилган дебет ва кредит операсиялари, ёзувлари, ҳисобдаги қолдиқлар, пул ўтказишлар, чек ёзувлари, аккредитив очиш ва бошқа ёзувлар хусусидаги маълумотларнинг берилиши.

АВТАРКИЯ - (ўз-ўзига етарли)- бу ўзини ўзи маҳсулотлар билан таъминлаб, бошқалар билан камдан кам алоқага киришишдир. Асосан натурал хўжаликка хосдир.

АВТОМАТЛАШТИРИШ - (автоматизация) – Машиналар, механизмлар, ускуналар ёрдамида инсон иштирокисиз фақат унинг назорати остида ишлаб чиқариш, бошқариш ва жамият функцияларини амалга ошириш, абсолют кам ишчилар иштирокида механик операцияларни бажариш.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ - маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

АГЕНТ - Ташкилот, муассаса ва ш.к.нинг маълум вазифани бажариш учун тайинланган вакили.

АГЕНТЛИК ОПЕРАСИЯЛАРИ - бир томоннинг топшириғи билан келишилган ҳудудда иккинчи (агент) томон амалга оширадиган олди-сотди билан боғлиқ бўлган амалий ва ҳуқуқий ҳаракатлар.

АГРАР МУНОСАБАТЛАР - ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлардан иборат.

АГРОБИЗНЕС - деганда кишлоқ хўжалигидаги бизнес тушунилади. Кенг маънода, бунга кишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бизнес турлари киради.

АГРОФИРМА - муайян турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни саноат асосида қайта ишлайдиган корхонадан иборат.

АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ - қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва тижорат ишлари билан шуғулланувчи корхоналар йиғиндиси.

АДВАЛОР СОЛИҚ - маҳсулот қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, импортга нисбатан кўпгина божлар ва бошқалар киритилиши мумкин. Маҳсулотларни (жумладан, импорт маҳсулотларини ҳам), жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

АЖРАТИШ БАЛАНСИ – бу корхона ихтиёридан мустақил бошқа корхона ажралиб чиқганда бир – бирига маблағларни топшириш ва қабул қилиш санасига тузилган баланс.

АЙИРБОШЛАШ - (обмен) – Алмашиш, айирбошлаш, бирор товарни бошқа товар ёки маҳсулотга алмаштириш.

АЙЛАНМА КАПИТАЛ - (оборотный капитал, воркинг капитал) – Ишлаб чиқариш жараёнида бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилиниб, ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтиши.

АЙЛАНУВЧАНЛИК – бу қимматли қоғознинг бозорда харид қилинишга ва сотилишга, шунингдек, кўпчилик ҳолларда бошқа товарлар муомаласини осонлаштирувчи мустақил тўлов воситаси сифатида қўлланишига қодирлигидир.

АЙЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ - корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ ЮКЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ - айланиш коэффициентига тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ НОРМАЛАШТИРИШ - корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИ - (скорость оборота) – Пул массасининг йил давомида айланиш миқдори, пулнинг ҳаракат тезлиги.

АЙЛАНМА КАССА МАБЛАҒИ МЕЪЁРИ - молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар

ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФАРҚЛИ - бўлиб, улар муомала жараёни бир циклида тўла истеъмол қилинади ва ўз қийматини товарлар ва савдо хизматлари қийматига тўла ўтказилади.

АККРЕДИТИВ - банк ёки омонот банкларининг бирор шахс ёки ташкилотга маълум миқдордаги маблағни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборган буйруқ қоғози, масалан, жамғармалар банкига қўйилган пулни исталган омонат банкдан олиш учун берилган ҳужжат.

АКТИВ - (актив, ассет) – 1) Компанияга тегишли бўлган, пул маблағлари, бино ва ускуналар (асосий капитал), қимматли қоғозлар ҳамда патентлар ва “фирма қиймати” (ёланма активлар); 2) корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирадиган бухгалтерлик баланс қисми.

АКТИВЛАР НАРХИ - (цена актив) – Молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш вақтидаги нархи.

АКТИВ ОПЕРАЦИЯ - (активная операция) – Даромад олиш мақсадида корхонага тегишли қийматларга эга бўлган ресурсларини жойлаштириш.

АКТУАР ҲИСОБ-КИТОБЛАР - (суғуртада) - тариф ставкаларини ҳисоб-китоб қилишнинг иқтисодий-математик методлари мажмуи. Суғурта фондини вужудга келтиришда (яратишда) ҳар бир суғурталанувчининг (суғурта қилувчининг) иштирок этиш салмоғини аниқлаб беради, яъни тузилган суғурта шартномасига мувофиқ тариф ставкаларининг ўлчамини аниқлайди.

АКТИВ СЧЁТЛАР – корхона активларини акс эттиришга мулжалланган счётлар.

АКТИВЛАР - деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек номоддий мулки тушунилади.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ – хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири. Унинг капитали акцияларни жойлаштириш орқали шаклланади. Акционерлик жамиятлари пул жамғармаларининг ишлаб чиқариш инвестицияларига айланишига имкон беради. Акцияларни чиқариш капитални мобилизация (жалб)

қилишнинг энг самарали шаклларидан биридир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу корхоналар фаолият кўрсатишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

АКЦИЯ - акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти томонидан шу жамият капиталига ўз ҳиссасини қўшган пайчиларга, яъни ҳиссадорларга бериладиган ва уларга жамият ишида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, қимматбаҳо қоғоз. А.турли кўринишда бўлади: «номли» А.- умумий йиғилишда акционерга овоз бериш ҳуқуқини тасдиқлайди, дивиденд олиш ҳуқуқини (кафолациз) беради; «имтиёзли» А.- акционерга фаолият натижасидан қатъий назар муайян миқдордаги дивидент олиш кафолатини берувчи, лекин акционерлик жамияти умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермайдиган акция.

АКЦИЗ - кенг истеъмол моллари (қанд, гугурт, туз, тамаки ва ҳ.к.) га солинадиган қўшимча устама солиқ. Маҳсулотга ёки кўрсатилаётган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар) нархи устига қўйилади.

АКЦИЗ СОЛИҚ - (акцизный налог) – Айрим товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишга солинадиган солиқ.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - (акционерное общество) – Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланмаган хўжалик юритувчи субъект.

АКЦИЯЛАРНИНГ БАЛАНС НАРХИ – бу акциядорлик жамиятининг соф активлари ҳажмини (сўмлардаги) унинг жойлаштирилган (тўланган) акциялари сонига нисбати. Акциядорлик жамиятнинг соф активлари қуйидагича ҳисобланади: активлар (асосий воситалар, номатериал активлар, оборот маблағлар) суммаси минус жамиятнинг қарзлари (кредиторлар билан ҳисоб- китоблар, қарз маблағлари, келажак даврлар даромадлари). Акцияларнинг баланс баҳоси ҳар йили бир маротаба йиллик балансни ёпилишидан кейин ҳисобланади. Кўпинча акциянинг бозор нарҳини ҳисоблашда унинг баланс баҳоси ишлатилади. Акциялар даромадлиги облигацияларникига ўхшаш ҳисоблаб топилади.

АКЦИЯ БАҲОСИ- тушунчасини кўришда ҳисоблаб топиладиган баҳоси назарда тутилган *Акциялар* – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивидент олиш ва коида тарикасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли коғоздир.

АКЦИЗЛАР – кенг истеъмол товарлари ва хизматларидан олинадиган эгри (билвосита) солиқларнинг турларидан бири. Тегишли

маҳсулотнинг баҳоси, хизматнинг ҳақи ёки тарифнинг таркибига киритилади. Одатда юқори рентабелли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг юқори фойдасини бюджетга олиш учун сотилаётган маҳсулотларнинг сотиш баҳосига давлат томонидан ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган акциз тўланадиган маҳсулотларга акциз солиғи солинади. Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай маҳсулотларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғини тўлайди. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бундай товарлар жумласига ичимлик спирти, ароқ, ликёр-ароқ маҳсулотлари, узум виноси, конъяк, шампан виноси, пиво, икра, тамаки маҳсулотлари енгил ва юк автомобиллари, зеби-зийнат буюмлари, нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда шу кабилар киради. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки маҳсулотнинг табиий ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

АКЦИЯДОР - (акционер) – Корпорация (компания) акцияларининг эгаси.

АКЦИЯ ИНДЕКСЛАРИ - (индексы акций) – Акциялар курсининг ўзгариб боришини кўрсатадиган рўйхат. Масалан, Доу-Джонс индекси; ДАХ-30 индекси (Франкфурт фонд биржаси) ва бошқалар.

АКЦИЯ КУРСИ - (курс акций) – Акциянинг фонд биржасида сотиладиган баҳоси. Акция курси муайян акция келтирадиган даромад (дивидент)нинг ссуда фоизига нисбати асосида белгиланади.

АМОРТИЗАЦИЯ - пул шаклида тўпланиб борилади ва асосий фондалрни янгилаш, капитал таъмирлаш учун ишлатилади. Асосий фондалрни жорий ва капитал таъмирлаш даврида ва ишлатилмай тўрган даврида амортизация кўчирмалари амалга оширилмайди. Амортизация фақат хусусий асосий фондалрдан кўчирилади.

АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ - (амортизационные отчисления) – Бу асосий фондаларнинг эскириш ўрнини секин-аста тўлдиришдир. Амортизация ажратмалари тўлиқ ва қисман тикланишларга, яъни асосий фондалрни капитал таъмирлашга ишлатилади. Тўлиқ тикланадиган амортизация ажратмалари фақат жисмоний эскиришини эмас, балки асосий фондаларнинг маънавий эскиришини ҳам қоплаши керак. Чунки техник жихатдан эскирган объектлар гарчи жисмонан ишга яроқли бўлсада, иқтисодий жихатдан яроқсиз бўлиб қолади.

АМОРТИЗАЦИЯ НОРМАСИ - (норма амортизации) – Амортизация ажратмалари йиллик сўммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоизи.

АМОРТИЗАЦИЯ ФОНДИ – маҳсулотнинг таннархи таркибига киритиладиган амортизация ажратмалари ҳисобидан корхонада яратиладиган (вужудга келтириладиган, шакллантириладиган) пул маблағлари фонди.

АНАЛИТИК СЧЁТЛАР – бу маълумотларни турли батафсилликларда ва турли ўлчов бирликларида қайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар.

АНТИМОНОПОЛ СИЁСАТ - (антимонопольная политика)

АРАЛАШ МУЛК - бу турли шаклдаги мулкларнинг ўзаро қўшилиб, ҳамкорликда ўзлаштирилиши асосида ташкил топади. Унинг яққол кўриниши акционерлик жамиятлардир.

АСОСИЙ КАПИТАЛ - ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга қисман ўтказиб борувчи меҳнат воситаларидир.

АСОСИЙ ТАРМОҚ - корхонанинг жами товар маҳсулотида ёки ялпи маҳсулотида энг катта салмоққа эга бўлган, унинг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи ҳамда ихтисослашишини белгиловчи тармоқ.

АСОСИЙ ФОНДЛАР - корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.

АССОЦИАЦИЯ - (ассоциация) – Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

АУДИТ - 1) йиллик молия ҳисоботини текширувчи ва тасдиқловчи ихтисослашган ташкилот (ташқи А.). 2) акционерлик жамиятининг тафтиш ҳайъати (ички А.)

АУДИТОР- ревизор-тафтиш ўтказувчи, идоранинг, ташкилотнинг, акционерлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширувчи, тафтиш ўтказувчи шахс.

АУКЦИОНЛАР. Аукционлар ҳам ахборотлардаги асимметрияни йўқотадиган бозор ҳисобланади. Ноёб санъат намунасига, тез бузиладиган маҳсулотларга (сабзавот, мева, балик) нархлар сотиш вақтида ўрнатилади. Аукционларнинг асосан икки тури мавжуд: *Инглиз ва Голланд аукционлари*.

АУКЦИОН - (аукцион) – Товар ёки мол-мулкдан энг юқори нарх таклиф қилган шахс томонидан катта омма олдида ошкора сотиб

олиниши (ким ошди савдоси). Аукцион сотувчининг ўзи ташкил қилган, мажбурий ёки бу муносабатларда комиссиянер сифатида чиқадиган махсус ташкилот орқали амалга ошириладиган ким ошди савдоси бозори.

АХБОРОТ ҚИДИРИШ ҲАРАЖАТИ - бозордаги ахборотнинг асимметрик ҳолати билан боғлиқ. Харидорларни, сотувчиларни қидириб топиш маълум ҳаражат билан боғлиқ. Ахборотларни аниқ ва тўлиқ бўлмаслиги ортиқча ҳаражатларга олиб келади, яъни товар мувозанат нархидан юқори ёки паст нархда сотиб олинади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ - (доходы населения) – Аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлар миқдори.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ - аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлари миқдоридан иборат. АД га иш ҳақи, тадбиркор даромади, пенсия, нафақа, стипендия, капиталдан олинadиган фойда, пулдан олинган фоиз, дивиденд, рента, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотини, хунармандчилик буюмларини сотиш ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлардир.

АҲОЛИНИНГ ХАРИД ФОНДИ ДЕБ – аҳоли даромадларининг истеъмол товарлари сотиб олишга ажратилган қисми тушунилади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ – бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинadиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғим ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

АҲОЛИГА ТРАНСФЕРТЛАР – аҳолига тўланадиган мажбурий тўланмаларни (мамлакат қонунчилигига мувофиқ равишда ўрнатилган пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсацион ва бошқа ижтимоий тўловларни) молиялаштириш учун мўлжалланган бюджет маблағлари.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли юналтирилган кафолатлар тизими.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ – аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсирини юмшатиш.

АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Б

БАЗЕЛ ҚЎМИТАСИ ТАЛАБЛАРИ – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

БАЛАНС - бу, икки қисмдан иборат бўлган иқтисодий ҳисоб-китобдир. Биринчи бўлимда, ресурсларни ташкил этиш манбалари, иккинчисидан улардан фойдаланиш йўллари кўрсатилади. Икки бўлимнинг бир - бирига тенглиги ресурслар ва улар истеъмоли мутаносиблигини билдиради. Баланслар - моддий баланслар, меҳнат баланслари, молиявий балансларга, шунингдек, ҳисобот ва режа балансларига бўлинади.

БАЛАНС- БРУТТО - бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этмайди.

БАЛАНСЛИ ҚИЙМАТ - (балансовая стоимость) – 1) Узоқ муддатли активнинг йиғилиб қолган эскириш қиймати чегириб ташлангандан кейинги қоладиган дастлабки қиймати; 2) компаниянинг баланс қиймати; мажбуриятлар йиғиндисини чегириб ташлангандан кейин қоладиган соф активлар ва йиғма активлари; хусусий капитал; 3) акциянинг баланс қиймати; компаниянинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида аниқланади; компаниянинг йиғма активлари ва йиғма мажбуриятлари ўртасидаги фарққа имтиёзлаштирилган қимматли қоғозларнинг тугатилиши қиймати, муомалага киритиш учун чиқарилган оддий акциялар сонига тақсимланиб олинган сўмма, у оддий акцияларнинг баланс қийматидан иборат бўлади.

БАЛАНС МОДДАСИ - деганда баланснинг ҳар бир қатори тушунилади, ҳар бир қатор эса ўз навбатида битта ёки бир нечта бухгалтерия ҳисоби счетларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам баланснинг тасдиқланган шаклида ҳар бир модда бўйича қавс ичида тегишли счетларнинг тартиб рақамлари кўрсатилган.

БАЛАНС-НЕТТО – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этади.

БАЛАНС СЧЁТЛАРИ – бу қолдиқлари балансга киритиладиган счётлар. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални акс эттиришга мўлжалланган барча счётлар баланс счётлари ҳисобланади.

БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР – корхонада вақтинчалик сақланаётган, фойдаланилаётган, лекинда унга тегишли бўлмаганлиги учун балансга киритиб бўлмайдиган активларни, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

БАЛАНС УСУЛИ НОРМАТИВ УСУЛИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАНАДИ - Норматив усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда норма ва норматив каби тушунчалардан фойдаланилади.

БАЛАНС ФОЙДА – маҳсулот таннархига киритиладиган барча харажатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортилгунга қадар бўлган ялпи фойдадир.

БАНК - юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини бир жойга тўпловчи ва узлуксиз айланиб турушини таъминловчи, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда берувчи, томонлар ўртасида тўлов ва бошқа ҳисоб-китоб ишларида воситачилик қилиб турувчи, олтин ва чет эл валютаси билан боғлиқ операсияларни бажарувчи кредит-молия муассаси.Б. пул кўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ фоиз ставкасини ундиради ва ана шу фоизлар ўртасидаги фарқ банк фойдаси ҳисобланади.

БАНКОМАТ - мижознинг банкдаги ҳисоб рақами билан компьютер тизими орқали боғланган нақд пул берувчи электрон мослама.

БАНДЛИК – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

БАНКРОТ - (банкрот) – Ўз қарзларин тўлаш имкониятларга эга бўлмаган юридик шахс. Банкротлик маблағ йўқлиги тўфайли ўз қарзларини тўлашни рад қилиши.

БАНК АКТИВЛАРИ – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта кўринишида бўлади.

БАНК ДЕПОЗИТЛАРИ – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддациз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

БАНК КАФИЛЛИГИ - банкнинг ўз мижозига кафолати. Банк ўз маблағи ҳисобидан мижознинг кўрсатилган муддатда тўланмаган мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш кафиллигини олади. Кафил

банк мижозининг бунак, авансини қайтариш, савдо-сотик шартномасини тузиш ва шунга ўхшаш шартларни бажариши мумкин.

БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

БАНК ТИЗИМИНИНГ ЛИКВИДЛИГИ – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

БАНК ФОИЗ СТАВКАСИ - банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори, қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. БФС. ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, банк ссудаси қарзга бўлган муҳтожликка қараб ўзгартирилади. БФС миқдори банк ва мижоз ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланиб, қарзнинг қайси тарзда ва қандай шартларда берилишига боғлиқ.

БАРТЕР - (бартер) – Товар ва хизматларни пулсиз тўғридан тўғри айирбошлаш.

БАХОЛАШ – бу корхона активларининг қийматини пулда ифодалаш усули.

БАШАРОТ – бу, корхона, объект ёки ҳодисанинг келажақдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазадир. Башоратларни ишлаб чиқиш жараёни башорат қилиш, яъни келажақни ҳозирги пайдан келиб чиққан ҳолда олдиндан кўра билиш деб аталади.

БАЪЗИС ЁКИ ОДДИЙ СТРАТЕГИЯЛАР - бу бир опционурнининг очилиши, яъни колл ёки пут опционининг оддий сотилиши ёки сотиб олиниши.

БАЪЗИС ЙИЛИ - (базисный год) – Индексларни тузишда 100 фоиз деб қабул қиладиган муайян йилдаги кўрсаткичнинг аҳамияти.

БАЪЗИС НАРХЛАР - (базисные цены) – Молнинг сифати ёки сортини аниқлаш учун белгиланадиган нарх, у олди-сотди битимида келишилган бўлади ва етказиб бериладиган молнинг ҳақиқий нархини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиладди.

БЕВОСИТА ХАРАЖАТЛАР - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан харажатлар.

БЕВОСИТА ИНВЕСТИЦИЯЛАР – бу капитални туғридан-туғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади.

БИЗНЕС- (инглизча business-иш, фаолият, машғулот) бойлик, фойда орттиришга йўналтирилган иш, фаолият. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Ходимларнинг ўртача сони ва маҳсулот ҳажмига қараб ажратилади.

БИЗНЕС ОДОБИ - (деловая этика) – Тадбиркорликни виждонан юритиш талаби.

БИЗНЕСМЕН - (бизнесмен) – Коммерсант, даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган иқтисодий фаолиятнинг исталган қонуний тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

БИЗНЕС СТРАТЕГИЯСИ - (бизнес стратегия) – Энг юкори даражада фойда олиш йўлидаги ҳаракат йўналиши.

БИЗНЕС РЕЖА - бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликнинг барча соҳаларида қўлланадиган муҳим қурол бўлиб ҳисобланади. Иш жараёни ҳақида маълумот беради. Унинг ёрдамида фирма ўсиб бориши, истикболни белгилаб бориши, даромадини кўпайтириши мумкин. БР ўта муҳим молиявий ҳужжат сифатида фирма фаолиятини барча қирраларини таҳлил қилишга ёрдам беради. У нафақат ички ҳужжати бўлиб, балки кредит олиши учун зарур бўладиган ҳужжатлардан биридир.

БИЛВОСИТА ХАРАЖАТЛАР - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлар.

БИРЖА - (биржа) – Улгуржи бозорнинг доимий ишлаб турадиган асосий шакли бўлиб, унда қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси (фонд биржаси), валюта олди-сотдиси (валюта биржаси) ёки стандартлар ва намуналар бўйича товарлар сотиладиган (товар биржаси) муассасаси. Биржалар горизантал хўжалик алоқларини ташкил қилиш жарёнида воситачилик қиладилар

БИРЖА КОТИРОВКАСИ- биржалар орқали сотиладиган маҳсулотлар баҳоси. Ҳар бир биржа уларни маълум тизимга солади ва чоп этади. Одатда, БК эрталабки ва кечки савдо (биржа сессияси) бошланишига ва тугашига мўлжаллаб чоп этилади.

БИРЖА САВДОСИ- биржаларнинг воситачилигида амалга ошириладиган савдо.

БИРЖАДАН ТАШҚАРИ БОЗОР – Бутун мамлакат ҳудудида жойлашган, йирик фирмаларда рўйхатдан ўтмаган чоғроқ фирмаларнинг акцияларини сотиш ва сотиб олишда қатнашадиган брокерлик фирмалари.

БИРЖА КУРСИ - (биржевой курс) – Биржада муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигациялар)нинг сотув баҳоси. акцияларнинг биржа курси дивидент миқдорига тўғридан-тўғри ва пул бозоридаги ссуда фонди даражасига эса тескари боғлиқ бўлади.

БИРЖА ЛИСТИНГИ - (биржевой листинг) – Биржа товарларини биржа бюллетени (ахборотномаси)га киритган ҳолда биржа савдоларига қуйиш тарғиботи.

БИРЖА САВДОЛАРИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ – Биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

БИРЖА ЧАЙҚОВЧИЛИГИ - (биржевая спекуляция) – Битимни тузиш ва уни бажариш пайтидаги курслар орасидаги фарқдан чайқовчилик фойдаси олиш мақсадида биржада қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш.

БИТИМ - (сделка) – Ички хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятлар соҳасида юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тўхтатишга йўналтирилган ҳаракат.

БОЖ- (араб.-ўлпон, солиқ) - божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо қоғозлардан ундириладиган пул йиғимлари.

БОЖХОНА - чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси. У ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан йиғимларни ундириш билан шуғулланади. Божхоналар, одатда, денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, темир йўл стансияларида, чегара ҳудудларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади.

БОЖ ДЕКЛАРАЦИЯСИ – миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзида чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган маҳсулотлар, пассажир юки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади. Декларация божхонага қонунда белгиланган муддатларда (бир кундан икки ҳафтагача маҳсулот божхонага етиб келган кунни ҳам ҳисобга олган ҳолда) тақдим этилиши лозим. Декларацияда божхонага қабул қилинган маҳсулотнинг юк ҳужжати

номери, маҳсулотнинг тариф номи ёки бож тарифининг тегишли моддасига асосланиш (суяниш), маҳсулот партиясининг қиймати ва баҳоси ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кабилар ўзининг аксини топиши шарт. Бож декларациясининг шакли маҳсулотнинг божга тортилиш ёки тортилмаслигига боғлиқдир.

БОЗОР - сотувчи ва харидор ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи. Бозордаги талаб ва таклиф иқтисодий, демографик, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллар таъсирида шаклланади. Талаб йўқ, ўтмай қолган нарса, мол ҳақида «Б. касод», талаб юқори бўлган, тез ўтадиган нарса, мол ҳақида эса «Б. чаққон» дейилади. «Б. кўтармайди-»бу товарни ушбу нархга бозорда ҳеч ким олмайди деган маънони англатади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ - эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ - халқ иштирокида давлат томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширишдан иборат.

БОЗОРНИНГ ТУЗИЛИШИ - бу бозор элементларининг ички тузулиши, жойлашиши ва тартиби, уларнинг бозор умумий ҳажмидаги улуши демакдир.

БОЗОР ТИЗИМЛАРИ - (рыночная система) – Бозорлар қуйидаги асосий турларга – суббозорларга, бозор сигментларига бўлинади. Умуман бозор бой ва мураккаб тузилиши билан характерланади. У турли мезонлар бўйича тавсифланади:

- Бозор муносабатлари объектларининг иқтисодий аҳамияти бўйича истеъмол моллари ва хизматлари бозори, саноат моллар бозори, оралик моллар бозори, ноу-хау бозори, хомашё бозори, меҳнат бозори, қимматли қоғозлар бозори, чайқов бозори, иккиламчи хомашё бозори ва бошқалар;

- географик ҳолати бўйича маҳаллий, миллий, жаҳон;
- рақобатни чеклаш даражаси бўйича - монополистик, олигополистик, моносоник, эркин, аралаш;

- тармоқлар бўйича - автомобиль, компьютер, нефть ва бошқалар;

- сотиш хусусиятига кўра улгуржи, чакана бозорларга бўлинади.

БОЗОР МЕХАНИЗМИ - бозор иқтисодиётининг фаолиятини тартибга солиш ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминловчи дастак ва воситалар. М: баҳо, талаб ва таклиф, рақобат, пул-кредит.

БОЗОР СЕГМЕНТИ - бу бозорда савдо-сотиқнинг шарт-шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратишидир.

БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ - сотувчи ва харидор ўртасида бозор муносабатлари шаклланишини, ривожланишини таъминлайдиган ташкилотлар, муассасалар, идоралар, корхоналар мажмуаси. Унинг таркибига савдо корхоналари, таъминот ташкилотлари, валюта ва қимматбаҳо қоғозлар биржаси, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ - бозордаги талаб ва таклифнинг миқдори ва таркибий жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан ҳисобланади. Талаб таклиф узоқ вақт бир-биридан ажралиб қолса, бозор ўзининг меъёрдаги ҳолати, фаолиятини йўқотади.

БОЗОР ФУНКЦИЯЛАРИ - бозор бажарадиган иқтисодий вазифалар. Унга, асосан қуйидагилар киради:

1) Товар айирбошлаш орқали ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлаш;

2) Истеъмол буюмларни ва хизматларни аҳолига етказиб бериш орқали халқ фаровонлигини ошириш;

3) Нархларнинг ўзгариши орқали талаб ва таклифни бир-бирига мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаб, пул муомаласини барқарор бўлишига эришиш;

4) Давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва бошқалар.

БОЗОР ҚОНУНЛАРИ - пул воситасида бозорда товар айирбошлашнинг моҳиятини ифода этувчи, уни бошқариб турувчи объектив иқтисодий қонунлар. Улар жумласига талаб ва таклиф қонуни ҳамда пул муомаласи қонуни киради.

БОЗОР ТАЛАБИ - алоҳида бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари йигиндиси билан аниқланади.

БОЗОР ОЖИЗЛИГИ – бу шундай ҳодисаки, бунда бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

БОЗОР СИГНАЛЛАРИ - бозорда сотиладиган товар тўғрисида, товарни ишлаб чиқарувчи фирманинг номи тўғрисидаги ахборотлар, товар маркаси, фирма белгиси, фирманинг обрўи, товар сифати ва кафолати тўғрисидаги ахборотлар бозор сигналлари бўлиб хизмат қилади ва бу сигналлар товар сотиб олишдаги таваккалчиликни камайтиради. Масалан, сиз сотиб олмоқчи бўлган товар сиз билган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган фирманинг маҳсулоти бўлса, сиз маҳсулотни йўқотишсиз сотиб оласиз.

БОЗОР ИНТЕРВЕНЦИЯСИ - (рынок интервенции) – Миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш, уни ўзига тобе этиш.

БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ - (рыночная инфраструктура) – Бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизими. Масалан: банк, кредит уюшмалари, товар биржалари ва бошқалар.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ - (рыночная экономика) – Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласига асосланган иқтисодий монополизмни инкор қилувчи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосланган иқтисодий тизим.

БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ – Муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

БОЗОР ОБЪЕКТИ - (рыночный объект) – Бозорга айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштириладиган молиявий активлар.

БОЗОР СУБЪЕКТИ - (рыночный субъект) – Бозорнинг, айирбошлаш муносабатларининг қатнашувчилари.

БОЗОР ҚИЙМАТИ - (рыночная стоимость) – Харажатлари белгиланган тарзда ишлаб чиқарилган товарнинг қиймати. Бу қиймат товарларни бозордаги баҳосини тартибга солиб туради.

БОЙКОТ - (бойкот) – Ўз ходимлари билан можародаги фирма билан иш юритишдан бош тортиш.

БОҚИМАНДА – белгиланган муддатда бюджетга ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.

БОШЛАНҒИЧ ҚИЙМАТ – бу асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва қўшилган қиймат солиғини олади. Асосий воситалар ушбу қиймати бўйича корхонада бутун хизмат муддати даврида ҳисобда туради.

БОШ ҚОЛДИҚ – бу счёта бўйича ҳисобот даври бошидаги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни «**бош сальдо**» ҳам деб атайдилар.

БОШЛАНҒИЧ БАЛАНС - деганда ҳисобот даври бошига, *ҳисобот баланси* деганда эса ҳисобот даврининг охирига тузилган баланс тушунилади. Ҳисобот баланси кейинги давр учун бошланғич баланс бўлиб ҳисобланади.

БОШҚА КРЕДИТОРЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗЛАР – бу турли хизматлар, фоизлар, камомадлар, даъволар ва бошқа тўловлар бўйича корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олидаги қарзи.

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ – бу хўжалик раҳбарияти талабларига кўра бошқарувга тегишли қарорларни қабул қилиш мақсадида батафсил (аналитик) тарзда юритиладиган ҳисоб тизими. Бундай ҳисобни хўжаликнинг ҳамма бўлимлари олиб боришлари мумкин.

БРАКЕРАЖ - (бракераж) – Товарнинг сифати, безатилиши ва транспортбоп қилиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текшириш. Бракераж махсус давлат ташкилотлари ёки ҳакам брокерлар томонидан бажарилади.

БРОКЕР - (брокер) – Воситачи манфаатдор томонидан - мижозлар ўртасида уларнинг топшириқлари ва ҳисобидан турли ишларни амалга оширишда кўмаклашувчи (тижорат, кредит, суғурта ва бошқалар). Брокер комиссия (воситачилик) ҳақи олади. Брокерлик вазифасини фирма ва ташкилотларнинг шахслари бажарадилар. Брокер айнан биржада ўз ишини амалга оширади. Брокер сотувчи ва харидорни “бирлаштиради”, лекин ўз ҳисобидан иш юритмайди.

БРУТТО - (брутто) – Бир товарнинг ўрама (упаковка)си билан бирга оғирлиги; сарф харажатлар чегириб ташланмаган пайтдаги ялпи даромад.

БУЛИНМАС ФОНД - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) устав фонди қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

БУНАК ТЎЛОВИ - (авансовый платеж) – Моддий бойликлар бериш, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатишдан аввал бериладиган маълум миқдордаги пул тўлови. Бунак тўлови кредит беришнинг алоҳида шакли бўлиб, у махсулот етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ёки хизмат кўрсатувчиларнинг муомаладаги айланма маблағини кўпайтиришга омил бўлади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАМОЙИЛЛАРИ - деганда уни юритишда амал қилиш лозим бўлган қоида ва тартиблар мажмуаси тушунилади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ - деганда умуман олганда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва уларни юритилишини таъминловчи маблағлар, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари тушунилади.

БЮДЖЕТ - (ингл. budget-сумма)- давлат, корхона, муассаса ва шу кабиларнинг маълум муддат учун олдиндан белгилаб қўйиладиган кирим-чиқим, даромад - буромад сметаси.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ - бюджет даромадлари билан харажатларининг номувофиқлиги бўлиб, харажатларнинг даромадлардан ортиб кетиши тушунилади.

БЮДЖЕТ БАЛАНСИ - харажатлар ва даромадларнинг тенг бўлишидир.

БЮДЖЕТ ОЛДИДАГИ ҚАРЗЛАР – бу ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда бюджетга ўтқазиб берилмаган солиқ ва тўловлар бўйича қарз суммаси.

БЮДЖЕТ ДОТАЦИЯСИ - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

БЮДЖЕТ РОСПИСИ (РЎЙХАТ-ЎЗУВИ) – бюджет классификациясининг бўлинмалари бўйича даромадлар ва харажатлар тақсимланишининг асосий оператив режаси. Унда йил давомида солиқлар ва бошқа тўловларнинг бюджетга келиб тушиш ва бюджет маблағларининг сарфланиш муддатлари ўз аксини топади.

БЮДЖЕТНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ - ҳудудларнинг социал ва иқтисодий ривожланишига йўналтириладиган ва ҳудудий бюджетларни минимал зарурий даражадаги даромадлар билан таъминлаш мақсадида маблағларни қайта тақсимлаш.

БЮДЖЕТ ССУДАСИ – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

БЮДЖЕТ СУБВЕНЦИЯСИ – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТ СЎРОВИ – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

1. тегишли ҳудудлар ва давлат мақсадли фондлари бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга;

2. бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун - республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровини юборади.

БЮДЖЕТ ТУЗИЛМАСИ – бюджет тизими тузилишини ташкил этиш ва принципларини, унинг таркибий тузилмасини, улар алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Давлат тузилиши билан аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси

1. Давлат бюджети;

2. республика бюджети ҳамда

3. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда респу-бликага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини, вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини ва вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетини, туманга бўйсунувчи шағарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ - бюджет таснифи тизими, ҳисобга олиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг маъмурий-ҳудудий тузилишга мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; Давлат бюджетининг баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлар (моддалао) бўйича режалаштириш; Давлат бюджети харажатларини тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида сарфлаш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллигидан иборат.

БЮДЖЕТ ТРАНСФЕРТИ – бюджетдан юридик ва жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТЛАРГА ЧЕКЛОВЛАР - (Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга) қуйидагилардан иборат:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг дефицитли бўлишига йўл қўйилмайди;

2. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш ва ижро этишда:

а) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобидан фондлар ташкил этишга;

б) маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

в) ўз бюджетлари харажатларига тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган ортиқча маблағ сарфлашга (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

г) бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ка кафилликлар беришга;

д) юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР - давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида муносабатлар.

БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ - мамлакат бюджет тузилишининг (курулишининг) асосларини, мамлакатнинг бюджет тизимига кирувчи бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш (муҳокама қилиш), тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини аниқловчи юридик меъёрлар мажмуи.

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ - деганда, давлат томонидан молиялаштириладиган муассасаларда юритиладиган ҳисоб тушунилади. Бундай муассасаларга маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа муассасалари киради.

В

ВАҚТБАЙ ИШ ҲАҚИ - (часовая заработная плата) – Ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб, тўланадиган иш ҳақи.

ВАҚФ - (церковное имущество) – Мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриши учун ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер, сув, бино ва шу кабилар).

ВАҚТБАЙ-МУКОФОТЛИ ҲАҚ ТўЛАШДА - ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақиға маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади.

ВАЛЮТА - (ital. valuta. lat. valere - қадрланмоқ, қиймат) - мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз, пул)га тенглаштирилган тўлов воситалари.

ВАЛЮТА КОНВЕНТИРЛАШУВИ – унинг бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади.

ВАЛЮТА КОНВЕРТИРЛАШУВИ - деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилиятига тушунилади. Хозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

ВАЛЮТА - бу мамлакатлар пул бирлиги (*масалан*, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва хоказо.) Жуда қисқа маънода - бу чет эл

давлатларининг пул белгилари. Хар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга бўлади.

ВАЛЮТА КУРСИ – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул birlikларида ёки халқаро валюта birlikларида ифодаланган баҳоси. Энг аввало, мамлакат иқтисодиётининг аҳволи билан белгиланади, шунингдек, турли мамлакатлардаги инфляциянинг нисбий суръатларига, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ва унинг мамлакатлар ўртасидаги нисбатига, ЯММнинг ўсиш суръатларига (пулнинг товар билан тўлдирилиш асосларига), халқаро савдодаги мамлакатнинг ўрни ва ролига, капиталнинг мамлакатдан чиқарилишига боғлиқ. Мамлакат тўлов балансининг аҳволи, турли мамлакатлар пул бозорларидаги фоиз ставкаларининг мамлакатлар ўртасидаги фарқлари, шу мамлакат валютасининг евробозорларда ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси, мамлакат валютасига бўлган ишонч ва бошқа омиллар валюта курсига бевосита таъсир кўрсатади.

ВАЛЮТАВИЙ ЧЕКЛАНМАЛАР – валюта, олтин ва бошқа валютавий бойликлар билан операцияларнинг чекланишига йўналтирилган, қонуний ёки маъмурий тартибда ўрнатилган тадбирлар ва меъёрий қоидалар мажмуи. Жорий тўлов баланси операциялари бўйича уларэркин конвертация қилинадиган валюталарга (АҚШ доллари, Европа иттифоқи евроси, инглиз фунт стерлинги, Швейцария франки ва бошқаларга) нисбатан қўлланилмайди.

ВАРРАНТ - бу эгасига муайян вақт учун ёки муддатсиз шарт билан шартномада курсатилган нархда қимматли қозғалдири сотиб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномадир. У амалдаги капитални иқтисодиётга сафарбар қилиш учун эмас, купрок уларни қайта тақсимлашда қенг қўлланилади.

ВЕКСЕЛЬ - (нем. Wechsel, айнан-айирбошлаш) – қарз мажбуриятлари хусусида ёзма ҳолда берилган махсус кўринишдаги қимматбаҳо қоғоз. қарз берган томон векселда кўрсатилган муддат тугаши билан қарзни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ВЕКСЕЛЬ КРЕДИТИ - (вексель кредит) – Экспортер товарни кредитга сотиш битимини имзолаб траттани импортерга тақдим этади ва товар ҳужжатларини олади, ҳамда вексель сўммасини кўрсатилган муддатда тўлаш жавобгарлигини олади.

ВЕНЧУР КАПИТАЛИ - (венчурный капитал) – Бениҳоя юқори таваккалчилик хатари даражасидаги капитал ишларга сарфланиши мумкин бўлган пуллар.

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ - (финансирование венчура, – Юқори таваккалчилик билан тадбиркорликни амалга ошираётган фирмаларни сармоя билан таъминлаш.

ВЕНЧУР ФИРМАСИ - (венчурная фирма) – Ҳозирги замонда фирмаларнинг турларидан бири. Илмий тадқиқотлар, янги ихтироларни тадбиқ этиш ҳамда йирик фирмалар буюртмалари, давлат шартномаларини бажариш билан банд бўлган фирмалар.

Г

ГАРОВ ШАҲОДАДНОМАСИ - (гарантийное свидетельство) – Савдо ва тижорат операцияларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўчма ва кўчмас мол-мулкнинг қарздор томонидан гаровга қўйилиши ҳақидаги кредит ҳужжати.

ГЕРБ СОЛИҒИ – турли хилдаги тадбиркорлик битимлари, компанияларни қайд этиш ёки унинг акционерлик капиталини ошириш, ижара тўғрисидаги шартнома ва бошқаларни расмийлаштирувчи ҳужжатлар учун солиқ.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ - (гиперинфляция) – Товарлар баҳоси ва пул массасининг тез суръатда ошиб кетиши. Пул бирлиги қадрсизланади, тўлов оборотига салбий таъсир этади. Гиперинфляция нархлар ойига 1,5 баробар ошганда вужудга келади.

ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ - ИҚТИСОДИЙ БОЗОР – Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий - иқтисодий алоқаларни ягона ҳўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

ГОНОРАР - (гонорар) – Муаллифга ёки унинг меросхўрига илм, фан ва маданият соҳасидаги чоп этган илмий ишлари учун мукофот тарзида бериладиган ҳақ; муаллифга бериладиган қалам ҳақи.

ГРАНТ – инновацион характердаги ишларни мақсадли-имтиёзли молиялаштириш. Солиққа тортиш мақсадлари учун “грант” атамаси ишлатилганда хорижий хайрия ташкилот (фонд)лари томонидан корхона ва ташкилотларга пул ёки натурал шаклда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини, ўқитиш, даволаш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларни амалга ошириш учун улардан фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот бериш шарти билан бериладиган маблағлар тушунилади.

ГРАНТЛАР (Г) -- бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши лозим.

Д

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган фонди, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун

ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Қонун кучига эга бўлган давлатнинг асосий молиявий режаси. Давлат ҳокимиятининг қонунчилик органи томонидан тасдиқланади. Давлат пул маблағлари марказлаштирилган фондини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий (пул) муносабатлар(и)ни ифодалайди. Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий курали. Асосий функциялари 1) мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва миллий даромадини тақсимлаш; 2) иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш; 3) давлатнинг социал сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш; 4) пул маблағларининг шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш.

ДАВЛАТ БОЖИ – юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этганлиги ёки ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан тегишли ҳужжатлари берилганлиги учун олинадиган мажбурий тўлов. Турли инстанциялардаги судларга берилган ариза ва шикоятлар, нотариал ҳаракатларнинг содир этилганлиги, фуқаролик ҳолати актининг давлат қайдидан ўтказилганлиги ва тегишли органлар томонидан ҳужжатларнинг берилганлиги учун давлат божи олинади. Унинг миқдори юридик ҳаракат ва бериладиган ҳужжатларнинг характериға боғлиқ.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси. Бир томондан, давлат ва иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Бунда давлат қарз олувчи сифатида майдонга чиқади.

ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ – давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси. Олдин чиқарилган ва ҳозирги вақтгача фоизлари билан қайтарилмаган (узилмаган) давлат қарзларининг (заёмларининг) бутун суммаси.

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИ – Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган фондлар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Аниқ мақсадларга мўлжалланган пул фондлари. Аҳолиға тақдим этиладиган социал хизматларнинг кўламини кенгайтириш, инфраструктуранинг қолоқ тармоқлари ривожланишини рағбатлантириш, иқтисодиёт устувор тармоқларини кўшимча ресурслар билан таъминлаш бу фондларнинг мақсадидир. Бу фондлар Пенсия фонди, Республика йўл фонди, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус фонди (ҳисоб варағи), Иш билан таъминлашга

кўмаклашиш давлат фондидан иборатдир. Уларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик узилишни (етишмовчиликни) қоплаш учун давлат мақсадли фондларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан республика бюджетидан бюджет дотациялари ва ссудалари ажратилиши мумкин. Давлат мақсадли фондларига тушган даромадлар харажатлардан ошган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ортиқча сумма йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича республика бюджетига тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши мумкин.

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ - давлат бюджети ва нобюджет фондлар, солиқлар, давлат корхона ва ташкилотларининг молиявий фаолияти, пул ҳисоб-китобларини ташкил этиш, ҳисоб ва ҳисоботни юритиш соҳаларида қонунчиликка риоя этилишини мамлакат ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, махсус тузилган назорат органлари (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга ошириладиган назорат.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИЧКИ МАБЛАҒНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ – активларни ички манбалардан (резидент-юримдик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ХОРИЖДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ - активларни хориж манбаларидан (хорижий давлатлардан, норезидент юримдик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ ВАЛЮТА МОНОПОЛИЯСИ - валюта бойликлари (валютавий бойликлар) билан операцияларни амалга ошириш ёки операцияларни амалга оширишни маълум органлар, корхоналар, фирмалар зиммасига ўтказишга руҳсат бериш, валютавий маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича давлатнинг танҳо ҳуқуқи. Валюта операцияларини регламентация (тартибга солиб туриш) қилишни, валютавий маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни

амалга оширишни ва уларнинг қўлланилиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўришни тақоза этади.

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ - давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида фаолият кўрсатувчи корхоналар ҳисобланади.

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ - бу давлат томонидан миллий даромаднинг давлат бюджетининг маблағлари кўринишида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши учун сарфлаётган мабалағларидир.

ДАВРИЙ ИШСИЗЛИК - асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи таклифнинг камайишини, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайишини, ва оқибатда аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

ДАВЛАТ - (государство) – Фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, турли хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари мажмуи.

ДАВЛАТ БУЮРТМАЛАРИ - (государственные заказы) – Давлат буюртмаси баъзи маҳсулот турларига, илмий-техник дастурларни бажариш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш кабилар учун берилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ - (бюджетное дефицит) – Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши.

ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ - (государственные доходы) – Давлатнинг ўз функцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган даромадлари. Давлат даромадларининг асосий манбалари: солиқлар, тўловлар, чет элдаги кредитлар ва улардан келадиган ёрдам, ташқи савдодан тушадиган даромадлар.

ДАВЛАТ ДОНОРЛАРИ - (государственные доноры) – Ўз давлати бюджетидан маблағ билан таъминладиган давлат ташкилоти. Масалан: АҚШ халқаро ривожлантириш агентлиги (УСАИД).

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЧЕГИРИБ ТАШЛАШ - (вытеснение государственных инвестиций) – Давлат харажатлари қисқариши ёки солиқларнинг ошиши, фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади, бу ўз навбатида давлатнинг инвестиция қилиш харажатлари ошиш жараёни.

ДАВЛАТ ИСТЕЪМОЛИ - (государственное потребление) – Хусусий секторда ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмол харажатлари.

ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИ - (государственный монополия) – Давлат қонун йўли билан фаолиятнинг бирон-бир соҳасида ҳукмронлик қилиш, бирон-бир товарни одатда кенг истеъмол қилинадиган товар ва

хизматларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ва сотувчиси ҳуқуқининг берилиши.

ДАВЛАТ МУЛКИ - (государственное имущество) – Мулк давлатга тегишли бўлиши, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давлат эҳтиёрида бўлиши.

ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ - (внешний государственный долг) – Давлатнинг хориж мамлакатларидан олган қарзи. Давлат харажатлари ошиб кетса, унинг қарзи орта боради. Ташқи қарз амалда қайтариладиган қарздир.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ - (разгосударствление, приватизация) – Давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИШ - (государственные закупки) – Давлат бюджети ҳисобидан ички ва ташқи бозорда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг сотиб олинган қисми.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ - (государственный долг) – Давлатнинг тўланамаган заёмлари ва уларнинг берилмаган фоизларини акс эттирган барча қарзларнинг умумий сўммаси. Давлат қарзи икки хил бўлиши мумкин: ташқи ва ички қарз.

ДАВРИЙ ИШСИЗЛИК - (временная безработица) – Иқтисодиётнинг кризис ҳолатидаги ишсизлик. Мавсумий характерга эга бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида даврий ишсизлик кучайиб боради, бироқ кейинчалик ишсизликка барҳам берилади.

ДАРОМАД САМАРАСИ - бу неъмат нархи ўзгариши (алмашиш самараси ҳисобга олинмаганда) натижасида реал даромад ўзгаришининг истеъмолчи талабига таъсиридир.

ДАРОМАДЛАР - (доходы) – Корхонанинг даромади. Натурал ва пул кўринишида бўлади. Даромад солиқли ва солиқсиз турларга бўлинади. Даромад тушунчаси давлат ҳақида гап кетганда, миллий даромад, корхона даражасида (ялпи даромад, соф даромад) ва алоҳида шахслар кўрилганда аҳолининг пул даромадлари, фуқароларнинг реал даромадлари ва шахсий даромад шаклида бўлиши мумкин.

ДАРОМАДНИНГ МАВЖУД МИҚДОРИ - (доступный доход) – Сарф харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар. Улар даромадлар ва бевосита солиқлар орасидаги фарқ билан аниқланади.

ДАРОМАД СОЛИҒИ - (подходный налог) – Фуқароларнинг бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинладиган мажбурий тўлов (солиқ). Давлат томонидан белгиладиган ставкалар асосида тўланади.

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ – ўтган давр мобайнида олинган даромадлар, мулклар ва уларга тегишли бўлган

солиқ чегирмалари ҳамда имтиёзлари тўғрисида солиқ тўловчининг расмий аризаси. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда асосий молиявий ҳужжат бўлиб, улардан олинадиган даромад солиғининг ҳажмини аниқлаш учун фуқароларнинг даромадлари унда қайд этилади.

ДАРОМАДИЙ (даромадли) СОЛИҚҚА ТОРТИШ – даромадларнинг олинган вақтида ундириладиган даромад солиқлари тизими.

ДАРОМАДЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ – фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.

ДАСТЛАБКИ НАЗОРАТ – хўжаликда юз берган ва берадиган ходиса ва операцияларни қонунийлиги, улар бўйича тайёрланган бошланғич ҳужжатларни тўғрилигини уларни имзолаш чоғида текшириш.

ДЕБИТОР - (lat. debitor - қарздор) - бирор идора, ташкилот ва шу кабилардан қарздор бўлган шахс ёки ташкилот.

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ - корхона, ташкилотларнинг жўнатган товари учун олинган керак бўлган ҳақи ёки ҳали олинмаган товар учун тўланган пул.

ДЕБЕТ - (дебет, дебит) – Бухгалтерия счётларида акс этган чап томон номи; Актив счётларда ҳисобланадиган сўмманинг кўпайишини, пассив счётларда камайишини кўрсатади.

ДЕБИТОРЛИК КВОТАСИ - (дебиторский квота, дебит а квота) – Ўзаро хўжалик муносабатлари натижасида ҳар бир иштирокчи учун тўланиши ёки олинган лозим бўлган сўммада иштирок этиш улуши.

ДЕБИТОР ҚАРЗ - (дебиторский долг) – Ўзаро муносабатлар натижасида жисмоний ёки юридик шахсга корхонанинг қайтариши зарур бўлган барча қарзлар сўммаси; корхонага етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўлаши керак бўлган барча сўмма.

ДЕБЕТ ОБОРОТ – бу счётнинг дебет тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага кўпайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага камайганлигини билдиради.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ - (девальвация) – Мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, чет эл валютасига нисбатан миллий ёки ҳалқаро пул бирлиги курсининг пасайиши.

ДЕДУКЦИЯ - лотинча «dedukktio» сўзидан олиниб сўзма – сўз «чиқариш» маъносини билдиради.

ДЕЗИНФЛЯЦИЯ - (дезинфляция) – Пул қадрсизланиш суръатининг пасайиши ёки унинг буткул тугаши.

ДЕКЛАРАЦИЯ - 1) ҳукумат, ташкилот, фирма номидан расмий эълон қилинган баёнот; асосий принципларни тантанали эълон қилиш; 2) божхонада Д.- қимматбаҳо буюмларни, маҳсулотларни чегарадан олиб чиқишда ва қимматбаҳо пакетларга, бандеролга қўшиб жўнатиладиган ҳужжат. Ушбу ҳужжатда пакет мазмуни, қиймати кўрсатилади: 4) солиқ Д.-даромаднинг миқдори, манбаи, мулк ҳажми ва бошқалар хусусида солиқ тўлаш учун ёзилган ариза.

ДЕМПИНГГА ҚАРШИ БОЖХОНА БОЖЛАРИ - маҳсулотни чиқараётган мамлакатдаги товарларнинг қийматидан шу товарлар олиб кириладиган мамлакатда шу товарларнинг баҳоси паст бўлса, бу нарса мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларига моддий зарар етказиш хавфини туғдирса ёки шунга ўхшаш товарларни мамлакат доирасида ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиши мумкин бўлса жорий этилади.

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ - (лат. Де-ажратиш, бекор қилиш-олд қўшимчаси, юнон. моно - танҳо ва полео-сотамаи)-соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадида якка ҳоким корхоналар ва бирлашмалар ўрнига ўзаро рақобатлашувчи кўплаб корхоналарни тузиш. Д. икки йўл билан амалга оширилади : 1) йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади ; 2) якка ҳоким корхона, бирлашма ёки компаниялар сақланган ҳолда улар билан рақобат қила оладиган корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади.

ДЕМПИНГ - (инг. dumping-ташлаш)-бозорни эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида маҳсулотларни сотув нархига нисбатан арзонга сотиш.

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ - (демонополизация) – Иқтисодиётдаги монопол.

ДЕПОЗИТ - (депозит) – 1) Банк жамғармаси; 2) банкка омонат кассаси ёки фойдаланиш учун вақтинча қуйилган пул ёки қимматли қоғозлар, қимматли нарсалар.

ДЕПОНЕНТ (депонент) – Қимматли нарсаларини депозит банкка қўйган шахс ёки фирма.

ДЕПРЕССИЯ - (депрессия) – Ишсизлик даражаси юқори, товарлар хизматларга талаб пастлиги, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва

ишчанлик тушиб кетадиган даврни характерлайдиган иқтисодиётдаги тушкунлик даври. Кризис циклининг энг паст нуқтаси.

ДЕФИЦИТ - (дефицит) – Тақчиллик, камомад, харажатларнинг кутилган даромадлардан ортиб кетиши.

ДЕФЛЯТОР - (дефлятор) – Инфляция суръатини кўрсатувчи умумий кўрсаткич. Баҳолар индексига асосланади.

ДЕФЛЯЦИЯ - (дефляция) – Пулнинг қадрини ошириш учун муомаладаги қоғоз пуллар ва банкнотлар миқдорини камайтириш.

ДЕХҚОН ХЎЖАЛИГИ - (хозяйство) – Оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган таморқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

ДЕХҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ - деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси.

ДИАЛЕКТИКА-грекча « dialektike » сўзидан келиб чиқиб, табиат, жамият ва тафақурнинг умумий қонунларини ўрганиш усули сифатида вужудга келган.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ УСУЛИДА - таваккалчилик бир неча товарларга таксимланади, яъни бирор товарни сотиш (сотиб олиш) юқори таваккалчилик билан боғлиқ булиши бошқа бир товарни сотишдан сотиб олишдан) бўладиган таваккалчиликни камайтиришга олиб келади.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ - (диверсификация)

- Турли-туманлик, ўзгариш;
- капитал концентрациялашувининг формаларидан бири бўлиб, у илгари ихтисослаштирилган (саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа) фирмаларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларга, хизмат кўрсатиш соҳаларига суқилиб кириши билан боғлиқлигидир. Бу ғоят турли-туман товарлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, шунингдек, илмий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқаришлар билан банд кўп тармоқли комплекслар вужудга келишига олиб келади;

- давлатнинг миллий халқ хўжалиги комплексининг замонвий кўп тармоқли таркибини вужудга келтиришга қаратилган сиёсати; комплекс кўп тармоқли ривожланиши.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ – Корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонвий тенденциялардан бири

ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

ДИВИДЕНД - (дивидент, дивиденд) – Акционер жамияти соф фойдасининг бир қисми, акционерларга даромадлар нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

ДИВИДЕНТЛАР – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чоракда) тўланадиган даромад.

ДИЛЕР - (dealer) -ўз ҳисобига биржа ёки савдо воситачилиги билан шуғулланувчи ишбилармон.

ДИСКОНТЛАШ МУРАККАБ - (оддий) фоизларнинг тескари ҳисобланиш жараёни ҳисобланади. Бунда мураккаб фоизлар фоиз ставкаларининг ҳисобланиши ёрдамида кредитнинг бошланғич суммасининг жорий даврдан келгуси даврга ўсиб боришини таъминлайди, дисконтлаш - келгуси пул маблағларини жорий вақтга келтириш билан баҳолашдир.

ДИСКОНТ СТАВКАСИ - капитал бозоридаги узоқ муддатли ссудалар бўйича тўланадиган ҳақиқий фоиз ставкасидан кичик бўлиши керак эмас, деб ҳисобланади. У барча ҳолатларда инвестицияларнинг фойдалилигини тавсифлаши ва инвесторнинг ўз капиталини бошқа жойга қўйиб олиши мумкин бўлган фойдани ақс эттириши лозим. Дисконт ставкаси инвесторнинг ўзи учун бефойда деб ҳисоблаган меъёрдан юқори бўлиши лозим.

ДИСКОНТЛАШ УСУЛИ - (ноанъанавий усул)нинг мазмуни шундан иборатки, пул маблағларининг қиймати муайян вақтда бир хил эмаслиги, яъни бугунги бир сўм бир йилдан кейинги бир сўмга (истеъмол қиймати бўйича) тенг эмаслиги концепциясига асосланади.

ДИСКОНТ - банклар томонидан олинадиган фоиз. Банк фоиз ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушуриб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир кўрсатиши мумкин.

ДИСТРИБЮТОР - (дистрибьютор) – ўз жамғармасига эга бўлган, ўзи сотиб олиш билан шуғулланувчи мустақил фирма; йирик фирманинг хорижий давлатдаги ягона вакили.

ДИСКОНТЛАШТИРИШ ДЕГАНДА - инвестиция ёки пул оқимларини келгусидаги қийматининг жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Ҳаражат ва даромадларни бир хил бошланғич вақтга келтириш ҳисоб-китобларига **ДИСКОНТИРЛАШ** дейилади

ДИСПЕТЧЕРЛАШТИРИШ - ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

ДОИМИЙ ИНФЛЯЦИЯ - (хронический инфляция) – Нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга, масалан: Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

ДОИМИЙ НАРХЛАР - (постоянные цены) – Базис йилга нисбатан пул бирлигининг харид қобилияти ўзгаришини ифодаловчи нархлар.

ДОИМИЙ ХАРАЖАТЛАР - (постоянные затраты) – Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш сарфлари

ДОИМИЙ СЧЁТЛАР - деганда ҳисобот даврининг охирида қолдиққа эга бўладиган ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар тушунилади.

ДОТАЦИЯ – давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, зарар (зиён)ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.

Е

ЕРНИНГ БАХОСИ - ер эгаси ердан олган даромадини бошқа йўл билан топиши учун зарур бўлган пул миқдори. Ернинг баҳоси рентанинг миқдорига тўғри пропорционал, ссуда фоизи даражасига тесқари пропорционалдир.

ЕРНИНГ НОРМАТИВ БАХОСИ - ҳисобли қоплаш муддати давомида олиниши лозим бўлган потенциал даромаддан келиб чиққан ҳолда маълум сифатдаги ва жойдаги ер участкасининг қийматини ифодалайдиган кўрсаткич. Ерни мулк сифатида бериш учун, унга нисбатан жамоа-ҳиссали мулкни ўрнатиш учун, мерос сифатида бериш, тақдим этиш, банк кредитини олиш учун ер участкасидан гаров сифатида фойдаланилганда ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишни таъминлаш учун жорий этилган. Одатда ернинг норматив баҳоси ер майдони бирлигига тўғри келувчи ер солиғининг 50 марталик ҳажми миқдорида ўрнатилади. Бу баҳо ҳисобланаётган пайтда ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар инобатга олинмайди.

ЕР РЕНТАСИ – бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яратиладиган кўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қисми.

ЕР СОЛИҒИ – ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқ. Унинг миқдори ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмасдан, балки бир йил учун ер бирлигига нисбатан барқарор тўловлар кўринишида ўрнатилади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бу солиқнинг тўловчиларидир. Солиқнинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили биринчи январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг биринчи февралгача тақдим этилади. Юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқ йилнинг ҳар чорагида иккинчи ойнинг 15-кунгача тўланса, қишлоқ хўжалиги корхоналари бу солиқни бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15-декабригача тўлайдилар. Бу муддат жисмоний шахслар учун жорий йилнинг биринчи ноябригача белгиланган.

ЕР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ - қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни бир турдан бошқа турга ўтказилиши, ер фондига таркибий ўзгартиришлар киритилиши.

ЕР УЧАСТКАСИ - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режими ҳамда давлат ер кадастри ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларига, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа жиҳатларга эга бўлган муайян қисми.

ЕР УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ – ер солиғи, ижара ҳақи ва ернинг норматив баҳосидан иборат. Ернинг эгалари, ернинг мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар йиллик ер солиғига тортилади. Ижарага берилган ер учун ижара ҳақи олинади. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва банкдан кредит олиш учун гаров сифатида ердан фойдаланилганда ернинг норматив баҳоси белгиланади (ўрнатилади).

ЕР УЧУН ИЖАРА ҲАҚИ - унинг ҳажми (ўлчами), шартлари ва ўтказиш муддатлари шартномага мувофиқ ўрнатилади. Қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ижарага олинганда унинг миқдори ижараланган участкалардан олинadиган ер солиғининг суммасидан ошмаслиги керак. Ер учун ижара ҳақи алоҳида ёки бутун ижарага олинган мулкнинг ижара ҳақи таркибида ҳам олинishi мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам ер учун ижара ҳақи, албатта, маҳаллий бюджетнинг даромадига ўтказилиши керак.

ЕМ-ХАШАК БАЛАНСИ – корхона учун зарур ем-хашакнинг ҳамма турлари кўрсатилган, йем-хашаклар жисмоний ҳолидагина эмас,

балки озик турларида ва ўзлаштириладиган оксил моддалари тарзида ҳам ҳисобга олинадиган иш ҳужжати.

Ё

ЁЛЛАНМА ХОДИМЛАР – Иш берувчилар билан келишилган микдордаги иш ҳақи эвазига белгиланган иш вақти давомида топширилган хизматни бажариш мажбуриятларини олиб меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ишлайдиган ишчи ва хизматчилар.

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ - аксиялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган, ўзи чиқарадиган аксияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли бўлмаган жамият.

ЁПИҚ ИҚТИСОДИЁТ - (закрытая экономика,) – Халқаро савдода иштирок этмасдан товар (хизмат)лар ва капитал оқимлари миллий чегарадан ташқарига чиқмаган ҳолда амалга ошиши.

ЁПИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - (акционерное общество закрытого типа) – Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти.

ЁРДАМЧИ ТАРМОҚ – корхонанинг товар маҳсулоти бўйича асосий тармоғидан кейинги ўринда турадиган, асосий тармоқ билан технологик ҳамда ташкилий жиҳатдан боғланган, асосий тармоқнинг муттасил ривожланиб бориши учун бевосита ёрдам кўрсатадиган тармоқ.

Ж

ЖАМҒАРМА - (сбережения) – Аҳолининг келажак эҳтиёжларини қондириш ва келажакда ҳарид қилиш учун сақлаб қуйилган пулли даромадлари; унинг ҳажми ихтиёрдаги даромадидан, истеъмол харажатларини айириш йўли билан аниқланади.

ЖАМҒАРМАЛАР - (вклады) – Банк ёки бошқа молиявий муассасага сақлаш мақсадида топширилган пул маблағлари.

ЖАМҒАРМАЧИ - (вкладчик) – Омонат кассасига (банкка) пулини (жамғарма) жамғарувчи шахс.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ - (общественное объединение) – Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви. Масалан: касаба уюшмаси, сиёсий партиялар ва бошқалар.

ЖАМОА МУЛКИ - (коллективная собственность) – Мулкчиликнинг бир шакли сифатида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни биргаликда ўзлаштиришдир. Масалан, ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, акционер жамиятлари, хўжалик ширкатлар, ассоциациялар ва ижтимоий ташкилотлар киради.

ЖАМҒАРМА МУАССАСАЛАРИ - (экономия учреждений) – Молиявий муассаса; унда шахсий жамғармалар сақланади ва улар учун фоизлар тўланади.

ЖАМИ ТАКЛИФ - (совокупные предложения) – Муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми.

ЖАМИ ТАЛАБ - (совокупный спрос) – Уй хўжаликлари, корхоналар, ҳўкумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларга маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талаби.

ЖАРИМА - (штраф) – Қонунни, шартномани ёки белгиланган қонидани бузганлиги учун кўриладиган тадбир, пул тўлови; жарима.

ЖАҲОН ПУЛИ - халқаро миқёсида ҳамма учун қўлланиладиган умумий муомила ва тўлов воситаси, байналминал қиймат ифодаси. М: маълум мазмундаги олтин ёки халқаро миқёсда обрў-еътиборга эга бўлган миллий пул бирлиги.

ЖИСМОНИЙ ШАХС - (физическое лицо) – Иқтисодий фаолиятда қатнашувчи ва бу жараённинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи шахс. Жисмоний шахс ўзининг номидан иш юритади, фирма ёки корхона каби ҳокимиятда руйхатдан ўтиш мажбуриятидан озод.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР – ер учун тўловлар (ер солиғи, ер учун ижара ҳақи), реклама солиғи, маҳаллий йиғимлар (биржада амалга оширилган битимлар бўйича йиғим, маҳаллий аукцион ва лотерея ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва бошқа мақсадли йиғимлар)дан иборат.

ЖИСМОНИЙ ЭСКИРИШ - уларни техник ишлатилиш хусусиятини ишлаб чиқариш жараёнида ёки табиий шарт-шароитлар натижасида йўқолиши, емирилиши натижасида рўй беради.

ЖИСМОНИЙ (моддий) ЭСКИРИШ - асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

ЖОРИЙ ЗАХИРА – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

ЖОРИЙ ИНВЕСТИЦИЯ - (текущие инвестиции) – Эркин сотиладиган ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатда эгалик қилишга қаратилган капитал.

ЖОРИЙ ЁКИ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАР – корхона ва унинг дастлабки ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригада, ферма, оила пудрати) йиллик ишлаб чиқариш режа ва топшириқлари киради.

ЖОРИЙ КОНЪЮНКТУРА – Муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айти даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ – юз берган жараён ва операцияларни улар бўйича тузилган ҳисоботларни қабул қилиш чоғида текшириш.

ЖОРИЙ ТЎЛОВ БАЛАНСИНИ МОЛИЯЛАШ - (финансирование текущего платежного баланса, кurrent аккоунт финанкинг) – Жорий тўлов балансидаги дефицитни, давлат активларини чет мамлакатларига сотиши ёки ички заёмлар ҳисобидан қоплаши.

ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШДА - асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

3

ЗАЁМ - (заём) – Қарз; заём берувчи ва заём олувчи ўртасида тузиладиган келишув, битим. Заёмлар бир неча турларга бўлинади: давлат заёми, ютуқли заём, муддатсиз заём, ташқи заём, тилла заём, ҳукуматлараро заём, очик заём ва бошқалар.

ЗАЁМЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ДИСКОНТИРЛАШ - Заёмлар тўлов мажбурияти бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборатки, заём берувчи заём олувчига (кредиторга) маълум муддат ўтиши билан маълум суммада пул тўлайди.

ЗАРАР – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқ, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:

$$З = Д < Х$$

Демак, корхона даромадга қанчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

ЗАРУРИЙ МАҲСУЛОТ - (важный продукт) – Ишчи ва хизматчиларнинг зарурий иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур маҳсулот.

ЗАРАРСИЗЛИК НУҚТАСИ - (безубыточный точка) – Бу шундай ишлаб чиқариш ҳажмки, бунда умумий ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси сотувдан келган умумий пул даромади билан тенглашади, яъни зарар ҳам, фойда ҳам тенг бўлади.

ЗАХИРА - (запас) – Фирма омборларида сақланаётган товарлар.

ЗАХИРАЛАР - (запасы) – Банкдаги омонатларнинг қатъий белгилаб қуйилган қисми, ундан кредитлар бериш учун фойдаланиш мумкин эмас.

И

ИДЕАЛ ХИЗМАТ - бу сервис фаолиятининг у ёки бу туридаги абстракт, назарий моделдир. У ўз ичига аҳолига хизмат кўрсатиш қоидалари, сифат стандартлари ва хизмат кўрсатиш технологияларини олади.

ИЖАРА - (араб)-мустақил хўжалик юритиш ёки бошқа бирор фаолиятни амалга ошириш мақсадида ер, сув, корхона ва бошқа мулкка эгалик қилиш ҳамда вақтинча фойдаланиш учун тўланадиган муайян ҳақ. И. мулкка эгалик ҳуқуқини ўзгартирмайди.

ИЖАРАЧИ - (арендатор) – Шартномада келишилган доирада ижарага берувчининг мулкидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини оладиган шахс бўлиб, у бунинг учун ижара берувчига ижара ҳақи тўлайди.

ИЖАР ХАҚИ - (арендная плата) – Вақтинча фойдаланиш учун берилган мулк, иморат ёки ер учун ижарачининг ижарага олувчидан оладиган ҳақи (мукофот). Ижара ҳақининг миқдорига ижарага олинган мулк қийматидан ажратиладиган амортизация ажратмалари ва шартнома асосида белгиланадиган мулкдан фойдаланганлик натижасида тушадиган даромаднинг бир қисми (одатда, банк фоизидан кам бўлмайди) киради.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ - ижарачи билан ижарага олувчи ўртасида томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилган келишув, шартнома. ИШ қуйидагиларни кўзда тутди; 1) ижарага олинаётган мулк тизими ва қийматини; 2) ижара тўлови миқдорини; 3) ижара муддатини; 4) ижарага берилган мулкни таъмирлаш ва тўла тиклаш бўйича томонлар мажбуриятини; 5) мулкни шартномада келишилган ҳолда ижарачига етказишни.

ИЖТИМОЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари

ривожлантиришга кўшиладиган инвестициялар киради. Хорижий инвестициялар кўламига қараб халқаро доирадаги, яъни халқаро инвестициялар кўринишига ҳам эга бўлади. Халқаро инвестициялар – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК - ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ЭХТИЁЖЛАР - кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар мажмуидир. Бу фақат тирикчилик эҳтиёжи эмас, балки инсоннинг шахс сифатида камол топиш зарурати ҳамдир.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ - даромадларни тақсимлашда иқтисодиёт қатнашчилари ўртасида тенгсизлик натижасида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этишга қаратилган давлатнинг чора тадбирларидан иборат.

ИЖТИМОЙ СОЛИҚЛАР – иш ҳақи ва ишчи кучига нисбатан кўлланиладиган солиқлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий таъминотга бадалларидан (ажратмаларидан) таркиб топади.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА БЎЙИЧА ҚАРЗЛАР – бу ижтимоий суғурта бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда тегишли суғурта органларига ўтқазиб берилмаган қарз суммаси.

ИЖТИМОЙ ТУЛОВЛАР - моддий жиҳатдан кам таъминланган мамлакат фуқароларига пул ёки натура шаклида ёрдам кўрсатиш шаклидаги тизим ҳисобланади.

ИҚТИСОДИЁТ - (экономика) – Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларига етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолият тизими.

ИҚТИСОДИЙ АГЕНТЛАР - алоҳида шахслар, уй хўжалиги, корхона давлат, ижтимоий ташкилотлардир.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ - (стабилизация экономика) – Танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида

макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ - эса, инвестициянинг потенциал қобилияти, шу лойиҳага қўйилган маблағларнинг қийматини сақлаб қолишда ва уларнинг ўсиши суръатини етарли даражасини яратиб беришда фойдаланилади.

ИҚТИСОДИЙ БАЎЗИС ТУШУНЧАЛАР ДЕБ - микроиқтисодий жараёнларда қатнашадиган иқтисодий тушунчаларга айтилади.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР - (экономические реформы) – Иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларга қаратилган тадбирлар.

ИҚТИСОДИЙ КОНУНЛАР - иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб турадиган, барқарор аниқ сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи воқеа- ҳодисалар.

ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯЛАР - жамият иқтисодий ҳаётининг асосий ва энг умумий томонларини акс эттирувчи мантиқий тушунчалардир.

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАР - бу кишиларни ҳаракатга келтирувчи, уларни ҳатти-ҳаракатини, интилишини, хулқ- атворини белгиловчи куч. Шахс, жамоа, давлат ва миллий манфаатлардан иборат.

ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛЬ - (экономическая модель) – Содда фикр, диаграмма ёки формула; ундан фойдаланиб, иқтисодий воқеаларни яхшироқ тушуниб олиш мумкин.

ИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ - (экономическое равновесие) – Иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келиш ҳолати.

ИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИК - (экономическая равенность) – Иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келиши.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ - кишилик жамияти ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ва уларга хос бўлган қонунларни ўрганадиган фан.

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР – Муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

ИҚТИСОДИЙ РЕСУРС - (экономический ресурс) – Маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), уларни истеъмолчиларга етказиб

бериш ва истеъмол жараёнида қўлланиладиган восита, захиралар ва имкониятлар манбаи.

ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР - (ишлаб чиқариш омиллари) - бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришда қатнашадиган элементлари (табiiй ресурслар, меҳнат, капитал, тадбиркорлар қобилияти ва ахборот).

ИҚТИСОДИЙ РЕНТА - бу рақобатлашган бозорда керакли ресурс учун фирма тўлаши мумкин бўлган нарх билан ушбу ресурснинг минимал нархи ўртасидаги фарқ.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛИНИШ - (экономическое развитие) – Кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топиши.

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК - самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ - ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасидаги давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлари тизимидан иборат.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБЛАШ - бу давлатнинг ундаги турли бўғинлар, соҳа ва тармоқлар фаолиятининг бир-бирига боғланиши ва мос ҳолда ривожланиб бориши масаласида амалга оширадиган маъмурий ва иқтисодий чора-тадбирлари мажмуидан иборат.

ИҚТИСОДИЙ УКЛАД - (экономический уклад) – Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва тури.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ - бу объектив қонуният бўлиб, аҳолининг ўсиши, ФТТ жараёнлари, ишлаб чиқариш хажмининг маълум бир вақт давомида ўсиши каби жараёнлар билан боғланган. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини билдиради ёки бошқача сўз билан айтганимизда потенциал жами ишлаб чиқариш хажмини билдиради

ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛ (давр) - бу, иқтисодиётнинг бир неча йиллар давомида ўсиши ва камайишини кўрсатувчи жараён хисобланади.

ИҚТИСОДИЙ ЭХТИЁЖ - шахсни, корхонани ёки жамиятни фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаб туришга ундовчи зарурият, иқтисодий фаолиятга ундайдиган ички куч тушунилади.

ИҚТИСОДИЙ ЮНИОНИЗМ - (экономический юнионизм) – Самуэл Гомпрес тамойили, унга биноан сиёсат ёки ижтимоий

ислоҳотлардан кўра иш хақи юқорирак ва меҳнат шароити яхшироқ бўлган иш жойини қидирган афзал.

ИМИДЖ - (имидж) – Хўжалик фаолияти доирасида корхона ёки ташкилотнинг иш тарзи, услуги.

ИММИГРАЦИЯ - (иммиграция) – Ишчи кучининг айнан шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

ИМПОРТ - (lat.importo-киритаман) - 1) мамлакат ичига фойдаланиш ёки сотиш учун четдан олиб келинган хорижий маҳсулотлар; 2) капитал И.- хориждан мамлакатга келаётган капитал (кредит, заём ва бошқа); 3) четдан олиб келинган маҳсулотларнинг умумий сони ва қиймати.

ИМПОРТ БОЖЛАРИ - давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади.

ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ- маҳсулотни хорижий шериклардан сотиб олиш ва мамлакатга олиб кириш.

ИМПОРТ ХАРИДЛАР САМАРАСИ - шуни билдирадики, бирор мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, шу хизмат ва товарларга талаб камаяди ва ўз навбатида импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади. Ва, аксинча, ички нархларнинг пасайиши импортнинг камайишига ва экспортнинг ошишига ёки миллий маҳсулотга талаб ошишига олиб келади.

ИМПОРТ-ЭКСПОРТ СОЛИҒИ – солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

ИМТИЁЗ – маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАР – ўз эгаларига акциядорлик жамият молиявий ҳолатидан катъий-назар биринчи навбатда дивиденд олиш, жамият тугатилаётганда уз улушига мутаносиб маблағ олиш ҳуқуқини беради.

ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ – жисмоний ёки юридик шахсларни солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш.

ИНВЕСТИЦИЯ - (nem.investitlion, lat. investire-кийинтирмак)- инвестор томонидан бирор бир фаолиятни амалга ошириш учун капитал маблағларни, сармояларни жорий қилиш, фойда олиш мақсадида сарф қилиш. И. мамлакат ичида (ички инвестиция) ва хорижий мамлакатларда (ташқи инвестиция) амалга оширилиши мумкин. Молия

И.си- қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш, пул маблағларини жамғариш ва бошқаларни, реал И.- моддий ишлаб чиқаришга сарфланган сармояларни ўз ичига олади.

ИНВЕТОР – 1) ўз, қарзий ва жалб қилинган маблағларни инвестициялар шаклида жойлаштиришни амалга оширувчи ва уларнинг мақсадли фойдаланилишини таъминловчи инвестицион фаолият субъекти; 2) қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

ИНВЕТОРЛАР – Хусусий ва қарзга олинган мулкый ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар родини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қуйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

ИНВЕСТИЦИЯЛАШ - бу капитални яратиш ёки капитал захирасини тўлдириш жараёнидир. Инвестициялаш деганда, ялпи ва соф инвестициялаш тушунилади.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ – Корхоналар, фирмалар, ташкилотларда мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

ИНВЕСТИЦИЯ СУБЪЕКТИ - бўлиб, инвестиция фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Улар: хорижий давлатлар, ҳалқаро молия институтлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқарув органлари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, мулк эгаси бўлган фуқаролар, шу жумладан чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИОН СОЛИҚ КРЕДИТИ – солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган енгиллик,

имтиёз (солиқ тўловининг кечиктирилиши). Бу кредит солиқ тўловчи ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирилади. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш (бериш), расмийлаштириш ва қайтариш тартиби “Инвестицион солиқ кредити тўғрисида”ги қонунга мувофиқ белгиланади.

ИНГЛИЗ АУКЦИОНИ - бу аукционда ставка пастдан юқорига қараб ошиб боради ва бу ошиш таклиф қилинган максимал нархда товар сотилгунча давом этади. Ушбу аукционда асосан санъат намуналари, зебу-зийнатлар ва хоказолар сотилади.

ИНДЕКС - (индекс) – 1) Бирор иқтисодий ҳодисанинг изчил ўзгариб боришини кўрсатадиган рақамлар кўрсаткичи; 2) нарх, ном ва шундай кўрсаткичлар рўйхати; 3) ҳарф ёки рақамларнинг ўнг томонига қуйиладиган ҳарф ёки сон кўрсаткичи.

ИНДУКЦИЯ - лотинча «inductio» сўзидан олинган бўлиб, хабар олиш маъносини билдиради.

ИНДИВИДУАЛ СОЛИҚЛАР - даромад солиғи, хусусий мол-мулкларга ва мерос қолган мулкларга солиқлардан иборат.

ИНЖИНИРИНГ - тижорат кўринишида ҳар томонлама маслаҳатларини берувчи мустақил фаолият доираси. Бу фаолият ишлаб чиқаришнинг ўсишини, маҳсулотларни сотишни, объектларни куриш ва улардан фойдаланиш жараёнини таъминлайди. Инжиниринг хизмати икки гуруҳга бўлинади:

1) ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш; 2) ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш жараёнини тўла таъминлаш.

ИНЖИНИРИНГ ФИРМАЛАРИ - ички ва халқаро бозорларда инжиниринг хизматини кўрсатиш бўйича ихтисослашган корхона, фирмалар. Бу фирмалар бир корхона, компания фаолияти билан чекланмайди. Улар турли тармоқларда хизмат кўрсатишлари, кўп таъминотчилар ва пудрат фирмалари билан алоқа қилишлари мумкин.

ИНКАССО - банк операсиясининг бир тури, банкнинг турли ҳужжатлар орқали (вексел, чек ва бошқалар) миждозлар номидан ва улар ҳисобидан оладиган пули.

ИНКАССАТОР - асосан муассасалардан ташқарида юриб пул йиғиш ва пул тўлашга вакил қилинган мансабдор шахс.

ИНКАССАЦИЯ - турли тўлов хизматлари асосида банкдан нақд пул олиш.

ИНКИРОЗ - 1) тараққиётнинг орқага қайтиши, пасайиши, таназзули, регресс, тушкунлик; 2) тугаш, битиш. И. га учрамоқ (ёки юз тутмоқ), орқага кетмоқ, пасаймоқ, тушкунликка учрамоқ.

ИННОВАЦИЯ - янгиликни жорий қилиш, фан-техника ютуқларини бошқариш ва ташкил қилиш соҳасидаги янгиликлар мажмуи.

ИННОВАЦИЯ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

ИНТЕГРАЦИЯ - (интеграция) – 1) Турли бўлимлар, элементлар ҳаракатининг бир бутунга бирлашиш жараёни; 2) иқтисодий интеграция - иқтисодий субъект (давлат, корхона, фирма)ларнинг иқтисодий, технологик муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ошиши натижасида вужудга келади.

ИНФЛЯЦИЯ - (инфляция) – Лотинча “inflation” сўзидан олинган бўлиб, шиш, бўртиш, кўпчиш деган маънони англатади. Инфляция пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товар ва хизматлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пуллар пайдо бўлиши. Иқтисодиётда баҳоларнинг мунтазам ошиб бориш жараёни.

ИНФРАТУЗИЛМА - (инфраструктура) – Такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ - (норма инфляции) – Маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

ИПОТЕКА - (upon hypothekе-гаров)- қарз, кредит олиш учун бирор-бир муайян кўчмас мулкни (ер, иморат ва ҳоказо) гаровга қўйиш.

ИСЛОҲОТ - турли равишда ўтказилган ўзгариш: ислоҳ қилиш, реформа. Иқтисодий И.- иқтисодни инқироз ҳолатидан чиқариш борасида ўтказилган чора- тадбирлар.

ИСТЕЪМОЛ - (потребление) – Истеъмол қилиш, фойдаланиш, ишлатиш; ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги фазаси бўлиб, аҳолининг иқтисодий талабларини таъминлаш жараёнида ижтимоий маҳсулотлардан фойдаланиш.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ - аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланиши.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ - (потребительский кредит) – Кредитнинг бу шаклида жисмоний шахсларга икки шаклда, пул ёки товар шаклида берилиши, жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш, даволаниш, уй жиҳозларини сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун берилади.

ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВЛАРИ - (кооперативы потребления) – Чакана савдо корхоналари, уларнинг аъзолари фойда тақсимоотида қатнашадилар ёки товар ва хизматларни арзонроқ нархда сотиб оладилар.

ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАР ИНДЕКСИ - (индекс потребительских цен) – Ўртача яшовчи оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган

товар ва хизматлар нархининг базис даврида нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс этадиган кўрсаткич.

ИСТЕЪМОЛЧИ ОРТИКЧАЛИГИ - истеъмолчи томонидан товарга тўлаши мумкин бўлган максимал нарх билан товарнинг хақиқий нархи ўртасидаги фаркни билдиради.

ИСТЕЪМОЛ САВАТИ - муайян озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчиликни таъминлаш учун етарли бўлган миқдори.

ИСТЕЪМОЛ САРФЛАРИ - (потребительские издержки) – Аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлари учун ишлатиладиган қисми.

ИСТЕЪМОЛ СОЛИҒИ – бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ана шундай солиқ таркибига киради. Божхона божларини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бировлари маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

ИЧКИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ - бир йил давомида мамлакатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати.

ИЧКИ САВДО - бир мамлакат доирасида товар муомаласига хизмат кўрсатади.

ИЧКИ ХИСОБ - деганда фақат хўжаликнинг ўзида юритиладиган ҳисоб тушунилади. Ички ҳисоб адабиётларда турлича номланган, масалан, оператив-техник ҳисоб, бошқарув ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳисоби.

ИЧКИ ХАРАЖАТЛАР - (внутренние расходы) – Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш ҳисобидан сарфланган харажат.

ИЧКИ ХАРАЖАТЛАР СИФАТИДА - қуйидагилар каралади:

1. тадбиркорнинг ўзига тегишли ресурсларга бўлган харажати;
2. тадбиркорлик қобилиятига тўғри келадиган ва тадбиркорга тегишли бўлган нормал фойда.

Бухгалтерия фойдасидан ички харажатларни айириб ташласак иқтисодий фойдани оламиз.

ИШ ВАҚТИ - (время работы) – Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақт ҳажми.

ИШ КУЧИНING ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯСИ - меҳнат ресурсларининг анча қўлай шароитда иш билан таъминланиши мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишини билдиради.

ИШ ХАҚИ - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул

шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи—бу меҳнат учун мукофотдир.

ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ҚАРЗЛАР – бу корхонанинг ходимларига ҳисобланган ва вақтинча сақланаётган иш ҳақларини тўланмай қолинган қисми.

ИШ ҲАҚИ СОЛИҒИ – юридик шахслардан иш ҳақи харажатларига нисбатан ва ходимларнинг иш ҳақидан маълум фоизда олинадиган солиқ.

ИШБАЙ ИШ ҲАҚИ - (сдельная работа) – Ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иш ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ - бу керакли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан ҳамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. *Масалан*, ўз устахонасига эга бўлган шахс стол ишлаб чиқариш учун ишчи кучидан, хом ашё сифатида тахта, темир, арра ва бошқа ускуналарга сарфланган капиталдан фойдаланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ - (процесс производства, процесс продукцион) – Инсонларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараён.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАҲИРАЛАРИНИ НОРМАЛАШТИРИШ - корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш заҳиралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш заҳираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИАТИ - берилган технологик ривожланишда ва барча мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг иқтисодий неъматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир. Корхона ёки ишлаб чиқаришни маълум вақт оралиғида ва маълум ишлаб чиқариш шароитида энг кўп маҳсулот ишлаб чиқара олиш имконияти - унинг ишлаб чиқариш қуввати дир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ – Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобил йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР - ишчи кучи ёки бошқача айтганда, маълум малакага, тажрибага эга бўлган кишилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУВВАТИ – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ - «мода»га эргашиш ёки аввалги режали иқтисодиётнинг акс-садоси эмас. Корхонанинг муваффақияти ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги самарали хўжалик юритишга асосланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВИ - фуқароларнинг шахсий иштирок этиши ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНСЕНРАЦИЯСИ - қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш тобора чуқурлашиб, ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучлари ва бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг мужассамланиб бориши жараёни.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ - ҳаётий неъматларнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ - (факторы производства) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашадиган ресурслар мажмуи.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ОРТИҚЧАЛИГИ - ишлаб чиқарувчи томонидан олинган умумий манфаатни билдиради.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИ** деб аталади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ - товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда қилинадиган барча сарфлардан иборат.

ИШСИЗЛИК - аҳоли меҳнатга яроқли қисмининг ўзига иш топа олмай қолиши, меҳнат заҳира армиясига айланиши.

ИШСИЗЛАР – бу ишчи кучларининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва иш қидираётганлардан иборат.

ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ - деб ишсизларнинг ишчи кучига нисбатига (% хисобида) айтилади ва уни қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин: *Ишсизлик даражаси = (ишсизлар / ишчи кучи) x 100%*

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса, у холда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик, **ИШСИЗЛИКНИНГ ТАБИЙ ДАРАЖАСИ** дейилади.

Й

ЙИГИМЛАР – қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги маҳсулотларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар кирди.

ЙИҒМА БАЛАНС - бу бир тизим корхоналари баланслари моддаларини горизонтал ҳолда жамлаш натижасида тузилган баланс, масалан трест, концерн, компания, вазирлик ва шу каби юқори органлар томонидан тузилган баланс.

ЙИЛЛИК ХИСОБОТ - (годовой отчет, аннуал статемент) – Бир йиллик давлат бюджети даромадлари ва харажатлари акс эттирган ҳужжат.

ЙЎЛ ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ СОЛИҚЛАР – ёқилғи-мойловчи материалларни сотишдан олинадиган солиқ, автомобиль йўларидан фойдаланувчилардан олинадиган солиқ, транспорт воситаларининг эгаларидан олинадиган солиқ ва транспорт воситаларини сотиб олганлик учун тўланадиган солиқдан иборат.

К

КАДАСТР - 1) жон бошидан олинадиган солиқ тўловчилар рўйхати; 2) вақти-вақтида ёки узлуксиз кузатиш натижасида тегишли объект хусусида структура, тузилма маълумотлар тўплами; масалан, сув кадастри-дарёлар, уларда ўтказилган текширишлар ҳақидаги маълумотлар тўплами; 3) кўчмас мулкни баҳолаш, уни рўйхатини юритиш билан шуғулланувчи давлат ташкилоти.

ҚАДРСИЗЛАНИШ - (обесценивание) – Миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

ҚАЙД ЭТИЛГАН ВАЛЮТА КУРСИ - бу хорижий валютада ифодаланган давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг бахоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШ – баланслаштирилган (мувозанатлаштирилган) суғурта портфелини яратиш мақсадида суғурта объекти бўйича суғурталовчи мажбуриятларининг бир қисмини бошқа суғурталовчига бериш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатлар тизими.

ҚАЙТАРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР - олдин қилинган ҳаражатлар бўлиб, уларни қайтадан тиклаш мумкин эмас. Бу ҳаражатлар қайтарилмаслиги учун ҳам фирманинг қарор қабул қилишига таъсир қилмайди. Масалан, фирма 100 минг сўмга махсус ускуна сотиб олди, лекин фирманинг қарори ўзгарди ва бу ускуна умуман керак бўлмай қолди, ундан альтернатив фойдаланиш варианты мавжуд эмас.

КАЛКУЛЯЦИЯ - маҳсулотнинг ўлчов бирлигини ёки бажарилган ишнинг таннархини ҳисоблаш.

КАПИТАЛ – бу ўзоқ муддатли ораликда ишлатиладиган ишлаб чиқариш ресурси бўлиб, унинг ёрдамида ўзоқ вақт давомида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Капиталнинг икки хил тури мавжуд: *асосий капитал* (ўзоқ муддатда фойдаланиладиган ускуна, технологик линия, бино, қурилма); *айланма капитал* (ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига ўтказадиган ишлаб чиқариш ресурслари, хом аше, материаллар, ярим фабрикалар ва ҳоказолар). Асосий капиталдан ўзоқ муддатда фойдаланилади ва у ўзини қайта такрор ишлаб чиқаради, яъни у ишлатилиши давомида ўз қийматини маълум қисмини маҳсулот қийматига ўтказади. Капиталдан фойдаланиш давомида у ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскиради. *Жисмоний эскириш* – бу капиталнинг вақт ўтиши билан ишга яроқсиз бўлиши бўлса, *маънавий эскириш* унинг унумдорлигининг камайиши, яъни янги ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарга қараганда унумдорлигининг пастлиги ёки умуман барча кўрсаткичлари бўйича (маҳсулот сифати, фойдаланишга қулайлиги) янги ускунадан орқада қолганлигидир.

КАПИТАЛ БОЗОРИ - (рынок капитала) – Асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва ўзоқ муддатли операциялар.

КАПИТАЛГА ДАРОМАД – бу фоиз дейилади. Амалда капиталга даромад икки хил бўлади. Агар капитал пул шаклида бўлса, пул берувчилар ссуда фоизи бўйича даромад олади. Агар капитал буюмлашган шаклда бўлса, у капиталга кўра умумий даромаддан улуш олади. Реал фоиз ставкаси номинал ставкадан (пулда ифодаланган ставкадан) инфляция даражасини айрилганига тенг.

КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - тугалланмаган курилишларга, харакатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар.

КАПИТАЛ ҚУЙИЛМАЛАР - асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстириш учун сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурсларидир. Улар асосан бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот таннархи шаклидаги, жорий харажатлардан фарқ қилади. Капитал қўйилмалар мақсадли характерга эга бўлади ҳамда ходимларга мукофот тўлаш, хизмат сафари (командировка) харажатлари ва ҳоказоларга сарфланиши мумкин эмас.

КАПИТАЛ КЎПАЙИШИДАГИ ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД - (выгода капитала, капитал гаин) – Муайян вақт давомида активлар қийматининг ўсиши.

КАПИТАЛ САРФЛАР - (капитальные расходы, капитал косц) – Асосий капитални кенгайтириш ва уни қайта тиклашга, айланма маблағларни кенгайтиришга қаратилган сарфлар.

КАПИТАЛ ЭКСПОРТИ - (капитал экспорта) – Давлатнинг чет эл фирмаларига кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларини сотиб олиш.

КАРТЕЛ - (fr.kartel карта-қоғоз, хужжат) - монополистик бирлашманинг бир кўриниши: йирик корхона эгаларининг бозорда танҳо ҳукмдорлик қилиш, кўп фойда олиш мақсадида тузган уюшмаси. Уюшмага кирувчилар маҳсулот ҳажми, нархи, ишчилар ёллаш шарти, патентлар айирбошлаш, бозорларни бўлиш, умумий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳар бир қатнашчининг квотаси ва шу кабилар бўйича келишиб олишлари. К.нинг бошқа уюшмалардан (консерн, трест) фарқи унга кирувчилар хўжалик юритиш мустақиллигини сақлаб қоладилар.

КАРЗ БЕРИШ - (дать долг) – Пул ёки омонат.

КАСБ СОЛИҒИ (касбий солиқ) – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг барча турларидан ҳар йили олинадиган тўғри (бевосита) солиқлардан бири. Масалан, Францияда касб солиғи (касбий солиқ)нинг ставкасини ҳисоблашда база сифатида кўчмас мулк ижарасининг қиймати, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналарнинг қиймати (субъектнинг ўз мулкими ёки ижарага олганми, бундан қатъий назар), иш ҳақи фондининг қиймати ва бошқалар хизмат қилади. Касб солиғи (касбий солиқ)нинг суммаси асос рақамлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланадиган коэффицент асосида ҳисобланади. Бунда унинг суммаси корхонада янгидан яратилган маҳсулотнинг маълум бир фоизидан (масалан, 5%) ошмаслиги лозим.

КАФОЛАТ ФОНДИ – давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида тузиладиган фонд.

КВОТА - давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан товарларни ишлаб чиқариш, уларни экспорт ва импорт қилиш юзасидан чекланишларни жорий этилиши. К. шартларини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади. К. ўрнатишдан мақсад бозордаги нарх-навони тартибга солиб туришдир.

КВОТАТИВ СОЛИҚЛАР – даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан фоизларда ўрнатиладиган солиқлар.

КЕЙИНГИ НАЗОРАТ – хўжаликда юз берган жараён ва операцияларни, маблағлар ҳолатини инвентаризация қилиш, тафтиш ўтказиш, таққослама далолатномаларни тузиш йўллари билан текшириш.

КИРИШ ЁКИ ТАЪСИС БАЛАНСИ - деганда корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни таъсис этилган кунига тузилган баланси тушунилади. Одатда ушбу санага тузилган баланснинг активида фақат таъсисчиларнинг янги ташкил этилган корхона олдидаги қарзи, баланснинг пассивида эса эълон қилинган устав капиталининг миқдори кўрсатилади.

КИЧИК БИЗНЕС - бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзига мустақил майда корхоналарнинг даромад олиш мақсадида амалга оширадиган фаолияти.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикада кичик бизнес субъектлари тоифасига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

КИЧИК КОРХОНА – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

КОМБИНАЦИЯ ДЕБ - турли хилдаги вазирликлар билан бирга бир пайтнинг узида узок ва қисқа муддатли, баҳоси бир турдаги ёки турли

хилдаги бир хил тугалланиш контрактга эгабазис активлардан иборат бўлган опцион стратегиясига айтилади.

КОМПАНИОН - бирор мулкка биров билан биргаликда эга бўлган киши ёки ташкилот.

КОМПЛЕКСЛИЛИК - тамойили ишлаб чиқаришни, биринчидан, замон ва маконда бошланиши.

КОНВЕНЦИЯ - (конвенция) – Халқаро битим тури, бу термин халқаро почта, ридиотелеграф алоқалари, божхона масалаларига оид битимларда қўлланилади.

КОНВЕРЦИЯ - (лат.конверсио-ўзгариш) - ҳарбий ишлаб чиқариш ва бошқа хил ҳарбий фаолият соҳаларининг тинчлик мақсадларига кўчирилиши.

КОНВЕРТАЦИЯ - (конвертировать) – Бир томондаги акция ёки облигацияни бошқа типдагисига шу компанияда алмаштириш.

КОНВЕРТИРЛАНМАЙДИГАН ВАЛЮТА - бу фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

КОНСАЛТИНГ - (колсалтинг) – Маслаҳат ва сифатли консалтация берадиган хизмат тури.

КОНСОРСИУМ - (lat.konsortium -ширкат, уюшма)-орхоналарнинг вақтинча ташкил этилган бирлашмалари, улар одатда молиявий ишлар юзасидан ташкил этилади. Унда давлат, банклар, молиявий муассасалар, йирик фирмалар эштирок этади.

Қ

ҚИЙМАТ ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил корхона активлари ва пасивларини таннарх ёки бозор баҳоларида (улардан қайси бири паст бўлса, ўшанда) ҳисобга олишни билдиради.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ - (ценная бумага, капитал) –

1. Конверсия имтиёзига кўра облигация ва акцияни бошқа қимматли қоғозга алмаштириш. Муайян мулккий ҳуқуқни ифодаловчи ҳужжат. Масалан: акция, облигация, вексел ва ҳоказо.

2. эгасига даромад келтирадиган, эгалик ҳуқуқи ёки заём кўринишидаги пул ҳужжати. Қимматли қоғозга акция, облигация давлат ғазна мажбуриятлари, омонат сертификатлари ва векселлар киради. Қўшилган қиймат келтирадиган даромадга қараб ҳар хил нархда сотилади.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – ўзининг эгасига дивидент ва фоиз кўринишида даромад олиш ҳуқуқини берувчи мулк титули. Уларнинг таркибига акциялар, облигациялар ва бошқалар киради.

ҚИММАТ БАҲО (қимматли) ҚОҒОЗЛАР - эгаларига даромад келтирадиган ҳамда турли активларга (сертификат, аксия, облигация ва

бошқа) бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. К.К. аниқ, реал капитални қоғозда ифодалайди. К.К. ларнинг қуйидаги турлари мавжуд: вексел, чек, аксия, облигасия, сертификат, турли муассаса, ташкилот ва идораларнинг (банк, хайрия ва ишонч фондлари) қонунда кўзда тутилган ҳолларда маблағ билан таъминлайдиган ишонч қоғозлари.

ҚИСМАН КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН ВАЛЮТА - бу фақат баъзи бир хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР - (короткие ссуды срока) – Қайтариш муддати бир йилдан ошмайдиган кредитлар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субект.

ҚОЛДИК ҚИЙМАТ – бу асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи. Бу қийматни *баланс қиймати* ҳам деб атайдилар, чунки айнан шу қийматда асосий воситалар корхонанинг балансида акс эттирилади.

ҚОЛДИҚ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

ҚОНУН - (закон, акт) – Конституцияда асосан давлат органи томонидан қабул қилинган норматив акт.

ҚОПЛАШ – асосий капиталнинг ишдан чиққан қисмини алмаштириш.

ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ (қк) – бу акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарқлар суммаси.

ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ - (суммированный капитал, суммаризед капитал) – Капитал миқдорининг ўсган қисми, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган капитал миқдори устига қўшимча равишда сарфланган капитал.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ - ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг барча босқичларида яратилган қўшилган қиймат бир қисмининг бюджетга олиш шакли. Эгри (билвосита) солиқларнинг

таркибига киради. Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Реализация бўйича солиқ солинадиган оборот реализация қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифларни инобатга олган ҳолда, акциз солиғини ҳисобга олиб уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади. Бу солиқни тўловчилар қаторига мулкчилик шакли ва кимга тегишли эканлигидан қатъий назар ишлаб чиқариш ва тижорий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (хорижий инвестицияли корхоналар ҳам) киради.

ҚЎШИЛГАН МАХСУЛОТ - (прибавочный продукт) – Ишлаб чиқаришда капитал ёки ишчи кучи таъсирида ўсган маҳсулот.

ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ - (общество с дополнительной ответственностью) – Бир ёки бир неча шахслар томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган микдордаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти. Жамият иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшилган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган микдорда жавобгардир.

ҚЎШИМЧА ТУЛОВЛАР - (дополнительней платёжы, фринге бенефитис) – Иш берувчининг иш кучига иш ҳақидан ташқари, шу жумладан касалликни суғурталаш, пенсия дастурларига ва таътил ҳақиға қилган харажатлари.

Л

ЛИЗИНГ - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки маҳсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

ЛИКВИДЛИЛИК – бу қимматли қоғознинг унинг эгаси учун деярли зарар келтирмаган ҳолда тез сотилиш, пул маблағларига айлаяиш қудратидир. Ликвидлиликка таъсир кўрсатадиган омиллар учта гуруҳға:

Умумиқтисодий омиллар;

Мазкур мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш даражаси билан боғлиқ омиллар;

Эмитентнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ омиллар.

ЛИМИТ - хўжалик фаолияти турли жиҳатлари миқдорининг чекланиши, фаолият доираси, чегарасининг белгиланиши. Л. давлат ёки йирик бирлашма томонидан ўз корхонаси учун ўрнатилади.

ЛИЦЕНЗИЯ – у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, хўжалик ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, маҳсулотнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиш кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиб кетишга давлат ёки маҳаллий бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги). Савдо қилиш ҳуқуқи ёки лотерея ва маҳаллий аукционларни ўтказиш учун лицензия уч нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ижарачига (ўтказувчига, шуғулланувчига) берилади, иккинчиси туман солиқ инспекциясига йўлланади, учинчи нусха эса тегишли қарор, хат ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда туман ёки шаҳар маъмуриятининг иш жилдида сақланади. Лицензия олиш учун мурожаат этаётган жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканликлари тўғрисида гувоҳномага эга бўлишлари шарт.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ - бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳамда, молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради.

ЛИЦЕНЗИАТ - (лицензиат) – Хўжалик фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш рухсатномаси бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

ЛИЦЕНЗИОН САВДО - халқаро савдода интеллектуал мулкни, технологияни, ихтиро ва патентларни олди-сотди қилишнинг асосий кўриниши.

ЛОЙИҲА - (проект) – Ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган лойиҳа цикли концепцияси кўринишида таърифланган, белгиланган жараённи тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш.

ЛОЙИҲА ЦИКЛИ - (цикл проекта, кйкле оф тхе прожект) – Лойиҳани тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспиртизадан ўтказиш, амалга ошириш ва баҳолаш босқичларида лойиҳани амалга ошириши.

ЛОКТАЦИЯ ДАВРИ – бузоклаган сигирларнинг сут бериш давомийлиги муддати.

ЛОМБАРД - (ломбард) – Кўчмас мулкни гаровга олиб кредит берадиган ташкилот.

М

МАВСУМИЙ ЗАҲИРАЛАР - асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан,

уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий захиралар ҳажми худди жорий захиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий захиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

МАЖБУРИЯТ - (обязательства) – Мажбурият, вазифа, бурч, тилхат; Шартнома билан расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

МАЖБУРИЙ ЗАХИРАЛАР – бу, кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар миждозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади. Марказий банк тижорат банкларини ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуйи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча захиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади.

МАЖБУРИЙ РЕЗЕРВЛАР - бу кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар миждозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади.

МАЖБУРИЙ РЕЗЕРВ СИЁСАТИ - (принуждённая резервная политика) – Муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидликлигини муофиқлаштириш ва инфляция суръатларини тушириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий резерв нормасини ўрнатиш сиёсатини амалга ошириши.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ - бу мамлакат миқёсида моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

МАКЛЕР - (маклер) – Битимга келишувидаги воситачи. У битим тузмайди балки битим тузиш учун харидорни жалб этади, бунинг учун воситачилик ҳақи олади.

МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР – Мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

МАҚСАДЛИ СОЛИҚЛАР - (обязательный налог) – Давлатнинг муайян турдаги харажатларини қоплаш учун фуқаролар ёки тижорат фирмалари берадиган мажбурий тўловлар.

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ - (макроэкономическая политика) – Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган давлат сиёсати.

МАЛАКАЛИ ИШЧИ - (опытный рабочий) – Ўз касбида юксак малакага эга бўлган ишчи. *Масалан:* дурадгор, слесарь, автомеханик ва ҳоказо.

МАЛАКАСИЗ ИШЧИ - (без опытный) – Умумий кўникмаларга эга бўлган ишчи. *Масалан:* фаррошлар, ахлат йиғувчиларга нисбатан ишлатиладиган атама.

Агар, ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда, омиллар сарфи суръатидан ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суръати паст бўлса, бундай ўсишга **МАНФИЙ МАСШТАБ** дейилади.

МАРКЕТИНГ - (маркетинг) – Маҳсулот ишлаб чиқаргандан то истеъмолчига етиб боргунгача бўлган тадбиркорлик фаолияти.

МАРКАЗИЙ БАНК - пул, облигасия эмиссияси (чиқарилиши) билан, шунингдек мамлакатнинг бутун банк тизимини бошқариш, назорат қилиш билан шуғулланади. Шунинг учун у «банклар банки» деб ном олган.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ - (общество с ограниченной ответственностью) – Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушга бўлинган хўжалик жамияти. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

МАҲСУЛОТ - (продук) – Бирор фаолиятнинг моддий натижаси (меҳнат; хизмат кўрсатиш; иш бажариш). Ишлаб чиқаришни истеъмол учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол учун ишлатиладиган истеъмол предметлари; *Масалан:* ялпи маҳсулот, соф маҳсулот, саноат маҳсулоти.

МАҲСУЛОТНИ МАРКАЛАШ - (маркировка изделия) – Бирон бир маҳсулотнинг мазмуни ва фойдаланиш хусусиятини бирхиллаштириб ифодаладиган ахборот бериш.

МАҲСУЛОТНИ СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ ФОЙДА - маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарихи ўртасидаги тавофут.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ -вилоят, шаҳар ва туманнинг кирим-чиқим (даромад ва харажат) молиявий ҳужжати.

МАҲСУС КОНТРАКТЛАР - бу лойиха ва монтаж ишларига, техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ва шу кабилар юзасидан тузилади;

МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ - (административные расходы) – Бошқарув апаратыни сақлаш (таъминлаш) харажатлари; хизматдаги енгил автомобилларни сақлаш

харажатлари; қоровулчилик ходимлари, куриқчи тизимларни сақлаш харажатлари; хизмат сафари харажатлари.

МАЪНАВИЙ ЭСКИРИШ - асосий фондларнинг кадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида кадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг кадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради.

МАЖБУРИЯТЛАР – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари.

МАКСАДЛИ АЖРАТМАЛАР – нобюджет фондларнинг даромадлар қисмини шакллантиради. Бу ажратмаларнинг манбаи ишлаб чиқарилган (яратилган) ялпи ички маҳсулот бўлиб, унинг ҳисобидан бирламчи даромадларни шакллантириш жараёнида ижтимоий мақсадлар учун нобюджет фондларга, меҳнат ҳақи фондига боғланган ва маҳсулот таннархининг таркибига киритиладиган тўловларнинг тегишли қисми таркиб топади: пенсия фондига, мажбурий тиббиёт суғуртаси фондига ва ҳ.к.

МАКСАДЛИ ТУШУМЛАР (МТ) – корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

МАКСАДЛИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ – хўжалик юритувчи субъект томонидан давлатнинг мақсадли ижтимоий, иқтисодий, инвестицион ва бошқа дастурларининг бажарилганлиги учун солиққа тортиш ҳажмининг пасайтирилиши. Инвестицион солиқ кредитидан фарқли равишда ўзаро манфаатдорлик (ўзаро фойдалилик) асосида минтақавий бюджетга бориб тушувчи солиқ суммалари доирасида ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳар қандай корхонага берилиши мумкин.

МАКСАДЛИ ХОРИЖИЙ КРЕДИТ - лойиҳаларнинг мақсадларига мувофиқ равишда товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақини тўлаш йўли билан маблағларни хорижий валютада қайтарилиш ва тиклаш асосида тақдим этилишини кўзда тутган ҳолда ҳукуматнинг ташқи қарз олиш Давлат дастурига киритилган лойиҳаларини молиялаштириш шакли. Улар хорижий давлатларнинг ҳукуматлари, банклари ва фирмаларининг кредитларига боғланган кредитларни ва халқаро молиявий ташкилотларнинг номолиявий кредитларини ўзига қамраб олади.

МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТ – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб,

унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

МАҲСУЛОТНИНГ БОЖ ҚИЙМАТИ – маҳсулот чегарадан ўтаётган пайтда унинг эгаси томонидан эълон қилинадиган қиймат. Унинг тўғрилигини аниқлаш устидан назорат маҳсулотларни расмийлаштирувчи божхона органлари томонидан амалга оширилади. Маҳсулотларнинг бож қийматини аниқлашда турли методлардан фойдаланилади: а) киритилаётган маҳсулотларнинг битим баҳоси бўйича (энг кўп қўлланиладиган метод); б) турдош (бир турдаги, бир хилдаги) маҳсулотлар битим баҳосига кўра; в) қийматни ҳисоблаш методи бўйича; г) қийматларни кўшиш йўли билан; д) резерв методи бўйича.

МАҲСУС БОЖХОНА БОЖЛАРИ – божхона божларининг кўринишларидан бири бўлиб, агар мамлакатга олиб кириладиган маҳсулотлар шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ўзидагиларга зарар етказадиган бўлса, ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади. Бошқа мамлакатларнинг дискриминацион ҳаракатларига нисбатан жавоб тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар жавобгарлигининг шаклларида бири.

МЕНЕЖМЕНТ - (инглизча манагемент) у ёки бу фаолият турини ташкил этиш ва раҳбарлик қилишни, иқтисодий, молияни ва бошқа инсон ҳаётидаги ишбилармонлик соҳасини ташкил қилиш ва бошқаришни билдиради.

МЕНЕДЖЕР - (менеджер) – Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва даромадини ошириш тамойиллари, услуб ва тадбирлари мажмуидан фойдалана оладиган шахс.

МЕРОС – қонун ёки васиятга мувофиқ меросхўрлик асосида қабул қилинадиган мулк.

МЕТОД - грекча «метҳодос» сўзидан олинган бўлиб «нимагадир йўл», билиш усулуби, жамият ва табиат ҳодисаларини тадқиқот қилиш усули маъносини билдиради.

МЕҲНАТ - бу инсоннинг бирор бир мақсадга қаратилган онгли фаолият бўлиб, у орқали инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун табиат инъомларини ўзгартиради. Инсон меҳнати икки ёқлама характерга эга: а) **КОНКРЕТ МЕҲНАТ**- товарнинг истеъмол қийматини яратадиган, бирон бир аниқ кўринишга эга бўлган меҳнат тури тушунилади. б) **АБСТРАКТ**

МЕҲНАТГА АККОРД ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИ - меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг моҳиятига кўра, бунда

бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалга оширилади.

МЕҲНАТ БИРЖАСИ - (биржа труда) – Меҳнат бозорининг институти, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар кучи ўртасида воситачилик қиладиган бўғин. Меҳнат биржаси ёрдамида давлат меҳнат бозорига ўз таъсирини ўтказди, ишга жойлашиш муомаларини бошқаради (жумладан фақат ишсизларни эмас, балки касбини ўзгартирмоқчи бўлган шахсларни ҳам). Меҳнат биржаси мамлакат, жаҳоннинг турли-туман худудларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифларини ўрганади, ёшларни ишга жойлаш, касбга йўналтириш масалалари билан шуғулланади.

МЕҲНАТГА ВАҚТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ - тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календарь вақт эмас, балки норматив вақт учун тўланадиган ҳақни англатади.

МЕҲНАТ ИНТЕНСИВЛИГИ - (интенсивность труда) – Вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

МЕҲНАТГА ИШБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ - ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган ҳақни англатади. Корхоналарда кўпинча фақат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади.

МЕҲНАТГА ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ ҲАҚ ТЎЛАШДА - ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш - маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш, маҳсулот сифатини ошириш, хом ашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

МЕҲНАТ КУРОЛЛАРИ - (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сифими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сифими эса фонд қайтимига тесқари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

МЕҲНАТ ПРЕДМЕТИ - (предмет труда) – Инсон меҳнати бевосита таъсир қиладиган, маҳсулот тайёрланадиган ресурслар. *Масалан*, хом-ашё, материал ва бошқалар.

МЕҲНАТ СТАЖИ - (трудовой стаж) – Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш ёки ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этишда узоқ йил ишлаганлигига қараб устивор аҳамият берилиши.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ - (производительность труда) – Маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақти.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ҲАРАЖАТЛАРИ – асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи мукофотлари, рағбатлантирувчи ва тикловчи (қопловчи) тўланмалар, натурал ҳақ сифатида бериладиган маҳсулотларнинг қиймати, тузилган шартномалар бўйича ходимларга бериладиган меҳнат ҳақи ва бошқа тўланмаларни ўз ичига олади.

МИКРОИҚТИСОДИЁТ - (грекча:"микро" -"кичик" дегани) иқтисодиётнинг дастлабки, ҳал қилувчи бўғинларидаги иқтисодий ҳодисаларни ўрганади.

МИКРОФИРМА – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

МИКРОКРЕДИТ – Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар.

Микрокредитлар:

1. юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача;

2. микрофирма ва деҳқон хўжалиқларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилди

МИҚДОР КЎРСАТКИЧЛАРИ - корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятини ҳажм ўлчамида изоҳлайди. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, ишлаётган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, машина ва асбоб-ускуналар парки, ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар миқдори, цех ҳамда иш жойлари сони ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

МИЛЛИЙ БОЗОР - муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги олди-сотди муносабатлари. МБ ҳар қандай бозор каби турли моддий, маънавий ва интеллектуал товарларни айирбошлаш объектига айланади, ҳамда унда шу мамлакат товарлари билан биргаликда импорт қилинган товарлар ҳам катнашади.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК - (национальное богатство, национал веалтх) – Инсоният жамият таррақиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликлари.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА - муайян мамлакатнинг пул бирлиги.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ТИЗИМИ - (национальная валютная система) – Бир мамлакатда валюта амал қилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва қонуний муносабатлар йиғиндиси.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД - муайян мамлакатда бир йилда моддий ишлаб чиқариш соҳалари томонидан янгитдан ҳосил қилинган қиймат ёки бошқача қилиб айтганда, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланганидан сўнг қолган қисми. МД моддий неъматлар ишлаб чиқариладиган шароитларда жонли меҳнат воситасида яратилиб, ҳам қиймат- пул, ҳам моддий- буюм шаклига эга бўлади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ - бу барча ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига қамраб олган яхлит иқтисодиётдир.

МИЛЛИЙ ХИСОБЛАР ТИЗИМИ - ялпи миллий маҳсулот, ички миллий маҳсулот ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, фойдаланишни қиймат шаклида ифодалайдиган ўзаро боғлиқ ҳисоблаш тизимидир.

МИНТАКАВИЙ ВАЛЮТА ТИЗИМИ - (валютная система контента) – Ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилиб, аъзо давлатларнинг валюта соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлари шакли сифатида фаолият кўрсатади. *Масалан*, Европа валюта тизими.

МОДЕРНИЗАЦИЯ – Мавжуд объектни такомиллаштириш, яхшилаш, уни янги талаб ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

МОДДИЙ КАПИТАЛ САРФИ - ишчилар томонидан бинодан, ускунадан, инструментдан ва технологик линиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш муносабатлари биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик муносабатлардир.

МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР – хом-ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссия мукофотлар бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

МОЛИЯ – давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни яратиш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими.

МОЛИЯВИЙ АППАРАТ – молиявий бошқарувни амалга оширувчи органлар. Ўзбекистонда уларнинг таркибига Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси ва унинг икки (Сенат ва Қонунчилик) палаталари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ

қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги қуйи органлари, турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарда молияни оператив бошқариш функциясини амалга оширувчи молиявий бўлимлар ва бошқармалар ва ҳ.к.лар киради.

МОЛИЯВИЙ БОЗОР – қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда фонд қимматлари, яъни, акциялар облигациялар ва қимматли қоғозларнинг бошқа кўринишлари бозори. Бирламчи молиявий бозорда янги қимматли қоғозлар чиқарилади, иккиламчи молиявий бозорда эса, олдин чиқарилган қимматли қоғозларнинг қайта сотилиши содир этилади.

МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАР – бу, умуман олганда, монетизациялашган реал базисга эквивалент қийматга ва ҳоссаларга эга бўлган, махсус иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган, молия бозоридаги муносабатларни белгиловчи, молиявий ресурсларни самарали тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминловчи, маълум шаклларда даромад келтирувчи восита сифатида ҳар ҳил турларда, шакл ва мазмунларда намоён бўладиган ҳам инвестицион капитал, ҳам тўлов воситаси, ҳам алоҳида молиявий товардир.

МОЛИЯВИЙ ДЕРИВАТЛАР– бозор нархига эга бўлган пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига бирламчи қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради. Буларга опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар киради.

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ДЕБ - акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар учун сарфланган қўйилмаларга айтилади.

МОЛИЯ ЙИЛИ - биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.

МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ - ижарага олинган асосий фондларнинг (машина, курилма, асбоблар) тўла қийматини ҳамда ижарага берувчининг фойдасини тўлаш ҳақидаги келишув.

МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМ – молиявий муносабатларни ташкил этишнинг давлат томонидан ўрнатилган шакллари, турлари ва методлари тизими. Давлат томонидан тартибга солишнинг даражасига боғлиқ равишда иккига бўлинади: директив молиявий механизм ва тартибга солувчи молиявий механизм. Директив молиявий механизм давлат бевосита иштирок этадиган муносабатлар (солиқлар, давлат кредити, бюджет жараёни ва бошқалар) билан боғланган. Тартибга солувчи молиявий механизм эса, давлатнинг манфаатларига тўғрида-тўғри таъсир этмайдиган молиявий муносабатлардан (масалан, корхона ички-хўжалик фаолиятини ташкил этиш) фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб (аниқлаб) беради.

МОЛ-МУЛҚ СОЛИҒИ - (имущественный налог, пропертй тах) – Корхона (фирма)нинг бевосита солиқларидан бўлиб, мавжуд асосий фонд (актив)ларнинг дастлабки қийматидан ҳисоблаб олинади.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ - молиявий бошқарув тизимининг элементларидан бири, барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, ҳудудий-маъмурий бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар) молиявий фаолияти молиявий-хўжалик қонунчилигига риоя этилиши, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқли, молиявий-хўжалик операцияларининг иқтисодий самарадорлиги устидан амалга ошириладиган қийматий назоратнинг алоҳида соҳаси.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни.

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР – давлат ва корхоналар пул маблағлари мақсадли фондларининг мажмуи. Улар ўсишининг асосий шarti миллий даромаднинг кўпайишидир. Мамлакатнинг молиявий ресурслари Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тузиладиган йиғма молиявий балансда ўз ифодасини топади. У ўз ичига давлат бюджет тизими, ҳукуматнинг нобюджет фондлари ва турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг (амортизация ва уларнинг ихтиёрига қоладиган фойда суммаси) ресурсларини қамраб олади.

МОЛИЯ СИЁСАТИ - (финансовая политика) – Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми; давлат ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириши учун молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тадбирлари йиғиндиси. *Масалан* - солиқ сиёсати, амортизация сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисмларидир.

МОЛИЯ ТИЗИМИ - (финансовая система) – Молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилувчи турли даражадаги молиявий муассасалар.

МОЛИЯНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ – молия моҳиятининг амалда намоён бўлиши. Унинг тақсимлаш ва назорат функциялари мавжуд.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ - деганда хўжалик молиявий фаолияти тўғрисидаги ахборотларни асосан ташқи фойдаланувчилар учун тақдим этувчи ҳисоб тизими тушунилади. Молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчилар учун асосан ҳисоботлар кўринишида тақдим этилади. Молиявий ҳисоб маълумотларидан ички фойдаланувчилар ҳам кенг фойдаланадилар.

МОНОПОЛИЯ - 1) яккаҳокимлик; 2) ишлаб чиқаришни марказлаштириш оқибатида юзага келадиган катта бирлашма (картел, синдикат, трест, консерн, консорсиум конглометрат ва шу кабилар). Ушбу бирлашма ўз ичига ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни,

маҳсулот сотишнинг кўп қисмини мужассамлаштиради, шу соҳада ўзини ҳукмрон мавқеини ўрнатади.

МОНОПСОНИЯ - харидор битта бўлиб сотувчилар кўп бўлган бозор. Агар бозорда монополист- сотувчи билан монополист харидор учрашса, бундай ҳолда икки томонлама монополия бўлади. Агар тармоқда фақат иккита фирма фаолият кўрсатса, бундай олигополик хусусий ҳолга дуополия дейилади. Агар биз бозор таклифи ва талабнинг ҳар хил шаклдаги вариантлар комбинациясини карасак, бозор тизимлари сони янада кўпаяди.

МОНЕТАРИЗМ - (монетаризм) – Муомалада бўлган пул таълимотини акс эттирган иқтисодий назария. Монетаризмнинг илк формаси; муомалада пул массаси хўжалик конъюктурасини юзага келишига таъсир этувчи омил бўлиб, муомаладаги пул массасини ўзгариши билан ялпи ички маҳсулот миқдори ўртасидан тўғри алоқа ўрнатилади.

МОНИТОРИНГ - (мониторинг) – Хўжаликни текшириб туриш, назорат этиш, маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва башорат (прогноз) қилиш.

МОНОПОЛИСТИК РАҚОБАТ - (монополистическая конкуренция) – Кўпдан-кўп фирмалар бир хил бўлмаса ҳам, бир бирига ўхшаш товарларни сотадиган бозор.

МОНОПОЛ РЕНТА - (монопольная рента) – Алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

МОНОПОЛ РАҚОБАТ БОЗОРИ - тулик рақобатлашмаган бўлиб, унда катнашадиган фирмалар сони кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз товарлари нархини маълум чегарада назорат қилади, яъни улар кичик бўлса ҳам монополь ҳокимиятга эга.

МОНЕТАР СИЁСАТ - (монетарная политика) – Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати.

МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ - давлат томонидан тармоқ бозорида рақобат муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашувчи тартиб-қоидаларини жорий этилиши.

МОСЛАШУВЧАНЛИК - режалаштиришнинг бозор шароитларидаги муҳим тамойили ҳисобланади. У ишлаб чиқариш режаларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришнинг юзага келиши мумкин бўлган пасайиши ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. “Қорхоналар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқаришни режалаштиришда ушбу тамойилни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

МОСЛАШУВЧАН ТАКЛИФ - (эластичный от поставки) – Сотувчилар ўзлари таклиф қиладиган товарларни нақадар осонлик билан кўпайтира ва камайтира олиш меъёри.

МОТИВАЦИЯ - (мотивация) – Ўзаро боғлиқ ва ўзаро мосланган сабаблар тизими.

МУВОФИҚЛИК БЕЛГИСИ - (гарантийный знак) – Маҳсулот ёки хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёки кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ - (гарантийный сертификат) – Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

МУДДАТЛИ КОНТРАКТЛАР - маҳсулотни қатъий белгиланган вақтда етказиб беришни кўзда тутади. Бу шарт бузилганда харидор контрактдан воз кечиш ҳуқуқига эга;

МУДДАТЛИ ОМОНАТ - (временное сбережение) – Мижоз томондан банкка маълум муддатга қўйилган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан фоиз тўланиши.

МУЗОКАРА ОЛИБ БОРИШ ВА ШАРТНОМА ТЎЗИШ ХАРАЖАТЛАРИ - шартномаларни тузиш учун кетган вақт, ресурслар, савдо-сотикни ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар.

МУКАММАЛ РАҚОБАТ - (идеальный конкуренция) – Бозордаги вазият бўлиб, бунда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам кўп бўлиб, уларнинг биронтаси ўз харажатлари билан талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни, мувозанат баҳосини сезиларли даражада узгартира олмайди, бозорда ўз ҳукмини утказа олмайди, шу туфайли сотувчиларни ҳам, харидорларни ҳам ишлаб чиқаришнинг, фаолиятнинг энг оқилона йўлини танлашга ундайди.

МУЛК - турли-туман объектларнинг муайян субъектга тааллуқли эканлигини англатади.

МУЛКДОР - (владелец) – Ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

МУЛЬТИПЛИКАТОР - ялпи даромадлар мустақил харажатларнинг дастлабки ўсиши (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсганлигини (камайганлиги) кўрсатади. Мустақил харажатлар таркибидаги омиллардан бирортасининг бир марта ўзгариши, ЯММни бир неча марта ўзгаришига олиб келади.

МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ - (имущественные отношения) – Мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабат.

МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ - (имущественные объекты, пропертей обжекц) – Мулкка айланган барча бойликлар.

МУЛК СУБЪЕКТЛАРИ - (имущественные субъекты, пропертй субъекц) – Мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкый муносабатлар иштирокчилари.

МУЛЬТИПЛИКАТОР САМАРАСИ - (польза мультипликатора, аниматор бенефит) – Соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг инвестицион сарфлардаги ўзгаришга нисбати.

МУЛКНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ - (усвоение имущества, мастеринг оф пропертй) – Мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

МУЛКҲИЙ ХУҚУҚ – бу у бўйича иқтисодий ўзаро муносабатлар субъектлари мол – мулкка, товар–моддий бойликларига, пул маблағларига даъвогарлик қилиши мумкин бўлган ҳуқуқдир.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ - бу давлат, жамоа, хусусий ва аралаш мулклардир.

МУОМАЛАДАГИ ПУЛЛАР - (деньги в обороте) – Мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз); пулга тенглаштирилган тўлов воситалари. Пул ҳисоб китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ – маҳсулотлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Улар икки кўринишда бўлиши мумкин: 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (маҳсулотларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва маҳсулот айланмасига нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

МУЪАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ - (авторское право)

1. Илмий, адабий ва маданий асарларда муаллифларнинг ҳуқуқини тартибга солувчи ҳуқуқнинг бўлиши;

2. адабий, мусиқий ёки бадиий асарни радио-телевиденияда эълон қилиш, матбуотда чоп этиш ва сотишдаги махсус ҳуқуқ.

МУВОЗАНАТЛАШГАН БАҲО ДЕБ - талаб хажми таклиф хажмига мос келгандаги баҳо тушунилади.

МУҚОБИЛ КИЙМАТ - (стоимость возможности) – Бошқа товар ва хизматларга алмаштириш учун берилиши лозим бўлган товар ва хизматлар миқдори.

МУҚОБИЛ ТЕКШИРУВ - (альтернативная проверка) – Ўзаро операцияларнинг бир хиллиги билан боғланган ва турли хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида жойлашган ҳужжатларни қиёслаб текшириш.

МУЛК СОЛИҒИ (*мулкий солиқ*) – ўз таркибига кўчмас мулк (ер, бинолар) солиғини ва шахсий мулк(асбоб-ускуналар, захиралар) солиғини олади. Маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига ҳисобланиб, кўпгина мамлакатларда улар даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда бу солиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларга бўлинган.

МУЛКИЙ СОЛИҚҚА ТОРТИШ – солиқ тўловчининг мулкидан, кўп ҳолларда унинг капиталидан олинадиган солиқлар тизими. Одатда, прогрессив характерга эга – мулкнинг ўлчами (ҳажми, миқдори) ошишига қараб солиқнинг ставкаси ҳам ортади.

МУРАККАБ ЎТКАЗМАЛАР – бу уч ва ундан кўп ҳисоблар қатнашиб тузилган ўтказмаларга айтилади. Бундай ўтказмаларда битта ҳисоб дебётланиб, икки ва ундан кўп бошқа ҳисоблар кредитланади ёки шунинг тескараси бўлади.

МУРАККАБ ФОИЗЛАР - (сложный проценты) – Жамғармалардан фойдаланилгани учун ҳақ тўлаш ҳисоб-китоб усули бўлиб, бунда бу ҳақ омонатнинг бошланғич сўммасига ҳам, унга ўтган йили учун ёзилган фоиз сўммасига ҳам қўшиб ёзилади, омонатнинг прогрессив ўсишини таъминловчи фоизлар.

МУТЛАҚ ОЗОД ҚИЛИШ - корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

МУТЛОҚ РАҚОБАТДОШ БОЗОР - (совершенно конкурентное рынок) – Харидорларнинг бозор нархларидан хабардор бўлиши.

МУТЛОҚ РАҚОБАТДОШ ФИРМА - (совершенно конкурентная фирма) – Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда, маҳсулот баҳосини белгилаш.

МУТАНОСИБ СОЛИҚ - (прогрессивный налог) – Олинадиган даромадлардан, уларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, бир хил фоизда олиниши.

МУҲИМЛИЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини фойдаланувчиларнинг тақдим этилган ахборот асосида қабул қилган қарорларига таъсирини билдиради.

Н

НАЗОРАТ – бу юз берган, бераётган ва берадиган ходиса ва жараёнларни қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Хўжалик ҳисоби томонидан олиб бориладиган назоратни асосан учта турга бўлиш мумкин:

- Дастлабки назорат

- Жорий назорат
- Кейинги назорат

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАН - (контролирующий орган) – Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан, давлат назоратини амалга оширишга қонун томонидан ваколат берилган вазирлик ва идоралар.

НАКД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ - (наличный деньги) – Товарлар учун ҳисоб-китоб ёки бошқа тўловлар қилинаётганида харидордан сотувчи қулига жисмонан утадиган қогоз ва танга пуллардир. Накд пуллар бошқа турли тўловларда ҳам қулдан қулга ўтади.

НАКД ПУЛЛИК ҲИСОБ-КИТОБ - (наличный расчёт) – Пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функциясиларини накд пул ёрдамида амалга ошириб, иш ҳақи, нафақа, муқофот, суғурта тўловларни тўлашда амалга оширилади.

НАКД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ - (без наличный расчёт) – Корхона, ташкилотлар ўртасидаги уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан накд пулсиз бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш операцияси.

НАРХ - баҳо - товар қийматининг пулда акс этиши, бозор иқтисодиётига асосланган жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий дастак. Н. фақат таннархга эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ.

НАРХЛАР БАҐҚАРОРЛИГИ - (ценовая стабильность) – Инфляция ва дефляциянинг йўқлиги - пул бирлигининг харид қобилияти деярли ўзгармайдиган давр.

НАРХ ДИАПАЗОНИ - (цена диапазона) – Нархлар оралиғидаги фарқнинг пулдаги ифодаси.

НАРХЛАР ЖАНГИ – бу рақобатлашадиган фирмалар томонидан олигополик бозорда нархларнинг босқичма-босқич тушурушидир.

НАРХЛАР ИНДЕКСИ - (индекс цен) – Хар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

НАРХ ТИЗИМИ - (ценовая система, прике сйстем) – Иқтисодий тизим; Унда ресурслар талаб ва таклиф кучларининг ўзаро таъсири натижасида тақсимланади.

НАТУРАЛ ДАРОМАД – меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари.

НАТУРАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ - (натуральное производство) – Меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланиши.

НАФАҚА – вақтинчалик меҳнат қобилиятини юқотганда, ҳомиладорлик ва туғишда, бола туғилганда, бола парвариши бўйича ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда мамлакат фуқароларига бериладиган доимий равишдаги ёки бир марталик пул тўланмаси.

НАФЛИЛИК - (выгодность) – Товарлар кишиларнинг бирон-бир истеъмолчини қондириш лаёқати.

НАФЛИК ФУНКЦИЯСИ - истеъмолчининг истеъмол қиладиган неъматлар ҳажми билан, у ушбу неъматларни истеъмол қилиш натижасида оладиган нафлик даражасини ифодалайди.

НЕЙТРАЛЛИК ТАМОЙИЛИ - бу тамойил моливий ҳисоботни биронта шахс манфаатлари учун бошқа биронта шахс зарарлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.

НЕТТО - (нетто) – Ўралмаган ҳолдаги товарларнинг соф массаси; фоиз скидкасини чегирган ҳолдаги товарнинг соф баҳоси; харажатларни чегирган ҳолдаги соф даромад.

НЕЪМАТНИНГ НАФЛИГИ - неъматнинг инсон эҳтиёжини қондира

олиш хусусиятидир. Истеъмол назариясида неъмат - бу истеъмолчининг эҳтиёжини қондира оладиган ҳар қандай истеъмол объектидир.

НЕЪМАТЛАР НОЁБЛИГИ ДЕГАНДА - иқтисодий субъектлардаги мавжуд неъматлар захирасининг шу неъматларга эҳтиёж сезган харидорларнинг талабларини етарли даражада қондира олмаслиги тушунилади. *Неъматлар ноёблиги* - бу бирор товар ёки ресурс ҳажмининг маълум вақт оралигида чегараланганлигидир.

НИСБИЙ ОЗОД ҚИЛИШ - айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

НИЯТЛАР ҲАҚИДА ШАРТНОМАЛАР - бунда фақат сотувчининг маълум маҳсулотларни сотиш нияти ва харидорни уларни қатъий мажбуриятларсиз сотиб олиш нияти белгиланади.

НОДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ – хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи ва ликвидлилиги, молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги, фойдалилиги ва тўловга лаёқатлилиги устидан аудиторлик фирмалари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарияти ва молиявий хизматлари, акционерлари, тижорат банклари, суғурта фирмалари томонидан амалга ошириладиган назорат.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ - (негосударственное некоммерческое предприятие) – Жисмоний ёки

юримдик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари аъзолари ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилот.

НОМЕНКЛАТУРА - (номенклатура) – Буюмлар, нарсалар, номлар рўйхати. *Масалан* - счёт, товар номенклатураси.

НОМИНАЛ - (номинал, номинал) – Товарда кўрсатилган нарх; Пул бирлиги ёки қимматли қоғозга ёзиб қуйилган қиймат.

НОМИНАЛ ДАРОМАД – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори.

НОМИНАЛ ИШ ХАҚИ – бу ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

НОМИНАЛ ФОИЗ СТАВКАСИ – бу жорий пул бирликларида ифодаланган жамғармага ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

НОМУЛКҲИЙ ХУҚУҚ – бу, масалан, акциядорнинг компаниянинг умумий йиғилишида овоз бериш, эмитентнинг фаолияти ҳақида ахборот берилишини талаб қилиш ва ҳ.к. ҳуқуқидир. Қимматли қоғозларнинг асосий (фундаментал) хусусиятларига айланувчанлик, ликвидлилик ва хатар киради.

НОМИНАЛ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ - (номинальный валовой внутренний продукт) – Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган провард товар ва хизматларнинг жорий бозор баҳоларининг умумий йиғиндиси.

НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ - корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди. Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

НОРМА - (меъёр) – бу, белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш нормаларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу нормаларни камайтириш мумкин эмас.

НОРМАТИВ – бу, нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс этирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, оғирлик бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик қийматига маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), сутнинг мойлилик, винонинг спиртлилик даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.

НОРЕАЛ ЭҲТИЁЖ БЎЛГАНДА - эҳтиёжни қондириш учун даромад етарли бўлмайди.

НОТА (қарз мажбурияти) - қисқа муддатли (3-6 ой) пулли дастак бўлиб, банк билан келишув асосида қарз олувчининг ўз номига чиқарилади, бозорда жойлаштирилиши қафолатланади ва сотилмаган ноталар сотиб олинади, резерв кредитлар билан таъминланади. Кенг тарқалган ноталар – Евроноталардир.

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ - (некоммерческое предприятие) – Давлат ташкилоти бўлмаган, фойдани ўзаро тақсимламайдиган кишиларнинг барча турли бирлашмаси.

НОУ-ХАУ - (ноу-хау, кнов-хов) – Корхона ва профессионал фаолиятда амалий қўлланиладиган тажриба ва илмий, техник, ишлаб чиқариш, маъмурий, молиявий, тижорат характеридаги турли хил янги билимлар йиғиндиси; Ноу-хау дан фойдаланиш лицензия шартномаларини тузиш асосида амалга оширилади.

НУФУЗЛИ НАРХ - (престижная цена, престижоус прике) – Аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами, харид қиладиган товарларни сотишда қўлланилади.

О

ОБЛИГАЦИЯ – фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз. Давлат органлари томонидан бюджет дефицитини қоплаш учун ва акционерлик жамиятлари томонидан капитални жалб қилиш мақсадида чиқарилади. Акциядан фарқли ўлароқ облигацияда уни қайтариш (узиш) муддати кўрсатилади.

ОБОРОТ СОЛИҒИ - ишлаб чиқаришнинг якуний босқичида халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қийматидан олинadиган солиқ тури. *Асосан - уч хил метод бўйича аниқланади:*

1. чакана баҳо (савдо ва таъминот устамалари чегирилган) ва корхона улгуржи баҳоси ўртасидаги фарқ;

2. чакана баҳолардаги (савдо устамалари чегирилган) товар оборотга нисбатан фоизда;

3. маҳсулот бирлигига нисбатан абсолют пул суммаларида. Барча маҳсулотлардан олинмасдан, балки технологик занжирнинг

охиридаги маҳсулотдан олинади (масалан, чўян рудасидан эмас, балки музлатгич, автомобильдан олинади). Ҳозирги пайтда Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда бу солиқдан қўшилган қиймат солиғига ўтилган бўлса, АКШда унинг ўрнига сотувдан олинандиган солиқ жорий этилган.

ОДДИЙ АКЦИЯЛАР - уз эгасига акциядорларнинг умумий мажлисида масалаларни хал қилишда овоз бериш ҳукукини, белгиланган тартибда (жамият соф фойда берган йиллик ҳисобот умумий мажлисида дивиденд бериш бўйича қарор қабул қилса) дивидент олиш ҳукукини беради.

ОДДИЙ БУХГАЛТЕРИЯ УТКАЗМАСИ - деганда иккита ҳисоб катнашган, шундан бири дебетланган ва бошқаси кредитланган ўтказмага айтилади.

ОДДИЙ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ - (обычное лицензирование) – Юридик ва жисмоний шахсларга чекланмаган доирада бериладиган лицензиялар бўлиб, шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб бериши.

ОЗИҚ РАЦИОНИ - чорва молларига бериладиган йем-хашак турлари ва уларнинг озик меъёридаги салмоғини ифода қиладиган ҳужжат.

ОИЛА БЮДЖЕТИ - (бюджет семье) – Оиланинг мазкур вақтда вужудга келган пулли ёки жами даромадлари ва харажатлари.

ОЛИГОПОЛИЯ - сўзи грекча булиб (*олигос*- бир неча полеосотаман) сотувчиларнинг кимлигини билдиради. Олигопол тармоқларга мисол сифатида АКШнинг автомобил саноати, пулат, алюмин, электроускуналар ва компьютер тармоқларни келтириш мумкин. Бу тармоқларда ишлаб чиқариладиган умумий маҳсулот ҳажми бир неча фирмалар ҳиссасига тўғри келади.

ОЛИНГАН УЗОҚ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР – бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошқа юридик шахслардан вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

ОЛИНГАН УЗОҚ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР - бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

ОЛТИН ВАЛЮТА ЗАҲИРАСИ - (золотовалютные резервы) – Марказий банк ва мамлакат молия органларининг ҳамда халқаро валюта-кредит ташкилотларнинг хориж валютаси ва олтин заҳиралари.

ОЛТИН ЗАҲИРАСИ - (золото резервы) – Мамлакат марказий эмиссия банки ёки хазинаси қўйма ёки танга шаклида тўпланган марказлашган олтин резерв фонди.

ОПЕК - (Нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) (организация стран-экспортеров нефти, организацион оф петролеум эхпортинг коунтриэс) – 1960 йилда ташкил этилган. Таркибига Эрон, Ироқ, Венесуэлла, Қувайт, Саудия Арабистони, Қатар, Индонезия, Ливия, Бирлашган Араб Амирлиги, Алжир, Нигерия, Эквадор ва Габон давлатлари киради. ОПЕК жаҳон бўйича нефть савдоси ҳажмининг ярмига яқинини назорат қилади, ҳамда нефтга расмий баҳо белгилайди, кўпинча баҳонинг жаҳон даражасини аниқлаб беради. Штабквартираси Венада жойлашган.

ОПТИМАЛЛИК - ҳам режалаштириш тамойиллари қаторига киради. Режалар барча ишлаб чиқариш ресурсларидан чиқитлар ва йўлдош маҳсулотлардан кенг фойдаланишни инобатга олган ҳолда иложи борича рационал ва унумли фойдаланишни таъминлаши ҳамда юқори натижаларга эришиш учун энг самарали йўллари танлаши керак.

ОПЦИОН - бу муайян кимматли коғозларни келишилган баҳо ва муддатда сотиб олиш еки сотиш ҳукукини берувчи икки томонлама шартнома. У эгасига контракт (битимда) келишилган баҳода, белгиланган муддатда кимматли коғозларни еки товарларни сотиб олиш ҳукукини беради. Операцион сотув учун сотиш, харидор учун сотиб олиш ҳукукини беради.

ОПЦИОН ЁКИ МУКОФОТГА КЎРА САВДО-СОТИҚ - бу фьючерсинг бир тури булиб, унга кўра бир томон комисион тўлов асосида бирор товарни келажакда сотиб олиш ёки сотиш ҳукукини олдиндан келишилган нархда сотиб олади. Шунини айтиш керакки, фьючерс ҳам, опцион ҳам товарлар нархини вақт бўйича текислашга ёрдам беради.

ОРАЛИҚ ИСТЕЪМОЛ - (промежуточное потребление) – Ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

ОФЕРТА - (оферта) – Олди-сотди қилиш амалиётида қўлланадиган истеъмолчига маълум шартлар асосида товар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги ёзма таклиф.

ОХИРГИ ҚОЛДИҚ - бу сўёт бўйича ҳисобот даври охиридги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни «охирги сальдо» ҳам деб атайдилар.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - (акционерное общество открытого типа) – Акциядорлар ўзларига тегишли акциялари жамиятдаги ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши (сотиш, ҳадя қилиш ва бошқалар) мумкин бўлган акциядорлик жамияти. Очiq акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларига очiq ёки ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамиятда акциядорларнинг сони

чегараланмайди. Очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди 50000 АҚШ доллар эквиваленти сўммасидан кам бўлмаслиги лозим.

ОЧИҚ БОЗОРДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматлиқоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотишдир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматлиқоғозларни сотиб олар экан, шу билан тижорат банклари захираларини сотиб олинган облигациялар миқдори хажмида кўпайтиради. Бу захиралардан кредит бериб, тижорат банклари пул таклифини кенгайтиради. Облигацияларни сотиш салбий натижага олиб келади, яъни Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан захираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини пасайтиради

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ - (открытая экономика) – Мамлатнинг барча фуқаролари ҳалқаро товар ва капитал бозорида олди-сотди шартномаларини чекланмаган ҳолда амалга ошириш.

II

ПАЙ - (доля) – Қисм, аъзолик ҳиссаси, бадал, бирорта корхона ташкил этилганда аъзолари тулайдиган аъзолик бадаллари.

ПАЙЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ – шерикчилик асосида бизнес юритишга ҳисса кўшиш ва шу ҳиссага қараб даромад кўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар.

ПАЙ ФОНДИ - ширкат хўжалиги уставига мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулккий пайлари, ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай фондидаги улуши.

ПАССИВ - (пассив) – 1) Бухгалтерия балансининг бир қисми, корхонанинг ўз резервлари, бошқа муассасанинг заёмлари акс этади; 2) тўлов балансидаги камомад.

ПАССИВ САВДО БАЛАНСИ - (пассивный торговый баланс) – Мамлакатнинг унга келтириладиган товарлари (импорти) миқдорининг жўнатиладиган товарлари (экспорти) миқдоридан ошиб кетиши.

ПАССИВ СЧЁТЛАР – корхона активларини ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи хусусий капитал ва мажбуриятларни акс эттиришга мулжалланган счётлар.

ПАССИВ ТЎЛОВ БАЛАНСИ - (пассивный платёжный баланс) – Мамлакатнинг хорижий сарф-харажатлари ва тўловлари мамлакатга хориждан келиб тушадиган тушумларидан ошиб кетишини билдирувчи тўлов баланси.

ПАСТ ТОИФАЛИ ТОВАР - (товар низкого качества) – Даромадлар камайганда талаб ошадиган товар.

ПАТЕНТ - маълум бир ҳуқуқ ёки имтиёз берувчи ҳужжат. Масалан, савдо ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиш ҳуқуқи.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ доимий савдо нуқталарида (жойларида) савдони амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун вақтинчалик патентни сотиб оладилар. Патентда унинг берилиш муддати (патент амал қиладиган давр), савдо амалга ошириладиган маҳсулотлар гуруҳи ва савдо қилиш жойи ўз аксини топган бўлиши лозим.

ПЕНЯ – фуқаролик ҳуқуқида жазо чоралари (жарима)нинг кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

ПЕНСИЯ – қариллик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари учун ва боқувчисини юқотганда фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун пул суммаларининг кафолатланган ҳар ойлик тўлови. Унинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин: қариллик пенсияси; ногиронлик пенсияси, хизмат қилган йиллари учун пенсия; боқувчисини юқотганлиги учун пенсия; социал пенсия.

ПИРОВАРД МАХСУЛОТ - (конечный продукт) – Яқуний истеъмол учун сотиб олинадиган тугал маҳсулот (товар ва хизмат)лардир.

ПОДА ОБОРОТИ – чорва молларини ишлаб чиқариш ва хўжалик ихтисосига кўра улар бош сонининг ёш ва жинс гуруҳлари бўйича маълум муддат давомида ўзгариб туриши.

ПОДАНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ - чорва моллари сонини доимо янгилаб бориш, бош сонини кўпайтириб бориш, моллар зотини яхшилаш жараёни.

ПОДА ТАРКИБИ - айрим жинс ва ёшдаги моллар гуруҳларининг маълум муддатларда умумий подадаги салмоғи.

ПОЛИС - (fr.police, ital. polizza-tilxat)-шахсий ёки мулкый суғурта шартномаси тузилгани ва унинг шартлари ҳақидаги ҳужжат.

ПОРТФЕЛЬ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади.

ПОТЕНЦИАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ - (потенциал производство, потенциал мануфактуре) – Мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиб ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилган маҳсулот ҳажми.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ – инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

ПРОТЕКСИОНИЗМ - (протекционизм, протекционисм) – Давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамлакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилаши, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман таъқиқланади.

ПРОПОРЦИОНАЛЛИК - нафақат ишлаб чиқаришни режалаштиришда, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зарур пропорцияларга амал қилиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг цехлар ва иш жойлари бўйича ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида тўғри тақсимланишига ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашади. Пропорцияларга амал қилмаслик эса, аксинча, ишлаб чиқаришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бошқаларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига ҳамда корхоналарнинг норитмик тарзда фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда ишлаб чиқаришни ташкил этишни техник-иқтисодий нормалаштириш катта роль ўйнайди.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚ – солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши характерлидир. Прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдигани даромад солиғидир.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚҚА ТОРТИШ – солиққа тортиладиган сумманинг ўсишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа тортиш тизими. Улар куйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия – даромаднинг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мураккаб прогрессия – даромад қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади.

ПРОПОРЦИОНАЛ СОЛИҚҚА ТОРТИШ – солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фоизда ўрнатилади.

ПУДРАТ - (аренда) – Шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

ПУЛ - (деньги) – Ўзига хос товар, барча товарлар қийматининг умумий эквиваленти. Товар қийматини ифодалайди. Турлари: металл, қоғоз, кредит, электрон пуллар айирбошлашда умумий восита бўлиб хизмат қилади. Пул тўртта функция (вазифа)ни бажаради: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси, тўлов воситаси.

ПУЛ АГРЕГАТИ - (денежный агрегат) – Жамғарила бориб харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади,

бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қуйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради.

ПУЛ БАЗАСИ - (денежно-кредитная основа) – Муомаладаги нақд пуллар, корхоналарнинг кассадаги пуллари ва марказий тижорат банк захиралари.

ПУЛ БОЗОРИ - (денежный рынок) – Тижорат банк, давлат, фирма, хусусий шахсларнинг пул маблағлари ҳаракатига хизмат кўрсатади. Пул бозори инфляциянинг олдини олиш, бюджет дефицитини йўқотишга таъсир этади. Айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йиғиндиси.

ПУЛГА БЎЛГАН ТАЛАБ - (спрос на деньги) – Мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва хар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган пул миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операциялар харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

ПУЛ ИСЛОҲОТИ - (денежная реформа) – Мамлакатнинг пул тизимини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган давлат қонуний актлари.

ПУЛДА ИФОДАЛАШ ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил барча актив ва пассивларни, юз берган операцияларни миллий валютада, яъни сум ва тийинларда акс эттиришни билдиради.

ПУЛНИНГ КАДРСИЗЛАНИШИ - (обесценивание денег) – Қоғоз пулнинг маҳсулот ва хизматлар баҳосининг ошишида намоён бўлади.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ - (денежно-кредитная политика) – Тўлиқ бандлик шароитида ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар. Пул-кредит сиёсати давлат томонидан ва Марказий банк томонидан амалга ошириб, унинг ёрдамида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини бажаради.

ПУЛЛИ КАПИТАЛ ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ – дивидентлар, акция ва облигацияларнинг фоизлари, банкдаги омонатлар бўйича фоизлар, заёмлар бўйича ютуқлар ва бошқа шунга ўхшаш бир неча даромадлардан олинади. Австрия, Канада, Испания, Франция каби мамлакатларда амал қилади. Пулли капиталнинг эгасига даромад берилаётган пайтда солиқ ушлаб қолинади. Солиқнинг ставкаси 20%дан 40%гача тебранади.

ПУЛ МУОМАЛАСИ - (денежное обращение) – Товарларнинг пулларга айрибошланишини акс эттириб, муомала воситаси ва тўлов воситаси сифатида пулнинг ҳаракатига айтилади; товарларнинг

доиравий айланиши, хўжаликда товарсиз тўлов ва бошқа ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатади.

ПУЛ МИҚДОРИ (*massasi*) - (денежный масса) – Муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (ҳазина ва банк билетлар)и жами миқдори. Банкдаги барча пул воситалари ҳам киради. Пул миқдори аҳоли кўлида, кредит тизими кассалари, корхона ва ташкилотларда тўпланади.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ТУШУМИ ВА ЧИҚИМИ РЕЖАСИ - корхона пул оқимларини прогнозлаштириш натижаларини акс эттиришга қаратилган, пул маблағларининг йил бошидаги қолдиқ кўрсаткичи, режа давридаги тушум ва чиқими ҳамда пул маблағларининг йил охиридаги қолдиқ кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган режа тури.

ПУЛ ТИЗИМИ - товар муомиласининг ривожланишининг натижаси бўлиб, давлатлар томонидан қонунчилик асосида мамлакатда пул муомаласини ташкил этиш.

ПУЛНИНГ ХАРИД ҚОБИЛИЯТИ - (покупательная способность дене) – Пулнинг харид қобилияти; пул бирлигининг маълум товарлар сонига айирбошлаш қобилияти.

ПУЛ ЭМИССИЯСИ - (денежный эмиссия) – Давлат томонидан муомалага кўшимча миқдорда пул белгиларининг чиқарилиши.

ПУТ ОПЦИОНИНИ СОТИБ - олувчи фьючерсни олдиндан белгиланган нарх (опционнинг амалга ошириш баҳоси)буйича опционнинг амал қилиш муддати ичида сотиш ҳуқуқига эга.

Р

РАҚОБАТ - 1) басма-басликка беллашув 2) бирор-бир соҳада энг юқори натижага эришиш борасида олиб борилган кураш., 3) юқори фойда олиш мақсадида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш; хўжалик юритувчи шахсларнинг бозорда ўз маҳсулотини айнан шундай маҳсулотлар сотиш шартларига таъсир қилиш мақсадидаги беллашуви. Рақобат икки кўринишда: а) тармоқлараро; б) тармоқ ичида кўринишларда бўлади. Тармоқлараро Р.- турли йўналишларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг капиталини энг қулай жойлаштириш, кўп фойда олиш учун олиб борган кураши. Тармоқ ичидаги Р.- бир хил кўринишда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозор учун, маҳсулотни фойдали, қулай сотиш учун олиб борган кураши. Ҳалол Р- бозордаги курашда қабул қилинган қонун-қоида,, ҳаммага маъқул усулларга асосланади. Гирром Р ўз ичига қуйидаги характерли белгиларни олади: 1) рақиб ҳақида нотўғри ва ноаниқ маълумотлар тарқатиш; 2) маҳсулотнинг сифати, ишлаб чиқарилган жойи хусусида истеъмолчини алдаш, уни

адаштириш; 3) рақибнинг маҳсулот белгисидан, номидан нотўғри фойдаланиш; 4) паст сифатли маҳсулотларни реклама қилиш; 5) рақиб маҳсулотининг сифати тўғрисида асоссиз маълумот тарқатиш ва ҳ.к.

РАЦОНАЛ (ФОЙДАЛИ) ҲАРАКАТ - ресурслар чекланган шароитда энг кам сарф ҳаражат қилиб, фойдани максимал даражада ошириш учун қилинадиган иқтисодий ҳаракатдир.

РЕАЛИЗАЦИЯ - (реализация) – Сотиш, пуллаш; тарқатиш; амалга ошириш, фойда олиш, фоизли қоғозлар вексел ва бошқа қимматли нарсаларни пулга айлантириш.

РЕАЛ ДАРОМАД - (реальный доход) – Аҳолининг номинал даромадлари сўммасининг товар ва хизматлари сотиб олиш лаёқати. Аҳоли реал даромадига номинал даромад сўммаси билан бирга баҳолар даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалигининг куч-қувватини белгилаб беради.

РЕАЛ ИШ ҲАҚИ - (реальная заработная плата) – Реал, ҳақиқий иш ҳақи, инсоннинг ҳақиқий меҳнати учун олган ҳақи; моддий бойликлари ва хизматлар акс этган иш ҳақи; реал иш ҳақи номинал иш ҳақи миқдори, баҳо даражаси, хизматлар ва олинадиган солиқлар миқдори билан аниқланади.

РЕАЛ СОЛИҚ – солиқ тўловчининг айрим мулкларини солиққа тортадиган тўғри солиқлардан иборат.

РЕАЛ ФОИЗ СТАВКАСИ – бу ўзгармас (яъни, инфляция даражасига кўра ўзгартирилган) пул бирликларида ифодаланган жамғарма ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

РЕАЛ ХИЗМАТ - бу истемолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган аниқ моддий ҳаракатлардир. Ушбу хизматлар бажарувчилар, истемолчилар, уларни кўрсатишнинг аниқ шароитларига қараб яқка ҳолатда тартиблаштирилади.

РЕАЛ ЭҲТИЁЖ - деганда ушбу эҳтиёжни қондириш учун шахснинг даромади етарли бўлиши тақозо қилинади.

РЕАЛ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ - (реал валовой внутренний продукт) – Жорий нархларда ҳисобланган номинал ялпи ички маҳсулотни нархларнинг ўзгариш кўрсаткичи (инфляция даражаси) ҳисобига ҳисобланади.

РЕВАЛЬВАЦИЯ - (ревальвация) – Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрининг ошиши.

РЕВЕРС - (реверс) – 1) Танга, медалларнинг орқа томони, 2) банкнинг тўлов муддати етганда векселни сотиб олиш мажбурияти.

РЕГИОНАЛ БОЗОР - маълум ҳудуд доирасида товарларни олди-сотти қилиш муносабатлари. Р.Б. бир мамлакат доирасидаги регионлар ўртасида ёки бир неча чегарадош мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг, бинобарин, ишлаб чиқаришни ихтисослашувининг махсулидир.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚ – солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (оғирлиги) бойларга нисбатан камбағал қатламлар учун оғирроқ деб саналади. Масалан, қўшилган қиймат солиғини тўлаш учун камбағаллар бойларга нисбатан ўз даромадларининг кўпроқ қисмини (хиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

РЕГЛАМЕНТЛАШТИРИЛАДИГАН ҲИСОБ - деганда шакли ва мазмуни, юритиш техникаси ва тартиби маълум меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган ҳисоб тизими тушунилади. Тартибга солувчи ҳужжатлар бўлиб қонунлар, фармонлар, миллий стандартлар, низомлар, йўриқномалар ҳисобланади. Регламентлаштирилган ҳисобга Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоб ва статистик ҳисоб киради. Ушбу ҳисоб турлари шакл ва мазмун жиҳатдан ҳамма учун бир хилдир.

РЕГЛАМЕНТЛАШТИРИЛМАЙДИГАН ҲИСОБ - деганда шакл ва мазмуни, юритиш тартиби ва техникаси давлат томонидан белгилаб қўйилмаган ҳисоб тизими тушунилади. Бундай ҳисоб турларига оператив-техник ҳисобини, бошқарув ҳисобини, ишлаб чиқариш ҳисобини киритиш мумкин. Ушбу ҳисоб турларида қўлланиладиган регистрлар, уларнинг шакллари, юритиш тартиби ҳар бир хўжалик томонидан ўз хоҳишига қараб белгиланади.

РЕЖАЛАШТИРИШ – корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш йўллари ва суръати, тармоқлар ва бўлинмалар, такрор ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинлари ўртасида тўғри мутаносибликни (пропорционаликка) ташкил этиш жараёни, бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у иқтисодий тизимнинг келгуси ҳолатини, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилаб берувчи режаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан иборат.

РЕЖАЛАШТИРИШ УСЛУБИЯТИ – бу иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, корхоналарни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир. Аввалги режали иқтисодиёт шароитларида у аввало режа органларининг, ҳам собиқ иттифоқ миқёсида, ҳам алоҳида республикалар миқёсида амал қилган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмаларга таянар

эди. Иқтисодиётнинг муҳим соҳа ва тармоқларини жорий ва истиқболли режалаштириш ушбу кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

РЕЗИДЕНТ - (резидент) – Солиқ ҳуқуқлари бўйича фақат шу мамлакатда тегишли иқтисодий ҳудудида (камида бир йилдан ортиқ яшаган бўлиши шарт) яшаб турган юридик ёки жисмоний шахс.

РЕЗИДЕНТЛАР – календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилардан иборат. Шу мамлакатнинг резидентларининг даромадлари (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

РЕЗЕРВЛАР (Р) – бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун ҳисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, меҳнат таътили ҳақларини тўлаш учун ва шу кабилар.

РЕЗЕРВ ВАЛЮТАСИ - (резервная валюта)

1. Давлат хазинаси ва марказий банкка тегишли бўлган, қуйма ва танга олтинлар; хориж валюта маблағлари; халқаро ҳисоблар учун жамғармаси, сақлаб қўядиган валютаси;

2. ривожланган давлатларнинг халқаро ҳисоблар олиб бориш учун фойдаланиладиган миллий ва кредит пуллари.

РЕЗЕРВ КАПИТАЛИ - (резерв капитала) – Корхонанинг фойдасидан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўладиган, кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг тутиши натижасидаги харажатларни қоплаш учун мўлжалланган фонд.

РЕЙТИНГ - (рейтинг) – Даража, тоифага баҳо бериш. Махсус кафолатхоналар томонидан муайян қарздорнинг қарзини тулай олиш қобилияти ёки қимматбаҳо қоғозларнинг сифати ва ишончилиги аниқланадиган нисбийлик.

РЕКЛАМА - (fr.reklame)-товар ёки кўрсатиладиган хизмат тўғрисидаги холис ахборот, уларни кўпроқ сотиш мақсадида харидорларга уларнинг хоссалари, афзалликлари ва сотиб олиш шартларини етказиш. Р. махсус фирмалар орқали амалга оширилади ва юқори даромад манбаи ҳисобланади.

РЕКОНСТРУКЦИЯ - (қайта тиклаш) – Фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш.

РЕНТАБЕЛЛИК- (nem. rentabel -фойдали, даромадли)-фойда олиш даражаси. Р. маълум давр мобайнида олинган фойда микдорининг

шу даврда сарфланган асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот воситалари қиймати йиғиндисига ёки маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари- таннархга нисбати сифатида фоизларда ҳисобланади.

РЕНТА ДАРОМАДЛАРИ – ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга бериш натижасида оладиган даромадлари.

РЕПОРТ - (репорт) – Муддатли битим тури; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини (биржа савдогапи, тижорат банки ва б.) банкка маълум муддатдан кейин янгича, яъни анча юқори нархда харид қилиш шarti билан сотиш; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини сотиш ва харид қилиш нархи ўртасидаги фарк.

РЕСУРС – французча «ressourkes» сўзидан келиб чиқиб, восита, заҳира, имконият, бирор-бир нарсани, бойликларни манбааси мазмунини билдиради.

РЕСУРСЛАР (ресурсы) – 1) Ресурс, имконият, бойлик манбаи; чора, илож. *Масалан:* иқтисодий ва молиявий ресурслар; 2) ишлаб чиқаришни таъминлайдиган омил ва воситалари. Иқтисодий ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олади: табиий (хом ашёвий, геофизик), меҳнат (инсон капитали), капитал, муомила воситаларини, информацион ва молиявий ресурслар.

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

РЕФАКЦИЯ - (рефакция, рефракцион) – Маҳсулот сифати шартномада келишилгандан пастроқ бўлса, нархнинг туширилиши (пасайтирилиши).

РУҲАН ЭСКИРИШ - яъни имлмий-техник тараққиёт натижасида ишлатилаётган асосий фондларга нисбатан қудратлироқ, унумдорлироқ янги меҳнат куруллари яратилиши натижасида эскиларини ишдан чиқарилиши тушунилади.

РЭКЕТ - (рэкет, ракет) – Зурлик ишлатиш, шантаж қилиш, дук ва пуписа билан пора олиш, даромадларга шерик бўлиш. Рэкетни амалга оширувчи киши рэкетчи деб аталади.

С

САВДО - (торговля, траде) – Товар ва хизматларни олди-сотди қилиш шакли. Савдо меҳнат тақсимооти натижасида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бир-бирлари билан боғловчи махсус фаолият сифатида келиб чиққан.

САВДО АГЕНТИ - бир ёки бир қанча корхоналар товарларини шартнома асосида сотадиган вакил.

САВДОНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ - деганда, муомаладаги меҳнат предметлари ва айрим ишлатилиш муддати 1 йилгача бўлган меҳнат қуроли қийматининг пулдаги ифодаси тушунилади. Айланма фондларга айрим кассадаги ва ҳисоб рақамларидаги молиявий муносабатлар билан боғлиқ бўлган маблағлар ҳам киритилади.

САВДО БАЛАНСИ - (торговый баланс, мерчандисе траде баланке) – Ташқи савдода экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловлар ўз аксини топади, савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар балансида ўз аксини топмайди.

САВДО БАЛАНСИНинг ИЖОДИЙ САЛЬДОСИ - (торговый излишек активном сальдо, траде сурплус) – Ҳисобот даврининг охирига келиб экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келиши.

САВДО БАЛАНСИНинг ДЕФИЦИТИ - (торговый дефицит, траде дефикит) – Ҳисобот даври охири келиб импорт бўйича қилинган жами харажатларни экспорт даромадларидан устун келиш вазиятигача иқтисодий суръатларнинг ўсиши билан характерланади.

САВДО-ВОСИТАЧИЛИК ОПЕРАЦИЯСИ - (торгово-посредническая операция, традинг интермедиарй оператион) – Мижоз топшириғи бўйича қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларнинг олди-сотдиси ёки қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдисида воситачилик қилиш.

САВДОНИНГ МОЛИЯСИ – бу пул даромадлар ва пул воситалари фондларини шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий (конкрет ҳолда пул) муносабатларидир.

САВДО ПАЛАТАСИ - (торговая палата) – Турли давлатлар ўртасида ташқи савдо алоқаларини ривожланишига таъсир этиш мақсадида ташкил этилган ижтимоий ташкилот. Масалан, савдо-саноат палатаси.

САВДО СИЁСАТИ - давлат томонидан халқаро савдога солиқ, субсидия, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклаш сиёсатлари олиб бориш орқали таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

САВДО УЙИ - савдо корхонасининг махсус тури, ихтисослашган ёки сертармоқ бўлади. Ихтисослашган СУ айрим товарлар билан, масалан, уст кийим, оёқ кийими, газлама ва ҳоказолар билан универсал (сертармоқ) СУ ҳар хил товарлар билан савдо қилади.

САЛЬДО - (итал.салдо-ҳисоб.қолдик)- қолдик, маълум бир муддатда кирим ва чиқим орасида вужудга келган фарқ; бухгалтерияда-дебет ва кредит, умумий актив ва пассив ўртасидаги тафовут, фарқ; халқаро савдода- экспорт ҳамда импорт ўртасидаги фарқ.

САМАРА – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда *ишлаб чиқариши самарасини*, пул шаклида эса *иқтисодий самарани* тавсифлайди.

САМАРАДОРЛИК - аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

САНАЦИЯ - давлат ёки йирик банк ёрдамида катта корхона ва фирмалар синишининг олдини олиш чора-тадбирлари.

САРФЛАР - (издержки) – Чиқим, харажат, сарфлар. Масалан: маъмурий, ялпи калькуляция сарфлар.

САРФ ХАРАЖАТ БАЛАНСИ - (расход баланса) – Макроиқтисодиётда ЯИМни ишалаб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи ички маҳсулот охириги истемол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

СЕРВИС – Жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

СЕРТИФИКАТ - (fr.kertifikat-тасдиқлайман, гувоҳлик бераман) - бу гувоҳлик берувчи ҳужжатдир. М : аудитор сертификати- эълон қилинган фирма балансининг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта сертификати- бу суғурта шартномасининг шартлари қайд этилган ҳужжат. Акционерлик сертификати- бу ўз эгасининг жамият (компания) капиталининг бир қисмига эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат. Ташқи иқтисодий алоқаларда товар сифати гувоҳномаси ва ҳ.к.

СИНДИКАТ - (синдикат) – Бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишининг бирлашиши.

СИНОВ БАЛАНСИ – бу вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган, шунингдек 1 январгача айрим счетлар бўйича ҳисоб-китоблар маълум сабабларга кўра охиригача амалга оширилмаган ҳолда тузилган дастлабки баланс. Бундай балансни тузиш тартиби чет эл корхоналари амалиётида кенг тарқалган.

СИНТЕТИК СЧЁТЛАР – бу маълумотларни фақат пул ифодасида қайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар.

СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ - корxonанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни нисбий катталиклар: меҳнат маҳсулдорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг базис даврга (ёки

режа ҳисоботига) нисбатан фоизларда камайиши, маҳсулотнинг тўлиқ таннархига нисбатан фоизларда даромад ҳажми, корхона рентабеллик даражасининг ўсиши ва шу кабилар ёрдамида тавсифлайди.

СМЕТА - (смета) – Қурилиш, монтаж ишлари, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун кетган меҳнат, материал ва пул харажатлари миқдори белгиланган ҳужжатлар йиғиндиси; молия режасининг бир тури, бунда асосан харажатлар акс эттирилади.

СМЕТАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ – ноишлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотлари харажатларини қоплаш методи.

СОЛИҚ - (налог) – Давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини бюджетга жалб қилиш. Масалан: даромад, акциз ва бошқа солиқлар.

СОЛИҚЛАР – қонунда белгиланган тартибдаги ставка бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан ва фуқаролардан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинadиган мажбурий тўловлар. Солиқ, йиғим, бож ва бошқа тўловлар дейилганда қонуний актлар асосида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга мажбурий бадалларнинг тўланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинadиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади.

СОЛИҚ АСОСИ, НЕГИЗИ (базаси) – умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йиғиндиси.

СОЛИҚ БАДАЛЛАРИ (тўловлари) – солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалар. Уларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

СОЛИҚ ДАВРИ - солиқ базасининг (негизининг, асосининг) шаклланиш жараёни тугайдиган муддат. Бу муддатда солиқ мажбуриятининг якуний ҳажми (миқдори) аниқланади. Қонун томонидан белгиланган солиққа тортиш даври давомида бир объект солиқнинг бир тури бўйича бир марта солиққа тортилиши мумкин.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ - (налоговая декларация) – Солиқ тўловчининг маълум бир вақт давомида олган даромад миқдорини билдирувчи ҳужжат, ёзма баёнот ва гувоҳнома.

СОЛИҚ КВОТАСИ – солиққа тортишнинг маълум бирлигидан олинadиган солиқнинг миқдори, ҳажми, ўлчами.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ - давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши,

ўзгариши ва тўхташини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

СОЛИҚ КРЕДИТИ – минтақавий солиқ органи томонидан корхонага бериладиган ва тегишли шартнома билан расмийлаштириладиган кредит. Одатда инвестициялар ва инновацион харажатларни амалга ошириш учун қайтарувчанлик ва ҳақлилиқ асосида берилди. *Қаранг: Инвестицион солиқ кредити.*

СОЛИҚ НАЗОРАТИ – юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан амалга ошириладиган назорат. Назорат текширув ишларини амалга ошириш давомида бевосита корхонанинг ўзида (хужжатли текширув) ёки корхона томонидан белгиланган муддатларда такдим этиладиган ва солиқ органи ихтиёрига келиб тушадиган банк хужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари асосида (камерал текширув) амалга оширилиши мумкин. Корхоналар устидан доимий назоратга солиқ органларида ҳар бир солиқ тури ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва келиб тушиш устидан оператив бухгалтерия ҳисобини жорий этиш орқали эришилади.

СОЛИҚ ОҒИРЛИГИ (юки, “зулми”) - давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга ошириладиган моделидан келиб чиқадиган ўлчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга (ялпи ички маҳсулотга) нисбати билан аниқланади.

СОЛИҚ СТАВКАСИ – солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан абсолют суммаларда ўрнатилади. Пропорционал ставкалар даромаднинг ҳажмига (миқдори) боғлиқ бўлмаган ҳолда унга нисбатан бир хил фоизларда белгиланади. Прогрессив солиқ ставкалари солиққа тортиладиган даромад ҳажмининг ортиши билан ошиб боради. Регрессив солиқ ставкалари эса, аксинча, даромаднинг ортиб бориши билан пасаяди.

СОЛИҚЛАРНИНГ ТУРЛАРИ – Ўзбекистон ҳудудида олинадиган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборат. Умумдавлат солиқларининг таркибига юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, ер ости бошлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан

фойдаланганлик учун солиқ кабилар киради. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини сотганлик учун солиқ, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги маҳсулотларни сотиш ҳуқуқини буерувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободонлаштириш ишлари учун йиғимлардан иборатдир.

СОЛИҚ ТИЗИМИ - мамлакат доирасида (ҳудудида) тўловчилардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакл ва услублари йиғиндиси.

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ – Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлар қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколатли банкларнинг ҳисоб-китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ – қонуний равишда ўрнатилган солиқ ундириш (олиш) тартиби. Иқтисодиётни тартибга солиш солиққа тортишнинг асосий функциясидир. Солиқ сиёсатининг ричаглари ёрдамида давлат хўжалик конъюктурасининг ҳолатига таъсир кўрсатади ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Солиққа тортишнинг бошқа бир функцияси пул маблағларини қайта тақсимлашдир. Солиққа тортишнинг бир-биридан фарқ қилувчи дигрессив, прогрессив, пропорционал ва регрессив турлари мавжуд.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАНБАИ - солиқларни тўлаш учун фойдаланиладиган резерв, одатда, солиқ тўловчининг даромади ва капитали. Энг умумий шаклда солиққа тортиш манбаи бўлиб солиққа тортиш объектидан қатъий назар ижтимоий такрор ишлаб чиқариш асосий қатнашчиларининг ва давлатнинг бирламчи пул даромадларини шакллантирувчи ялпи ижтимоий (ички) маҳсулот ҳисобланади.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ НОРМАСИ – солиққа тортиладиган қийматнинг ҳақиқий қийматга нисбати.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТЛАРИ – қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир маҳсулотлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш (мерос, ҳадя этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объекти бир турдаги

солиқ билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯЛАРИ – солиққа тортиш амалиётини назарий жиҳатдан асослашга уриниш. Солиққа тортиш назарияси тарихида энг долзарб муаммо сифатида қуйидаги саволларнинг жавобини излаб топиш саналади: Бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискаль усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? Буларнинг қайси бири афзал? Қайси бири мақсадга мувофиқ? ва ҳ.к.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР – қонун ҳужжатларига кўра солиқ тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тўловчиларнинг бошқа тоифалари.

СОЛИҚ ТУЛАНГУНГАЧА ОЛИНГАН ФОЙДА - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарарлар сифатида аниқланади.

СОЛИҚ ТЎХТАТУВЧАНЛИГИ (тўсқинчилиги) – солиқ прогрессиясининг нопрорционалиги билан характерланадиган солиққа тортиш тизими. Маълум даражадан юқоридаги даромадларга янада юқорирок (кўпроқ) солиқ ўрнатилади. Бунинг натижасида юқори даромадга эга бўлиш фойдасиз бўлганлиги учун тижорий фаолият сусаяди (пасаяди).

СОЛИҚЛАРНИ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ – Солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

СОЛИҚЛАРНИНГ ФИСКАЛЬ ФУНКЦИЯСИ – солиқларнинг энг асосий ижтимоий мўлжалланганлигини ўзида акс эттиради, давлатнинг молиявий натижаларини шакллантиради, унинг ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган ресурсларни бюджет тизими ва нобюджет фондларга тўплаш имконини беради.

СОЛИҚЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ – шу иқтисодий категориянинг даромадларни қиймат жиҳатидан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш инструменти сифатида ижтимоий мўлжалланганлигининг қай даражада амалга оширила-ётганлигини кўрсатади. Солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради: фискаль; тартибга солиш (рағбатлантириш).

СОЛИҚ ХИСОБ-КИТОБЛАРИ – юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маълум ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ

қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади.

СОЛИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ – давлатнинг қонун актлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) принциплари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг элементлари таркибига қуйидагилар киради:

1. солиқ субъекти (солиқ тўловчи);
2. солиқни ўзида ташувчи (намоён этувчи);
3. солиқ объекти;
4. солиқ манбаи;
5. солиққа тортиш бирлиги;
6. солиқ ставкаси (солиққа тортиш нормаси, меъёри);
7. солиқ имтиёзлари;
8. солиқ оклади.

СОЛИҚ ЮКИ – Маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

СОТИШ ЖАРАЁНИ - деганда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади.

СОТИШ ҚИЙМАТИ – бу асосий воситаларнинг сотиш вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

СОТИБ ОЛИШ СОЛИҒИ - давлат даромадларини кўпайтириш ёки айрим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни чеклаб қўйиш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлардан олинадиган солиқ. Одатда экспортга мўлжалланган маҳсулотлардан олинмайди.

СОТИШДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ – айрим хорижий мамлакатларда (масалан, АҚШнинг айрим штатларида) қўлланилади ва истеъмолдан олинадиган эгри (билвосита) солиқни ўзида гавдалантиради. Одатда, бу солиққа истеъмол маҳсулотлари (ресторанлар бундан мустасно) тортилмайди.

СОТИБ ОЛИШ ҚОБИЛЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ – учинчи даражада – булар бор моддий ва товар ресурслари ҳамда аҳолининг пул даромадлари билан чегараланган бўлади.

СОТИШ СОЛИҒИ – маҳсулотларнинг сотиш қийматиغا нисбатан фоизларда белгиланадиган ва ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган солиқ. Акцизларнинг кўринишларидан бири.

СОФ ЖОРИЙ ҚИЙМАТ - (НПВ) - инвестициялаш объектдан фойдаланиш даврида олдиндан қатъий белгиланган ва ўзгармас фоиз ставкасида олинадиган даромадлар ва қилинадиган харажатларнинг алоҳида муайян даврдаги барча кирим ва чиқимларнинг дисконтлаштирилиши йўли билан олинган ва улар ўртасидаги фарқни ифодаловчи қиймат. Унинг моҳияти шундаки, йиллик соф пул оқими миқдори ҳар бир давр учун лойиҳани амалга оширишнинг бошланғич йилига келтирилади ва у оқибатда ўзини пул миқдорида соф жорий қиймат ёки соф дисконтлаштирилган даромад сифатида намоён этади.

СОФ ИНВЕСТИЦИЯ – ялпи инвестициядан қоплаш учун сарфланадиган маблағни ажратгандан кейинги қолган қисми. *Соф инвестиция = Ялпи инвестиция – Амортизация ажратмаси (қоплаши).*

СОФ ИЖТИМОЙ НЕЪМАТ – бу барча фуқаролар томонидан, жамоа томонидан истеъмол қилинадиган неъмат бўлиб, ушбу истеъмол алоҳида инсоннинг ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлиқ эмас.

СОФ МОНОПОЛИЯ - бу битта сотувчи ва кўп харидорлар катнашган бозор, ёки ўрнини босадиган товар бўлмаган товарни сотадиган ягона сотувчи бўлган бозор вазияти, ёки тармоқда ягона хукмрон фирма булиб, фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш чегараси тармоқ чегарасига тенг бўлган бозор. Соф монополия ва рақобатлашган бозор бир-бирига тескари бозорлар ҳисобланади.

СОФ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ - (чистый национальный продукт) – Макроиктисодий кўрсаткич бўлиб, у ЯММдан амортизация ажратмалари жами миқдорининг айирмаси кўринишида ҳисобланади.

СОФ ФОЙДА - корхона молиявий фаолияти натижасида кўрилган даромаддан маҳсулот таннархи ва солиқлар ҳисобланганидан сўнг корхона ихтиёрида қолдирилган фойда.

СОФ ХУСУСИЙ НЕЪМАТ – бу шундай неъматки, унинг ҳар бирлиги маълум тўловга сотилади. Соф ижтимоий неъматнинг соф хусусий неъматдан асосий фарқи – у бўлақларга бўлинмайди ва бўлақларга бўлиниб ҳам сотилмайди. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлақларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлақларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир

СОФ ЭКСПОРТ - (чистый экспорт) – Мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ - қариганда, ногиронлик бўйича, боқувчисини юқотганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатларда

фуқароларни моддий таъминлаш учун миллий даромаднинг бир қисмини пул маблағларининг ижтимоий фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ бўлган тақсимлаш муносабатлари тизими.

СПОНСОР - (angl.sponsor)-биронта тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи пулдор, обрў-еътиборли шахс, фирма, корпорасия, ташкилот ва бошқалар.

ССУДА КАПИТАЛИ - (ссуда капитал) – Фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилган ялпи пул маблағи.

ССУДА КАПИТАЛИ ЖАҲОН БОЗОРИДА - (ссуда капитал в мировом рынке) – Халқаро кредит операциялари руй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг халқаро бозори.

ССУДА ФОНДИ - (фонд ссуды) – Қарзга берилган ва банкларда тўпланган пул маблағлари.

ССУДА ФОИЗИ - капитал эгасига унинг капиталидан маълум муддат оралиғида фойдаланганлиги учун тўланадиган нархдир.

СТАБИЛИЗАЦИЯ - (стабилизация) – Барқарор бўлиш, мустаҳкамлаш. *Масалан* - нарх-навони барқарор бўлиши, пул муомаласини мустаҳкамланиши.

СТАГНАЦИЯ - иқтисодиётни турғунлик ҳолига тушиб қолишидир.

СТАТИСТИКА - қадимда италиянча “Стато” ёки “Стати” сўзидан олинган бўлиб «давлат» мазмунини билдирган.

СТАТИСТИКА ХИСОБИ - деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва жараёнларни соний акс эттирадиган ва сифат жиҳатдан изоҳлайдиган ҳисоб тизими тушунилади. Статистика ҳисобининг асосий маҳсули бўлиб статистик ҳисоботлар ҳисобланади. Статистик ҳисоб маълумотларни туман, вилоят ва яхлит мамлакат доирасида жамлайди. Статистик ҳисоб давлат томонидан стратегик бошқарувни олиб боришга асос ҳисобланади.

СТАНДАРТ КРЕДИТ - (стандартный кредит) – Олинган кредит бўйича вақти-вақти билан кредитни ўз вақтига қайтара олмаслик шароити юзага келиши, кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаслик, тўлов муддатининг узайтирилиши бир марта оширилиши, кредитни фоизларини тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун муддатга тўланиши.

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ - хўжалик юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У корхона раҳбариятининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади ҳамда ривожланишнинг устивор йўналишларини топиш ва бозорда юзага келиши мумкин бўлган талабни инобатга олган ҳолда ресурс билан таъминлашга қаратилган. Стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5

йилга мўлжалланган *узоқ муддатли режалаштириш* амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади ҳамда ўз мазмуни ва мақсадли функцияларига кўра, стратегик режалаштиришдан фарқ қилмайди.

СТРАТЕГИЯНИНГ МАКСИМАЛ РИСКИ – опционнинг амалга ошириш баҳоси айрилган мукофот бўлади, чунки агар пут амалга оширилса, унинг сотувчисига фьючерсларни амалга ошириш баҳоси буйича сотиб олишга тугри келади.

СУҒУРТА – ноқулай (тасодифий) ходисалар ва воқеликлар содир бўлганда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан етказилган моддий зарарларни қоплаш (тиклаш) учун пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш буйича қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида соҳаси.

СУҒУРТА БОЗОРИ – олди-сотди объекти ўзига хос товар – суғурта хизмати - бўлган ва унга нисбатан таклиф ва талаб шаклланадиган пул муносабатлари соҳаси. Суғурта ҳуқуқӣ муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг шакли.

СУҒУРТА БОЗОРИ АССОРТИМЕНТИ – суғурталанувчи мурожаат қилиши мумкин бўлган суғурта турли кўринишларининг (турларининг) тўплами (мажмуи).

СУҒУРТА ГУВОҲНОМАСИ (СУҒУРТАВИЙ ПОЛИС) – тузилга суғурта шартномаси ва унинг шартлари мазмунини ўзида мужассам этганлигига гувоҳлик берувчи суғурталовчи томонидан суғурталанувчига ўрнатилган намунага мувофиқ бериладиган ҳужжат. Суғурталанувчига у томонидан биринчи марта ёки бир марталик суғурта бадали тўланганидан сўнг берилади. Унда суғуртанинг асосий шартлари: суғурталанувчининг фамилияси ва исми шарифи, унинг реквизитлари, суғурта ҳажми, суғурта мажбурияти ҳажми, суғурта суммасининг миқдори, суғурта тарифи, суғурта қопланмасини олувчи ва бошқалар ўз ифодасини топади.

СУҒУРТА МУКОФОТИ – қонун ёки суғурта шартномасига мувофиқ равишда суғурталанувчининг суғурталовчига суғурта риски учун ҳақ тўлови. Тариф ставкаси, суғурта суммаси, суғурта муддати ва бошқа омилларга боғлиқ равишда аниқланади.

СУҒУРТА РЕЗЕРВЛАРИ – суғурта бадаллари ҳисобидан шаклланадиган ва биринчи навбатда, суғурталанувчиларга суғурта тўловларини амалга оширишга сарф (харж) қилинадиган махсус фондлар. Даромадларга эмас, балки суғурталовчининг мажбуриятларига боғлиқ равишда шаклланади (ташқил қилинади).

СУҒУРТА ХИМОЯСИ - ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасига нисбатан етказилган юқотмаларга барҳам бериш ёки уларни қоплаш (тиклаш) билан боғлиқ бўлган ўзига хос тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларининг мажмуини ўзида мужассам этган иқтисодий категория(кенг маънода); конкрет объектларга: моддий бойликлар, ҳаёт, соғлиқ, фуқароларнинг меҳнатга лаёқатлилиги ва бошқаларга етказилган зиёнларни тиклаш ва уларга барҳам бериш борасидаги қайта тақсимлаш муносабатларининг мажмуи (тор маънода).

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ – суғуртанинг аниқ бир тури шартларига мувофиқ ўзаро мажбуриятларни тартибга солувчи суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги битим (юридик келишув). Суғурталанувчининг ёзма аризасига мувофиқ тузилади, айрим ҳолларда оғзаки тузилишига ҳам йўл қўйилади, суғурта объекти тўғрисидаги зарурий маълумотларни (манзили, миқдорий ва сифат тавсифномаси, аҳволи ёки ҳолати ва бошқалар) ва суғурта рискени қабул қилишга суғурталовчининг розилигини ўзида мужассам этиши керак.

СУЗИБ ЮРУВЧИ ИНФЛЯСИЯ - бунда нархлар тез ўса бошлайди, йилига 10 фоиз атрофида ўсиши кузатилади.

СУЪБВЕНЦИЯ - (субвенция) – Ҳукумат маҳаллий органларига ёки хўжаликларни турли бўғинларига давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдам тури. Ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

СУЪБСИДИЯ - (субсидия) – Давлат бюджетидан корхона, ташкилот ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ.

СЧЁТЛАР – бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги ҳолати (бошланғич ва охирги), шунингдек уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

СЧЁТЛАРГА ЁЗИШ - деганда юз берган операция суммасини уларнинг дебет ва кредит томонларида акс эттириш тушунилади.

СЧЁТЛАРНИНГ ЁПИЛИШИ - деганда уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммаларини ҳисоблаш ва охирги қолдиқ суммаларини топиш тушунилади.

СЧЁТЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ - деганда уларнинг бош қолдиғини мос равишда дебет ва кредитда кўрсатиш тушунилади.

СЧЁТЛАР РЕЖАСИ – бу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қўлланиладиган счётларнинг тартиблаштирилган тизими. Ўзбекистон Республикасида счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома давлат аҳамиятига молик меъерий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу меъерий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш Молия Вазирлигига юклатилган.

Т

ТАБИЙ БОЙЛИК - (естественное богатство) – Миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилиган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

ТАБИЙ РЕСУРСЛАР УЧУН ТЎЛОВ - ер, сув, қазилма бойликларидан фойдаланганлик учун корхона даромадидан давлат бюджетига тўланадиган тўлов, жорий нормативлар бўйича белгиланади. Ушбу маблағлар, биринчи навбатда, табиат муҳофазаси тадбирларига сарфланади.

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ КЎШИШ - ушбу усул тасодифий йўқотишларни ўзгармас ҳаражатларга айлантириш орқали таваккалчиликни камайтиришга қаратилган.

ТАВАККАЛЧИЛИКНИ ТАҚСИМЛАШ - ушбу усулга кўра йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган таваккалчилик билан қатнашувчи субъектлар ўртасида шундай тақсимланадики, оқибатда ҳар бир субъектнинг кутиладиган йўқотиши нисбатан кичик бўлади.

ТАДБИРКОР - иқтисодий ресурсларини бир-бирига кўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган кишилар. Бундай хислатлар тадбиркорлик қобилияти деб юритилади.

ТАДБИРКОРЛИК - корхоналар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз қисми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлади. Корхоналар ҳаётида у, боқибеғамликка берилиш, турғунлик ва исрофгарчиликни инкор қилишни англатади. Корхона раҳбари ёки мутахассис тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлмаса, демак, у бўш ёки ёмон ходим, хизматда белгиланган соатларни ўтказиб ўтирувчи шахс ҳисобланади. Аксинча, тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, меҳнат сифатини кўтариш ва корхонанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўллари излаб топадилар.

ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ - (предпринимательский капитал) –Тадбиркор эҳтиёрида ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товар ва пул маблағлари.

ТАДБИРКОРЛИК КОБИЛИЯТИ - (дар предпринимательства) – Инсонда бўлган ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чўчимаслик ҳислатлари мажмуи.

ТАКЛИФ - (предложение) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдорига айтилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар сўммаси билан белгиланади.

ТАКЛИФ КОНУНИ - (закон предложения) – Товар учун нарх қанча юқори бўлса, бозорга ишлаб чиқарувчилар томонидан шу товарнинг кўплаб миқдори таклиф қилинади. Бу ҳолат уларни мавжуд товар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ундайди. Бу ўз навбатида товар таклифини ўстиради. Демак, нарх ошишига мувофиқ равишда таклиф миқдори ҳам ортади, нарх пасайиши билан таклиф ҳам қисқаради.

ТАКЛИФНИНГ НАРХ БУЙИЧА ЭЛАСТИКЛИГИ - бу нархнинг бир фоиз ўзгаришига жавобан, таклиф қилинадиган товарнинг миқдорини фоиз буйича ўзгаришини билдиради. Бундай эластикликнинг қиймати мусбат бўлади, нима учун деганда, ишлаб чиқарувчилар учун юқори нарх, уларни кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантиради.

ТАККОСЛАМАЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил ҳисобот маълумотларини ўзаро мос ҳисобот даврлари буйича (чораклар, йил) мавжуд реал тенденцияларни аниқлаш учун ўзаро таққослаш имкониятларини билдиради. Бундай таққослашлар учун ўтган йиллар маълумотлари таққослама баҳоларда қайта ҳисобланиши лозим.

ТАКСИМЛАНМАГАН ФОЙДА - (сохраненный доход) – Резерв фондига ажратмалар ва дивидентлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисми.

ТАКСИМЛАНМАГАН ФОЙДА СОЛИҒИ – алоҳида солиқ тўловчи сифатида тан олинган акционерлик компаниялари, банклар ва бошқа институтлар фойдасининг дивидентларга тақсимланмаган қисмидан олинади.

ТАКЛИФ ЭГИЛУВЧАНЛИГИ - нарх ўзгаришига нисбатан таклифнинг ортиб бориши.

ТАЛАБ - маълум вақтда нархларнинг маълум даражасида сотиб олиш мумкин бўлган товарлар хизматлар миқдоридир. Талаб пул билан таъминланган эҳтиёждир.

ТАЛАБ ИНФЛЯЦИЯСИ - (инфляция спроса) – Иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмайд қолган фазият.

ТАЛАБ КОНУНИ - (закон спроса) – Маълум бир товарнинг нархи қанчалик ошса, талабнинг миқдорига таъсир этувчи бошқа омиллар ёки шароитлар ўзгармас бўлганида шу товарнинг камроқ ҳажмига талаб

қуйилади; аксинча товар нархи пасайса, унга талаб ортади. Қисқаси, нарх билан талаб миқдори ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд. Ана шу акси алоқа талаб қонуни дейилади.

ТАННАРХ - (себестоимость) – Бирор товар ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг пулдаги кўриниши.

ТАРМОҚ - қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиш хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ишлаб чиқаришнинг бир қисми.

ТАРИФ - (тариф, тарифф) – Расмий белгиланган ставка, солиқ, тўлов йиғими; ставкалар тизими. Масалан, транспорт тарифлари, алоқа бўйича божхона тарифлари ва бошқалар.

ТАРАҚҚИЁТ БЮДЖЕТИ - давлат бюджетининг таркибий қисми, унинг капитал харажатлари таркибида шакллантирилади ва инвестицион лойиҳаларни кредитлаштириш, инвестициялаштириш ва кафолатли таъминлаш учун фойдаланилади.

ТАРКИБИЙ ИНҚИРОЗ - (структурный кризис) – Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар вужудга келиши натижасида, айрим тармоқларда кейин бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши ҳолати.

ТАРКИБИЙ (структурали) ИШСИЗЛИК - унга асосан малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан структурали ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида, маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса, ишчи кучи дархол ва тезроқ иш жойларини топа олмайди. Структурали ишсизлик истеъмол бозори маълум маҳсулотлар билан тўлдирилганда ва уларга эҳтиёж қолмаганда пайдо бўлади.

ТАРИФ СТАВКАСИ – турли гуруҳ ва категориядаги ишчиларнинг вақт бирлигидаги меҳнати учун тўланувчи ҳақнинг мутлақ (абсолют) ўлчамидир. Минимал тариф ставкаси ёки биринчи разрядли ставка бошланғич ҳисобланади. У энг оддий меҳнат турига тўланувчи ҳақ даражасини белгилаб беради.

ТАРТИБЛАШТИРУВЧИ СУБСИДИЯ – бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия бўлиб, у хусусий чекли ютуқни ижтимоий чекли ютуққа яқинлаштиради.

ТАРТИБГА СОЛИШ - (регулирование) – Иқтисодиётнинг маълум бир ҳолатида бўлишини таъминлаш. Иқтисодиётнинг

субъектлари алоқаларини ўзгаришни ёки қувватлашни таъминловчи, мақсадли йўналтирилган жараёнлар. **Масалан:** соҳаларни, пул-кредитни, молияни, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш.

ТАРТИБЛАШТИРАДИГАН СОЛИҚ – бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли ҳаражатни ижтимоий чекли ҳаражатгача кўтарадиган солиқ.

ТАШКИЛОТ - (организация, организатион) – Тизим элементларини тартибга солиш ва координация қилишга қаратилган бошқарувнинг таркибий қисми.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ - (внешнеэкономическая деятельность) – Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатларидир.

ТАШҚИ ҚАРЗНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – қарзни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш муддатларини узайтириш.

ТАШҚИ САВДО - (внешняя торговля) – Бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси (экспорт, импорт муносабатлар). Ташқи савдо асосида ҳалқаро меҳнат тақсимооти шаклланади.

ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ - (внешнеторговая политика) – Бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасида сиёсати. Бунда тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

ТАШҚИ ХАРАЖАТЛАР - (внешние затраты) – Ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган ҳаражат.

ТАЪМИНОТ - деб аталмиш бу жараённи, одатда, корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхонанинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғлиқдир.

ТАЪСИСЧИЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗЛАР – бу таъсисчиларга ҳисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи, шунингдек таъсисчилар сафидан чиқиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги ҳиссасини қайтарилмаган қисми.

ТАЪМИНОТЧИЛАРГА ТўЛАНДИГАН СЧЁТЛАР – бу олинган товар-моддий бойликлар учун таъминочиларга ўтказилмай қолинган қарз суммаси.

ТЕЖАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил ҳисоб ва ҳисоботни кам меҳнат ва молиявий маблағлар сарфлаб олиб боришни билдиради.

ТЕЗКОР – ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАШТИРИШ - техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, корхона фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

ТЕЗКОРЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини бошқарув органларига керакли вақтда ва ҳажмда беришни билдиради. Кечиктириб берилган маълумотлар ҳисобнинг бошқарув воситаси сифатидаги ролини пасайтиради. Аксинча, ўз вақтида берилган маълумотлар ҳисобни бошқарув воситаси сифатида ролини, унинг таъсирчанлик кучини оширади.

ТЕКШИРИШ - (проверить) – Назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ижро этишлари устидан ўтказиладиган назорат.

ТЕНДЕР - (тендер, тендер) – 1) Ёзма таклиф, оферта, талабнома; 2) қимматли қоғозлар, савдо учун обуна бўлиши ҳақидаги ариза; 3) муддатли шартномага кура товарни етказиб бериш тўғрисидаги хабарнома; 4) бозорда облигация ва ғазна векселини таклиф этиш воситаси; 5) халқаро савдо шакли. Савдо ташкилотчилари томонидан қатнашувчилар орқали маълум товарни етказиб бериш ёки маълум хизматларни бажариш таклифи қайд этилган қоғоз.

ТЕСКАРИ КОТИРОВКАЛАШДА - миллий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган хорижий валютанинг миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,004348 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида шу жумладан Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган.

ТЕХНОПОЛИС - (технополис) – Инновацион жараёни активлаштиришга мўлжалланган очик иқтисодий зона шаклларида бири.

ТЕХНОЛОГИЯ - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги амалий билимлардир.

ТЕХНОЛОГИК УСУЛ - (технологический способ) – Меҳнат воситалари, материяллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули.

ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ - корхона фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо)

жиҳатларини камраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Мазкур режалаштириш турининг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади.

ТИББИЁТ СУҒУРТАСИ – соғлиқни сақлаш бўйича аҳоли манфаатларини социал ҳимоя қилишнинг шакли. Суғурта ҳодисаси рўй берган пайтда фуқароларга тиббий ёрдам олинишини кафолатлайди. Икки шаклда амалга оширилиши мумкин: мажбурий ва ихтиёрий.

ТИЖОРАТ СИРИ - (коммерческая тайна) – Корхоналарнинг барча операциялари ва ҳужжатларини сир сақлаш. Бу давлат томонидан муҳофаза қилиниб, рақобат курашида бир восита ҳисобланади.

ТИКЛАНГАН ҚИЙМАТ – бу асосий воситаларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати. Бу қиймат вақтинчалик бўлиб, қўшимча қилинган харажатлар ва қайта баҳолаш натижаси асосий воситалар қийматига киритилгач бошланғич қиймат бўлиб қолаверади.

ТИКЛАНИШ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чоратадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

ТОВАР - бозордаги олди-сотти орқали айирбошланадиган меҳнат маҳсули. Т. ўзини ишлаб чиқарувчиларининг эмас, балки бозорда сотиш орқали бошқаларнинг талаб-еҳтиёжини қондириш учун яратилади. Т. истеъмол қиймати- бу унинг кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжларини қондириш хусусиятидир, алмашув қиймати эса унинг бошқа бир товарга алмашина олиш хусусияти, қиймат хусусиятидир.

ТОВАР БЕЛГИСИ - муайян фирма товарларига қўйиладиган белги. ТБ (савдо маркаси) фақат маълум фирмага тегишли бўлади ва уни бошқа фирмалар ўз товарларига қўяолмайдилар.

ТОВАР БИРЖАСИ - бир ёки бир неча хил товар билан улгуржи савдо-сотикни амалга оширувчи тижорат корхонаси, бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг ажралмас қисми бўлиб, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги олди-сотти алоқаларини олиб боради. ТБ икки гуруҳга бўлинади :1) очик биржа, бунда унинг аъзолари билан бир қаторда бошқа тадбиркорлар ҳам савдо қила олади; 2) ёпик биржа, бунда фақат биржа аъзоларигина битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ТОВАР ХУЖАЛИГИ - (бозор) бу товар ишлаб чиқаришга асосланган ва бозор орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминловчи, иқтисодий ташкил қилишнинг ижтимоий шаклидир.

ТОР ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ - (узкая денежная кредитная политика) – Валюта бозорида инвестиция, ҳисоб-ставкаси ва қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир қилувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курси мақбуллигига эришишдир.

ТРАНСФЕРТ - (трансфер) – 1) Хориж валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан иккинчисига ўтказиш; 2) номи ёзилган қимматли қоғозга эгалик қилиш ҳуқуқини бир шахсдан иккинчисига ўтказиш; 3) туристларни аэропортдан меҳмонхонага элтиш бўйича трансферт хизмати.

ТРАНСФЕРТ ТЎЛОВЛАРИ - (трансфертные платежи) – Давлат бюджетидан пенсия, стипендия ва турли нафақалар кўринишида аҳолига бериладиган тўловлар.

ТРАНСКОНТИНЕНТАЛ КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР - инвестиция киритиш учун қулай бозор шароити бўлган бошқа бир давлат ёки қитъага инвестиция экспортини амалга оширишдир. Асосий мақсад – бозорни эгаллаш ва шу континентда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

ТРАНСАКЦИОН ЁКИ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲАРАЖАТИ - бу товарлар алмашуви соҳасидаги ҳаражатлардир. Ушбу ҳаражат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

ТРАНЗИТ СЧЁТЛАР - деганда ҳисобот даврида корхонанинг даромад ва ҳаражатларини ҳисобга олиш учун қўлланилиб, ҳисобот даврининг охирида ёпилиб кетадиган ва қолдиққа эга бўлмайдиган счётлар тушунилади.

ТРАНСАКЦИОН ҲАРАЖАТЛАР - бу товар алмашиш соҳасидаги ҳаражатлардир.

ТРАНСАКЦИОН ҲАРАЖАТЛАР ЎЗ ИЧИГА ҚУЙИДАГИ ҲАРАЖАТЛАРНИ ОЛАДИ: ахборот олиш, ўзаро келишув ва учрашувлар билан боғлиқ ҳаражатлар, товарлар хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ ҳаражатлар, мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва бошқалар.

ТУГАТИШ БАЛАНСИ – корхона тугатилиши санасига тузилган баланс.

ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ НОРМАЛАШТИРИШ - Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли

босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилаётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

ТЎҒРИ (бевосита) СОЛИҚЛАР – даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ТЎҒРИ (бевосита) СОЛИҚҚА ТОРТИШ – шахсан ёки иш берувчи орқали солиқларни солиқ хизматларига тўғридан-тўғри тўлаш орқали амалга ошириладиган жамият аъзоларини бевосита солиққа тортишдан иборат. Аниқ бир шахснинг аҳволига боғлиқ бўлмасдан, балки унинг қандай маҳсулотларни сотиб олишига боғлиқ бўлган эгри (билвосита) солиққа тортишдан фарқ қилади.

ТЎҒРИДАН – ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

ТУЗАТИЛГАН СИНОВ БАЛАНСИ - мавжуд камчиликлар тузатилгандан сўнг, лекинда вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган баланс.

ТЎЛОВ АЙЛАНМАСИ – мамлакат иқтисодиётидаги барча пулли тўловлар (пул тўловларининг) мажмуи (йиғиндиси, тўплами).

ТЎЛОВ БАЛАНСИ - маълум бир давр (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида мамлакат томонидан хорижга тўланган тўланмалар ва хориждан олинган тўловлар ўртасида нисбат. Ўз ичига тегишли даврда мамлакат товарлари экспорти ва импорти қийматларини ифодаловчи савдо балансини, хизматлар балансини ва нотижорий тўловни олади. Буларнинг барчаси жорий операциялар бўйича тўлов балансини шакллантиради. Мамлакатнинг умумий тўлов баланси эса жорий операциялар бўйича тўлов баланси, капиталлар ва кредиторлар ҳаракати баланси, шунингдек, олтин ва валюта резервлари ҳаракати балансидан ташкил топади.

ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ КОЭФФИЦИЕНТИ (К_{ПЛ}) - корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади.

ТЎЛОВЛАРНИНГ НАВБАТЛИЛИГИ - бир неча муддатли ва муддати ўтиб кетган тўловлар мавжуд бўлганда ва уларни тўлиқ тўлаш (қайтариш, узиш) учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолда тўловчининг

ҳисоб варағидан пул маблағларини ўтказиш (олиш, ундириш) кетма-кетлиги.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ - одатда аҳоли истеъмол қиладиган ҳаётий неъматларнинг миқдори ва сифатига асосланади. Бу моддий неъматлар таркиби жуда ҳам хилма-хил. ТД кўрсаткичлари яхлит тизими шакланган бўлиб, унга туғилиш, ўлиш ва бошқа демографик кўрсаткичлар, ҳаётнинг санитария-гигиена шарт-шароитлари, озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, иш билан бандлик, меҳнат шароити, аҳолининг даромадлари ва харажатлари, нарх-наво даражаси, транспорт воситалари, дам олишни ташкил этилиши, ижтимоий таъминланганлиги, инсон эркинлиги каби кўрсаткич билан белгиланади.

ТУРМУШ СИФАТИ – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови ҳисобланувчи тушунча.

ТУШУМ - (выручка, биллинг) – Корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган пул маблағи; бирор нарсани сотишдан келадиган фойда; даромад кўринишидаги пул.

ТУШУНАРЛИЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил ҳисоб маълумотларини барча фойдаланувчилар учун тушунарлилигини билдиради.

У

УЗЛИКСИЗЛИК ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил корхонани доимо ҳаракатдаги субъект, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субъект сифатида қарайди. Бухгалтерия ҳисобини узликсиз юритилиши корхонанинг келажаги борлигидан дарак беради. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисоби корхонанинг келажакда равнақ топишига хизмат қилувчи восита ҳамдир.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ЗАЁМЛАР - (долгосрочные заемы) – Давлат томонидан олинадиган кредит. Заём облигациялари банк ёки омонат кассалари орқали аҳолига сотилади. Маълум муддатдан сўнг (5 йил) аҳолига заём облигациялари сўммаси қайтарилади.

УЙ ХЎЖАЛИГИ - (домашная хозяйство) – Иқтисодийнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилиниши.

УЙ-ЖОЙ СОЛИҒИ – кўчмас мулк солиғининг кўринишларидан бири бўлиб, бу солиққа уй-жойга эга бўлганлар тортилади.

УКЛАД- иқтисодий фаолият юритишнинг муайян шакли бўлиб, мулкчиликнинг бирор бир шаклига асосланади, ўзига хос иқтисодий муносабатлар, қонун-қоидалар амал қиладиган хўжалик типидир. М: майда товар хўжалиги.

УЛГУРЖИ БАҲО - корхоналар ёки мол етказиб берувчиларнинг катта миқдордаги ўз маҳсулотини бошқа корхона ёки ташкилотга кўтарасига сотадиган баҳолари.

УЛГУРЖИ НАРХЛАР - (оптовые цены) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда кўлланиладиган нарх.

УЛГУРЖИ САВДО - (оптовая продажа) – Товар ва хизматларнинг партияси билан ёки кўп миқдорда қайта сотиш ёки профессионал фойдаланиш учун сотиш.

УЛЧАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРАЖАТЛАР - асосан ўлчаш асбоблари учун ҳамда ўлчаш учун сарфланган ҳаражатлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда ўлчаш жараёни қийин кечади. Масалан, товар сифатини баҳолаш, ишга қабул қилинадиган ишчининг малакасини баҳолаш.

УМУМИЙ БОЗОР - (общий рынок, генерал маркет) – Бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

УМУМИЙ ДАРОМАД - Рақобатлашган бозорда фирма томонидан маълум миқдордаги неъматни сотишдан олган даромадига тенг

УМУМ ИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТЛИК - (общее экономическое равновесие) – Жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

УМУМДАВЛАТ МОЛИЯСИ - давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни яратиш мақсадида марказлаштирилган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими.

УНИФИКАЦИЯ – Турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа кўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

УНУМДОРЛИК - (производительность) – Ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги, унумлилиги; маҳсулдорлик, баракали фаолият. Маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва меҳнат ҳаражатлари ўртасидаги нисбат.

УНУМЛИ ИСТЕЪМОЛ - (эффективное употребление, эффективное использование) – Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан самарали фойдаланиши.

УНУМЛИ КАПИТАЛ - (производительный капитал) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган нарсалар (машиналар, асбоб анжомлар, фабрикалар, ускуналар ва ҳоказо).

УСЛУБИЯТ - иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг тамойиллари, қонун-қоидалари, ҳодисалари тизимидир.

УСТАМА - 1) пул ҳисобида маош устига қўшиб бериладиган қўшимча; 2) қўшимча равишда, такроран, яна; 3) маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлмаган, фақат уни тарқатиш билан боғлиқ бўлган, қўшимча равишда сарфланадиган (меҳнат, харажат ва шу кабилар).

УСТАВ - (устав) – Корпорация фаолиятининг тартиб қоидалари; корпорациянинг рўйхатга олинган хужжатларида ана шу тартиб қоидалар қайд этилади, уни бошқарувчилар ўз фаолиятида мазкур тартиб қоидаларга амал қиладилар.

УСТАВ КАПИТАЛИИ (ук) – бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.

УСТАВ ФОНДИ - (уставной фонд) – Таъсисчи (давлат, ташкилот, муассаса, меҳнат жамоаси, жисмоний шахс) томонидан корхонанинг доимий ихтиёрига бериладиган моддий ва пул маблағларининг йиғиндиси. Устав фондининг дастлабки миқдори корхона ташкил этилаётганида унинг устави қайд этилади ва асосий ҳамда оборот фондларини шакллантириш учун шахсий маблағларнинг асосий манбаи сифатида ишлатилади. Устав фонди миқдори ҳисобот даврининг бошида ва охирида бухгалтерия балансининг пасивида акс эттирилади ҳамда корхонанинг асосий фондалари қолдиқ қийматига ва оборот маблағларига бўлган энг кам эҳтиёжга мос бўлади. Устав фонди миқдори хўжалик фаолияти жараёнида ўзгармасдан қолмайди, у кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав фонди асосий воситаларда инвестициялар, меҳнат воситаларини қайта баҳолаш ёки индексациялаш ҳисобига кўпаяди; унинг камайиши асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, эскиришини ҳисоблаш, уларни қайта баҳолаш натижасида бўлиши мумкин. Устав фонди оборот воситаларида унга фойданинг бир қисми қуйилиши, товар-моддий бойликлар ва бошқа оборот воситаларини бепул олиш ҳисобига кўпаяди, ўтган йилги харажатларни ҳисобдан чиқариш, товар-моддий бойликларни арзонлаштириш ва бошқалар ҳисобига камайиши мумкин. *Бундай кўрсаткичлар қаторига* ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, меҳнат, таннарх ва жамғармалар бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин.

УТИШ ДАВРИ - (переходной период) – Бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қиладиган давр.

УЧЁТ - ҳисоблашиш, руйхатга олиш йўли билан нарсаларнинг борлигини аниқлаш ; ҳисоб-китоб.

Ф

ФАБРИКА - (фабрика) – Машина, техника турларини ва технологияни қўллашга асосланган ҳолда иш юритувчи саноат корхонаси.

ФАВҚУЛОДДА ДАРОМАД (зарар) - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.

ФАКТОРИНГ - (факторинг) – Савдо комисион операцияларнинг тури, бунда махсус-компания мижознинг дебитор қарзини мустақил тўлашни талаб қилади.

ФАКТОР (омил) ДАРОМАД - (фактор доход) – Ишчи кучи, капитал, мулк ишлаб чиқариш омилларининг қўлланилиши натижасида юзага келадиган даромад.

ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИ – Мамлакат фуқароларининг шинам ва бетахлика яшаши учун зарур бўлган турмуш шароитлари, товарлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш даражаси.

ФЕРМЕР - қишлоқ хўжалик корхонасининг эгаси. Мустақил иш юритувчи -тадбиркор.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ - мустақил хўжалик юритиш субъекти. Алоҳида шахс, оила ёки бир гуруҳ фуқаролар томонидан ердан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотишга асосланади. Ф.Х. эркин тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлиб, даромад олиш мақсадида тузилади.

ФИРМА ДЕГАНДА - мустақил хўжалик юритадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи иқтисодий субъект тушунилади. *Мустақил хўжалик фаолияти юритади деганда* - қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, каерда, кимга, қанча нархда сотиш бўйича фирманинг мустақил қарор қабул қилиши тушунилади.

ФИСКАЛ СИЁСАТ - (фискальная политика) – Ноинфляцион ялпи ички маҳсулот шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартиришни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуи.

ФОИЗ - (процент) – Ҳисса, устама, кўшимча фойда; фоиз; қарзга олган пуллари ёки материал буюмлар (қимматли нарсалар) фойдаланганлиги учун кредиторга заёмчининг тўлови.

ФОИЗЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАР - облигация эгасига вакти – вакти билан белгиланган даромадни олиб туриш ва тугатилаётганда облигация номинал кийматини олиш ҳукукини берувчи облигациялардир.

ФОИЗСИЗ (максадли) ОБЛИГАЦИЯЛАР – ушбу облигациялар буйича фоиз туланмайди, облигация буйича даромад номиналига нисбатан белгиланган дисконт хисобига пайдо булади (эмиссия бахоси номиналига нисбатан паст бахода белгиланади) ва факат облигация тугатилаётганда туланади. Максадли облигациялар мажбурий реквизитлари килиб, уларни чиқаришга асос килиб олинган махсулот (хизмат) белгиланади.

ФОИЗ ДАРОМАДИ - (процентный доход) – Пул эгасининг ўз пулини омонатга куйгани учун ёки ўзгаларга қарз бергани учун оладиган усими (фоизи) дан иборат бўлиб, даромад олишнинг бир тури ҳисобланади.

ФОИЗ СТАВКАСИ - (процентная ставка) – Ҳиссали, фоизли миқдор; белгиланган давр учун заёмчининг кредиторга тўлайдиган фоизли тўлови миқдори.

ФОИЗ СТАВКАСИ САМАРАСИ - шуни билдирадики, жами талаб эгри чизигининг силжиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига, демак, истемол харажатлари ва инвестицияларга бўлган таъсирига боғлиқ. Аниқ айтганимизда, агар баҳо даражаси ошса, фоиз ставкаси ҳам ошади, ўсган фоиз ставкалари ўз навбатида истемол харажатлари ва инвестицияларнинг камайишига олиб келади.

ФОЙДА (Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари (Х) ўртасидаги ижобий фарқ, яъни

$$Ф = Д > Х.$$

Демак, қанчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

ФОЙДАЛИЛИК МОТИВИ - (повод прибыли) – Тадбиркорлик фаолиятига сарфланган вақт ва пулдан фойда олиш истаги.

ФОЙДА НОРМАСИ - (норма возвращения) – Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фойдадаги ифодаси.

ФОЙДА ОЛМАЙДИГАН ТАШКИЛОТЛАР - Бозор шароитида бундай турдаги ташкилотларга фойда олиш мақсадида ҳаракат қилмайдиган касаба Уюшмалари, клублар, масчитлар, касалхона, коллежлар, хайрия жамиятлари ва бошқалар киради.

ФОЙДА СОЛИҒИ – хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасидан олиниб, бюджетнинг муҳим даромадларидан бири ҳисобланади. Бу тўғри (бевосита) солиқдир. Унинг суммаси солиқ тўловчи корхонанинг якуний молиявий натижаларига боғлиқ бўлади. Молия йилида солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойда солиғини тўловчилар ҳисобланади. Ялпи фойда билан маълум чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган фойда солиққа тортиш объектидир. Фойда солиғи барча солиқлар тўлангандан сўнг корхона ихтиёрига қолган фойда ҳисобидан тўланади.

ФОНД - давлат, корхона, фирмаларнинг бирор-бир мақсад учун мўлжалланган пул воситалари ёки моддий бойлиги, маблағлари.

ФОНД БИРЖАСИ - қимматбаҳо қоғозлар билан савдо-сотик қилиш мақсадида тузилган, доимо фаолият кўрсатиб турувчи биржа. Ф.Б. нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: вақтинча бўш маблағларга қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиб, уларни муомалага киритиш, қимматбаҳо қоғозларнинг бозор нархини аниқлаш; турли тармоқлар, корхоналар ўртасидаги капиталнинг айланишини таъминлаш ва бошқалар.

ФОНД БОЗОРИ - (фондовый рынок) – Қимматбаҳо қоғозлар бозори билан биргаликдаги ҳаракатда бўлиб, фонд биржалари, банклар, холдинглар каби акция ва бошқа турдаги қимматбаҳо қоғозлар чиқаради.

ФОРВАРД - (форвард) – Битим имзолангандан икки кун давр учун кейинги валюта ёки бошқа битим бўйича ҳисоб-китоблар.

ФОРС– МАЖОР - (форс-мажор) – Ёнғин, табиий офат, уруш каби кутилмаган воқеа ҳамда хосидаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган вазият.

ФРАНЧАЙС - (привилегия) – Савдо тармоғининг номидан фойдаланиб хусусий бизнес юритиш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома).

ФРАНЧАЙЗА - фойдаланиш учун тайёр корхона, фирма ёки машхур фирма маҳсулотининг савдо маркасидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилувчи бизнес юритиш усули.

ФРАНЧАЙЗИНГ - (франчайзинг) – Французча сўздан олинган бўлиб, “имтиёз, енгиллик” деган маънони билдиради.

1. Йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналарининг келишув шакли;

2. давлатнинг хусусий корхонага берадиган махсус имтиёзи.

ФРИКЦИОН ИШСИЗЛИК - (фрикционная безработица) – Ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшагини кутаётган.

ФУНКЦИЯ - бу математик тушунча булиб, боғлиқ ўзгарувчи билан эркин ўзгарувчилар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни ифодалайди.

ФЮЧЕРС - бу қимматли қоғозларни ёки товарларни келишилган муддатга, шартнома тузилган кунда урнатилган нархда келгусида (маълум бир санада) сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги тугрисидаги шартнома (катъий мажбурият)дир.

ФЮЧЕРСЛАР - бу олдиндан белгиланган нархларда маълум миқдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома. Фьючерс бозори ёрдамида қишлоқ хўжалик

махсулотлари, кофе, шакар ва бошқа товарлар сотилади. Фьючерс бозори ёрдамида ишбилармон маълум миқдордаги товарни бугунги нархда келажакда маълум муддатга қўйиш учун шартнома тузади.

Х

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ - (международный валютный фонд) – Халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси. 1944 йилда валюта курсларнинг ўртача муддатли валюта курсида заёмлар бериш йўли билан бир меъёردа сақлаб туриш учун тузилган.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ - (международная экономическая интеграция) – Жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларнинг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёни.

ХАЛҚАРО КРЕДИТ - (международный кредит) – Бир давлат, ҳуқуқий шахс томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларга бошқа ҳуқуқий шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида берилади.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ - (международное разделение труда) – Алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ - (международная финансовая корпорация) – Ҳукумат кафолатисиз хусусий капиталга юқори рентабеллик ва лойиҳаларнинг юқори самарадорлигига эришиш шarti асосида кредитлар бериш фаолияти билан шуғулланувчи муассаса, БМТнинг махсус муассасаси бўлиб, 1956 йилда ташкил этилган.

ХАРАЖАТЛАР - (расходы) – Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида юзага келган чиқим, харажатлар, сарфлар. Харажатларга сотилган маҳсулот таннари, ноишлаб чиқариш маъмурий харажатлар, фоизларни тўлаш, ижара тўлови, иш ҳақи, солиқлар киради.

ХАРИДОРЛАРДАН ОЛИНГАН АВАНСЛАР - бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан келиб тушган пуллар бўйича қарз суммаси.

ХАТАР – қимматли қоғозлар (шу жумладан, инвестициялар билан) операциялари билан боғлиқ йўқотишлар ва муқаррар равишда уларга хос эҳтимоллардир. Қимматли қоғозлар операцияларига доир хатарлар қандайдир бир операцияни бажаришда кўпгина тасодифий омилларнинг унга таъсири туфайли исталган натижага эга бўлмаслик эҳтимоли билан боғлиқ.

ХЕДЖИРЛАШТИРИШ - бу операция бўлиб, унга кўра фьючерслар бозори ва опционлар бозори ёрдамида бир таваккалчилик бошқа бир таваккалчилик билан копланеди. Ушбу операциянинг моҳияти шундан иборатки, нархлар ўзгариши билан боғлиқ таваккалчилик (йукотишлар) савдогар зиммасига юклатилади.

ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИ - (экспорт услуг) – Чет эл валюталари ҳисобига чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш. **Масалан:** чет эл фуқароларга сайёҳлик хизматини кўрсатиш.

ХИСОБ - бу хўжаликда юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизими. Демак, ҳисобнинг асосий маҳсули бўлиб ахборот, ҳисоб юритишнинг асосий мақсади бўлиб, бу ахборотларни аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш ҳисобланади.

ХИССАДОРЛИК КАПИТАЛИ - (акционерный капитал) – Ҳиссадорлик жамиятининг асосий капитали. У акциялар эмиссияси ҳисобига ташкил топади. У устав капитали, обуна капитали, тўланган капитал турларига бўлинади.

ХИСОБ СТАВКАСИ - (чет ставки) – Федерал резерв тизими банкларга ва бошқа молия муассасаларига берган қарзлар эвазига ундириб олинadиган фоиз.

ХИСОБЛАШ ТАМОЙИЛИ - Бу тамойил корxonанинг даромад ва харажатларини юз берган вақтига кўра тан олиш ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради. Солиқ Кодексига мувофиқ 1998 йил 1 январдан бошлаб барча корxonалар учун уларнинг мулк шаклидан қатъий назар сотиш моменти қилиб маҳсулот (иш, хизмат) ни жўнатиш (бажариш) санаси, улар учун тўлов пулини қачон келиб тушишидан қатъий назар, қабул қилинди.

ХОДИМЛАР МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ - ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақи – бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир. Иш ҳақининг *номинал* ва *реал* турлари мавжуд.

ХОЛДИНГ - (ингл.холдинг- эга)-ўзга фирма, корxonанинг назорат пакетини ўзида ушлаб турувчи бош компания. Х. кўл остидаги компанияларни ривожлантириб, даромадни кўпайтириш билан биргаликда ўзи ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан акционерлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ёки хусусий корхона сифатида ҳаракат қилади.

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ - (холдинговая компания, ҳолдинг компани) – Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида акция назорат пакетлари билан таъминланган компания.

